

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАФЕДРАСИ



АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР
фанидан ўқув – методик мажмуа

Билим соҳаси: 400000 - Қишлоқ ва сув хўжалиги

Таълим соҳаси: 410000 - Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

Таълим йўналиши: 5411100 - Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси

Гулистон – 2019

Ўқув–услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2018 йил 25.08 даги 744 - сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ахборот коммуникацион технологиялари” фан дастури (№ БД -5410100 -1.08), талаблари асосида тайёрланган.

Тузувчир: С.Х.Исликов - ГулДУ “Ахборот технологиялари” кафедраси
ўқитувчиси

Такризчилар: М.Е. Мамаражабов, Тошкент давлат педагогика университети,
«Информатика ва ТАТ» кафедраси мудири, педагогика
фанлари номзоди, доцент.

Д.Б. Абдурахимов, ГулДУ «Ахборот технологиялари»
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

Ўқув – услубий мажмуа Гулистон давлат университети Ўқув – методик
Кенгаши томонидан (____, _____ 2019 й. даги, _____—сонли баённома) нашрга
тавсия этилган.

© ГулДУ, 2019 й.

Мундарижа

1	Кириш	3
2	Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	4
3	Назарий материаллар (маърузалар курси).....	13
4	Амалий ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар.....	350
5	Адабиётлар.....	457
6	Глоссарий	505
7	Тест саволлари.....	516

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари каби ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий технологияларнинг ривожланиш ҳолати биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига яъни кенг фикрлайдиган, кучли рақобат шароитида самарали хўжалик юрита оладиган малакали ва чуқур билимга эга мутахассисларга боғлиқ бўлмоқда.

Халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш юқори самарадорликка эришишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юқори салоҳиятга ва малакага эга бўлган қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассисларни тайёрлашда “Ахборот коммуникацион технологиялари” фанининг ўрни бекиёсдир. Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришда, жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этишда, фуқароларнинг ахборотга нисбатан ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондиришда, жаҳон ахборот ҳамжамиятига киришда, миллий ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлиш имкониятини кенгайтиришда ҳамда юқори салоҳиятга ва малакага эга бўлган қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассисларни тайёрлашда “ Ахборот коммуникацион технологиялари ” фанини ўқитиш катта аҳамиятга эгадир.

I. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Масофавий таълимдан фойдаланишнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Масофавий таълимдан фойдаланишнинг кучли томонлари	
W	Масофавий таълимдан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	
O	Масофавий таълимдан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	
T	Масофавий таълимдан фойдаланишга тўсиқлар (ташқи)	

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ҳоялари, фикрларини ёзма ва

оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари таширилган таркатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича таркатмага ёзма баён қилади:



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади. зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Электрон таълимни бошқариш тизимлари					
Moodle		ILIAS		OLAT	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
					и
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Сиз ўз фанингиздан яратган презентацияларингизни веб саҳифага жойлаштирмоқчисиз. Лекин PowerPoint дастурининг стандарт форматидаги файлни браузер тўғридан тўғри очмаяпти. Сиз бундай вазиятда нима қилган бўлардингиз.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- тайёрланган презентацияларингизни веб саҳифага жойлаштириш амаллари кетма-кетлигини келтиринг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: “масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи Moodle дастурий мажмуалар бугунги кунда энг кўп қўлланилмоқда”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

1. Бугунги кундаги энг замонавий таълим тизими?
A.e-learning
B.MOOC
C. LMS



Қиёсий таҳлил

- Анъанавий ва масофавий таълимнинг қиёсий таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- SCORM қисқармасини изоҳланг...



Амалий кўникма

мультимедиа яратиш учун керакли инструментал дастурий воситаларни ўрнатинг?

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёниш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Мультимедиа	multi - кўп, media - муҳит - бу турли хил физик кўринишга эга бўлган(матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва ҳ.к) ахборотларнинг ифодаланиши	Бир вақтнинг ўзида турли физик кўринишда ифодалаш

Анимация		
Виртуал лаборатория		
Онлайн (online) ўқиш		
e-Learning		
HTML		
Learning Management System (LMS)		
SCORM		

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.


Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Масофавий таълим воситалари бўйича



“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Мультимедиа					
Анимация					
Виртуал лаборатория					
Онлайн (online) ўқиш					
e-Learning					
HTML					

Learning Management System (LMS)					
SCORM					

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Такдимот қисми.Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади.Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг такдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Портфолио”методи. “Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР

“Қишлоқ хўжалигида ахборот технологиялари” фани ва унинг асосий тушунчалари. Ахборотнинг назарий асослари

1.1. Қишлоқ хўжалигида ахборот технологиялари фаннинг мақсади ва вазифалари, Ахборотнинг қишлоқ хўжалигидаги ўрни

Режа:

1.1.1. Фаннинг мақсади ва вазифалари

1.1.2. Қишлоқ хўжалиги жараёнларини ахборотлаштириш

1.1.3. Ҳисоблаш техникасининг ривожланиш тарихи.

1.1.1. Фаннинг мақсади ва вазифалари

Аграр соҳа ишлаб чиқаришининг самарали ривожланиши учун хўжалик юритишнинг юқори ва самарали тизими талаб этилади. Ахборот технологиялари қишлоқ хўжалиги жараёнларининг режалаштиришга, башоратлашга, таҳлил қилишга ва моделлаштиришга боғлиқ катта миқдордаги масалаларни ечишда муҳим ёрдам беради. Ахборотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг юқорисамарадор технологиялари, ишлаб чиқариш жараёнларини координация қилиш йўли билан мақсадга эришишнинг ускунавий воситаси бўлиб амалда қўлланилмоқда.

“Қишлоқ хўжалигида ахборот технологиялари” фани Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг бакалаврлар тайёрлаш тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Фанни ўрганиш вақтида замонавий ахборот технологияни қишлоқ хўжалигига қўллашнинг асосий усул ва тамойиллари, ахборот ва телекоммуникация тизимлари билан ишлаш технологиялари, ахборотларни излаш ва қайта ишлашнинг тезкорлигини ошириш механизмлари, ахборотларни узатиш ва сақлаш, ахборот манбаларининг жойлашган ўрнига боғлиқ бўлмаган ҳолда уларга кириш масалалари қаралади. Ушбу фан кейинчалик бошқа фанларни ўрганишда, курс иши ва малакавий битирув ишларида ҳамда ўз касбий фаолиятида ахборот технолгиялардан фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Фанни ўрганишдан мақсад талабаларда қишлоқ хўжалигида ахборот технологияларни қўллаш ҳақида тасавурини шакллантириш, ўз касбий фаолиятида қўллаши учун фаннинг назарий асосларини ўзлаштириш ва амалий янгиликларни олиш ҳамда замонавий таълим ва ахборот технологиялар асосида узлуксиз ўзининг касбий маҳоратини мустақил ошириб боришдир.

Ахборот технологиялари фанининг вазифаси – компьютернинг техник ва дастурий воситаларида ишлашни ўргатиш. Ахборот технологиялари ва тизимлари, ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш ва унда ишлаш кўникмаларини мустаҳкамлашдир.

Амалий машғулотларнинг асосий мақсади профессионал билим, кўникма ва малакаларини сунъий ахборот мухотида, талабанинг назарий билимини кенгайтириш ва мустахкамлаш, Интернетдан фойдаланиш, масофавий таълим асосларининг кўникмаларини олиш. Бу қўлланилаётган технологияларининг мақсадга мувофиқлиги асосланган мавзуларга тегишли машғулотлар ўтказиш ва индивидуал топшириқларни бажариш йўли билан амалга оширилади.

Мустақил ишлар талабаларнинг дарсдан бўш пайтлари, аниқ мавзулар бўйича илмий манбаларни ўрганиб, манбалардан олинган материаллар асосида рефератлар ёзиш ва уни химоя қилиш, ҳамда амалий дарсларда индивидуал топшириқларни бажариш йўли билан амалга оширилди.

1.1.2. Қишлоқ хўжалиги жараёнларини ахборотлаштириш

Социал-иқтисодий, сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг мураккаблашуви, инсоният фаолиятининг барча соҳаларидаги жараёнлар динамикасининг ўзгариши, жамият учун муҳим бўлган ахборотга эҳтиёжини билимларни ўстириш ва янги воситаларни ривожлантиришни рағбатлантириш орқали қондиришни шарт қилиб қўйди. Агросаноат мажмуоиси ўзининг мурраккаблиги ва ечилаётган вазифаларининг қийинлиги билан ажралиб туради. Харажатларни камайтиришни таъминлаш ва қишлоқ хўжалик жараёнларини оптималлаштириш учун илмий-техник жараён ютуқларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг ва ахборот таъминотининг янги усуллариغا ўтишда автоматлаштирилган тизим ва ахборот технологияларни кенг қўллаш зарурияти туғилади.

Ўз навбатида ахборот технологияларининг жадал ривожланиши, жамиятнинг янада ривожланишига туртки бўлувчи, ахборот қийматини оширувчи глобал ахборот инқилобини ўзида мужжасам этади. Бу эса таълимни ахборот технологияларга, телекоммуникация тизимларига, замонавий моддий техник базага асосланган ягона ахборот майдонига олиб келади. Ахборот энг муҳим стратегик ва бошқарув ресурсларидан бири бўлиб, уни яратиш ва ундан фойдаланиш ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларининг самарали ривожланиши ва фаолият кўрсатиши учун зарурий асос бўлиб хизмат қилади. Энг юқори даражада ҳосилдорликга эришиш учун кўп факторлар тўплам сифатида, айниқса экинларни парваришlashга, иқлим шароитларига, тупроқнинг ҳолатига оид ахборотлар зарур ҳисобланади.

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига оид ахборотлар режалаштириш, озиқлантириш, суғориш ва шунга ўзлаш агротехник тадбирларда муҳим рол ўйнайди. Сифатли ахборотга эга бўлиш учун биринчи навбатда ахборот манбаларидан бошланғич ахборотларни йиғиш зарур бўлади.

Ахборотлашган жамият иқтисодий ва илмий-техникавий жиҳатдан янада юксалишга, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ва меҳнат унумдорлигини оширишга, иқтисодиётни замонавий технологиялар асосида бошқаришни такомиллаштириш ҳамда истиқболли илмий йўналишларни ривожлантиришга катта замин яратиб беради.

Жамиятнинг асосий ижтимоий ишлаб чиқарувчи кучи саналмиш инсон баркамоллиги йўлида ахборотлаштириш жараёнлари асосий негиз бўлиб хизмат қилади. У инсонларга энг замонавий компьютер техника воситаларини амалиётда кенг қўллаш бўйича малакасини оширишга ва ўзининг туганмас қобилиятини амалда синаб кўришга катта имконият туғдиради. Инсоннинг ахборотни қайта ишлаш бўйича имкониятларини кучайтирувчи замонавий технологиялар билан куроллантириш - ахборотлаштириш саноатини жадал ривожлантиришни талаб этувчи энг муҳим техник, иқтисодий вазифа ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида ахборот технологияларидан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнларига оид ахборотлар сифати, унинг аниқлиги, объективлиги, ишончлилиги ва тезкорлиги бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш ва амалда қўллаш имкониятини таъминлайди. Демак, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш шу куннинг энг долзарб вазифалардан бири бўлиб, жамият тарақиётининг асосий омили ҳисобланади. Ахборот технологияларини жорий қилишнинг асосий мезони ҳар бир мутахассиснинг ҳар қандай бозор муносабатлари шароитида давлат бошқарувида йўналтирилган муаммоларини ечишга қаратилган бўлиши керак.

Ахборот технологияларининг махсули инсон фаолиятининг барча соҳаларида қўлланиладиган, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий тузилишга эга бўлган ахборот тизимини ўз ичига олади. Ахборот тизимлари ва технологиялари йилдан-йилга кишилиқ фаолиятининг турли соҳаларида янада кенг қўлланилиб борилмоқда. Уларни яратиш, ишга тушириш ва кенг қўллашдан мақсад — жамият ва инсоннинг бутун ҳаёт фаолиятини ахборотлаштириш борасидаги муаммоларини самарали ҳал этишдир.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, интернет тармоғидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони, 2005 йил 16 ноябрдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг жамоат ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги “Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги, 1999 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2002 йил 23 сентябрдаги “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2005 йил 22 ноябрдаги “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2005 йил

28 декабрдаги “Ziyonet” ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида”ги, 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилиги билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 17 декабрдаги “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2013 йилдаги “Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа шу каби ҳужжатлар амалда жамиятимизни замон талабларига мос равишда ахборотлаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бундай кенг қўламли ислохотлар кўп жихатдан узлуксиз аграр таълим тизимини шакллантиришни тақозо этади. Янгича фикрлайдиган, бозор шароитларида муваффақиятли хўжалик юрита оладиган малакали, чуқур билимли мутахассисларни, айниқса, ахборот-коммуникацион технологияларидан кенг фойдалана оладиган кадрларни тайёрлаш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиёти самарадорлигини ўсишида телекоммуникациялар, компьютер ва ахборот-технологияларининг фаол роли ошишини, одамларнинг фаолият ва турмуши техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жихозланишини таъминлаш, республиканинг жаҳон жараёнларига муваффақиятли интеграциялашуви имконини беради. Демак, иқтисодий мутахассисликлар бўйича таълим олаётган талабаларни давр талабига жавоб бера оладиган етук мутахассис, комил инсон бўлиб тарбияланишларида, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришда, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий етишда ҳамда улардан фойдаланишда, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондиришда, жаҳон ахборот ҳамжамиятига киришда ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришда «Ахборот тизимлари» фанини ўқитиш катта аҳамиятга

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш;

- давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

- халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

- ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

- кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

Аслида ўзаро ахборот алмашиш иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳаларда янада ривожланишга хизмат қилади. Глобаллашган дунёда ахборот алмашинуви тараққиётнинг муҳим омилига айланди. Маълумки, бир пайтлар оғзаки нутқнинг пайдо бўлиши билан ахборот узатиш имкониятлари кенгайган бўлса, ёзма нутқ ривожига бу борада янги босқични бошлаб берди. Фан-техника тараққиёти глобаллашув жараёнини беқиёс даражада тезлаштирди. Энди радио, телевидение, матбуот, телефон, факс, почта, интернет орқали ҳар қандай ахборот ўта тезкорлик билан тарқатилиши жамият тараққиётига сўзсиз таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда, кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади, деган фикр амалда ўз исботини топмоқда.

1.1.3. Хисоблаш техникасининг ривожланиш тарихи.

Хозирги вақтда инсон ҳаётини компьютерларсиз тассавур этиб бўлмайди. Компьютер иш юритишни осонлаштиради, янги ҳужжатлар ва ҳар хил матнларни тез ва сифатли тайёрлаш, тармоқлар орқали ахборотлар билан алмашиш, мураккаб ҳисоб китобларни тезкор бажариш ва ишлаб чиқариш жараёнини моделлаштириш имкониятини беради. Шунинг учун ҳар бир инсон у қайси соҳа мутахассиси бўлмасин ахборот технологиялар бўйича етарли даражада билим ва кўникмага эга бўлиши лозим.

Одамзот пайдо бўлгандан кейин дастлабки ҳисоблаш воситаси бўлиб одамларнинг бармоқлари хизмат қилган. Аммо улар ёрдамида фақат санаш ишларни бажаришган (сабаб бармоқлар сони чекланган). Шунинг учун аста секин сунъий ҳисоблаш воситалари вужудга кела бошлаган. Улардан


биринчилари бўлиб тошлар ва таёкчалар бўлган. Сўнгра абак (грек, мисрлик, римлик, хитойлик суан-пан ва японларнинг соробан), Непер таёкчалари, рус счётылари вужудга келган.



Аммо одамзод, мукамалроқ механик машинани - ёрдамчини (роботни) яратиш орзуси билан яшаб келган эди. 1623 йилда немис олими Вильгельм Шикард (1592-1636) томонидан ихтиро килинган механик мослама механик ҳисоблаш машиналар даврини бошлади. Аммо Шикард машинаси ҳам аслида биринчи бўлмаган, чунки буюк италиялик рассом, олим ва математик Леонардо да Винчининг нашр этилмаган кулёзмасида 13-та ракамли сонларни кушиш ва айириш амалларни бажарувчи механик мосламанинг чизмаси топилган. Шунинг айтиш лозимки Леонардо да Винчи ҳамда Вильгельм Шикард мосламалари ҳаётда қулланилмай қолиб кетган. Механик ҳисоблаш машиналарни яратилиш тарихининг дастлабки саҳифаларидан бири француз файласуфи, ёзувчиси, математики ва физики Блейз Паскал (1623-1662) номи билан боғлиқ. У 1642 йилда биринчи жамловчи (кушиш ва айириш) машинани яратди. 1673 йилда эса бошқа олим немис Готфрид Вильгельм Лейбниц (1646-1716) 4-арифметик амални бажарувчи машинани яратди. XIX асрдан бошлаб бу машиналарга ухшаш машиналар жуда қўп турлари яратилган. 1820 йилда Шарль де Колмар томонидан биринчи калькулятор - АРИФМОМЕТР яратилди.



1885 йилда америкалик ихтирочи Уильям Барроуз клавиатура ва қўғоғида печатлаш ускуналардан иборат арифмометрни яратди.



Универсал автоматик хисоблаш машинани яратиш гоёси ва лойихаси Кембридж университетининг професори Чарльз Бейбиджга (1792-1871) мансубдир. Унинг лойхаси буйича бу машина хотира кисми, хисоблаш кисми, бошқариш кисми ва чиқариш кисмига эга булиши шарт эди.

XIX асрнинг охирида ва XX асрнинг урталарида фан ва техниканинг барча сохаларида жуда куплаб кашфиётлар ва ихтиролар килинди. Бу куп меҳнат талаб киладиган машиналарни яратишга зарурат пайдо килди. Бейбиджнинг лойихаси асосида куп олимлар машиналар яратишга ҳаракат килган. 1988 йилда америкалик инженер Герман Холлерит биринчи электромеханик хисоблаш машинани - ТАБУЛЯТОРНИ яратди. Ушбу машина реле асосида ишлаган булиб перфокарталарда ёзилган маълумотлар билан ишлай олар эди. 43-та Холлерит табуляторлари 1890 йилда булиб утган 11-чи Америка аҳолини руйхатдан утказишда ишлатилган.



Шикад

Лейбниц

Бейбидж

Барроуз

1930 йилда америкалик олим Ванневар Буш томонидан компьютернинг катта электромеханик аналог - ДИФФЕРЕНЦИАЛ АНАЛИЗАТОРИ яратилган. Ушбу машинада маълумотларни сақлаш учун электрон лампалар кулланилган. 1941 йилда немис инженери Z3 номли биринчи булиб дастурларда ишловчи хисоблаш машинани яратди. 1943 йилда Буюк Британия махфий лабораторияларида Алан Тьюринг бошчилигида электрон лампаларда ишловчи Колосс номли биринчи ЭХМ (электро хисоблаш машинаси) яратилди. 1944 йилда АКШнинг ҳарбийлари учун америкали инженер Говард Эйкен электромеханик реле асосида оғирлиги 35 тоннали ЭХМ яратди. Бу машинани номи MARK-1 эди. Лекин унинг тезлиги шу замон талабларига жавоб бермас эди. 1946 йилда америкали олимлар Джон Мочли ва Преспера Экерта биричи универсал тулик электрон хисоблаш машинани яратдилар. Ушбу машина

электрон лампалар асосида ишлар эди ва унинг номи ENIAC эди. У MARK-1 дан минг марта тезкоррок эди, лекин унинг ҳам камчиликлари бор эди: огирлиги - 30 тонна; узунлиги 170 квадрат метр хонани эгаллар эди; таркибида 18 000 электролампар бор эди; ишлаш жараёни жуда мураккаб ва бу машина жуда тез ишламас эди (секундига 300 купайтириш ёки 5000 кушиш амаллари бажариши мумкин эди). Шу камчиликларни бартараб килиш учун олимлар жуда куп меҳнат қилар эди.

Биринчи ЭХМ лар авлоди лампали деб номланади. 1947 йилда БЕЛЛ лаборатория ходимлари В. Шокли, Ж. Бардин ива В. Бертейн томонидан биринчи транзистор кашф этилди. 1948 йилдан эса электрон лампалар урнига кашф этилган транзисторлар қуллана бошланди ва шунинг учун 2 авлод ЭХМ лари транзисторли деб номланган. 1949 йилда Джей Форрестер томонидан магнитли хотира ускуналари яратилди ва шу йилда Кембридж университетида биринчи хотирага эга ЭХМ - EDSAC номли ЭХМ яратилди. 1959 йилда Роберт Нойс (INTEL фирмани аратган одам) битта пластинада бир нечта транзисторларни жойлаштириб интеграл схемалар ёки чипларни яратган. 1968 йилда Burroughs фирма томонидан интеграл схемаларда ишлайдиган биринчи компьютерни чиқарди ва шунинг учун учинчи ЭХМлар авлоди катта интеграл схемали деб номланади. Шу йилда америкали инженер Дуглас Энджелбарт ҳозирги сичконча қурилма вазифасини бажарувчи усқунани яратди. 1970 йилдан бошлаб INTEL фирма хотиранинг интеграл схемаларни чиқара бошлади. Шу фирмада ишлаган Маршиан Эдвард Хофф шу йилда микропроцессорни кашф этган (бита кремний чипда бир нечта интеграл схемаларни жойлаштирди). Шу йилдан бошлаб микропроцессорларда ишловчи туртинчи ЭХМлар авлоди бошланди, улар кичик интеграл схемали авлод деб номланади.

1973 йилдан бошлаб ЭХМ тарихининг янги саҳифаси, персонал компьютерлар саҳифаси бошланди. Шу йилда Франциядаги Truong Trong Ti фирма томонидан биринчи персонал компьютер яратилди. Шу билан бирга 1973 йилда дунёга таникли XEROX фирма томонидан Alto номли шахсий компьютер яратилган. Ушбу компьютерда биринчи бўлиб файллар ва дастурларни ойналар қурилишда очиш принципи қулланилган.

1977 йилда Apple Computer фирма томонидан Apple-II номли шахсий компьютерлар оммавий равишда чиқарила бошлаган. Ушбу компьютерлар пластмасс корпус, клавиатура ва дисплейга эга бўлган.

1980 йилда Osborne Computer фирма биринчи портатив компьютерларни чиқара бошлади. Ушбу компьютер огирлиги 11 кг, жуда кичкина ҳажмга эга бўлган ва нархи атиги 1795 доллар бўлган.

1981 йилдан бошлаб IBM (International Business Machines) фирма томонидан персонал компьютерлар сериялаб чиқара бошланди ва бутун дунёга сотила бошланди. Шундан бери компьютер ҳаётимизда мустаҳкам жойлашиб, ахборотни қайта ишлашнинг энг замонавий воситасига айланди ва бутун

дунёга таникли булди. Шунинг учун персонал компьютерлар стандарти шу компьютер номи билан номланади - IBM PC (personal computer).

Инсон онгли фаолияти давомида ўзининг жисмоний ишларини бажарадиган хар-хил техник қурилмалар, асбоб - ускуналар яратишга ҳаракат қилган. Шу жумладан, ақлий фаолиятнинг ишларини ҳам бажарадиган, асосан ҳисоб - китоб ишларини бажарадиган техник қурилмалар яратишга ҳаракат қилган. Энг қадимги ҳисоб асбоблардан бири счотдир.

1642 йили француз математик ва физик олими Б. Паскаль қўшиш ва айириш амалларини бажарадиган механик машина яратган.

1673 йилда немец олими Вильгельм Лейбниц турт арифметик амалларни бажарадиган механик арифмометрни яратди.

XIX асрда арифмометр жуда кенг тарқалди. Уни хатто энг мураккаб ҳисоб ишларига ҳам қўлай бошлади. Бундай ҳолларда олдин қилинадиган ишларнинг бажарилиш кетма - кетлик қўлланмаси тўлиқ ёзилиб олинар ва шу асосда иш бажарилар эди. Одатда бу қўлланмани бажариладиган ишнинг дастури дейилади.

1834 йили англиялик олим Ч. Беббидж аналитик машина ихтиро қилди. Бу машина дастур асосида ишлайдиган биринчи ҳисоблаш машинасининг лойиҳаси эди.

Кейинчалик 1883 йили Ч.Беббидж ҳозирги замондаги ҳисоблаш машинасининг ғоясини ва лойиҳасини яратди, аммо уша давр техника даражаси бундай машиналарни яратиш имконини бермас эди. Унинг фикрига кура бу қурилма ҳамма ҳисоблаш ишларини одамнинг иштирокисиз ўзи автоматик равишда бажариши керак эди. Бунинг учун у қурилма ҳисоблаш ишининг дастурини тушуниб, шу дастур асосида ҳамма ишларни бажара олиши керак эди.

Сонли ҳисоблаш машинаси тузилишининг асосий принципларини америкалик математик Джон фон Неман, Г. Голдстейн ва А. Беркс ишлаб чиқдилар. Уларнинг ва Ч.Беббидж ғояси бўйича ҳисоблаш машиналарининг ишлаши икки принципга асосланиши керак:

масалани одамнинг иштирокисиз ечиш дастур асосида олиб борилиши;

Масалани ечиш учун керак бўладиган ҳамма бошланғич ва оралик маълумотлар ҳамда масалани ечиш дастурларини сақлаб туриши. Бунинг учун яратилажак ҳисоблаш машинаси қуйидаги қурилмалардан иборат бўлиши лозим эди:

- ❖ бошланғич маълумотларни, оралик қийматларни ҳамда масалани ечиш дастурини сақлаб турадиган қурилма. Ҳозирда бундай қурилмани хотира деб юритилади;
- ❖ иш бажарадиган қурилма. Одатда уни арифметик - мантикий қурилма дейилади;
- ❖ дастур бўйича иш бажарадиган ва қурилмаларнинг ишлашини одамнинг иштирокисиз бошқариб борадиган қурилма. У бошқариш қурилмаси

дейилади. Ҳозирги пайтда арифметик - мантикий қурилма ва бошқариш қурилмасини биргаликда процессор ёки марказий процессор деб юритилади;

- ❖ бошланғич маълумотларни ва ишлаш дастурини хотирага киритадиган ва иш натижасини ташқарига чиқариб берадиган қурилма. У киритиш ва чиқариш қурилмаси деб юритилади.

XX аср бошларига келиб англиялик олим А. Тьюринг ва америкалик олим Э. Пост ҳисоблаш машинасининг назарий асосини яратгандан кейин ҳисоблаш машинаси асри бошланди.

1930 йили америкалик олим Х. Атанасов ва К. Беррилар электрон хотира, қўшиш ва айириш қурилмаларидан иборат электрон ҳисоблаш машинасини яратдилар.

1937 йили америкалик олим Х. Атанасов ҳисоблаш машинаси санок тизими учун иккилик санок тизимини ишлатиш ғоясини берди ва бу йўналишда бир-неча патентлар ҳам олди.

1941 йилда немец инженер К.Цузе Ч.Бэббидж ғояси бўйича биринчи ҳисоблаш машинасини яратди.

1943 йилда Ч.Бэббидж ғояси бўйича америкалик Г.Айкен электро-механик релелар ёрдамида "МАРК-1" номли аналитик ҳисоблаш машинасини яратди. 1943 йилдан бошлаб Америкада бир гуруҳ мутахассислар шу ғоя бўйича релелар урнига электр лампалардан фойдаланиб ҳисоблаш машинасини яратишга киришишди. Уларнинг яратган машиналари "МАРК-1" машинасидан минг мартача тез ишлар эди.

Шундан кейин дунёда XX асрнинг 50-йилларига келиб Америка, Англия, Германия ва собиқ СССРда биринчи электрон ҳисоблаш машиналари яратила бошланди.

1945 йили Германияда К.Цузе томонидан "Ц-4", 1949-51 йилларда собиқ СССР да С.Лебедев раҳбарлигида "МЭСМ" ва 1950 йили Англияда "АКЕ" компютери яратилди.

Ҳисоблаш машинаси - компютерларнинг ишлаш принципини умумий ҳолда тушунарли ва содда қилиб берган олим машҳур Джон фон Неймандир. Бу принципни одатда фон Нейман принципи деб ҳам юритилади. У икки принципдан иборат:

- ❖ ҳамма керакли маълумотларни ва масалани ечиш дастурларини ягона хотирада саклаб туриш;
- ❖ компютерни дастур ёрдамида бошқариш.

Ҳозирги замон компютерларининг тузилиши бошқачароқ бўлиб арифметик-мантикий қурилма билан бошқариш қурилмалари биргаликда марказий процессор қурилмаси деб юритилади. Ишлаш принципида ҳам фарқи бўлиб, бирнечта процессорлар билан бир вақтда бир қанча маълумотларни параллел қайта ишлаш мумкин. Дастур билан ишлаш давомида зарур бўлганда унинг ишини тухтатиб туриб, зарур ишни бажариб, яна олдинги дастур ишини давом эттириш мумкин.

ЭҲМ авлодлари.

Компьютерлар узиниг элементлар базалари бўйича авлодларга ажратилган.

I авлод (1945 - 1956 йиллар) компьютерлари элементлар базалари электрон лампалар эканлиги билан характерланади. Бу авлод машиналари катта залларни эгаллагани ҳолда, юзлаб киловатт электр энергия сарф қилар ва тонналаб оғирликка эга ҳамда секундига 1-2 минг амал бажарар, хотирасининг ҳажми 1-2 минг сўзни(маълумотни) сақлашга қодир эди. Бу авлод машиналарига "Урал-1", "Урал-2", "БЭСМ-1", "БЭСМ-2", "М-1", "М-2", "М -20" каби машиналарни мисол қилиб келтириш мумкин.

II авлод (1957 - 1968 йиллар) компьютерлари элементлар базалари транзисторлардан иборат эди, тезкорлиги секундига 10-20 минг амал бажариш, хотирасининг ҳажми 4-8 минг сўзни сақлашга қодир эди. Иккинчи авлод компьютерлари ҳисоблаш ишидан ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, иқтисодий масалаларни ечиш, ҳарфлар билан ишлай олиш "қобилияти"га ҳам эга бўлди. Бу авлод машиналарига "БЭСМ-3", "БЭСМ-4", "Урал-16", "Минск-22", IBM -608, "БЭСМ-6" мисол қилиб келтириш мумкин.

III авлод (1969 - 1980 йиллар) компьютерларининг элементлар базалари интеграл схемалардан иборат бўлиб, тезкорлиги секундига 10 мингдан бошлаб, шу авлоднинг энг охирги машиналари 2-2.5 миллион амал бажаришгача етди. Хотирасининг ҳажми ҳам 8-10 минг байтдан(бу авлод хотира улчами ҳалқаро улчам байтларда бериладиган бўлган) 8 миллион байтларгача етди. Бу авлод машиналарига ЕС (ягона серия) компьютерлари - "ЕС-1010", "ЕС-1020", "ЕС-1030", "ЕС-1035", "ЕС-1050", "ЕС-1060", "ЕС-66" ларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

IV авлод (1981 - 1990 йиллар) компьютерларининг элементлар базалари катта интеграл схемалар (КИС)дан иборат. Уларнинг тезкорлиги секундига 6,5 миллион амал бажаришгача етди, хотирасининг ҳажми 64Мб байтгача кенгайди. Бу авлод машиналарига Супер ЭҲМлар, "Эльбрус" 1-КБ, "IBM PC" каби компьютерларни кўрсатиш мумкин.

V авлод (1990 йиллардан бошланган) компьютерларининг элементлар базаларини ута катта интеграл схемалар (УКИС) ташкил қилади. Бу авлод компьютерлари ҳозирги замонда кенг қўлланилади. Бу авлод компьютерлари электрон ва ёруғлик нурлари энергиясидан фойдаланишга, тузилиши эса лазер техникасига, нурланувчи диодларга асосланган. Амал бажариш тезлиги секундига 1 миллиардгача, хотирасининг ҳажми 10 миллиондан 3-4 миллиард (Гбайт) байтгача кенгайди.

Шахсий компьютерларининг яратилиши техникада революцион характерга эга бўлдики, улар оммабоб ҳисоблаш машиналарига айланиб қолди.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш ва кундалик ҳаётда дунёда 100 миллионлаб шахсий компьютер

1.2. АХБОРОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.2.1. Ахборот ҳақида тушунча, Ахборотнинг хоссалари

1.2.2. Ахборот хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар

1.2.3. Компьютернинг арифметик ва мантикий асослари

1.2.1. Ахборот ҳақида тушунча, Ахборотнинг хоссалари

"Ахборот" (informatio) сўзи латинча сўздан олинган бўлиб бирон-бир воқеа, ҳодиса, жараён ёки фаолият ҳақида хабар қилиш маъносини билдиради. Ахборот тушунчаси реал воқеъликнинг амалий ҳолатини тўла мазмунда акс эттиришдан иборатдир.


Ахборот атроф-муҳит объектлари ва ҳодисалари, уларнинг ўлчамлари, хосиятлари ва ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлардир. Кенг маънода ахборот инсонлар ўртасида маълумотлар айирбошлаш, одамлар ва қурилмалар ўртасида сигналлар айирбошлашни ифода этадиган умуммиллий тушунчадир.

Маълумотларга у ёки бу сабабларга кўра фойдаланилмайдиган, балки фақат сақланадиган белгилар ёки ёзиб олинган кузатувлар сифатида қараш мумкин. Агар бу маълумотлардан бирор нарса тўғрисидаги мавҳумликни камайтириш учун фойдаланиш имконияти тўғилса, маълумотлар ахборотга айланади. Шунинг учун ахборотни фойдаланиладиган маълумотлар, деб атаса ҳам бўлади.

Ахборот – ресурс сифатида бошқа ресурслар(энергетика, газ, сув ёки фойдали қазилмалар захиралари каби муҳим аҳамиятга эгадир. Жамият ривожлангани сари иқтисодиёт, фан-техника, қишлоқ хўжалиги, янги ишлаб чиқариш технологиялари, маданият, санъат, тиббиёт каби турли соҳаларга оид ахборот ресурслари ривожланишнинг муҳим омилларидан бирига айланиб бормоқда.

Ахборот - ахборотти тизимларида фан-техника фаолияти ва турли соҳаларда кадрлар тайёрлашни шакллантирувчи ресурслар йиғиндисидир, яъни ахборот захираларини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга этказиш фақат жамиятнинг интеллектуал ҳаёти билан чекланади.

Ахборот технологиянинг асосий ресурси бу – **ахборотдир**.



Ахборот - оламдаги бутун борлиқ, ундаги рўй берадиган ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги хабар ва маълумотлардир. Ахборот инсон нутқида, китобдаги матнларда, мусаввир тасвирида ва бошқаларда мавжуддир.

Ахборот турлари

Матн. Матн — бу маълумотларни ифодалаш шакли бўлиб, у мазмунан ягона, яхлит ва танланган тилнинг белгилари кетма-кетлигидан иборат. Матн ҳужжат асосидир

Тасвир. Тасвир — бу бирор воқеа, ҳодиса ёки жараёнларни ўзида ифодалаган расм бўлаклари ва ранглардан иборат маълумотдир. Фото, манзара, математик функциялар графиги ва шунга ўхшаш маълумотлар ҳисобланади.

Анимация. Анимация маълум тезликда тасвирларни алмаштириш маҳсулидир. Бунда маълум вақт оралиғида, маълум сондаги бир хил ўлчамга эга бўлган тасвирлар тезкор алмаштирилади.

Ахборотнинг хоссалари: Объективность — ҳаққонийлик; Достоверность — ишончлилик; Актуальность - долзарблик; Точность- аниқлилик; Понятность- тушунарлилик; Полнота- тўлиқлилик

Кимнингдир фикрига боғлиқ бўлмаган ахборот — ҳаққоний ахборот ҳисобланади. Ҳақиқий жараёнга мос бўлган ахборот ишончли ҳисобланади, Ахборот долзарб ҳисобланади қачонки ахборот ўша вақт учун қимматли бўлса, Ахборот аниқ дейилади — агарда у ҳақиқий жараён кўрсаткичларига энг яқин бўлса. Ахборот тушунарли — қачонки қабул қилувчи тушунадиган тилда ифодаланса. Қарорлар қабул қилиш учун етарли ҳажмдаги маълумотлардан таркиб топган ахборотлар тўлиқ ахборот дейилади.



Фойдаланувчи учун ахборотнинг муҳим характеристикаларидан (кўрсаткичларидан) бири - унинг адекватлиги ҳисобланади

Ахборотнинг адекватлиги- олинган ахборот ёрдамида яратилган образ (киёфа)нинг реал объект, жараён, ҳодиса ва ш.ўларга мослигининг маълум даражаси.

Маълумки, ҳақиқий ҳаётда ахборотнинг тўла равишда адекват бўлишига ишониш қийин. Чунки, доимо қайси бир даражадаги ноаниқлик учраб туради. Ахборотнинг адекватлиги даражаси масалани ечишида тўғри йўл танлашга катта таъсир қилади

Ахборотнинг адекватлиги учта шаклда ифодаланиши мумкин: семантик, синтактик, прагматик

Семантик (маъноли) адекватлик - объектнинг унинг образига (қиёфасига) мувофиқлик даражасини аниқлайди. Семантик нуқтаи назар ахборотнинг маъноли мазмунини ҳисоблашни кўзлайди. Бунда ахборот акс эттирган маълумотлар таҳлил қилинади, маънолар боғлиқлиги кўрилади. Бу шакл ахборот хусусида тушунчалар ва тасаввурларни шакллантиришга, маъносини, мазмунини аниқлашга, умумлаштиришга хизмат қилади. Масалан, ахборотни кодлар орқали ифодалашни кўрсатиш мумкин.

Синтактик адекватлик - ахборотнинг мазмунига тегмаган ҳолда, унинг расмий-структуравий характеристикаларини ифодалайди. Синтактик даражада ахборотни ифодалаш усулида ахборот элтувчи тури, узатиш ва қайта ишлаш тезлиги, ифодалаш кодининг ўлчамлари, бу кодларни ўзгартириш аниқлилиги ва ишончилиги ҳисобга олинади. Ахборотнинг мазмунига аҳамият берилмаганлиги сабабли, бундай ахборот маълумот деб аталади.

Прагматик адекватлик ахборот билан фойдаланувчининг муносабатларини акс эттиради, ахборотни унинг асосида амалга ошириладиган бошқариш системаси мақсадига мувофиқлигини ифодалайди. Ахборотнинг прагматик хусусиятлари фақат ахборот (объект), фойдаланувчи ва бошқариш мақсадларининг умумийлигида намоён бўлади. Адекватликнинг ушбу шакли ахборотдан амалий фойдаланиш билан бевосита боғланган, шунинг учун ҳам фойдаланувчанлик хусусиятлари таҳлил этилади.

Қишлоқ хўжалиги объектнинг ахборот ресурслари. Ресурс - бирор нарсанинг захирасини, манбаини англатади. Мамлакат миллий иқтисодининг ҳар қандай тармоғи таҳлил этилаётганида унинг табиий, меҳнат, молиявий, энергетик ресурсларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу тушунча иқтисодий категория саналади.

Моддий ресурслар жамият маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган меҳнат ва хом-ашёлари мажмуидир. Масалан, хом-ашё, материаллар, ёқилғи-мойлаш материаллари, энергия, минерал ўғитлар, ярим тайёр маҳсулотлар, деталлар ва ҳаказо.

Табиий ресурслар – инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун жамият томонидан фойдаланиладиган объектлар, жараёнлар, ер, сув, табиат шароитлари, жараёнлари, объектларидир.

Меҳнат ресурслари – қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаш учун касбий билимга эга кишилар;

Молиявий ресурслар – давлат ёки хўжалик таркиби ихтиёридаги пул манбаларидир.

Энергетик ресурслар – энергия омиллари, масалан, кўмир, нефть, нефть маҳсулотлари, газ, электроэнергия ва ҳаказо.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳар қандай кўламдаги объектнинг керакли даражада ишлаши учун фақат ушбу ресурсларнинг ўзи етарли эмас. Чунки ишлаб чиқариш учун моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари бўлишнинг ўзи кифоя қилинмайди. Уни қандай ишлатишни билиш, бу соҳадаги технологиялар ҳақида кўплаб ахборотга ҳам эга бўлиш талаб этилади. Шу боис ҳам ахборот, ахборот ресурслари ҳозирги кунда алоҳида иқтисодий категория сифатида қабул қилинмоқда.

Агар, ахборот ресурслари оқилона ташкил этилса ва ўринли фойдаланилса, у меҳнат, моддий ва энергетик ресурслар эквиваленти сифатида иштирок этиши мумкин.

Бундан ташқари ахборот – қолган барча ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларнинг исроф қилмасликка ёрдам берадиган ягона ресурс саналади.

Ахборот ресурслари – ахборот тизимидаги(кутубхоналар, архив, жамғармалар, маълумотлар банклари ва ҳоказо) алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг бутун бир мажмуидир. Ахборот ресурсларини ахборот тизимидаги барча ахборотлар ҳажми, деб тушуниш мумкин. Бошқача айтганда, ахборот ресурслари – моддий ташувчи воситаларда қайд этилган ва жамият фойдаланиши учун мўлжалланган барча билимлар демакдир.

Ахборот, ахборот ресурслари ҳар доим мавжуд бўлган, аммо уларга ўз хусусиятига кўра, иқтисодий категория сифатида қаралмаган.

Жамият ривожланиб бориши ва технологияларнинг мураккаблашиши натижасида, ахборот ҳажми шунчалик кўпайиб кетдики, уни бошқарув соҳасида қайта ишламасликнинг иложи бўлмай қолди.

Бошқарув ирархиясининг пайдо бўлиши, товар-пул муносабатларининг юзага келиши, ҳисоблаш машиналарининг яратилиши бошқарув учун катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлашда ушбу қийинчиликларни енгиш имконини берди.

Ҳозирги пайтда ахборот ҳажмининг ортиши ва унинг мураккаблик даражасининг юксалиши ахборот индустриясини барпо этишни талаб этмоқда. Ахборот мавжудлиги мамлакатнинг ривожланиши, тармоқлар, иқтисодий объектлар юксалишини белгилаб беради. Ахборот стратегик ресурс, ахборот ресурслари эса улардан энг муҳими бўлиб қолди. Бу заҳиранинг умумий фойдаланадиган ҳажми яқин келажакда давлатларнинг стратегик, шу жумладан мудофаа қобилиятини белгилаб беради.

Хўжалик ёки объектнинг ахборот ресурсларини шакллантириш манбалари.

Юзага келиш манбаига боғлиқ ҳолда иқтисодий объект доирасидаги ахборот ресурсларини ташкил этувчи ички ва ташқи ахборотлар мавжуд.

Ички муҳит ахбороти одатда аниқ бўлиб, хўжаликнинг молиявий ҳолатини тўлиқ акс эттиради. Уни таҳлил этиш кўпинча стандарт формаллашган процедуралар ёрдамида амалга оширилади.

Ташқи муҳит – иқтисодий объектдан ташқарида бўлган иқтисодий ва сиёсий субъектлардир. Бу объектнинг мижозлар, воситачилар, рақобатчилар, давлат органлари ва ҳақозо билан иқтисодий, ижтимоий, технологик, сиёсий ва бошқа муносабатларини ўз ичига олади.

Ташқи муҳит ҳақидаги ахборот кўпинча тахминий, ноаниқ, нотўлиқ, зиддиятли, эҳтимолли бўлади.

Бу ҳолатда у ностандарт қайта ишлаш усулларини талаб этади.

Иқтисодий объект турли манбалардан қуйидаги ташқи ахборотни олиши мумкин:

1. Иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида умумий ахборот. Манбалар: ахборот – тахлилий материаллар, ихтисослашган газеталар, журналлар, Интернет ресурслари.

2. Ихтисослашган иқтисодий ахборот: молиявий бозор бўйича.

3. Товарлар нархлари бўйича ахборот. Манбалар: ихтисослашган журнал ва бюллетенлар, каталоглар, Интернет маълумотлар базаси.

4. Ўзига хос ахборот. Турли манбалар, жумладан, Интернет. Уни ахтаришда излаб топиш тизимларидан фойдаланилади.

5. Давлат бошқариш органларининг ахборотлари (қонунлар, қарорлар, солиқ органлари хабарлари ва ҳоказо).

Ҳар қандай ресурслар каби, ахборот ресурсларини ҳам бошқариш мумкин, лекин уларни миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳолаш методологияси, уларга бўлган эҳтиёжни олдиндан белгилаш ҳали ишлаб чиқилмаган, шунга қарамай иқтисодий объект даражасида ахборот эҳтиёжларини ўрганиш, ахборот ресурсларини режалаштириш ва бошқариш мумкин ва зарур. Ахборот ресурсларини бошқариш деганда:

- ҳар бир даражада ва бошқариш функцияси доирасида ахборотга бўлган эҳтиёжларни баҳолаш;
- иқтисодий объектнинг ҳужжат айланишини ўрганиш, уни оптималлаш, ҳужжатлар тури ва шакллариини стандартлаш, ахборот ва маълумотларни тўплаш;
- маълумотлар турлари номуносиблигини енгиб ўтиш;
- маълумотларни бошқариш тизимини яратиш аниқланилади.

1.2.2. Ахборот хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар

Ахборот ресурслардан бири сифатида. Ахборот товарнинг ҳар икки хусусиятига: истёъмол қийматининг мавжудлиги(фойдалилиги, кадр-қиммати) ва қийматига(яъни ижтимоий меҳнатнинг айрим сарфига) эга бўлади.

Ахборот ва товарлар сифатидаги буюм-нарсалар объектининг умумий ва фарқли хусусиятлари мавжуд.

Бу объектларнинг одатдаги маҳсулот ва моддий захиралар билан қуйидаги боғлиқлиги бор: уларга истеъмол сўрови мавжуд; улар мулкӣй объектлардир, яъни уларга эга бўлиш, фойдаланиш ва эгалик қилиш мумкин; улар аниқ ишлаб чиқарувчилар (таъминотчилар)га эга; улар қиймат ва тегишли нархга эга; улар турли шарт-шароитларда етказиб берилиши мумкин.

Бироқ ахборот захиралари ва технологияларнинг ўзаро бир қатор жиддий фарқлари мавжудки, улар қаторига қуйидагилар киради:

- чекланмаган миқдорда сотиш;
- амалий жиҳатдан йўқ қилиб бўлмаслик;
- аниқ фойдаланувчилар шарт-шароитларига индивидуал мослаш зарурияти (умумтизимли пакетлардан ташқари);
- объектларни муаллиф хамроҳлигида етказиб бериш мажбурияти;
- нафақат фойдаланиш, балки иккиламчи тиражлашга ҳам турли чекланмалар қўйиш имконияти;
- муаллифлик ёки таъминотчилик ҳуқуқларига риоя қилишни идентификациялаш (бир хиллаштириш)нинг мураккаблиги;
- такрорланувчи объектларнинг кўплиги. Турли ўхшаш вазифаларни бажарувчи маҳсулотлардан фарқли равишда, ахборот бир аниқликни турлича акс эттириши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун бирор бир маҳсулотнинг миқдори ҳақида якуний ахборотнинг бир неча вариантлари таклиф этилиши мумкин;
- билвосита ахборотнинг фойдалилиги;
- фойдаланиш натижасида кадрсизланиш. Чиндан ҳам, маълумотлар билан танишиб, улардан айримларининг талабга жавоб бермаслигига ишонч ҳосил қилиб, харид ҳақидаги таклифни қондириш тўғри бўлади. Бироқ таклифлар бўйича ишончли маълумотлардан фойдаланмаслик ёки уни мажбурий унутиш бутунлай мумкин эмас;
- баҳолашни олдиндан билиб бўлмаслиги. Агар маҳсулот баъзи чекланган динамикада баҳоланса(талабнинг бир миқдорда йўқ бўлишли ёки юзага келиши мумкин эмас), ахборот эса(лекин технология эмас) бир лаҳзада буткул нол даражага тушиб кетиши мумкин;
- оддий рақобат шароитида таклиф этилган бир ахборот иккинчисининг долзарблик хусусиятини йўққа чиқариши мумкин;
- истеъмолчилик хусусиятларининг қисман ёки тўлиқ ноаниқлилиги;
- фақат жисмоний эскириш ва белгиланган ёки ноаниқлик вақтда долзарбликни йўқотиш мавжудлигини англатувчи жисмоний яроқлилик;
- истеъмолчига маълумотни қисқа вақтда узатиш ва шундай қисқа вақтда тасдиқни қабул қилиб олиш имконияти;
- етказиб беришга доимий равишда тайёрлик;

- ҳам сотувчига, ҳам харидорга нисбатан маълумотлар ва технологияларни, шунингдек товарни сотиш ёки сотмаслик фактини ҳам маҳфий сақлаш имкониятининг борлиги.

Фойдаланувчиларнинг қониқиш даражаси қуйидаги ўзаро боғлиқ мезонларга боғлиқ:

а) сифатига, яъни **ахборот қийматини** (фойдалилигини) белгиловчи ахборот эҳтиёжларини қарорлаш даражасига;

б) манфатига, яъни умуман иқтисодий самарадорликни оширишга;

в) қаражатларга, яъни ахборот ҳажми билан белгиланадиган ахборот қийматига. Ахборотнинг сифат хусусиятлари(фойдалилиги)га: тўлақонлилик, қабул қилишнинг бемалоллиги, долзарблик ҳозиржавоблик, аниқлилик ва ҳоказолар қиради.

1. **Тўлақонлилик.** Ахборот тўлақонлилиги объект фаолиятининг у ёки бу томонларининг миқдорий ва сифат параметрларини аниқ белгилаш ҳамда мос қарорларни ишлаб чиқаришда ифодаланилади.

Ахборотнинг нотўлақонлилиги қарорлар қабул қилишда хатоларга олиб келиши мумкин.

2. **Ишончлилик** қабул қилинадиган қарорлар самарадорлиги сақланадиган етиб келган ва натижавий ахборотларда муайян даражада бузилишларга йўл қўяди.

3. Ахборотни қабул қилишнинг **бемалоллиги** вақт бирлигида маълумотларни қабул қилиш тезлиги билан белгилади. Шу боис ҳам маълумотлар кўпроқ жадвал шаклида берилади, у нафақат ахборот мазмунини очиб беради, балки енгил қабул қилинади ҳам.

4. Маълумотларнинг **долзарблилиги** муайян вақт мобайнида аниқ вазифани амалга ошириш учун яроқлилигини ифодалайди. Шу боис ҳам долзарблилик, ҳозиржавоблилик ва тезкорлик ахборотга хос хусусиятлардир.

5. **Кечикмаслик** ахборотнинг қулай ёки белгиланган вақтда келиб тушишини аниқлатади. Бу талабни бузиш ахборотни қадрсизлантиради.

6. **Аниқлилик** унинг тўғрилигини, деталлаштириш даражасини аниқлатади. Ахборотнинг аниқлилиги унинг барча истеъмолчилар томонидан бир хил қабул қилинишини таъминлайди.

7. **Тезкорлик** вақт ўтгач ахборот эскириши ва долзарблилигини йўқотишини акс эттиради.

Ахборотнинг ўз вақтида қабул қилинмаслиги қарор қабул қилишни кечиктиради, оқибатда қабул қилинаётган қарорлар ўзгарувчан шароитда талабга жавоб бермайди. Ахборот қанчалик тезкор бўлса, у шунчалик қимматли бўлади.

Ахборотнинг қадрлилиги аниқлик даражаси ошгани сайин ёки хабар қилинаётган ва аниқ натижалар ўртасидаги фарқ камайганда тез кўтарилади. Тўлиқроқ ва ишончли ахборот тўғри қарорни қабул қилишни таъминлайди.

Ахборотнинг қиммати ушланиб қолиш вақти ошиши билан камаяди, шу туфайли ахборот эскиради.

Ахборотни қайта ишлашда ушланиб қолиш камайганда, биринчидан, қарорлар олдинроқ қабул қилиниши мумкин, иккинчидан, унинг мазмуни яхшиланилади.

Ахборот фойдали бўлиши учун ҳар бир дақиқада ҳал этиладиган муаммо билан боғлиқ бўлиши лозим. Фақат ишга тегишли ахборотлар фойдаланувчиларга ўз вақтида ва мазмунли қарор қабул қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, ахборотнинг қиймати фақат унинг миқдори билангина белгиланмайди. Ахборот бирлигининг қиймати ёки мураккаблилиги даражасига қараб баҳолаш ҳам муҳим. Унда бошқарув ходимлари ишини улар ишлаб чиқараётган ахборот миқдори ва қиймати бўйича (бошқариш самарадорлиги учун зарур ва етарли бўлган) баҳолаш имконияти туғилади. Ушбу формула бўйича фойдаланувчи (ижрочи) **фойдали иши коэффициентини** шундай баҳолаш кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин:

$$\eta = \frac{U_{чик} * l_{чик}}{U_{кир} * l_{кир}} \quad (1)$$

Бунда $l_{чик}$, $l_{кир}$ – тегишлича кирувчи ва чиқувчи ахборот қиймати; $U_{чик}$, $U_{кир}$ – тегишлича кирувчи ва чиқувчи ахборот ҳажмларидир.

Ахборотни тежаш. Ахборотни қайта ишлаш ва фойдаланиш жараёнлари – меҳнат жараёнлари, бошқарув меҳнاتини тежаш муаммоси экан, демак бу энг аввало ахборотни тежаш муаммосидир. Ахборотни тежаш тамойили шундайки, у билан боғлиқ жараёнлар ундан фақат ишлаб чиқаришда фойдаланилгандагина мақсадга мувофиқ бўлади.

Ахборотни тежаш йўларидан бири доимий ва ўзгарувчан ахборот ўртасида тўғри нисбатни ўрнатишдир. Бунда доимий ахборот солиштирма оғирлигининг аниқ шароитлардаги энг кўп имкониятларини кўзда тутиши лозим.

Ахборот тўлақонлигининг ўлчови бўлиб (яъни фактик ёки лойихалаштирилган) $J_{лой}$ дан вақт бирлиги ёки бир бошқарув туркуми (жараён, иш) мобайнида мазкур шароитдаги максимал ахборот миқдори J_{max} га оғиши ахборот тўлақонлигига ўлчови бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки ахборот тўлақонлиги охир - оқибатда унинг миқдори билан белгиланади.

Ахборот тўлақонлилик коэффициенти ўлчами K_{ϕ} қуйидаги формула билан белгиланади:

$$K_{\phi} = \frac{J_{лой}}{J_{max}} \quad (2)$$

Ахборот миқдорининг ошиши билан унинг қиймати, яъни у билан боғлиқ бўлган харажатлар ортади. Бироқ бу қийматнинг ўсиши бир текис ривожланмайди, чунки у ахборот миқдори ошгандагина ортади. Бу, ахборот бирлигига харажатлар миқдори ортиши сабабли ахборотни қайта ишлаш мураккаблиги ошиши натижасида ўсиши билан изоҳланади. Демак, ахборот тўлақонлилиги коэффиценти ахборотга кетган харажат билан боғлиқ.

Тескари белгилар билан олинган йўқотишлар ўлчами иқтисодий самарани (охир-оқибатда фойдани) ифодалайдики, у ахборот нотўлақонлиги ва ўз вақтида етказилмаганлиги туфайли йўқотишларни бартараф этиш натижасида олиниши мумкин.

Иқтисодий самара (\mathcal{E}) билан ахборотни йўқотиш (S) ўртасидаги алоқа қуйидаги боғлиқликда ифодаланади:

$$\mathcal{E} = \frac{I - M}{M} * S_s \quad (3)$$

бунда M - йўқотишлар ёки иқтисодий самара коэффиценти (уларнинг максимал аҳамиятига нисбатан).

S_{2max} максимал йўқотишлар ахборот умуман йўқ пайтида юзага келади. Уларнинг ўлчами ахборотсиз тўғри қарор қилиш эҳтимоли ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши лозим.

M коэффиценти ўз навбатида ахборот тўлақонлиги коэффиценти (K_6)дан, у билан боғлиқ харажатлар (S_1) ва йўқотишларга (S_2) боғлиқ. Демак, ахборот тўлақонлиги коэффиценти оптималлиги шароитларини икки ёқлама акс эттириши мумкин: харажат ва йўқотишлар суммасини минималлаштириш, яъни $(S_1 K S_2)$ \min ёки фойда ва харажатлар ўртасидаги фаркни максималлаштириш, яъни $(E - S)_{max}$. Ахборот харажатлари унинг миқдорига, шунингдек сифат характеристикаларига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Ахборотни ҳисоблаш. Умумий ҳолатда ахборотни мазмуни, усули ва миқдори билан тавсифлаш мумкин.

Ахборот миқдори тушунчаси ўтган асрнинг 30-йилларида юзага келди ва 50-йилларда асосан алоқа техникаси мақсадлари учун шаклланди. 1948 йили К.Э.Шеннон ахборот миқдорини аниқлаш учун шундай классик формулани берди:

$$J = \sum_{i=1}^N P_i \log \frac{1}{P_i} \quad (4)$$

бунда N – эҳтимолий хабарлар сони; P_i – i хабарлар эҳтимоли.

Формула қуйидагикўринишда ҳам қўлланилади:

$$J = -h \sum_{i=1}^m P_i \log P_i \quad (5)$$

бунда m – рамзлар(элементлар) сони, улардан хабар тузилиши мумкин, n – бир хабардаги рамзлар сони.

Ахборот тизимларини яратиш борасида амалиётдагисақланганахборот миқдори ҳисобга олинади, шубоисахборот ҳажминини хужжатлар сони, шакли, сатрлар сони, белгилари, рамзлари, ёзувлар, сигналлар, хабарлар миқдори билан белгиланади.



1.2.3. ЭХМнинг арифметик ва матикий асослари.

Ҳисоблаш машиналарида ишлатиладиган санок системаларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: ўринли (позицион) ва ўринсиз (нопозицион) санок тизимлари. Ўринли санок тизимида рақам ўзининг сондаги ўрнига қараб турли қийматни акслантирса, ўринсиз санок тизимида эса рақамнинг қиймати унинг сондаги тутган ўрнига боғлиқ эмас. Ўринсиз санок тизимига қадимги рим санок тизими мисол булади. Бу тизимда сонларни ёзиш учун латин ҳарфлари ишлатилади, яъни I – ҳарфи бирни, V - ҳарфи бешни, L - ҳарфи элликни, X – унни, C – юзни, D – беш юзни, M – мингни ифодалайди. Ишчи санок системаларини бажариш тартиби ва сонларни машина хотирасида тасвирлаш компьютернинг арифметик асосини ташкил этади. Ўринли санок тизимида рақамлар сони маълум миқдорда бўлиб, улар сондаги ўринларига қараб турли қийматни акс эттиради.

Масалан бизга маълум бўлган ўнли санок тизимида 10 та рақам: 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 гача; Саккизлик санок тизимида саккизта рақам: 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7; Иккилик санок тизимида иккита рақам: 0, 1; Ўн олтилик санок тизимида ўн

олтита рақам: 0,1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, А, В, С, D, E, F мавжуд.

Санок тизими хакида тушунча.

Жахон цивилизациясининг ривожланиш жараёнида хисоб китобларни олиб бориш ва уларни сақлаш мақсадида бир қанча турдаги санок системалари қўлланилган. Масалан, агар рим империясида нопозицион турга мансуб санок системаси қўлланилган бўлса, бошқа мамлакатларда позицион санок системаси ишлатилган. Араблар ва хиндлар ўнлик санок системасини ишлатган бўлса, вавилонликлар ва францияликлар ўн олтилик санок системасини қўллаган, англияда ўн иккилик санок системаси ишлатилган бўлса, америкалик хиндулар саккизлик санок системасидан фойдаланганлар. Нега ҳамма халқлар бир хил санок системаларидан фойдаланишмаган? - деган саволга нима деб жавоб берар эдингиз. Қайси санок системасини ишлатган маъкул деб ўйлайсиз? Негат компьютерларда ўнлик санок системасини ишлатмасдан, иккилик санок системасидан фойдаланилади? Агар да компьютерларда иккиликдан бошқача санок системаси ишлатилган тақдирда қандай мураккабликларга дуч келинар эди? Ушбу савол ва муаммолар устида бир қанча муддат фикрланг ва сўнгра матннинг кейинги қисмлари ўтишингиз ва муаммонинг асл мохиятигатушунишингиз мумкин бўлади.

Санок системаси деб сонларни белгилар (рақамлар) ёрдамида ифодалаш учун ишлатиладиган қоидалар тўпламига айтамыз. Сонларни ифодалаш усулига кўра санок системаси нопозицион ва позицион системаларга бўлинади. ЭХМларда асосан позицион санок системалари ишлатилади. Нопозицион санок системалари мураккаб ва кўпол қоидаларасосида қурилганлиги учун хисоблаш техникасида қўлланилмайди.

Нопозицион санок системаси шундай бир хусусиятга эгаки, унда рақамнинг қиймати

унинг эгаллаган позицияси (ўрни) га боғлиқ эмас, балки шу белги билан аниқланади.

Масалан, рим санок системасида XXX сони ҳамма разрядларида бир хил X белгисига эга ва утурган ўрнидан катъий назар 10 бирликни билдиради.

Умуман ихтиёрий P санок тизимида рақамлар сони P та бўлиб, улар билан 0 билан P-1 орасида бўлади, P – шу санок тизимининг асоси дейилади. 0 дан P-1 гача бўлган рақамлар эса шу санок тизимининг базаси деб аталади. Ўнли санок тизими Хиндистонда кашф этилган бўлиб, кейинчалик у араблар орқали Европага тарқалган. Бу тизимда 0 ва 1 рақами мавжуд бўлгани учун, бу тизимларнинг асоси сифатида 10 сони олинган.

Ихтиёрий асосли санок системасидаги сонни ёйилмаси шаклида қуйидагича ёзилади:

$$N = a_m p^m + a_{m-1} p^{m-1} + a_{m-2} p^{m-2} + \dots + a_1 p + a_0 p^0 + a_{-1} p^{-1} + \dots + a_{-k} p^{-k} = \sum a_r p^r$$

бунда $a_i = 0$ дан 9 гача ихтиёрий сонлар; p-санок системасининг асоси; m ва k мусбат сонлар.


Қуйидаги жадвалда баъзи бир санок тизимларининг сонлари орасидаги боғланиши берилган.

С/т	Санок тизимининг сонли қийматлари															
Ўн олтилик	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	A	B	C	D	E	F
Ўнлик	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Саккизлик	0	1	2	3	4	5	6	7	10	11	12	13	14	15	16	17
Иккилик	0	1	10	11	100	101	110	111	1000	1001	1010	1011	1100	1101	1110	1111

ЭХМларда асосан иккили санок ситемаси ишлатилади. Бу системада фақат иккита 0 ва 1 рақамлари мавжуд булиб, ҳар қандай сон 1 ва 0 рақамлари комбинацияси кўринишида ифодаланади. Иккили санок системаси ЭХМнинг арифметик асоси дейилади. Ўнли рақамни ифодалайдиган туртаиккили разрядни тетради дейилади. Саккизлик рақамни ифодалайдиган учтаиккили разрядли триада дейилади. масалан: 8 лик 0123...7; 2 лик 000001010011 ... 111.



Figure 1: Changing data into information in an information system



A.K. Yang 1996-10-13/021-01

Бир санок тизимидан бошқасига ўтиш.

Бу қоидадан фойдаланиб саккизлик санок тизимидан иккилик санок тизимига ўтиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир саккизлик рақамини унга мос иккилик триада билан алмаштириш керак бўлади. Соннинг қайси санок тизимига тегишли эканлигини кўрсатиш учун индексда шу санок тизимининг асосини ёзиб қўямиз. Масалан: 25_8 ёзуви 25 сонининг 8 лик санок тизимидалигини кўрсатади. $B15_{16}$ ёзуви $B15$ сонининг 16 лик санок тизимидалигини билдиради. 515_8 сонини 2 лик санок тизимида утказиш учун ҳар бир рақамни мос 3 лик (триада) билан алмаштирамиз:

$$515_8 = 101\ 001\ 101_2$$

Бирор санок тизимида берилган сонни иккинчи санок тизимида утказиш

учун берилган сонни ўтказилиши керак бўлган санок тизимининг асосига бўлиб ечамиз.

Масалан: 7_{10} сонини 2 лик санок тизимига ўтказсак:

1. 7 ни 2 га бўламиз: $7/2=3$ (қолдик 1) $q_1=1$ деб белгилаб оламиз.

2. Бўлинма 3 ни 2 га бўламиз: $3/2=1$ (қолдик 1), $q_2=1$

3. Бўлинмадаги 1 ни 2 га бўламиз: $1/2=0$ (қолдик 1), $q_3=1$

Бу жараён бўлинма нолга тенг бўлгаунча давом эттирилади. Демак, $7_{10} = 112$.

Ахборот жараёнларининг техник ва дастурий таъминоти ва уларнинг ривожланиш жараёнлари. Операцион тизимлар ва уларнинг турлари, вазифалари, WINDOWS операцион тизими.

2.1. Ахборот жараёнларининг техник таъминоти

Режа:

1.1.1. Компьютер конфигурацияси. Замонавий компьютерларнинг турлари

1.1.2. Компьютернинг ички қурилмалари.

1.1.3. Компьютернинг ташқи қурилмалари.

2.1.1. Компьютер конфигурацияси. Замонавий компьютерларнинг турлари

Замонавий компьютерларнинг барчаси фон Нейман тамойиллари асосида яратилган, яъни уларнинг барчаси бир хил функционал тузилмага эга.



Компьютер конфигурацияси деб унинг таркибига кирувчи қурилмалар рўйхатига ва бу

қурилмаларнинг асосий параметрларига айтилади.

Замонавий компьютерлар қуйидаги асосий блоклардан ташкил топади.

1. Процессор (тизим) блоки;

2. Монитор;

3. Клавиатура ва сичқонча.



Процессор блоки таркибига камида куйидаги қурилмалар киради.

1. Корпус ва электр таъминоти блоки;
2. Асосий плата;
3. Микропроцессор ва уни совутувчи кулер;
4. Тезкор хотира;
5. Винчестер туридаги ташқи хотира.

Улардан ташқари, процессор блоки ичида оптик дисклар: CD ва DVD ларни ўқийдиган ва

уларга маълумот ёзадиган қурилмалар, видеопроцессор платаси, интернетга уланиш учун турли русумдаги модемлар, FM радио, оддий ёки сунъий йўлдош телевидениесини қабул қилувчи қурилмалар ва бошқа шунга ўхшаш жиҳозлар жойланиши мумкин. Компьютерга уланадиган бошқа қурилмалар: клавиатура, сичқонча, жойстик, овозкучайтиргич, микрофон, принтер, сканер, фото ва видео камера, мобил телефон, флэш хотира, ташқи

винчестер, маҳаллий компьютер тармоғи, интернетга уланиш кабеллари ва бошқа шунга ўхшаш қурилмалар процессор блокига унинг олди ва орқа томонига чиқарилган уланиш нуқталарига уланади. Компьютерга уланадиган, тўғрироғи, унинг таркибига кирувчи қурилмалар жойлашига кўра тўрт тоифага бўлинади: жойланган, ички, ташқи ва қўшимча. Жойланган қурилмалар асосий плата таркибига киради. Ички қурилмалар турли шиналар орқали асосий платага уланади ва компьютернинг процессор блоки ичида жойлашган бўлади. Ташқи қурилмалар деб компьютернинг асосий конфигурацияси таркибига кирувчи ва процессор блокидан ташқарида жойлашган қурилмалар: клавиатура, сичқонча, монитор, принтер, флэш хотира, овоз кучайтиргич каби қурилмаларга айтилади. Қўшимча қурилмалар деб компьютернинг асосий конфигурацияси таркибига кирмайдиган ва процессор блокидан ташқарида жойлашган қурилмалар: проектор, сканер,

видеокамера ва бошқаларга айтилади. Функционал вазифаси (маълумотларни киритиши ва чиқаришига) кўра қурилмалар уч тоифага ажратилади: киритувчи, чиқарувчи, ҳамда киритувчи ва чиқарувчи киритувчи қурилмалар. Масалан, клавиатура киритувчи, монитор чиқарувчи, винчестер ҳам киритувчи, ҳам чиқарувчи қурилмадир



2. Корпус. Компьютер корпуслари одатда тик ва ётиқ кўринишда бўлади. Тик корпуслар



Tower (минора) деб аталади ва уларнинг учта тури бор: big (катта, баландлиги 19 дюйм), midi (ўрта, 16 дюйм), mini (кичик, 13 дюйм). Улардан биринчиси одатда серверлар ва ўта кучли компьютерлар, иккинчиси оммавий компьютерлар, учинчиси арзон компьютерлар учун мўлжалланган. Ётиқ корпусларнинг баландлиги жуда паст бўлиб, улар одатда устига монитор қўйишга мўлжалланган. Кейинги пайтда super mini

tower ва моноблок деб аталувчи корпуслар оммавийлашиб бормоқда. Уларнинг оммавийлашувининг асосий сабаби биринчидан улар кам жой эгаллайди, иккинчидан уларнинг бошқалардан ажралиб турувчи дизайнидир. Super mini tower корпусларининг баландлиги бошқа корпусларнинг баландлигидан 2-3 марта кам. Моноблокларда эса тизим корпусидан бутунлай воз кечилган. Унда барча қурилмалар мониторкорпусига жойланади.



Илгарилари микропроцессорларга ҳам 5 вольтли кучланишли электр токи бериларди. Микропроцессорларда транзисторлар сони ошиши билан уларда ажраладиган иссиқлик миқдорини камайтириш учун 5 вольт кучланиш аввал 3 вольтгача, сўнг 1,1 вольтгача камайди.

3. Электр энергиясини узлуксиз таъминлаш тизимлари. Компьютерларнинг энг биринчидушмани электр энергиясини таъминлаш тизимидир. Бу тизимда электр

токи кучланиши кўпинчаноминал қиймати: 220 Вольтдан фарқ қилади. Электр энергиясига талаб, куннинг қайси вақтилигига қараб ўзгариб туради. Кундузи электр энергиясига талаб камаяди, кечкурун эса кўпаяди. Кундузкунлари кучланиш 250 Вольтгача кўтарилса, кечки пайт 180 вольтгача пасайиб кетади. Бу каби электр кучланишининг даврий ўзгаришига қарши чоралар аллақачон ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар қандай электрон қурилмаларнинг электр қуввати таъминоти блоклари ўз стабилизаторларига эгалар ва улар кучланишнинг бундай ўзгаришини муваффақиятли бартараф эта оладилар. Лекин электрон қурилмаларга энг катта хавф уларни ёқиш ва ўчириш пайтида пайдо бўлади. Эътибор берган бўлсангиз, оддий ёритиш лампочкалари ҳам фақат уларни ёқиш пайтида қуяди ёки ёнмай қолади (улар ўчириш пайтида қуйган бўлади). Бунга сабаб, электр асбобларини ёқиш ва ўчириш пайтида кучланиш қисқа вақт ичида 220 Вольтга ўзгаради. Бу эса, катта электр импульсларининг пайдо бўлишига олиб келади ва бу импульсларнинг қуввати электр асбоблари чидаб берадиган қувватлардан анча катта бўлади. Шу сабабли электрон қурилмалар ёқилганда уларнинг электр импульсларига сезгир қисмларига электр токи дарҳол уланмай, секин аста уланади, ўчирилганда ҳам шу каби иш тутилади.

Электр таъминоти тизимидаги катта қувват талаб қилувчи баъзи қурилмалар, масалан ишхонадаги лифт мотори, хонадаги кондиционер ёки музлатгичлар ишга тушаётганида катта кучланишли импульслар пайдо қилиши ва бу импульслар яқин ўртадаги компьютер техникасининг қайта юкланишига сабаб бўлиши мумкин. Лекин энг катта хавф электр токининг бирдан ўчиб қолишидир. Компьютернинг бирдан ўчиб қолиши унинг файл тизими учун катта хавф туғдиради. Ташқи хотираларга ёзилган маълумотлардан фойдаланиш учун улар компьютернинг тезкор хотирасига юкланиб олинади. Компьютер бир вақтда ўнлаб файлларни компьютер хотирасига юклаб олади ва улар билан доимий равишда фойдаланади. Бошқача айтганда, компьютер ишлаётганда ўнлаб файллар улардан маълумот ўқиш ёки уларга ёзиш учун очиқ ҳолда бўлади ва улар фақат компьютер ўчирилишидан олдин ёпилади. Электр токининг бирдан ўчиб қолиши бу файллар устида бажарилаётган амалларнинг тугатилмай қолишига ва бу файлларда хатоликлар пайдо бўлишига олиб келади. Файл тизимида вужудга келган муаммолар маълумотларнинг ўчиб кетишига, дастурий таъминотнинг нотўғри ишлашига ёки бутунлай ишламай қолишига олиб келади. Натижада дастурий таъминот ва баъзан операцион тизимни қайта ўрнатишга тўғри келади. Бунинг олдини олиш ва компьютер техникасини ҳимоялаш учун узлуксиз таъминлаш тизимлари (БПС – бесперебойное питание системы ёки UPS Unlimited Power System)дан фойдаланилади.

4. Асосий плата. Компьютернинг асосий қурилмаси унинг микропроцессоридир. Қолган

қурилмалар унга хизмат қиладилар. Асосий плата эса уларни бир-бирига боғлайди. Одатда янгимикропроцессор ишлаб чиқилганда, у учун мўлжалланган

асосий платада фойдаланиш учун янгимикросхемалар ҳам яратилади. Бу микросхемалар биргаликда chipset (микросхемалар тўплами) деб аталади.

Бир турдаги микропроцессорларнинг тезлиги вақт ўтиши билан ошиб боради, улардан фарқлиравишда чипсетнинг частотаси ўзгармайди. Шу сабабдан янги чипсетлар микропроцессорлардан кўратезроқ пайдо бўладилар. Улардан ҳам кўпроқ бу чипсетларда ясалган янги асосий платалар сотувгачикарилади.

Одатда асосий плата таркибига қуйидаги қўшимча қурилмалар ҳам киради.

1. Овоз платаси; 2. Видеоплата; 3. Маҳаллий тармоққа картаси (LAN card).

Бу қурилмалар асосий платага жойланган дейилади, бу ва бошқа қурилмаларини асосий

платанинг слотларига ҳам ўрнатиш мумкин. Бундай қурилмалар ички қурилмалар (корпус ичидаги)деб аталади. Бундан ташқари, қурилмаларни асосий платанинг корпус ташқарисига чиқарилганразъемларига ҳам улаш мумкин. Бундай қурилмалар, масалан флэш хотира ташқи қурилмалар деб аталади.

Асосий платанинг иккита катта микросхемаси айнан шиналар учун мўлжалланган. Улар

кўприклар деб аталади. Шимолий кўприк ўта тезкор қурилмалар: тезкор хотира ва видеопроцессорниулаш учун ишлатилади. Жанубий кўприк нисбатан секин ишлайдиган бошқа қурилмалар: клавиатура,сичқонча, PCI, SATA, USB слотларга уланадиган қурилмаларга хизмат кўрсатади.

Компьютернинг асосий платаси

Шиналар ҳақида гап кетганда микропроцессорларнинг бир жихатига алоҳида тўхталиш

лозим. Микропроцессорлар компьютер таркибига кирувчи турли қурилмаларни бошқариш учунвақти-вақти билан ўз ишини тўхтатиб туради. Бу тўхташлар узилишлар деб аталади. Узилишлар иккитурга бўлинади. Биринчилари даврий узилишлар деб аталади ва улар маълум вақтдан кейинтакрорлана беради. Иккинчилари талабга кўра узилишлар деб аталади.Даврий узилишлар микропроцессор эътиборини доимий талаб қиладиган қурилмалар учунмўлжалланган. Масалан, клавиатурадан маълумот доимий равишда киритилади. Шу сабабли,микропроцессорлар ҳар секундда 50 марта (ҳар 20 миллисекундда) клавиатурада бирон тугмабосилганлигини текшириш учун ўз ишини тўхтатади. Бундан ташқари, ҳар секундда 18900 марта (ҳар21 микросекундда) процессор ўз ишини тўхтатиб тезкор хотирага мурожаат қиладди. Тезкор хотирашундай тузилган-ки, унга 50 микросекунд давомида мурожаат қилинмаса, унинг ячейкаларидаги

заряд сўнади ва ундаги маълумот ўчиб кетади. Ҳозирги пайтда клавиатура ва тезкор хотирага кўприклар орқали хизмат кўрсатилса-да, доимий узилишлар эски дастурларнинг тўғри ишлаши учун сақлаб қолинган ва улардан дастур яратишда фойдаланиш мумкин.

Бирон бир қурилма ўзига хизмат кўрсатилишини хоҳласа, у бошқариш шинасига талабга кўра узилиш сигналини жўнатади. Бу сигнални олган микропроцессор ўз ишини тўхтатиб унга хизмат кўрсатади. Ҳар бир қурилманинг ўз драйвери (унга хизмат кўрсатувчи дастури) бўлиб, узилиш пайтида шу драйвер ишга тушади.

Талабга кўра узилишлардан микропроцессорлар бир вақтда кўп масалалар билан шуғулланишда фойдаланадилар. Бир вақтда ўнлаб жараёнлар билан ишлаётган микропроцессор бир жараён билан ишлашни узиб, иккинчиси билан ишлай бошлайди, кейин иккинчисини ҳам вақтинча тўхтатиб учинчисига ўтади. Бу ўтишлар тез-тез бажарилгани учун фойдаланувчига барча жараёнлар параллел равишда (бир вақтда) бажарилаётгандек туюлади. Замонавий компьютерларнинг бир вақтда бир неча масалалар билан шуғуллана олиши уларнинг ишлашларини жуда барқарорлаштириши билан бирга, фойдаланувчиларга ҳам бир қатор қулайликлар туғдиради. Компьютерда хужжат ярата туриб, бир вақтда мусиқа эшитиш, интернетдан янги китобни юклаш ва бошқа ишларни бажариш мумкин. FSB (Face Side Bus – олд томон шинаси) шимолий кўприк шинаси бўлиб, тезкор хотира учун мўлжалланган. У компьютернинг такт частотасини иккилантириш асосида вужудга келади. Шимолий кўприк микропроцессор учун ҳам такт частотасини ишлаб чиқаради. У компьютер частотасини бирон сонга кўпайтириш асосида яратилади. Масалан, микропроцессорнинг частотаси 1,8 ГигаГерц, компьютернинг такт частотаси 100 МегаГерц бўлса, у 18 га кўпайтирилади. Агар микропроцессор частотаси 2,4 ГГ бўлса, компьютернинг такт частотаси 24 га кўпайтирилади. Шимолий кўприк видеокарта уладиган PCI E (Peripheral Components Interface Express – тезкор ташқи қурилмалар интерфейси) шинасига ҳам хизмат кўрсатади. Бу шина частотаси 16

мартагача кўпайтирилиши мумкин. Жанубий кўприк USB (User's Serial Bus – Фойдаланувчи учун кетма-кет шина), IDE (Interface for Data Exchange – ахборот алмашуви учун интерфейс), PCI ва SATA шиналари учун ҳам хизмат кўрсатади.


Компьютер техникасини ишлаб чиқишдаги рақобат унинг конфигурациясида ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлишига олиб келмоқда. Илгари ташқи ёки ички қурилма сифатида ишлаб чиқилган бир қатор қурилмалар асосий платага жойлана бошлаган бўлса, энди асосий платанинг бир неча вазифалари процессор зиммасига юкланиши кутилмоқда. 32 нанометрли (микросхемадаги транзисторларнинг ўлчами) технология асосида яратилган микропроцессорлар график видеопроцессор вазифасини бажарувчи график ядро(лар)га эга бўлиши билан бирга, шимолий кўприк вазифасини бажарувчи микросхемани ҳам ўз ичига олади. Жанубий кўприк ҳам тез орада микропроцессор таркибига кириши кутилмоқда. Бундай микропроцессорлар 2011 йилда ишлаб чиқариладиган компьютерларда кенг қўлланилиши ишлаб чиқарувчилар томонидан таъкидланмоқда.

5. Тезкор хотира. Микропроцессор циркдаги кўз бойлагичга ўхшайди. Кўзбойлагич турли мўжизалар кўрсата олади, Лекин ўзидан бир неча метр наридаги коптокни ола олмайди.

Кўзбойлагичга ўхшаб, микропроцессорга ҳам ёрдамчи керак. Бу вазифани тезкор хотира бажаради. Тезкор хотирада микропроцессор учун дастурлар, маълумотлар ва ҳисоб-китоб натижалари сақланади.

Тезкор хотира электрон қурилмалар – транзисторлардан ясалади ва микросхема кўринишида бўлади. Микросхемаларда ясалган хотиранинг қулай томонлари: ўлчамлари кичик, кам қувватсарфлайди, сиғими катта ва тез ишлашидир. Тезкор хотира микросхемалари икки хил бўлади: динамик ва статик. Статик микросхемаларда ҳар бир хотира катакчаси регистр кўринишида бўлиб, бурегистрларнинг ҳар бири учун 6 та транзистор ишлатилади. Бу микросхемалар нисбатан тез ишлайди.

Динамик микросхемаларда ҳар бир катакча иккита транзистор ёрдамида ясалади, улардан бири катакчани танлаш учун калит вазифасини бажарса, иккинчиси митти конденсатор вазифасини бажаради, конденсаторнинг зарядланган ҳолати 1 га, зарядсиз ҳолати 0 га мос келади. Бундай микросхемалардан ясалган тезкор хотира нисбатан секин ишлайди ва улардаги маълумот ўчиб кетмаслиги учун уларни бир секундда бир нече ўн минг марта зарядлаб туриш керак бўлади. Бу камчиликларига қарамай, уларнинг сиғими каттароқ ва уларнинг нархи анча арзон. Ҳозирги пайтда тезкор хотираларнинг деярли барчаси динамик микросхемалар асосида ишлаб чиқилади.



Тезкор хотиранинг асосий параметрлари уларнинг сиғими ва тезлиги (такт частотаси)дир.

Тезкор хотиранинг сиғими ҳар доим иккиннинг даражаси кўринишидаги сонга тенг бўлади. Бу уларнинг манзилини аниқлаш билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда DIMM, DDR, DDR II ва DDR III русумли тезкор хотиралардан фойдаланилади.

DIMM хотираларнинг сиғими 32, 64, 128, 256, 512 МБ бўлиши мумкин, уларнинг такт

частотаси 66, 100, 133, 166, 200 МГц лардан бирига тенг.

DDR хотираларнинг сиғими 128, 256, 512, 1024 МБ, такт частотаси 266, 333, 400 МГц

бўлиши мумкин. DDR хотираларда такт частота билан бирга маълумот узатиш тезлигидан ҳамфойдаланила бошланди. Масалан, DDR 2100 деб такт частотаси 266 МГц бўлган хотира белгиланган. Бу частотада ишлайдиган хотира бир секундда $266 \text{ МГц} * 8 \text{ бит} = 2100 \text{ Мегабит}$ ахборот узата олади. Шу каби DDR 2700 ва DDR 3200 русумли хотиралар ҳам бор.

DDR II туридаги хотиралар 512, 1024, 2048 МБ сиғимли ва 4200, 5300, 6400 Мб тезликда,

DDR III турдаги микросхемалар 1, 2, 4 ГБ сиғимли ва 11000, 13000, 16000 ва 20 000 Мб тезликда бўлиши мумкин. DIMM ва DDR русумидаги тезкор хотиралар ҳозир ишлаб чиқарилмайди.

6. Видеопроцессорлар. Замонавий компьютерлар уч ўлчовли графика, юқори сифатли видеобилан ишлайди. Бу улардан экранга чиқариладиган мураккаб ахборотни тезда қайта ишлай олишиниталаб қилади. Шу сабабли, видеопроцессорлар ҳисоблаш ишларини бажара олиш қуввати бўйичааллақачон марказий микропроцессорлардан ўзиб кетдилар. Улардаги транзисторлар сонимикропроцессордагидан бир неча баробар кўп бўлиши мумкин. Ҳозирги видеопроцессорларнингразрядлари сони 128 дан кам эмас, 256 ва хатто 384 разрядли видеопроцессорлар ҳам мавжуд.


Видеопроцессорлар ўз тезкор хотираларига ҳам эга бўладилар. Бу видеохотира сиғими 256 МБ дан 2ГБ гача бўлиши мумкин.



Видеопроцессорларнинг бу қувватидан оддий-ҳисоб китобларда ҳам фойдаланиш мумкин. Махсус ишлаб чиқилган дастурий таъминот ёрдамида видеопроцессорда 80 хонали (ўнли санок системасида) аниқликда математик ҳисоб ишлари бажарилади. Ҳозирги пайтда видеопроцессор ўрнига PCI Express слотига ўрнатиладиган, 32 ядроли

микропроцессорга эга ва секундига ярим триллионгача амал бажара оладиган блоклар

ишлаб чиқарилмоқда. Бу блоклар ёрдамида оддий компьютерни суперкомпьютерга айлантириш мумкин.



Видеопроцессорларнинг асосий параметрлари бу унинг разрядлари сони, видеохотираси

сиғими ва бир секундда нечта триангел (уч ўлчовли тасвирнинг энг кичик бўлаги)ни қайта ишлайолишидир.

7. Винчестер русумидаги ташқи диск. Тезкор хотиранинг битта камчилиги компьютер

ўчирилганда ундаги барча маълумотнинг ўчиб кетишидир. Шунинг учун барча компьютерлар бошқатурдаги хотира билан ҳам таъминланади. Бу хотира тезкор хотирадан кўра секинроқ ишласа ҳам,кўпроқ сиғимга эга бўлиши ва электр таъминотига боғлиқ бўлмаслиги керак. Бундай ташқи хотираларнинг барчаси дисклар деб аталади. Уларнинг бир неча турлари яратилган бўлсада, улардан энг оммавийси винчестер русумидаги ташқи хотирадир.



Винчестерлар герметик (бутунлай ҳаво ўтказмайдиган) ёпиқ корпусга жойланган, магнитланаоладиган қатламга эга дисклардир. Битта корпусга битта ёки бир нечта бундай дисклар ўрнатилса-да, улар фойдаланувчи учун битта диск бўлиб кўринади. Винчестер жисмонан яхлит диск деб қаралади, ундаги дисклар эса цилиндр ёки каллақлар дейилади, цилиндр ҳалқасимон йўлчалардан ташкил топади, йўлчалар эса ўз навбатида секторларга ажратилади. Мантиқан винчестер ихтиёрий сиғимли бўлимларга ажратилади ва бу бўлимларнинг ҳар бирида биттадан мантиқий диск жойлашади. Дискларда маълумотлар файл кўринишида сақланади. Файллар эса кластерлар кетма-кетлигидан иборат бўлади. Кластер бир неча секторлардан иборат бўлади. Кластердаги секторлар сони барча кластерлар учун бир хил бўлади. Файлнинг ҳажмига қарабунга керакли сондаги кластерлар ажратилади. Файлнинг охириги кластерида қолган бўш жой бошқа

файлларга берилмайди. Ҳозирги пайтда сиғими 80, 120, 160, 250, 320, 500, 640, 750, 1000, 1500, 2000 ГБ бўлган винчестерлар сотувда бор. Винчестерларнинг корпуси эни 3,5 дюймга тенг бўлиб, уларни жойлашувчи компьютер корпусида махсус жой ажратилган. Ноутбук компьютерлари учун ишлаб чиқариладиган винчестерларнинг эни 2,5 дюймга тенг бўлади.

Винчестерлар билан маълумот алмашишни тезлаштириш мақсадида уларда электрон

микросхемаларга жойланган буфер (оралиқ) хотиралар бўлади. Бу хотира тезкор хотира каби тезишлайди, унинг сиғими унчалик катта бўлмай, 8, 16, 32 МБ бўлиши мумкин. Винчестерларнинг тезлиги унинг дискларининг айланиш

тезлигига ҳам боғлиқ. Дисклар минутига 5400, 7200 ёки 10 000 марта айланиши мумкин. Ҳозирги пайтда винчестер дискларининг айланиш тезлиги асосан 7200 айл/мин га тенг. 5400 айл/мин тезликдан фақат ноутбук компьютерлари учун мўлжалланган баъзивинчестерларда фойдаланилади. 10000 айл/мин тезлик эса сервер компьютерлар учун мўлжалланган винчестерларда ишлатилади. Винчестерларни компьютернинг асосий платасига улаш учун бир неча стандартлардан фойдаланилади. IDE (Imbedded Drive Electronics – уланадиган ва бошқариладиган электрон қурилмалар) шинаси 15 йил хизмат қилди ва бу шина учун мўлжалланган винчестерлар ҳозирги пайтда деярли ишлаб чиқарилмаяпти. SATA, яъни Serial ATA (кетма-кет ATA) охириги пайтда оммавийлашиб кетган шина бўлиб, унда маълумотлар кетма-кет, яъни битма-бит узатилади. SATA шинасига винчестерлардан ташқари оптик диск юритувчиларни ҳам улаш мумкин. Авваллари оптик диск юритувчилар ҳам IDE шинага уланар эди. Ҳозир IDE шинаси PATA – Parallel ATA (Advanced Technologies Attachment – илғор технологияли уланиш) деб атала бошланди. Бу шинада бир вақтда байтнинг саккизта бити параллел равишда саккизта сим орқали узатилади.

Ҳозирги пайтда мултимедияли ахборот: кўшиқлар, клиплар, кинофильмларнинг оммавийлашуви, телевидение ва видеонинг янги стандартлари вужудга келиши билан катта сифимли ахборот ташувчиларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида портатив (олиб юриладиган) винчестерларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу қурилмаларни нафақат компьютерга, балки видео плеерлар, мусиқа ва медиа марказлари, сунъий йўлдош телевидениесини қабул қилувчи тьюнерлар, видео ва фототехникага улаш мумкин. Технологияларнинг ривожланиши билан винчестерлар ўрнини босувчи SSD (Solid State Disc – қаттиқ ҳолатдаги дисклар) пайдо бўлди ва оммавийлашиб бормоқда. Уларда ахборот электрон микросхемаларда сақланади. Бу микросхемалар тезкор хотира микросхемалари каби бўлиб, улардан фарқли равишда электр таъминотидан узилганда ҳам ўзидаги ахборотни сақлаб қола олади. Ишлаш тамойилига кўра бу дисклар қуйида кўриб чиқилган флэш хотира қурилмаларига ўхшаб кетади. Лекин уларнинг камчиликлари бартараф қилинган: хотира сифими ва ўқиш-ёзиш тезликлари анча катта. Бу дисклар винчестерлардан фарқли равишда механик қурилмалар: мотор, айланувчи диск ва ҳаракатланувчи каллақлардан ҳоли. Бу эса уларнинг ишончилигини оширади, ўлчамларини кичиклаштириш ва энергияни камроқ истеъмол қилиш имконини яратади. Яқин орада бундай қурилмаларнинг винчестерлар ўрнини тўлиқ эгаллаши кутилмоқда.



8. Оптик диск юритувчилар. 1983 йил Sony компанияси бозорга катта шов-шувларга сабаббўлган CD ROM (Compact Disc Read Only Memory – компакт диск, фақат ўқиладиган хотира) дискларни ва улар учун диск юритувчиларни бозорга чиқарди. 70 минутли олий сифатли стереомусиқани рақамли кўринишда ёзиш учун мўлжалланган компакт диск сиғими 650 МБ га тенгэди. Ўша пайтдаги оммавий компьютер IBM PC XT нинг тезкор хотираси 128 КБ, сотувдагивинчестерларнинг ҳажми 5 МБ эди. Орадан бир неча йил ўтиб аҳвол ўзгарди. Компьютерларнинг имкониятлари кенгайиб, улар компакт дискларга ёзилган аудио ахборотни қайта ишлаб овоз кучайтиргичга чиқара олишга кучи етадиган бўлди. Windows операцион тизимининг оммавийлашуви натижасида дастурий таъминотнинг ҳажми ҳам оша бошлади ва компакт дисклар компьютерларда ҳам оммавий равишда қўлланила бошланди. Компакт дисклардаги маълумот винчестерлардаги каби электромагнит тебранишлар ёрдамида эмас, балки ёруғлик нурлари асосида ишлайдиган лазер қурилмалари ёрдамида ўқилади ва ёзилади. Шунинг учун бу қурилмаларда ўқиш каллаги дискдан нисбатан узокда жойлашиши ва винчестердан фарқли равишда уларда дискларни алмаштириш имкони вужудга келди. Ҳозирги пайтда 700 МБ ли компакт дисклардан фойдаланилади. Компакт дискларнинг учтуридан фойдаланилади. CD ROM дан ташқари, CD R ва CD RW деб аталадиган компакт дисклармавжуд. CD R диск (Recordable – ёзиш мумкин бўлган)ларга махсус диск юритувчи қурилма

ёрдамида бир марта ахборот ёзиш мумкин. CD RW (Rewritable – қайта ёзиш мумкин бўлган)дискларга бир неча (мингтагача) марта қайтадан ахборот ёзиш мумкин. Уларга мос равишда CDRом, CD R ва CD RW диск юритувчи қурилмалар яратилди. 1995 йил янги турдаги оптик дисклар DVD лар яратилди. Улар компакт дисклардан ката сиғимлари билан ажралиб турадилар. Юқори частотали лазерлардан фойдаланиш ва дискдаги

ҳалқалар орасидаги масофани камайтириш ҳисобига битта дискка 4,7 ГБ сиғимли дисклар яратиш мумкин бўлди. Дискка икки қатлам қилиб ахборот ёзиш ҳисобига диск сиғимини 8,5 ГБ гача, икки томонига ёзиш ҳисобига 17 ГБ гача етказиш мумкин бўлди. DVD дискларнинг компакт дисклардан фарқли равишда ўзаро мос келмайдиган иккита стандарти мавжуд эди. Бу фойдаланувчилар орасида бир қатор қийинчиликлар туғдирар эди. Бугунги

кунда бу муаммолар ортида қолди ва DVD диск юритувчилар барча дискларни ўқий олади. DVD дискларнинг ҳам компакт дисклар каби DVD ROM, DVD R, DVD RW турлари ва диск юритувчилари мавжуд. DVD диск юритувчилар компакт дискларни ҳам ўқий оладилар. Лекин тескараси тўғри эмас. Оптик дискларнинг янги стандарти Blue Ray деб аталади. Бу ном кўк нур деган маънони билдиради ва бу дискларни ўқишда ишлатиладиган янада қисқа тўлқин узунлигига эга лазер нурунинг рангидан олинган. Олдинги оптик дискларда қизил нурли лазердан фойдаланилар эди. Blue Ray дискларининг ҳажми 25 ГБ бўлиб, улардан DVD стандартидан ҳам юқори сифатли HD (High Definition – юқори аниқликдаги) ва Full HD – тўлиқ юқори аниқлик стандартидаги телекўрсатувлар ва видеоматериалларни сақлаш учун фойдаланилади. HD стандартида ҳар бир кадр 1280X720, Full HD да 1920X1080 ўлчамга эга бўлади.

9. Флэш хотиралар. Флэш хотира (Flash Memory – бир зумда (кўз юмиб очгунча) ўқийдиганхотира) деб электрон микросхемалар кўринишидаги, электр таъминотидан узилганда ҳам ўзидагимаълумотларни сақлаб қола оладиган ва компьютерга USB шина орқали уланадиган ташқи хотирагаайтилади. Флэш хотиралар дастлаб рақамли фото ва видеокамераларда қўшимча хотира сифатидақўлланилган. Орадан бир неча йил ўтиб, 2001 йилда улар USB шина орқали уланадиган шаклдасотувга чиқарилди. Уларнинг сиғими аввал 1, 2, 4 ёки 8 МБ бўлган бўлса, ҳозирги кунда 2, 4, 8, 16, 32, 64, 128 ГБ сиғимли флэш хотиралар ишлаб чиқилмоқда. Флэш хотираларнинг яна бир муҳим параметри бу уларнинг маълумотларни ўқиш ва ёзиш тезликларидир. Бир оз илгари бу кўрсаткич 10 – 15 Мегабитга тенг эди. Ҳозир 250 Мб тезликда маълумотларни ўқийдиган флэшкалар мавжуд. Флэш хотираларга маълумотни ёзиш ўқишга қараганда икки баробаргача кичик бўлиши мумкин. Флэш хотиралар улардан аввал компьютерлар орасида ахборот алмашиш учун хизмат қилган флоппи диск (дискета)ларни бутунлай сиқиб чиқарди. Флоппи дисклардан фақат уларнинг ўлчамлари: 5,25 ва 3,5 дюймларгина қолди. Биринчи ўлчамдан оптик диск юритувчиларни ишлаб чиқарувчилар фойдаланишса, иккинчисидан винчестерларни ишлаб чиқарувчилар фойдаланадилар. __



10. Клавиатура. Клавиатура компьютерга ҳарф ва рақам кўринишидаги маълумотлар ва

буйруқларни киритиш учун ишлатиладиган ташқи қурилмадир. У ёзув машинасининг клавиатурасигаўхшаб кетади, лекин унга нисбатан кенгрок имкониятларга эга. Унинг тугмаларини қуйидагигуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Ҳарф ва рақамларни киритиш тугмалари.
2. Бошқариш тугмалари
3. Функционал тугмалар.
4. Курсорни бошқариш тугмалари.
5. Қўшимча клавиатура тугмалари.
6. Мультимедиа билан ишлаш учун қўшимча тугмалар.

Барча клавиатураларда тугмалар тўплами деярли бир хил. Улар одатда бир-биридан фақатмультимедиа билан ишлаш учун мўлжалланган қўшимча тугмаларининг сони ва жойлашиши билан фарқ қиладилар. Охирги пайтда тугмаларининг жойлашиши биров ўзгартирилган эргономик (фойдаланувчи учун қулай ва безарар) клавиатуралар урф бўлмоқда. Клавиатураларни компьютерга улаш учун ҳозирги пайтда махсус разъем OS/2 дан фойдаланилади. Бу разъемни 25 йил аввал IBM компанияси биринчи марта қўллаган эди. Компьютерга стандарт USB порт орқали уландиган клавиатуралар ҳам кўпайиб бормоқда. Бундан ташқари компьютерга инфрақизил нурлар ёрдамида уландиган симсиз клавиатуралар ҳам бор.




Figure 5-4 An ergonomic keyboard.



11. Сичқончалар. Сичқончасиз компьютер билан ишлашнинг деярли иложи йўқ.
График

интерфейсли дастурлар билан ишлаш учун махсус ишлаб чиқилган сичқонча, айниқса компьютерда ишлашни энди бошлаганлар учун жуда қулай. Сичқончанинг экранда курсор деб аталувчи кўрсаткичи бўлиб, сичқончани жойидан қимирлатсак, курсор ҳам унга мос равишда ҳаракатга келади. Сичқонча ёрдамида бир неча амални бажариш мумкин ҳолос, лекин бу амаллардан барча дастурларда кенг фойдаланилади. Булар унинг чап тугмасини бир ёки икки марта чертиш, ўнг тугмасини бир марта чертиш, унинг ғилдирагини айлантириш ва чап тугмасини босиб туриб сичқончани юргизишдир.

Ҳозирги пайтда сичқончанинг лазерли деб аталувчи тури ишлаб чиқарилади. Бундай

сичқончанинг ҳаракати лазер нури ёрдамида аниқланади. Авваллари сичқонча шарикли механикқурилмага эга бўлиб, унинг ёрдамида ҳаракат йўналиши аниқланар эди.

Сичқончалар ҳам клавиатуралар каби компьютерга OS/2, USB портлари орқали ёки инфра қизил нурлар ёрдамида симсиз уланиши мумкин.



12. Мониторлар. Компьютер қанчалик кучли бўлмасин, у маълумотларни фойдаланувчи

учун қулай кўринишда тасвирлаб бера олмаса, ундан ҳеч қандай фойда йўқ. Фойдаланувчи компьютердаги маълумотларни асосан, монитор орқали олади. Монитор маълумотларни чиқариш қурилмаси ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда сенсорли (сезгир) экранли мониторлар ҳам ишлаб чиқарилсада, улар шахсий компьютерларда ҳозирча кенг тарқалмаган. Бундай сенсорли экранлардан телефонларда, bookreader (электрон китобларни ўқиш учун мўлжалланган қурилмалар), сотув автоматларида ва баъзи ноутбукларда фойдаланилади. Сенсорли экранларда сичқонча вазифасини фойдаланувчи бармоқлари бажаради. Уларда бирон объектни сичқонча ёрдамида чертиш ўрнига экрандаги шу объектни бармоқ билан чертиш етарли.

Мониторлар биринчи навбатда уларда экран сифатида нима ишлатилиши билан фарқланади. Дастлаб мониторлар электрон нурли трубкалардан фойдаланганлар. Улар CRT (Color Ray Tube – рангли нур трубкалари) деб номланади. Уларда экрандаги тасвир электрон нур ёрдамида яратилади. Рангли тасвир яратиш учун бундай трубкаларда бир вақтда учта нурдан фойдаланилади. Бу нурлар асосий ранглар деб аталувчи: Red (қизил), Green (яшил) ва Blue (кўк) рангларга мос келади. Учта асосий рангларни қўшиб, табиатда учрайдиган деярли барча рангларни яратиш мумкин. Шу сабабли, мониторларда ранг ҳосил қилиш ва рангли тасвирларни сақлашнинг баъзи системалари RGB

қўшилувчи ранглар системаси деб аталади. CRT мониторлари ҳозирча кенг тарқалган бўлса-да, бугунги кунда деярли ишлаб чиқарилмайди.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган мониторларнинг деярли барчаси суяк кристалли

мониторлардир. Дастлаб, бундан қирқ йил олдин электрон соатлар ва калкуляторларда

фойдаланилган суяк кристаллар ҳозир деярли барча тасвирларни акс эттирувчи қурилмаларда ишлатилади. LCD (Liquid Crystal Display – суяк кристалли дисплей) деб аталувчи бу мониторлар фойдаланувчилар орасида ўзининг ташқи ўлчамлари сабабли ясси монитор деб ҳам аталади. Бу мониторларда одатда суяк ҳолда бўладиган, лекин электр токи таъсирида

кристаллана оладиган варангини ўзгартирадиган моддалардан фойдаланилади. __



Figure 5-12 Computers and mobile devices have touch screens.



Figure 5-13 This traveler checks in using an airport kiosk.



Figure 5-14 Guests explore photos of hotel amenities by touching and dragging them across the Microsoft Surface display.

Яна бир мониторларнинг тури бу плазмали мониторлардир. Уларнинг ишлаш тамойили шимолй кутб ёғдусига ўхшаб кетади. Бу мониторларда газ юқори ҳароратли плазма кўринишида бўлади ва улардан электр токи ўтганда ўзидан ёруғлик нури чиқаради. Бу мониторларда тасвирэлементлари (пикселларнинг) ўлчамлари анча катта бўлиб, уларни кичиклаштиришнинг деярли иложи йўқ. Шу сабабли, бундай мониторларнинг ўлчамлари бир неча метр бўлиб, улар шахсий компьютерларда деярли фойдаланилмайди.

Сўнгги пайтда ярим ўтказгичли фотодиодлардан фойдаланадиган мониторлар кенг ишлаб чиқарила ва нархларнинг пасайиши сабабли оммавийлаша бошланди. Бундай мониторлар LED (Light Electronic Diode – ярим ўтказгичли фотодиод) деб ном олган. Суюқ кристаллар ёруғлик манбасидан чиқаётган нурларни ўтказса, фотодиодларнинг ўзи ёруғлик манбасидир. Шунинг учун бу мониторларнинг бир қатор параметрлари, биринчи навбатда тасвирнинг контрастлиги бошқа турдаги мониторларга нисбатан жуда юқори.

Улар LCD ва плазмали мониторларнинг камчиликлари: кўриниш бурчагининг кичиклиги, экрандаги тасвир контрастлиги ва ёрқинлигининг нисбатан пастлиги каби камчиликлардан ҳоли. Фотодиодли (бошқача номи нурли диодли) мониторларнинг ўлчами 12 дюймдан 200 дюймгача бўлиши мумкин. Катта ўлчамли (масалан, 4X3м²) мониторлар ҳозирги кунда кўчаларда кўплаб учрайди. Улар, хаттоки, куёш нурлари остида ҳам яққол кўринадиган тасвирлар ярата оладилар. Мониторлар ўлчамларининг нисбати билан ҳам фарқланади. CRT мониторларнинг ўлчамлари нисбати 4X3 каби. Дастлаб LCD мониторларнинг нисбати 4X3 каби бўлган бўлса, кейинчалик маиший кинотеатрларининг кенг тарқалиши сабабли, 5X3 нисбатдаги, сўнггра 16X9 нисбатдаги мониторлар оммавийлашиб кетди.



Мониторларнинг яна бир муҳим параметри уларнинг ўлчамларидир. Мониторларнинг

ўлчамлари телевизорлардаги каби уларнинг диагонали узунлиги билан ўлчанади, бунда ўлчовбирлиги сифатида дюймдан фойдаланилади. Бир дюйм 2,54 смга тенг. Дастлаб 12 ва 14 дюймлимониторлар ишлаб чиқилган бўлса, кейинчалик 15 ва 17 дюймли, охири пайтда 19 ва 22 дюймлимониторлар урф бўлди. Ҳозирги пайтда 32 ва 42 дюймли мониторлар ҳам ишлаб чиқарилади. Мониторларнинг яна бир муҳим параметри ундаги пикселлар сонидир. Бу сон ундагиустунлар ва сатрлар сони орқали аниқланади, масалан 640X480. 4X3 нисбатдаги мониторлар учунпикселлар сони 800X600, 1024X768, 1280X960, 1600X1200 бўлиши мумкин. Кенг форматли (16X9 ўлчамли) мониторлар учун пикселлар сони 1280X720 га (HD – High Definition – юқори аниқликдаги) тенг. Ҳозирги пайтда пикселлари сони 1920X1080 га тенг (Full HD – тўлиқ HD) мониторлар ҳам кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

13.Принтерлар. Принтерлар маълумотларни қоғозга тушириш учун ишлатилади. Уларнингҳозирги пайтда уч тури: матрицали, лазерли ва сиёҳли турларидан фойдаланилади. Улар бир-биридантасвирни ҳосил қилиш усули орқали фарқланади.

Улардан биринчиси матрицали принтерлар бўлиб, бу принтерлар сиёҳли лентага ингичкаигналарни уриш орқали қоғозда тасвир ҳосил қиладилар. Улар электр ёзув машиналаринитакомиллаштириш асосида яратилган эди.



Бу принтерлар секин ишлаши, сершовқинлиги, график тасвирларни қоғозга туширишинингдеярли иложи йўқлиги, фақат битта (бир нечта) рангдаги тасвирлар ҳосил қилиши кабикамчиликлари туфайли ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилмайди. Улар фақат мавжуд дастурийтаъминотни алмаштириш қийин

бўлган жойларда, масалан баъзи банкларда сақланиб қолган. Матрицали принтерлар ўз ўрниларини лазерли принтерларга бўшатиб бердилар. Бу принтерлар босмахоналардаги типография машиналари каби ишлайди. Лазерли принтерлар лазер нури ёрдамида қоғозга сепилган, магнитлана оладиган кукунни куйдириш ёрдамида тасвир ҳосил қилади. Матрицали принтерларни такомиллаштириш натижасида сиёҳли принтерлар пайдо бўлди. Сиёҳли принтерларда қоғоздаги тасвир қоғозга сиёҳ пуркаш йўли билан ҳосил қилинади. Матрицали ва сиёҳли принтерларда принтер каллагига қоғоз бўйлаб горизонтал ҳаракатланади ва бир қатор матн

ёки график тасвир бўлагини қоғозга туширади. Бир қатор матн чоп этилгач, қоғоз вертикальўналишда сурилади ва кейинги қатор чоп этилади. Лазерли принтерларда тасвир қоғозга бошқача усулда туширилади. Аввал магнитли барабанга кукун тасвирга мос келадиган қилиб сепилади. Кейин бу кукун барабан атрофида айланаётган қоғозга ўтказилади. Ниҳоят қоғозга туширилган кукун термо элементли барабан ёрдамида куйдирилади ва қоғоздаги тасвир маҳкамланади.



Энг кўп тарқалган принтерлар япон компанияси Epson ва АҚШ компанияси HP – Hewlett

Packard ларнинг принтерларидир. Epson компанияси энг оммавий рангли сиёҳли принтерларни ишлабчиқарса, HP компаниясининг лазерли оқ-қора принтерлари кенг тарқалган. Бундан ташқари, Япониянинг Canon ва Жанубий Кореянинг Samsung компанияларининг принтерлари ҳам кенгтарқалиб бормоқда.

Принтерларнинг асосий параметрларидан бири – қоғознинг бир бирлик бўлагига нечта тасвирнуқтасини ура олишидир. Бу катталиқ бирлиги dpi (dot per inch – дюймдаги нуқталар) биланўлчанади. Матрицали принтерлар учун бу кўрсаткич 72 dpi, лазер принтерлар учун 600 ёки 1200 dpi, сиёҳли принтерлар учун 1440 ёки 2880 dpi гача бўлиши мумкин.




Принтерларнинг яна бир параметри уларнинг чоп этиш тезлиги. Лазерли принтерлар учун бутезлик минутига варақларда ўлчанади ва 12 дан 130 гача бўлиши мумкин. Сиёҳли принтерлар учунбу тезлик чоп этиш сифати ва матн ёки расм чоп этилишига боғлиқ. Матнни хомаки тарзда чоп этишэнг тез бажарилади ва минутига 4 варақдан 12 варақча ташкил этади. Фотографик сифатга эгарасмларни чоп этиш учун одатда 30 секунддан (А6 формат 10Х15 см) 2 минутгача (А4 формат, 21Х29см) бўлиши мумкин.

Сўнгги пайтда принтерлар орасида кўп функцияли қурилмалар оммавийлашиб бормокда. Буқурилмалар учтаси битта ва тўрттаси битта кўринишида бўлиши мумкин. Учтаси битта қурилмаларбир вақтда сканер, принтер ва нусха кўчириш қурилмаси сифатида ишлатилиши мумкин. Тўрттасибитта қурилмалари яна факс вазифасини ҳам бажаради. Кўп функцияли қурилмалар ҳам сиёҳли, ҳамлазерли принтерлар асосида ишлаб чиқарилади.



Қоғозда рангли тасвирларни ҳосил қилиш монитор экранида тасвир яратишдан бир оз фарққилади. Монитор экрани унда тасвир бўлмаган пайтда қора рангда бўлади ва рангли тасвир асосийранглар: қизил, яшил ва кўк рангларни керакли нисбатда кўшиб яратилади.



Принтерда эса тасвир оқ қоғозга туширилади ва рангли тасвир оқ рангдан бошқа кераксиз

рангларни олиб ташлаш орқали яратилади. Оқ рангнинг ўзи компьютер экранда учта асосий рангнинг қўшилишидан пайдо бўлади.

Оқ рангдан қизил рангни айирсак, ҳаво ранг (кўк ва яшил ранглар йиғиндиси), яшил рангни айирсак, пушти (қизил ва кўк ранглар йиғиндиси), кўк рангни айирсак, сариқ (қизил ва яшил ранглар йиғиндиси) ранг ҳосил бўлади. Қора ранг эса қора бўёқ сепиш билан яратилади. Шунга кўра, ранглипринтерларда ранг ҳосил қилиш тизими айирилувчи тизим деб аталади ва унда асосий ранглар Cyan(ҳаворанг), Magenta (пушти), Yellow (сарик) ва black (қора) ранглардир. Бу тизимнинг номи шу ранглардан олинган ва CMYK деб аталади.

14. Плоттерлар. Плоттерлар катта ўлчамлардаги тасвирларни қоғоз ёки бошқа

материалларга тушириш учун хизмат қилади. Бир вақтлар принтерларда тасвирларни қоғозга туширишнинг иложи йўқ эди. Ўша пайтда чизмаларни чизиш учун плоттерлар яратилган эди. Принтердан фарқли равишда плоттерда бир неча рангдаги ручкалар бўлиб, улар маҳкамлаб қўйилган қоғоз устида ҳаракатлана олар ва унда турли шаклларни чиза олардилар. Ҳозирги пайтда плоттерлар жуда ўзгариб кетган ва улар кўпроқ катта ўлчамли принтерларга ўхшаб кетадилар. Улар энди бор йўғи бир неча рангдаги чизикларни эмас, бу рангларни қўшиб ихтиёрий рангдаги тасвирни ҳосил қила оладилар. Замонавий плоттер нафақат чизмаларни, балки фотографик тасвирларни ҳам чиқара оладилар. Улар энди фақат қоғозга эмас, бошқа силлиқ материалларга ҳам тасвир ура оладилар. Бу қурилмалар ёрдамида тижорат рекламалари янги кўриниш олди. Кўчаларда оби ҳавонинг турли таъсирларига чидамли, реклама баннерлари пайдо бўлди. Уларнинг ўлчамлари бир неча юз квадрат метргача бўлиши мумкин.



Ҳозирги плоттерларнинг асосий параметрлари тасвирнинг кенглиги, тасвир элементларининг зичлиги ва чоп этиш тезлигидир. Плоттерларда уларнинг русумларига қараб, тасвир кенглиги 80 см дан 6 метргача бўлиши мумкин. Одатда плоттерлар ўрам

кўринишида йиғилган материалларга тасвир чиқарадилар, шунинг учун улар ҳосил қиладиган тасвир узунлиги кераклича катта бўлиши мумкин. Плоттерларда пикселларнинг зичлиги 72 dpi ва ундан юқори бўлиши мумкин. Бу эса ҳар бир тасвир элементининг ўлчамлари 0,3 мм дан кичик бўлишини таъминлайди. Натижада плоттерларда яратилган тасвир 50 см масофадан ҳам жуда сифатли кўринади. Плоттерлар соатига бир неча юз квадрат метр тасвир ярата оладилар ва бу тезлик, албатта, тасвир элементларининг зичлигига

ҳамбоғлиқ. Ҳозирги пайтда нафақат текис ва силлиқ материалларга, улардан ташқари текис бўлмаган материаллар, чинни идишларига, ручка ёки қаламларга, совға идишларига, силлиқ бўлмаган кийим- кечак, ҳатто инсон терисига ҳам тасвирларни тушириш мумкин. Бунинг учун махсус плоттерлардан фойдаланилади. Бу плоттерларда сиёҳ пуркайдиган каллақлар текисликда эмас, балки уч йўналишда:тепага ва пастга, олдинга ва орқага, чапга ва ўнгга ҳаракатлана олади

15.Сканерлар. Сканерлар компьютерга тасвирларни киритиш учун хизмат қилади.

Уларнинг асосий параметрлари: тасвирнинг энг катта ўлчами, пикселлар зичлиги ва битта тасвирнисканерлаш вақтидир. Ясалишига кўра сканерлар уч турга бўлинади: планшетли, барабанли ва дастакли. Планшетли сканерлар кенг тарқалган бўлиб, уларда сканерланадиган тасвир нусха кўчириш қурилмаларидаги каби сканернинг қопқоғини очиб, ичига жойланади. Барабанли сканерларда эса сканерланадиган тасвир жойлашган қоғозларни сканер ўзи тортиб олади. Бундай сканерларда масалан, китобларни сканерлаб бўлмайди. Лекин уларда бир хил ўлчамларга эга ва катта ҳажмдаги сканерланадиган тасвирларни (масалан, тест топшириқларининг жавоб варақаларини) қайта ишлаш

қулай. Бундай сканерлар одатда тез ишлайди ва уларнинг нархи анча баланд.

Дастакли сканерларни стол устида турадиган олдингиларидан фарқли равишда қўлда кўтарибюриш мумкин. Улар ёрдамида, масалан савдо шаҳобчаларидаги товарларнинг штрих кодларини ўқишмумкин ва улар асосан савдо тизимида кенг тарқалган. Улар орасида қалам каби чўнтакда олибюриладиганлари ҳамда аккумулятор ва флэш хотира билан ишлайдиганлари ҳам бор.



Сканерлар, асосан, А4 формат (21смХ30см) ёки В4 формат (21Х35) учун мўлжалланган, лекин сотувда А3 форматли (30смХ43см) сканерлар ҳам учрайди. Ҳозирги сканерлар тасвирларни 3000 dpi (дюймдаги пикселлар сони) гача зичликдаги тасвирлар ҳосил қила олади. Лекин амалда тасвирларни 150–300 dpi зичликда сканерлаш етарли. Сканерлардан матнларни ҳам

киритишда

фойдаланилади. Матн тасвир кўринишида сканерланади ва тасвирдан матнни билиб олиш дастурлари ёрдамида матн кўринишига ўтказилади.

16.Рақамли фотоаппаратлар. 1997 йили биринчи марта оммавий сотув учун ишлаб чиқилган Chinon (ҳозирги Canon) компаниясининг рақамли фотокамераси 320Х240 пикселли суратлар яратаолган бўлса, ҳозирги кунда ҳаваскорлар учун мўлжалланган энг оддий рақамли фотокамералар ҳам 3200Х2400 пикселли

ўлчамдаги суратлар ярата олади. Қисқа вақт ичида тасмали фотоаппаратларрақамли фотокамералар томонидан бозордан сиқиб чиқарилди. Бу фотоаппаратларни ишлабчиқарувчи компаниялар (масалан, Polaroid) касодга учрадилар, бошқалари эса ўз йўналишларини ўзгартирдилар.

Рақамли фотокамералар уч тоифага бўлинади: профессионал, ярим профессионал ва

ҳаваскорлар учун. Профессионаллар учун мўлжалланган фотокамералар жуда қиммат бўлиб, унданфақат фотография билан шуғулланувчи мутахассислар фойдаланадилар. Бу тоифадаги камералар шусоҳадаги энг илғор технологиялар асосида яратилади. Бу технологияларнинг кўпчилиги яримпрофессионал камераларда ҳам қўлланилади. Бундай камералар яна ойнали деб ҳам аталади, чункибундай камераларда юқори сифатли ойнадан ясалган оптика ишлатилади. Бундай камераларнинг нархи етарлича арзон бўлиб (400–1000 доллар), ундан анча талабчан ҳаваскорлар ва фаолиятини энди бошлаган мутахассислар фойдаланадилар.



Figure 1 A variety of input, output, and storage devices are used by home users to process and edit digital video.

17. Рақамли видеокамералар. Рақамли видеокамералар жонли тасвири суратга олиш учунишлатилади. Бунда тасвир секундига 25–70 марта суратга олинади. Бу сон кадрлар частотаси дебаталади. Бу кадрларни кетма-кет экранга чиқариш билан видеотасвир ҳосил қилинади. Видеотасвирдаги ҳар бир кадрнинг максимал ўлчами 640X480, 800X600, 1024X768 бўлиши мумкин. Баъзи моделлар DVD форматида 768X576 ўлчамли тасвирларни суратга олади. 2010 йилда HD (1280X720) ва Full HD (1920X1080) форматидаги оммавий фойдаланувчига мўлжалланган арзон моделлар (200–300 доллар) кўплаб ишлаб чиқариш бошланди. Одатда видеокамералар фотосуратлар ҳам олади. Фотосуратларнинг формати 5 МП (64X480 форматли моделларучун), 12МП (800X600), 15 МП (1024X768) гача бўлиши мумкин.

2.19. ТВ тьюнерлар. Видео ахборотларнинг яна бир манбаси телевизион каналлардир.

Компьютерга ТВ тьюнер деб аталувчи қурилмани улаш билан компьютерда маҳаллий телевизионканалларнинг кўрсатувларини қабул қилиш ва уларни компьютер хотирасига ёзиб олиш мумкин. Одатда бундай тьюнерлар видео

кириш разъёмига ҳам эга бўлади ва унга видеоманитавонни улаб, эски форматдаги аналогли видеосигналларни компьютерга ёзиб олиш мумкин.



ТВ тюнерлар, кўпинча, FM тюнерларга ҳам эга бўладилар ва улар FM радиостанцияларининг эшиттирувларини қабул қилиш имконини беради. ТВ тюнерларнинг компьютернинг асосий платасига уланадиганлари билан бирга, ҳозирги пайтда USB портга уланадиганлари урф бўлмоқда. Уларнинг ўлчамлари оддий флэш хотираларнинг ўлчамлари каби бўлиб, уларга фақат антенна уланади. Одатда ТВ кўрсатувларида кадрнинг ўлчами кўпи билан 625X625 бўлиши мумкин. Лекин аслида бу ўлчам 500X400 дан ошмайди.



2.2. Ахборот жараёнларининг дастурий таъминоти

Режа:

2.2.1. Ахборот жараёнларининг дастурий таъминоти ва уларнинг тавсифланиши.

2.2.2. Тизимли дастурий таъминот.

2.2.3. Амалий дастурий таъминот.

2.2.4. Ускунавий дастурий таъминот(дастурлаш тизимлари).

2.2.5. Қишлоқ хўжалиги масалаларини ечишга оид дастурий воситалар

Компьютер иккита ажралмас қисмдан ташкил топган бўлади: аппарат таъминоти (hardware) ва дастурий таъминот (software). Улар ўзаро боғланган ҳолда ягона уйғунликда ишлайди ва муайян вазифаларни бажаради.

Дастур (*program, routine*)- масалани ечиш учун компьютер буйруқлари (йўлланмалари)нинг тартибга солинган изчиллигидир.

Дастурий таъминот (*software*)- маълумотларни ишлаб чиқиш дастурлари мажмуаси ва улардан фойдаланиш учун зарур ҳужжатлар.

Масала (*problem, task*) – ечилиши керак бўлган муаммодир.

Илова (*application*) – масалани ечишнинг компьютердаги дастурий амалга оширилиши.

Компьютернинг имкониятларини кенгайтирадиган ва турли вазифалар бажаришини таъминлайдиган восита бу албатта дастурий таъминотдир. Дастурий таъминот одатда компьютернинг қаттиқ дискида сақланади ва компьютер ёқилиши билан махсус дастур – операцион тизим ишга тушади. Дастурий таъминот иккита асосий гуруҳга бўлинади:

1. Тизим дастурий таъминоти

2. Амалий дастурий таъминот

Тизим дастурий таъминотга одатда операцион тизим (UNIX, Linux, OS/2, турли версиядаги Microsoft Windows) ва қобиклар, қўшимча дастурий таъминотга эса ёрдамчи вазифаларни бажарадиган ҳар хил дастур ва дастурий мажмуалар киради (масалан, матн муҳаррири, электрон жадвал, график дастурлар ва ҳоказо). Бундан ташқари, дастурий таъминот тарқатилиши ва тарғиб қилиниши бўйича қуйидаги турларга ажратилади:

- Software – қиймати 100% тўланганидан кейин ўрнатилиб, фойдаланиладиган дастурий таъминот.
- Shareware – апробация, яъни синовдан ўтказиш муддатига эга бўлган (одатда 7 кундан 40 кунгача, ёки бир неча бор кириб ишлашга) ёки имкониятлари чекланган дастурий таъминот. Ундан фойдаланиб, зарурлиги аниқланганидан кейин харид қилиш мумкин.

- Freeware – мутлақо бепул дастурий таъминот. Аксарият ҳолларда реклама сифатида ёки дастурчиларнинг илк ишланмалари тарқатилади. Компьютерга дастурий таъминотни ўрнатиш жараёни инсталляция дейилади, уни ўчириш эса деинсталляция деб аталади. Бирор бир дастурий таъминотни ўрнатишдан олдин тизим талабларини, яъни компьютерга қўйиладиган

талабларни кўриб чиқиб, мослигини аниқлаш лозим. Агарда компьютернинг конфигурацияси дастурнинг тизимга бўлган талабларига жавоб бермаса, у ҳолда мазкур дастур ишламайди ёки нотўғри ишлайди. Дастурий таъминотнинг ўрнатишга мўлжалланган нусхаси одатда зич ҳолатдаги мажмуа шаклига эга бўлиб, дистрибутив деб номланади. Дистрибутив аксарият ҳолларда компакт-дискда жойлашган бўлади, лекин зарурат туғилса, унинг нусхасини қаттиқ диск ёки бошқа маълумот сақлаш воситасига кўчириш мумкин. Ҳар битта дистрибутив лицензион шартнома (ёки келишув)га эга бўлиб, ўрнатиш учун зарур бўладиган махсус калит ёки махфий паролга эга бўлади (cdkey). Мазкур парол ёки калит киритилмагунча дастурий таъминотни ўрнатиб бўлмайди. IBM архитектурасига эга бўлган компьютерлар учун дастурий таъминотни бутун дунё бўйича кўплаб фирма ва компаниялар ишлаб чиқаради. Уларнинг айримлари йирик корпорациялар бўлиб, бутун дунёга машҳур бўлса, бошқалари бирор бир минтақада кенг тарқалган бўлиши мумкин. Мисол тариқасида Microsoft, Adobe, Macromedia, Borland, Symantec, Corel компанияларини келтириш мумкин.

Дастурий таъминот одатда компакт дискларда тарқатилади ва уни ўрнатиш учун компьютерда компакт дискларни ўқиш қурилмаси (масалан: CD ROM, CDWriter, DVD ROM, DVD-Writer) ўрнатилган бўлиши керак.



Масалар қуйидаги турларга бўлинади:

- Технологик масалалар ахборотларни компьютерда ишлаб чиқишнинг технологик жараёнини ташкил қилишда қўлланилади ва ечилади.

Технологик масалалар компьютернинг иш қобилиятини таъминлаш, бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва вазифавий масалалар маълумотларини ишлаб чиқиш учун қўлланиладиган утилит, сервис дастурлари, процедуралар кутубхоналари кўринишидаги сервисли дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш учун асос бўладилар.

- Вазифавий масалалар предмет соҳаларининг ахборот тизимлари доирасидаги бошқарув вазифаларини амалга оширишда ечишни талаб қиладилар.

Вазифавий масалалар мажмуасида предмет соҳасини ташкил қиладилар ва унинг ихтисоси тўлиқ белгилаб берадилар.



Предметли (амалий) соҳа (*application domain*) – бошқарувнинг бир-бирлари билан боғланган вазифалари, масалаларининг мажмуаси, улар ёрдамида қўйилган мақсадларни бажарилишига эришилади.





Figure 3-3 This figure shows one way to start and interact with a program from Windows.



Сервис (хизмат кўрсатувчи) дастурлар-утилитлар деб аталади ва компьютерга хизмат кўрсатувчи дастурлар ҳисобланади.

Утилитларга қуйидагилар киради:

- Файллар структурасига хизмат кўрсатади (файлларни излаш, кўчириш, ўчириш, ...);
- Компьютерлар, тармоқларнинг ишчи ҳолатини диагностика қилади;
- Антивируслари, архивлаштириш дастурлари;
- Ахборот ташувчиларга хизмат кўрсатади;
- Компьютер тармоқларига хизмат кўрсатади;
- Компьютерда ахборот хавфсизлигини таъминлаш дастурлари ва бошқалар.

Драйверлар - ташқи қурилма билан ишлаш имкониятини яратади, операцион тизимнинг имкониятларини кенгайтириб беради.

Бажариладиган вазифалардан келиб чиқиб ОТ ни уч гуруҳга бўлиш мумкин.

- -бир вазифали (амалда эскириб бўлган ОТ);
- -кўп вазифали;
- -тармоқли.

Кўп вазифали операцион тизимлар компьютер да бир вақтнинг ўзида бир қанча амалларни бажаришни таъминлайди.

Тармоқли операцион тизимлар локал, корпоратив ва глобал тармоқларнинг ишини ташкил этиш, фойдаланувчининг ҳисоблаш тармоқлари орқали ахборот алмашиш, ахборот ресурсларидан фойдаланишни ташкиллаштиришга мўлжалланган.

Тармоқли (ОТ) ларнинг мунок вакиллари: Novell NetWare, Microsoft Windows NT, IBM LAN, UNIX, Sun фирмаси махсулотларидир.

Амалий дастурий таъминот. Компьютернинг дастурий таъминоти орасида энг кўп қўлланиладигани амалий дастурий таъминотдир. Амалий ДТ фойдаланувчининг аниқ вазифаларини ҳал этиш ва умуман ахборот тизимининг

хисоблаш жараёнини ташкил этиш учун
мўлжалланган.



Матнли процессорлар- матнларни киритиш, таҳрирлаш ва керакли шакл беришга мўлжалланган дастурлар (Microsoft Word).


График муҳаррирлар


– 3 ўлчовли (3D-редактор) график тарсвирларни яратиш ва(ёки) ва қайта ишлашга мўлжалланган дастурлар



Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари (СУБД) – маълумотлар базасини яратиш, уни марказлашган ҳолда бошқариш, фойдаланишга мўлжалланган дастурлар (Microsoft Access, FoxPro, Oracle, Paradox).

Жадвал процессорлари – сонли хисоблашларни автоматик бажаришга ихтисослаштирилган электрон жадваллар (Microsoft






автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари –конструкторлик лойиҳалаш ишларнига ихтисослаштирилган дастурлар (КОМПАС 3D, AutoCAD).
Кичик наشريёт тизимлари– наشريёт ишларини автоматик бошқаришга мўлжалланган дастурлар (PageMaker, QuarkExpress).



Браузерлар – Web-хужжатлар, интернет саҳифаларни кўришга ихтисослашган дастурлар (Internet Explorer, Netscape Navigator, Opera).
Эксперт тизимлари – Билимлар базасида сақланаётган маълумот-ларни таҳлил қилиш асосида тавсиялар олишга ихтисослашган дастурлар. Медицина, фармакология, химия, юриспруденция ва бошқа кўп соҳаларда қўлланилади



Ўргатувчи тизимлар, электрон энциклопедия, ўйинлар.




Figure 1-24 Game consoles provide hours of video game entertainment.




Банк тизимлари.

Транспорт юк ташиш тизимларини бошқариш



Дастурлаш технологиясининг ускунавий воситалари(дастурлаш тизимлари) гаянги дастурлар яратиш учун мўлжалланган дастурий воситалар, алгоритмик тиллар ва Case-технологияси киради.



Программатехника (software engineering) – дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, созлаш, верификациялаш ва тадбиқ этиш технологиясидир.

Дастурлаш технологияларининг қуроллари – дастурлаш технологияларини қўллаб қувватловчи (таъминловчи) дастурий маҳсулотдир.

Бу йўналишлар доирасида дастурий маҳсулотларнинг қуйидаги гуруҳлари шаклланган:

- Иловаларни яратиш учун воситалар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- дастурларни яратиш бўйича айрим ишларни бажарилашини таъминловчи маҳаллий воситалар.

- дастурларини яратиш бўйича ўзаробоғлиқ ишларнинг мажмуалари бажарилашни таъминловчи дастурларни ишлаб чиқарувчиларнинг интеграциялашган муҳити;

- дастурий тизимларни таҳлил қилиш, лойиҳалаштириш ва яратиш усуллари тақдим этувчи ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини автоматлаштириш учун мўлжалланган CASE-технологиялар (Computer-Aided System Engineering)

CASE-технологиялар (Computer-Aided System Engineering) - дастурий тизимларни таҳлил қилиш, лойиҳалаштириш ва яратиш усуллари тақдим этувчи ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини автоматлаштириш учун мўлжалланган.

Иловалар яратиш учун воситалар

Дастурлаш тилларини агар таснифлаш аломати сифатида унинг қурилмаларини ташкил қилишнинг синтаксиси олинса, шартли равишда қуйидаги синфларга бўлиш мумкин:

- Машина тиллари (Computer Language)-компьютернинг аппаратли қисми томонидан қабул қилинадиган дастурлаш тиллари (машина кодлари);

- Машинага-йўналтирилган тиллар (Computer-oriented Language)-компьютернинг аниқ тури тузилишини акс эттирувчи дастурлаш тиллари (ассемблерлар);

- Алгоритмик тиллар (algorithmic Language)-алгоритмнинг тузилишини акс эттириш учун компьютер архитектурасига боғлиқ бўлмаган дастурлаш тиллари (Паскал, Фортран, Бейсик ва бошқалар);

- Тадбирли-йўналтирилган тиллари (procedure-oriented language)-дастурларни тадбирлар (дастурчалар)нинг мажмуаси сифатида баён қилиш имкониятига эга дастурлаш тиллари;

- Муаммоли-йўналтирилган тиллар (universal-programming language)-белгиланган синфдаги масалаларни ечиш учун мўлжалланган дастурлаш тиллари;

- Дастурлашнинг интеграцияланган тизимлари.

Дастурлаш тилида тайёрланган дастур трасляция босқичини ўтади, бунда дастлабки кодни объектли кодга ўзгариши содир бўлади, у кейинчалик алоқалар редактори томонидан ишлаб чиқишга яроқлидир. Алоқалар редактори-

бажаришга яроқли юкловчи модулни қуришни таъминловчи махсус дастурдир.

Трансляция компиляторлар ёки интерпретаторлар воситаларидан фойдаланиш билан бажарилади. Компиляторлар бутун дастурни трансляция қилади, аммо уни бажармайди. Интерпретаторлар, компиляторлардан фарқли равишда операторлар бўйича ишлаб чиқишни ва дастурни бажарадилар.

Бошқа дастурларни трассировкалаш (операторлар бўйича вариантда дастурни бажарилишини кузатишни) ва бажарилишини таҳлил қилишга мўлжалланган созловчилар деб аталувчи махсус дастурлар мавжуд.

Энг яхши созловчилар трассировка (операторлар бўйича вариантда дастурни бажарилишини кузатишни), дастурдаги хатоларнинг ўрни ва турини идентификациялашни, ўзгарувчанлар, ифодалар миқдорларини ўзгаришлари орқасидан “кузатиш”ни амалга оширишга имкон берадилар. Дастурларни созлаш ва ишлашини тўғрилигини тестдан ўтказиш учун назорат мисолининг маълумотлар базаси яратилади.

Дастурлаш тизимлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Компилятор;
- Дастурлар кодини мувофиқлаштириш воситалари;
- Кутубхоналар мажмуаси (дастурларнинг дастлабки матнлар билан бўлиши мумкин);
- Алоқалар редактори;
- Кутубхоналар, матнли ва иккинчи файллар билан ишлаш учун сервисли воситалар (утилитлар);
- Маълумотномали тизимлар;
- Дастур дастлабки кодининг документатори;
- Дастурий мажмуа лойиҳасини қўллаб қувватлаш ва бошқариш тизими.

Қишлоқ хўжалиги масалаларини ечишга оид дастурий воситалар

Ахборот ва коммуникация воситалари ҳамда мобил алоқа воситаларининг ривожланиши натижасида ҳар бир соҳада жуда катта ўзгаришлар бўй берди, шу жумладан аграр соҳада ҳам.

Дунё бўйлаб жуда кўп ахборот тизимлари, компьютер ва мобил дастурлар бугунги кунда аграр соҳада ишлатилиб келинмоқда. Бу дастурлардан айримлари ҳақидаги маълумотларни ва уларни ишлатиш бўйича йўриқномаларни <http://www.capterra.com/farm-management-software/> сайтлардан олишимиз мумкин.


Масалан Cropio дастури сунъий йўлдош орқали далани бошқариш тизими бўлиб, унинг ёрдамида қишлоқ хўжалиги фойдаланувчиларини қишлоқ хўжалик ишларини мониторингини ва самарали режалаштиришни осонлаштиради.



Cropio жорий майдоннинг реал вақтдаги ҳолатини, яқинлашиб келаётган кунлардаги об-ҳаво маълумотларини, ўсимликнинг ривожланиши ва муаммоли майданларни аниқлаш ва бозордаги талаб ва таклифнинг ҳолатини кузатиб бориш имконини беради.

Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот <http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/133659/Cropio/N%20S%20T%20%20New%20Science%20Technologies> веб саҳифасида келтирилган.

Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирамиз




Agrivi—
фермер
хўжаликларини
бошқаришда
фермер
рентабеллигини
ва



самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган булутли дастурий таъминот. Бу дастурий таъминот фермерларга молиявий ҳисоботларни, инвентарларни ва ходимларни бошқариш ва ферма ва ер майдонларни механизациялаш имконини беради. Ўрнатилган билимлар базаси фермерга қишлоқ хўжалик жараёнлари, энг яхши амалиёт ва агар касаллик белгилари пайдо бўлса онгли равишда фермерга хабар беради. Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот <http://www.captterra.com/farm-management-software/spotlight/136084/Agrivi/Agrivi> веб саҳифасида келтирилган.

Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирамиз.



Бизнинг фермер хўжаликлар учун барча дала ишлари ва ҳаракатларини кузатиш ва ечимни яхшилашга хизмат қилади.



PLANTATOR аграр ишлаб чиқаришга доир муаммоларни ахборот технологиялари ёрдамида ечадиган профессионал тизим.

Plantator тизими асосан мева ва сабзавотларни қайта ишлашга мўлжалланган дастур. Шунингдек қишлоқ хўжалигининг аниқ йўналишларида ва озиқ-овқат саноати соҳаларида ва йирик тизимларда ҳам тез-тез фойдаланилади. Ундан фойдаланиш деярли ҳар доим дарҳол фойда келтиради. Бу тизимдан фойдаланиш юқори самарадорликни, ишни тўғри ташкил этиш ва юқори молиявий натижаларни олишни таъминлайди. Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот <http://www.captterra.com/farm-management-software/spotlight/146781/Plantator-%20System/Siseth> веб саҳифасида келтирилган.

Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирамиз

Wydanie zewnętrzne nr 5/WZ/10/2015 (kwit nr 90/1) z dnia 2015-03-09

Dane dostawcy/kontrahenta:
1017 Cunha Castro
 CRUZEIRO-SP, Rua Michel Calfat, 763; 12703-140 CRUZEIRO-SP

Nr. rej: |

L.p.	Asortyment	Opakowanie z towarem	Ilość opak.	Ilość w opak.	JM
1	Bluecrop	Skrzynka plastikowa zielona	19	12	kg
PODSUMOWANIE			19		kg
PODSUMOWANIE OGÓŁEM			19		



Komentarz do dokumentu:


Hemos preparado el registro de salida de mercancías,




Agri360 қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалик корхоналарини янада самарали бошқариш учун яратилган бўлиб ҳисобланади. Бу дастурий таъминот жуда содда ва фойдаланишда чекловлар йўқ ва фойдаланувчи интерфейси соддалиги.


Исталган жойда ва исталган вақтда шахсий компьютер, планшет ва телефон орқали Интернетга кириб Agri360 ёрдамида фермангиз ҳисоб-китобларни, масалаларни бошқариш ва бошқаларни бажариш мумкин. Бу дастурдан фойдаланиш ферманинг меъёрида ишлаб туришини таъминлайди.





Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот <http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/139778/Agri360/Agrimap> веб саҳифасида келтирилган. Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирилган





AgriNavia ферма бошқарувчилари, қишлоқ ҳўжалик маслаҳатчилари ва пудратчилар учун ишлаб чиқарилган.

AgriNavia сарф харажатларни қисқартириш, самарадорликни ошириш, шунингдек деҳқончилик ишлари учун зарур маълумотларни алмашинишга қўмаклашади.

Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот

<http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/147224/AgriNavia%20/AgriNavia>

веб саҳифасида келтирилган. Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар


келтирилган

At the office

In the field

At the advisor

Gospodarstwo 2014		
Pola	Data/Stan	Środki
2014-04-01 Opcjonalny okres 2014-04-26		
1-0 Jęczmień jary, paszowy	20,00 ha	
2-0 Jęczmień jary, paszowy	20,00 ha	
3-0 Jęczmień jary, paszowy	15,00 ha	
2014-04-01		Wykonano
Areal czynn.	15,00 ha	
Natasia	180,00 kg	
Agregat uprawowo siewny	1,00 ha	
2014-04-12		Wykonano
Areal czynn.	15,00 ha	
Oprysk	1,00 ha	
Mustang Forte 195 SE	0,80 l	
2014-04-13		Zaplanowano
Areal czynn.	15,00 ha	
Aplikacja RSM	1,00 ha	
RSM 32% ZAP	105,60 kg	
2014-04-26		Zaplanowano



Agrinavia MANAGEMENT - [Field records (Applied)]

Management Reports Field plan Field records Organic fertilizers Stock management Cardfiles Help

Crop year 2013

Create treatment Add product Delete treatment Delete product Copy treatments Note Job sheets Scenarios

Treatments Fertilizer plan

Field P 1 Status (all) Period (unlimited) Products (all)

Field	Farm	Field code	Area	Treatment	Status	Date	Job no.	Treat. area	B	Type	Product	Active substance	P	Vol/ha	Vol. in total
Agro FARM		P 1	23.26	Winter wheat, bread, Exotic	Done	13/09/2012		23.26		Machine	Carrier + 8530			1.00	23.
					Done	12/10/2012		23.96		Plant protection	Touchdown			2.00	47.
										Plant protection	DASH			0.20	4.
										Machine	Dubex + 7530			1.00	23.
					Done	13/10/2012		23.26		Machine	Tiger + 9R560			1.00	23.
					Done	18/10/2012	31	23.26		Seed	Exotic			235.00	5466.

Last crop: Sunflower

MapShotsAgStudioFARM дастури Фермерларга ҳосилдорликни ҳисоблаш, ресурс захираларини олиб бориш ва суғориш ишларини кузатиш имконини беради.

Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот <http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/141995/AgStudio%20FARM/MapShots> веб саҳифасида келтирилган. Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирилган

[Back](#)
[New Load](#)
[Home](#)

Soybeans (Commodity)

Load ID

1015

Commodity

Soybeans

Load Type

OnFarm

Facility

Betty's Bins

Date

Oct 16, 2014

Time

9:22 AM

Vehicle

379 Pete

Moisture



14

Gross Wt

75846

Tare

18647

<http://www.capterra.com/farm-management->


[software/spotlight/150642/FarmLogics/FarmLogics%20Technologies](http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/150642/FarmLogics/FarmLogics%20Technologies)

FarmLogics

FarmLogics дастури фирмалар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ташкилотлари, савдо ташкилотлари учун ишлаб чиқилган. Фермер хўжаликларида ходимлар бошқаруви, иш ҳақи, векселлар, омборхона, сотиш, сотиб олиш ҳамда тегирмон харажатларини юритиш пакетлари мавжуд. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари ресурсларини бошқариш, фермер ташкилотлари шарномаларини рўйхатга олиш ишларини амалга оширувчи булутли дастур.

Бу дастур ҳақидаги батавсил маълумот <http://www.capterra.com/farm-management-software/spotlight/141995/AgStudio%20FARM/MapShots> веб саҳифасида келтирилган. Дастурнинг экран кўринишидан айрим мисоллар келтирилган





Кўриб ўтилган дастурлардан ташқари юзлаб-минглаб дастур ва тизимлар мавжуд.

2.3. Microsoft Windows операцион тизими ва унинг имкониятлари

Режа:

2.3.1. Операцион тизимлар ва уларнинг имкониятлари.

2.3.2. Windows операцион тизимининг оиласи

2.3.3. Windows операцион тизимининг утилиталари

2.3.4. Windows операцион тизимининг функциялари

Операцион система компьютер ишга туширилиши билан юкланувчи шундай бир дастурки, бу дастур фойдаланувчига компьютер билан мулокат қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади, унинг барча қурилмалари ишини бошқариш имконини беради. Операцион система ёрдамида тезкор хотирадан фойдаланиш, дисклардан ахборотларни ўқиш ва ахборотларни дискларга ёзиш, амалий дастурларни ишга тушириш ва шу каби турли ишларни амалга ошириш мумкин. Операцион системага эҳтиёж борлигининг асосий сабаби, юқоридаги ишларни бажариш учун компьютернинг қуйи босқичдаги юзлаб еки минглаб элементар амалларни бажаришга тугри келади.

Масалан, диск юритувчи ёки винчестр қурилмалари дискни айлантирувчи двигателларини ишга тушириш ёки тўхтатиш, ўқиш қурилмаларини дискнинг бирор цилиндрига ўтказиш, ўқиш қурилмаларидан бирини танлаш, ахборотни диск йулидан компьютерга ўқиш каби элементар амалларнигина “тушинади”. Шунинг учун бирор файлни бир дискдан бошқа дискка ёзиб қуйиш каби содда

жараён ҳам , диск юритувчи ишлари билан боғлиқ минглаб амалларни, уларни назорати билан боғлиқ амалларни , дискдаги файлларнинг жойлашиш жадвалидан ахборотни излаш ва қайта ишлаш амалларини ва яна бир канча амалларни уз ичига олади. Бундан ташқари қуйидагиларни ҳам ҳисобга олиш керак:

- турли форматли дисклар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири билан операцион система ишлай билиши шарт. Фойдаланувчи учун эса ҳар қандай форматли дискетлар билан ишлаш жараёни бир хил кечиши керак.
- дискдаги ҳар бир файл уз урнига эга, аммо уларнинг дискнинг қайерида жойлашганлигини фойдаланувчи билиши шарт эмас, файлларнинг жойлашиш жадвалини ташкил этиш, ахборотни излаш, файлларга жой ажратиш каби ишларни операцион система амалга оширади.
- нусха олиш дастури иши вақтида бир неча ўнлаб махсус вазиятларга дуч келиниши мумкин, масалан ахборотни ўқиш ёки ёзишдаги хатолик (дискдаги керакли ахборот жойлашган баъзи йулларнинг ишдан чиқиши), диск юритувчиларнинг ишга тайер эмаслиги(диск урнида эмас), нусха олинаётган файл учун дискда жой йуклиги ва ҳаказо. Ана шу барча вазиятлардан чиқиш ишларини бажариш ва фойдаланувчига бу ҳақда керакли хабар бериб бориш керак.

Операцион системанинг асосий вазифаси фойдаланувчини унинг бажариши ва умуман билиши ҳам керак бўлмаган юқоридаги зерикарли ҳамда жуда мураккаб ишлардан ҳолос этиш, компьютер билан мулоқот қилишда қулайликлар яратишдир. Бундан ташқари, операцион система файлларни кўчириш ёки босмага чиқариш, керакли дастурларни тезкор хотирага юклаб ишга тушириш ва бошқарувни уларга узатиш, оператив хотирани дастур иши сўнггида бўшатиб бошқарувни яна ўзига олиш каби ишларни ҳам бажаради.

Операцион системанинг турлари

Ҳозирги пайтда операцион системанинг бир неча турлари мавжуд. Мас OS X операцион тизими, Linux-операцион тизими, Unix операцион тизими, Windows оилалари кенг тарқалган бўлиб булар ўзнавбатида бир неча турларга бўлиниб кетади.

Mac OS X операцион тизими

Macintosh фирмаси компьютерлар ишлаб чиқаришни бошлагандан кейин, 1984 йилдан бошлаб Apple фирмасининг Mac OS X операцион тизимини ишлаб чиқиш бошланди. Бу Mac OS X дан фойдаланишда меъёрий қулайликлар яратиш учун янги GUI (график интерфейс)лар модел сифатида фойдаланилди. Mac OS X операцион тизимининг энг охири версияси , кўп функцияли операцион тизим бўлиб, Apple нинг компьютерлари учун мўлжалланган



1-расм Mac OS Apple Macintosh компьютерлари учун қўлланилади. Mac OS X Macintoshнинг олдинги версиялари барча имкониятларини ўз ичига олиб, сифатли тасвир белгилари, электрон почта, он-лайн харидлар, оптик дискларга ёзиш ва кенгайтирилган мультимедия имкониятларини ўз ичига олади. Mac OS X қуйидаги функцияларга эга:

- Иш стол янги қидирув технологияси
- Гаджетлар деб аталган иш столидаги инструментлар панелини
- Ички тезкор Веб-браузер
- Ота-она назорати
- Машина вақти деб аталган ишлаб чиқилган захира дастури
- 3-D шахсий видео ва аудио конференция
- Спам хабарларни бартараф этувчи филтр дастури
- Bluetooth смартфон бошқа мобил қурилмалар билан ишловчи контактлар рўйхати
- Интернетда музика эшитувчи ёки видео кўрувчи QuickTime нинг энг охирги версияси
- Windows тармоқ уланиши ва Windowsнинг ҳужжатлари билан ишлаш

UNIX ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ

UNIX 1970 йилнинг бошларида Bell Лабораторияси олимлари томонидан яратилди. Тижорат бозорида UNIX федерал қоидалари нормалари сабабли фаол тарғибот қилиш ман қилинди. UNIX кўп сонли колледж ва университетлар учун лицензия олди. UNIX турли хилдаги компьютерлар учун мўлжалланган эди. 1980 йилда телефон компаниялари синишидан кейин (дерегулирование) UNIX

техник ва дастурий компаниялар томонидан кўплаб лицензияларга эга бўлди. Бу операцион тизимнинг баъзилари мавжуд бўлиб, бир-биридан озгина фарк қилади. Дастурчилар UNIXнинг бир версиясидан бошқасига амалий дастурий таъминотни кўчираётган пайтда дастурни қайта ёзишга тўғри келади. UNIXнинг баъзи версияларида буйруқлар қатори берилган бўлса, кўпчилигида фойдаланувчининг график интерфейсларини таклиф қилади.



Figure 8-20 Many versions of UNIX have a graphical user interface.

UNIXнинг кўпгина версияларида фойдаланувчининг график интерфейслари мавжуд.

Бугунги кунда ҳар хил ўлчамдаги кўпгина компьютерларда UNIX операцион тизими мавжуд.

Фойдаланувчилар операцион тизим мослашувчанлиги ва таъминоти туфайли UNIX билан ишлашади. SUN ва IBM каби ишлаб чиқарувчилар шахсий компьютерлар ва ишчи станцияларни UNIX операцион тизими билан бирга сотишмоқда.

LINUX-ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ


LINUX-тез ўсиб бораётган операцион тизимлардан биридир. Linux 1991 йилда яратилган бўлиб, кўп вазифали, машҳур, UNIX операцион тоифасига кирувчи операцион тизимдир. Асосий операционга қўшимча равишда Linux ўз

ичига кўплаб дастурлаш тилларини ва хизматчи восита(утилита)ларни ўз ичига олади. Linux операцион тизимлар каби дастурлар мулкий дастурий маҳсулот эмас. Linux очик кодли дастурий таъминот бўлиб, Бу кодни ўзгартириш ва қайта тақсимлаш учун тақдим этилади. Дастурий таъминотнинг ички кўрсатмаларини ва қайта тақсимланишининг чекловлари тўғрисида ҳеч қандай муаллифлик ҳуқуқи мавжуд эмас. Кўпгина дастурчилар UNIXнинг энг яхши версияларини тайёрлаш учун Linuxни ўзгартириш ва қайта тақсимлаш ишларини олиб боришган. Активаторларнинг очик кодли дастурий таъминотдан фойдаланишининг икки асосий афзалликлари мавжуд: дастурий таъминотни ўзгартирувчилар бошқалар билан дастурий таъминот имкониятларини яхшилаш ва фойдаланувчиларнинг дастурий таъминотга бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлишади.



Figure 8-21 This distribution of Linux has a graphical user interface.

Linuxда фойдаланувчининг ажратилган интерфейси мавжуд
Windows операцион тизимининг оиласи



Операцион тизим (ОТ) компьютер аппарат ресурслари орасида барча фаолиятини мувофиқлаштириш учун кўрсатмалар берувчи дастур таркиби ҳисобланади. Кўпгина компьютер ёқиш ва ўчириш, қурилмалар конфигурация қилиш, хотирани бошқариш, вазифаларни мувофиқлаштириш, файл бошқарув

иш фаолиятини мониторинг қилиш, тармоқ хавфсизлигини таъминлаш, интернет уланишини ўрнатиш ва бошқа воситаларни бошқариш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади. Операцион тизимлар оптик диск ёки мобиль флэш-хотира ташувчилари ёрдамида ишлаши мумкин бўлсада, кўпкина ҳолларда операцион тизим ўрнатилган ва компьютернинг қаттиқ дискида жойлашган бўлади. .

Автоном операцион тизимлар-стол компьютерларига, ноутбукларга, шахсий компьютерларга ёки мобил қурилмаларга уланадиган компьютерлардир.

Баъзи операцион тизимлар клиентлар деб аталади, чунки улар тармоқ операцион тизимлар билан биргаликда ишлайди. Тизимда ишловчи клиент тармоқ билан ва тармоқсиз ишлаши мумкин.

1980 йиллар ўрталарида Microsoft фойдаланувчининг график имкониятлари мавжуд бўлган Windowsнинг биринчи версияларини чиқарди.

Windows 3.x 1990 йил

Windows NT 3.1 1993

Windows 95 1995

Windows NT Workstation 4.0 1996

Windows 98 1998

Windows Millennium Edition 2000 •

Windows 2000 Professional 2000

Windows XP 2001

Service Pack 2 2004

Service Pack 3 2008

Windows Vista 2006/2007

Service Pack 1

Service Pack 2

Windows 7 2009


Ҳозирги вақтда автоном операцион тизимлар қаторига - Windows 7, Mac OS X, UNIX, и Linuxлар киради. Бошқа автоном операцион тизимлар тармоқнинг кичик қисмини ташкил этувчи миллий суғурта ва кичик бизнес истеъмолчилари тармоқ имкониятларини ҳам ўз ичига олади. Ўшандан бери Microsoft ҳар доим Windowsнинг янгиланган версияларини диагностика, автоматик ўрнатиш, пластифицирланган хавфсизлик ва қулайланган фойдаланувчи интерфейслари мавжуд бўлган инновацион хусусиятларга эга қилиб чиқармоқда.

Windows 7 фойдаланувчи иш тажрибасини яхшиловчи бир нечта дастурлардан ташкил топган Кўпкина фойдаланувчилар қуйидаги Windows 7 нинг маҳсулотларидан бирини танлайди: Windows 7 Starter, Windows 7 Home Premium, Windows 7 Ultimate, or Windows 7 Professional.


Windows 7 Starter-ноутбуклар ва бошқа кичик портатив компьютерлар учун қўлланилади. Windows 7 фойдаланувчиларга файлларни қидириш қулайлигини,

принтер ва бошқа қурилмаларга уланишни, интернетга локал тармоқ ва симсиз алоқа орқали уланиш имконини беради. Windows нинг бу наشري одатда янги компьютерларга ўрнатилади ва чакана савдо дўконларидан сотиб олиш мумкин эмас.

Windows 7 Home Premium Windows 7 Starter нинг барча имкониятларини ўз ичига олади. Шунингдек *Aero Flip 3D* юқори аниқликдаги фильмлар яратиш имконини беради



Windows 7 Ultimate- Windows 7 Home Premium файлларни сақлаб қолувчи қўшимча имкониятлардан ташқари 35 тиллар тўпламини ҳам ўз ичига олади. Windows операцион тизими функциялари.




2а - расм. Ушбу расмда кўрсатилган Windowsнинг энг охирги версияларида бажариладиган функциялар кўпгина операцион тизимларда бир хил вазифаларни бажаришади.

Баъзи операцион тизимлар фойдаланувчини назорат қилиш, администратор хавфсизлигини ўрнатиш учун ҳам хизмат қилади. (2.а, 2.в-расм)

Чўнтак компьютерларида ва кўпгина мобил қурилмаларда масалан смартфонларда операцион тизим ROM микросхемасида жойлашади. Турли ўлчамдаги компьютерларда турли операцион тизимлар қўлланилади, чунки

компьютернинг турига қараб операцион тизим ёзилади. Масалан универсал компьютерларда шахсий компьютер операцион тизими қўлланилмайди. Ҳаттоки, бир хил турдаги масалан desktop компьютерларида ҳам турли хилдаги операцион тизимлар қўлланилади. Баъзиларида кўп сонли операцион тизимлардан ҳам фойдаланилади. Сиз дастурий таъминот сотиб олаётганингизда бу операцион тизим сизнинг шахсий компьютерингиз ёки мобил қурилманингизга ўрнатилишига амин бўлишингиз керак. Баъзи ҳолларда фойдаланилаётган операцион тизимлар платформа (*platform*.) лар ҳам деб аталади. Сотиб олинган дастурий таъминот албатта алоҳида амалий дастурлар билан жиҳозланган платформа (операцион тизим) дан иборат бўлади. *Cross-platform* дастури кўп сонли операцион тизим дастурларидан бири ҳисобланади.




2 в-расм

Ҳисоблаш тизимини мавқеини асосан унинг ОТ и белгилайди. Шунга қарамасдан, ҳисоблаш тизимидан фаол фойдаланувчилар, кўпинча, унга таъриф беришда анчайин қийналадилар. Бу нарсa, қисман, ОТ бир-бири билан унга боғлиқ бўлмаган иккита функцияни бажариши билан боғлиқдир: бу фойдаланувчига, дастурчига кенгайтирилган, виртуал машина имкониятини яратиш билан қулайлик яратиш ва иккинчи компьютернинг ресурсларини рационал бошқариш билан ундan самарали фойдаланишни оширишдир.

График интерфейсдан фойдаланиш Microsoft компанияси, фойдаланувчиларга график интерфейс ва бир нечта иловалар билан бир вақтда ишлаш имконини берди. График интерфейс мавжудлиги ва уни Microsoft томонидан (Graphical User Interface, GUI), кенг қўламда қувватланиш шунга олиб келдики, кўпгина янги дастур маҳсулотлари шу янги имкониятларга мўлжаллаб ишлаб чиқилди. Вақт ўтиши билан Microsoft компанияси, ҳисоблашлар ишончлилиги ва у самарадорлигини таъминлашга эътиборини қаратди, аммо фойдаланувчига интуитив жиҳатдан

тушунарли ва умуман кулай интерфейс билан таъминлаш асосий масала бўлиб қолди.



3 а расм Windows Basic интерфейси

3 б расм Windows Aero

интерфейси

3 а- расм. Windows 7 сизнинг техник таъминот конфигурациянгизга қараб икки хилдаги график интерфейсни таклиф қилади.

Қурилмаларни модернизация қилиш учун, тизим ресурсларини бошқариш учун ва тармоққа уланиши муаммоларини бартараф қилиш учун тармоқ администраторлари ва бошқа мукамал фойдаланувчилар буйруқлар қатори интерфейси билан ишлашади. Буйруқлар қатори интерфейсида фойдаланувчи буйруқларни киритади ёки клавиатурадаги алоҳида тугмаларни босиш орқали киритилади. Баъзи одамлар буйруқлар қаторидан фойдаланишни қийин деб ўйлашади, чунки бу аниқ имлони, грамматикани ва тиниш белгиларни қўйишда аниқликни талаб қилади.

Вақт етишмалиги каби кичик хатолар ҳам хато хабарлари ишлаб

```
bash-2.05b$ ping -q -c1 en.wikipedia.org
PING rr.chtpa.wikimedia.org (207.142.131.247) 56(84) bytes of data.

--- rr.chtpa.wikimedia.org ping statistics ---
1 packets transmitted, 1 received, 0% packet loss, time 0ms
rtt min/avg/max/mdev = 112.076/112.076/112.076/0.000 ms
bash-2.05b$ grep -i /dev/sda /etc/fstab | cut --fields=3
/dev/sda1      /mnt/usbkey
/dev/sda2      /mnt/lpod
bash-2.05b$ date
Wed May 25 11:36:56 PDT
bash-2.05b$ lsmod
Module                Size  Used by
joydev                 8256   0
ipu2200              175112   0
ieee80211             44228   1 ipu2200
ieee80211_crypt       4872    2 ipu2200,ieee80211
e1000                 84468   0
bash-2.05b$
```

чиқаради. Буйруқлар интерфейси

фойдаланувчига

параметрларни

батафсил назорат

қилиш учун кўпроқ

бошқариш имконини

беради.

Буйруқлар қатори

интерфейси билан

ишлаш, компьютерга

киритилган буйруқлар мажмуи буйруқлар тили деб аталади. Буйруқлар қатори интерфейси сиздан аниқ грамматикани, имлони ва тиниш белгилари аниқлигини талаб этади. (4-расм.)

Дастурларни бошқариш.

Баъзи операцион тизимлар индивидуал фойдаланувчи ва бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган ягона дастурни бажаради.

Бошқалари минглаб фойдаланувчилар томонидан бажариладиган кўплаб дастурларни амалга оширади. Операцион тизим дастурлари сизнинг ишингиз самарадорлигига бевосита таъсир қилади. Ягона фойдаланувчи/ягона вазифали операцион тизим бир вақтнинг ўзида фақат битта фойдаланувчига битта дастур билан ишлаш имконини беради. Масалан, агар сиз график дастур билан ишлаётган бўлсангиз ва электрон почтангизга келган хатни текширмоқчи бўлсангиз, сиз аввал график дастурдан чиқишингизга тўғри келади. Олдинги тизимларда ягона фойдаланувчи ва ягона вазифа мавжуд эди. Смартфонлар ва бошқа мобиль қурилмаларда кўпинча битта фойдаланувчи/битта вазифали операцион тизим ишлатилади. Бугунги кунда кўпгина операцион тизимлар кўп масалали. Ягона фойдаланувчи / кўп масалали операцион тизим фойдаланувчига бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечта дастурлар билан ишлаш имконини беради. Агар сиз ягона фойдаланувчи / кўп масалали операцион тизим билан ишлаётган бўлсангиз электрон почтангизни кўриш учун график дастурдан чиқишингизга ҳожат йўқ. Сиз ҳар икки дастурни бир вақтда ишга туширишингиз мумкин. Истеъмолчилар бугунги кунда бир вақтнинг ўзида бир нечта дастурлар билан ишлашади. Бундай тизимларда Word дастури каби амалий дастурлар ёки график муҳаррирлар билан ишлаш жараёнида бир вақтнинг ўзида электрон почтадан фойдаланишингиз ёки web-браузер дастурлар билан ишлашингиз мумкин. Мисол учун сиз Windows Media Player дастурида фильм яратиш жараёнида мусиқа эшитишингиз мумкин. Олдинги позициядаги дастур-фаол дастур, яъни жорий дастур, сиз ҳозирда фойдаланаётган дастур бўлади, бошқалари эса орқадаги фонда жойлашади.

Ушбу расмда Windows Movie Maker Live дастури фаол дастур, қолган учта дастур

(Windows Media Player, Microsoft PowerPoint, ва шахмат ўйини) орқа фондаги дастурлардир.




5- расм. Фильм яратиш дастури олдинги фонда иш столида ва қолган учта дастурлар (Windows Media Player, Microsoft PowerPoint, ва Шахматные тахтасы) орқадаги фонда.

Фаол дастур одатда иш столида экранда намоиш этилади, бошқа дастурлар фаол дастур орқасига қисман ёки тўлиқ яширинган бўлади. Сиз осонлик билан иш столидаги фаол дастур ва орқа фондаги дастурлар ўрнини алмаштиришингиз мумкин. Windowsда дастурни активлаштириш учун масалалар панелидаги дастур тугмасини босинг. Бундай ҳолда қолган барча дастурлар орқа фонга ўтишига сабаб бўлади. Амалий дастурлар билан бир қаторда операцион тизим бошқа жараёнларни ҳам назорат қилади. Тармоқлар, серверлар, супер компьютерлар бир вақтнинг ўзида юзлаб, минглаб фойдаланувчиларга боғланиш имконини беради-бу кўп фойдаланувчили операцион тизим бўлади. Баъзилари доимий хотира. Бошқалари талаб қилинганда бажарилувчи дастурлар.

6- расмда компьютерда Windows бажарадиган баъзи жараёнлар рўйхати келтирилган. Рўйхат дастур ижроси жараёнини, шунингдек бошқа дастурлар ва жараёнларни ўз ичига олади. Кўпфойдаланувчили баъзи операцион тизимлар икки ёки ундан ортиқ фойдаланувчиларга биргаликда ишлаш имконини беради. Бу жараёнлар бошқа дастурларга ва техник воситаларга

ёрдам берувчи утилиталар ва бошқа стандарт дастурларни ўз ичига олади.



б- расмда компьютерда Windows бажарадиган баъзи жараёнлар рўйхати келтирилган

Тизимли утилиталар. Тизимли утилиталар компьютернинг аппарат воситаларига, айниқса ташувчиларига, операцион тизимлар ва бошқа иловаларга хизмат қилишга мўлжалланган.

Тестлаш ва диагностика дастурлари. Бу дастурлар компьютер ва ҳар бир узелларининг ишлаш имкониятларини текшириш, мавжуд, юзага келган ёки потенстиал носозликларни аниқлаш учун хизмат қилади.

Йиғувчиларга хизмат қилувчи дастурлар. Дискли йиғувчилар ва уларда сақланадиган ахборотларга хизмат қилишга мўлжалланган дастурлар синфи.

Диагностика дастурлари диск йиғувчиларида жойлаштирилган ахборотларнинг мантикий таркибидаги носозликларни аниқлайди ва бартараф қилади.

Дефрагментатор дастурлари дискларда ахборотларни жойлаштиришни шундай тартиблайки, натижада уларга мурожаат қилиш ёки киришнинг максимал тезлигини оширади.



Дискларини дефрегментациялаш



Қаттиқ дискда дефрегментациялаш —бу қаттиқ дискда маълумотларнинг тартибланган ва структураланган ҳолда сақланиши. Файллар дискда аниқ кетма-кетлик бўйича аниқроғи секторларга бўлинган майдонни тўлдириш, фараз қилинг қаттиқ диск бу архив, секторлар эса ҳужжатлар (ҳар хил маълумотлар) сақланадиган кутиллардир.


Аниқ бир ўлчамга эга бўлган файл сектордан маълум бир жойни эгалайди. Шунда система уни бўлақларга ажратади ва бу бўлақларни яна маълум бир миқдордаги бўш жойлари бўлган турли секторларга жойлаштиради.

Бу файлдан фойдаланиш жараёнида система шу файлни барча секторлардан қидиради. Масалан битта бўлақни бир сектордан топиб кейин яна қайтадан бутун секторлар бўйича иккинчи ва учинчи бўлақларни қидириб бошлайди


ва ҳ.к. Вақт ўтиши билан бу бўлақлар сони ошиб бораверади, бу жараён жуда кўп вақтни олади.

Компьютерда бажариладиган амалларга қараб дискларни дефрагментациялаш лозим. Масалан, турли хилдаги ҳужжатларни ўқиш ва тахрирлаш ишлари учун дискни бир ойда бир марта агар компьютерда филмлар, видео кўрсангиз, ўйин ўйнасангиз дефрагментациялаш жараёнини қисқа фурсатда бажаришга тўғри келади. Дефрагментациялаш жараёни дискдаги бўш жойларнинг ўлчамига қараб бир неча минутдан бир неча соатгача вақтни олади. Агар дискингиз 90% гача тўлган бўлса бу жараён узоқ вақт давом этади, шунинг учун кераксиз файлларни ўчириш ёки уларни ташқи хотирага ёзиб туриш талаб қилинади.





“Очистка диска” дастури каттиқ дискни тозалаш учун фойдаланувчи томонидан танланган файлларни ўчириш учун хизмат қилади. Агар компютерингизда бир қанча дисклар ёки бўлимлар мавжуд бўлса экранда дискни танлаш ойнаси очилади:




Microsoft EXCEL дастури турли хил ҳисоб – китобларни автоматик равишда амалга оширади. Бунинг учун стандарт бўлган формулалардан фойдаланилади. Microsoft EXCEL дастуридаги стандарт формулалар “Формулы” менюсида жойлашган (3.2.28 – расм). Бу меню ўзига жуда кўп формулаларни қамраб олган бўлиб, қуйида улардан баъзилари келтирилган.


Автосуммалар – Автосумма (Сумма, Среднее, Число ...)

Мантикий формулалар – Логические (Если, Или, И)

Матнли – Текстовое (Заменить, Значен, Найти)

Молиявий – Финансовое (Доход, И норма, Ставка ...)

Математик - Математические (Корень, Cos, Sin, Exp) ва бошқалар




3.2.28 – расм. “Формулы” менюси ускуналар панели

Функция тузиш устаси

Бошқа ҳолда эса тўғридан – тўғри формулалар менюсига кириш учун дастур ойнасидаги(ячейкалар адресини кўрсатиб турадиган майдоннинг ўнг томонида жойлашган) f_x тугмасидан фойдаланамиз f_x ёки 3.2.28 – расмдаги “функциялар ойнасига кириш тугмаси” орқали ҳам киришимиз мумкин.


Ҳар бир функциядан фойдаланаётган пайтда, биринчи бўлиб формула орқали ҳисобланган натижа қайси ячейкага чиқишини аниқлаш керак, яъни курсор натижа чиқиши керак бўлган ячейкада туруши лозим.

Демак f_x тугмасини босганимиздан кейин “функциялар ойначаси” қуйидаги кўринишга эга (25 – расм).



3.2.29 – расм. Функциялар ойначаси

Расмда кўришиб турибдики, “Категория” майдонидан формула қайси турга тегишлилиги белгиланади (масалан мантикий, математик) ва “Выберите функцию” майдонидан керакли бўлган формула танланиб “ОК” тугмаси босилади ва натижада қуйидаги ойна пайдо бўлади (3.2.30 – расм).⁷



3.2.30 – расм. “Сумма” формуласи ойнаси


Бу ерда “Число1”, “Число2” лар майдонига йиғиндидиа қатнашаётган ячейкалар адреси киритилади. Масалан С3 ячейкадан Р5 ячейкагача бўлган сон ларни қўшиш учун “Число1” майдонига С3:Р5 деб ёзилади.

“ОК” тугмаси босиладиган бўлса белгиланган ячейкада кўрсатилган ячейкалардаги сонлар йиғиндисиди қиймати пайдо бўлади.

⁷Discovering Computers 548-550 бетлар

Диаграммалар яратиш


Microsoft EXCEL дастурида диаграмма яратиш учун “Вставка” менюсидаги “Диаграммы” бўлимидан фойдаланилади (3.2.31 – расм).



3.2.31 – расм. “Диаграммы” бўлими

Диаграмма ҳосил қилиш учун олдин керакли бўлган ячейкаларни белгилаш лозим. Кейин Диаграммалар менюсига кириб гистограмма тури танланади ва сичқончанинг чап тугмаси бир марта босилади. Шунда белгиланган майдон учун гистограмма ҳосил бўлади.

Диаграммалар менюсидан “Гистограмма” тугмаси босилади ва тури танланади ва қуйидаги графикка эга бўламиз.



3.2.32– расм. Қўйматга мос гистограмма кўриниши

Назорат саволлари

1. Стандарт функциялар қайси тугма орқали чақирилади?
2. “СУММ” ва “СРЗНАЧ” функсиялари қандай вазифани бажаради?
3. F4 ячейкада “4” сони “16” сонининг қанча фоизини ташкил қилишини чиқаринг.
4. Мантиқий функция формуласини ёзиб беринг.

3.3. ТАҚДИМОТ ЯРАТИШ ДАСТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИМКОНияТЛАРИ РЕЖА:

3.3.1. Power Point дастури интерфейси.

3.3.2. PowerPoint да слайдлар билан ишлаш.

3.3.3. PowerPoint да график ва анимациялар билан ишлаш.

3.3.1. Power Point дастури интерфейси.

POWER POINT дастури презентациялар билан ишлаш (таништириш, тақдиротлар қилиш) учун энг қулай дастурий воситаларидан биридир. Бу дастур орқали хилма-хил турдаги қўргазмали қуролларни яратиш мумкин ва айрим жойларда эса уни маълумотлар базаси сифатида ҳам қўллаш мумкин. Ушбу дастурда мултимедия воситаларидан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Бу ерда асосий тушунчалар слайд ва презентация ҳисобланади.


Презентация – бу слайдлар ва махсус эффектлар тўплами бўлиб, уларни экранда кўрсатиш, тарқатиладиган материал, докладни плани ва конспекти шаклида битта файлда сақланади.

Слайд – бу презентациянинг алоҳида кадри бўлиб, ўз ичига матнни, сарлавҳаларни, график ва диаграммаларни олиши мумкин.

Анимация – бу слайдларни намоиш қилиш ва кўрсатишда уларни самарадорлигини оширувчи товуш, ранг, матн ва ҳаракатланувчи эффектлар ва уларни йиғиндисидан иборат.


Microsoft POWER POINT дастурини ишга тушириш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим (3.3.1 – расм).

Пуск→Все программы→Microsoft Office→Microsoft POWER POINT





3.3.1 – расм. Дастурни ишга тушуриш кетма – кетлиги

Дастур ишга тушурилгандан сўнг, мулоқот ойнаси қуйидагича кўринишга эга бўлади (3.3.2 – расм)



3.3.2 – расм. Дастур ишчи ойнаси


Ушбу дастурнинг менюлари (файл, главная, вставка, дизайн, анимация ва ҳ.) WORD ва EXCEL дастурларининг менюсига ухшаш бўлиб, фақатгина

қўшимча тугмалар қўшилган. Мисол учун Главная менюсида “создат слайд”, “макет”,  ва  тугмалар ва бошқа керакли бўлган тугмалар қўшилган.

3.3.2. PowerPoint да слайдлар билан ишлаш.

Слайдлар яратиш ва улар билан ишлаш.


Ҳар бир слайд бир нечта матн киритиш мумкин бўлган рамкалардан иборат бўлади. Слайдга матн киритиш учун ўз навбатида матн учун ажратилган майдонга яъни “Заголовок слайда” ёки “Подзаголовок слайда” сўзларининг ўстидан сичқончанинг чап тугмасини босиб, курсор пайдо бўлган жойдан матн киритамиз (3.3.3 – расм). Бу ҳолда матн устида бажариладиган амаллар Microsoft WORD дастуридагик амалга оширилади. Еслатма: Матнга ўзгартириш киритишдан олдин ҳар доим матнни белгилаб олиш лозим.⁸



3.3.3 – расм. 1 – слайд кўриниши ва унга матн киритиш

Главная менюсидаги қўшимча тугмалар вазифасини кўриб чиқамиз. Главная менюсига “Слайд бўлими” қўшилган бўлиб, “Создать слайд” тугмаси қўшимча слайд яратиш учун қўлланилади. Слайд яратиш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:


Главная→Создать слайд→ керакли бўлган слайд шаблони танланади (3.3.4 – расм). Ёки Ctrl+M



3.3.4 – расм. Слайд яратиш менюси



Яратилган слайднинг макетининг ўзгартириш учун “Макет” тугмасидан фойдаланамиз.

⁸Discovering Computers 552-553 бетлар




3.3.5 – расм. Слайд учун макет танлаш менюси.

Главная менюсидаги Шрифты бўлимида **S** ва **AV** тугмалар қўшилган бўлиб, биринчи тугма матнга соя эффектини берса, иккинчи тугма ҳарфлар орасидаги интервални белгилаб беради (3.3.5 – расм).






3.3.5 – расм. Матн ҳарфлари орасидаги интервални ўзгартириш


Главная менюсининг “Абзац” бўлимида “Направления текста”, “Выровнять текст” ва “Преобразовать в SmartArt” тугмалари қўшилган (3.3.6 – расм). Направления текста тугмаси матннинг йўналишини белгилаб беради.



3.3.6– расм. “Абзац” бўлими тугмалари


Направления текста	Выровнять текст	Преобразовать в SmartArt
 <p>3.3.7 – расм. Матн йўналишини ўзгартириш</p>	 <p>3.3.8 – расм. Рамка бўйича матн текислаш</p>	 <p>3.3.8 – расм. Слайдга структурали фигура</p>

Главная менюсига “Рисование” бўлими қўшилган бўлиб (3.3.7 – расм), слайдларга фигуралар жойлаштириш, матн киритиш учун қўшимча рамкаларқўйиш, расм ва фигураларнинг жойлашув ҳолатини белгилаб бериш, стил бериш амалларини бажаради.




3.3.9 – расм.Рисование бўлими


Фигуралар жойлаштириш учун фигуралар менюсидан керакли бўлган фигура танланади ва сичқонча курсор слайд устига олиб борилади ва чап тугмачаси бир марта босилади. Ўз навбатида биз танлаган фигура слайдимизда пайдо бўлади.



3.3.10 – расм. Фигуралар менюси


Бу фигуранинг бошқарувчи тугмаларидан фойдаланиб ўлчамини ўзгартириш мумкин.





3.3.11– расм. Слайддаги фигуралар ва уларни ўзгартириш

Баъзи ҳолларда слайдга мос равишда матн қўшиш керак бўлади. Бунинг учун Фигура менюсидаги “Надпись” тугмасидан фойдаланилади.



3.3.12 – расм. “Надпись” тугмаси

Бундан фойдаланганда олдин “Надпись” тугмаси танланади ва слайднинг керакли жойига курсор олиб борилиб, сичқонча чап тугмаси бир марта босилади. Пайдо бўлган рамкага матн киритилади (масалан “Юлдуз” сўзи) (3.3.13 – расм).




3.3.13 – расм. Слайдга матн киритиш.

Фигураларнинг ичига ҳам матн киритиш мумкин. Бунинг учун курсор фигура устуга олиб борилади ва ўнг тугмаси босилади. Пайдо бўлган менюдан “Изменить текст” тугмаси босилади ва курсор пайдо бўлган жойдан матн киритилади (3.3.14 – расм).



3.3.14 – расм. Фигурага матн киритиш.


Фигураларга, рамкаларга стил бериш учун “Рисование” бўлимидаги “Экспресс – стили” тугмасидан фойдаланилади (3.3.15 – расм).



3.3.15 – расм. “Экспресс – стили” тугмаси менюси.



Демак бу стилдан фойдаланиш учун олдин фигура ёки рамка танланади. Кейин “Экспресс – стили” менюси кириб бирон стил танланади.

Ўз навбатида стилни янада мукамаллаштириш учун “Заливка фигуры”, “Контур фигуры” ва “Эффект фигур” тугмаларидан фойдаланилади (3.3.16 – расм).



3.3.16 – расм. Қўшимча стилдан фойдаланиши

Microsoft POWERPOINT дастурида слайд, матн, расм ва фигуралардан нусха кўчириш, қирқиб олиш амалларини бажариш учун қуйидаги буйруқларни бажариш лозим:

Нусха олинаётган матн ёки расм белгилаб олинади→Главная менюсидаги “Буфер обмена” дан “Копировать” () тугмаси танланади→ жой кўрсатилади→ “Вставить” () тугмаси босилади.

Ишчи режимдан презентацион режимга ўтиш учун Ф5 тугмасини босиш лозим. Презентацион режимдан Ишчи режимга ўтиш учун эса “Есс” тугмасидан фойдаланилади. Слайддан слайдга ўтиш учун клавиатурадаги стрелкалардан фойдаланилади.

Microsoft POWER POINT дастурида ҳужжатларни сақлаш.

Файл→Сохранить как→сақлаш ойнаси ҳосил бўлади→сақлаш учун жой кўрсатилади→сақланаётган ҳужжатга ном берилади→ “Сохранить” тугмаси босилади.

POWER POINT дастурида яратилган ҳужжатларни очиш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:

Файл→Открыть→ ҳужжатни очиш ойнаси ҳосил бўлади→сақланган ҳужжатнинг жойи кўрсатилади →ҳужжатнинг устига бир марта сичқончанинг чап тугмаси босилади→ “открыть” тугмаси босилади. Дастурни ёпиш учун мулоқот ойнасининг юқори ўнг бурчагидаги “Заккрыть” (х) тугмасини босиш лозим.


3.3.3. Point да график ва анимациялар билан ишлаш.

Microsoft POWER POINT дастурида дизайн ва анимациялардан фойдаланиш.

Вставка менюси ва ундаги ускуналардан фойдаланиш

“Вставка” менюсида (3.3.17 – расм) бир неча тугмалар жойлашган бўлиб, булар асосан қуйидагилардир:


- Таблица – жадвал яратиш
- Рисунок – слайдга расм қўйиш
- Видео – слайдга видео ролик қўйиш
- Фотоалбом – Расмлар альбомини яратиш
- Фигуры – Слайдга фигуралар қўйиш
- Диаграмма - Слайдга диаграмма қўйиш
- Звук – слайдга мусиқа қўйиш ва бошқалар.



3.3.17 – расм. Вставка менюси

Слайдга расм жойлаштириш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:


Вставка → Рисунок →Ойна ҳосил бўлади → Компьютердан расм танланади → Вставить (3.3.18– расм)



3.3.18 – расм. Слайдга расм қўйиш ойнаси.

Призентацияга видео файл қўшиш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:


Вставка → Филм → Ойна ҳосил бўлади → Компютердан видео файл танланади → ОК (3.3.19 – расм)



3.3.19 – расм. Слайдга видео ролик қўйиш.

Призентацияга ҳар хил фигуралар жойлаштириш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:


Вставка → Фигуры → Керакли фигура танланади → сичқончанинг чап тугмаси танланади. (3.3.20 – расм)



3.3.20 – расм. Слайдга фигура қўйиш

Призентация слайдларига тартиб рақам ёки сана жойлаштириш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:

Вставка → Номер слайда → Ойна ҳосил бўлади → Номер слайда ёки Дату и время тугмалар танланади → Применить ко всем (3.3.21 – расм)




3.3.21 – расм. Слайдни рақамлаш

Слайдга диаграмма қўйиш “Иллюстрация” бўлимидаги “Диаграмма” тугмаси орқали амалга оширилади. Бунда керакли диаграмма тури танланади ва сичқончанинг чап тугмаси икки марта босилади. Пайдо бўлган диаграмма параметрларини ўзгартириш Microsoft WORD дастурида гистограмма қўйиш билан бир хил амалга оширилади.

Слайдларга дизайн бериш

Слайдларга дизайн бериш учун “Дизайн” менюсидан фойдаланилади (3.3.22




расм).

3.3.22– расм. Дизайн менюси

Слайдга дизайн бериш учун қуйидаги кетма – кетликдан фойдаланилади.

Дизайн→ Керакли бўлган дизайн темаси танланади → сичқончанинг чап тугмаси




ва қуйидаги натижага эришамиз (3.3.23 – расм)




3.3.24 – расм. Дизайн берилган слайд

Призентацияларда анимациядан фойдаланиш, хусусан слайдан слайдга ўтиш ҳолатида анимация қўллаш (Переходы) учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:

Слайд белгиланади → Переход меню → “Переход к этому слайду” бўлимидан керакли бўлган анимация тури танланади → сичқончанинг чап тугмаси босилади.






3.3.25 – расм. “Переход” менюси

Анимациялар ҳосил қилиш ва намоёниш этиш

Microsoft POWER POINT дастурида анимациялар фақат матн фигуралар учун амалга оширилади. Анимация ҳосил қилиш учун “Анимация” менюсидан фойдаланилади (3.3.26– расм). Матн, фигура, диаграмма ва расмларда анимация қўллаш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:



3.3.26 – расм. “Анимация” менюси


Матн белгиланади → Анимация меню → “Анимация” бўлимидан керакли бўлган анимация тури танланади → сичқончанинг чап тугмаси босилади.



Ушбу тугма қўлланган анимацияларни “Рабочий режимда” кўриш имкониятини беради.



“Параметры эффектов” тугмаси қўлланилган анимацияга қўшимча


параметрлар қўллашда фойдаланилади (3.3.27 – расм).



3.3.27 – расм. “Параметры эффектов”менюси

Слайдлар кетма-кетлигини ўзгартириш учун “Произвольный показ” тугмасидан фойдаланамиз. Бунинг учун қуйидаги амалларни бажариш лозим: Показ слайдов менюси → Произвольный показ → Произвольный показ → ойна ҳосил бўлади → Создат → Ойна ҳосил бўлади → Слайд кетма-кетлигини кўрсатилади → ОК





3.3.28 – расм. Слайдлар кетма-кетлигини ўзгартириш

Ушбу дастурдан ташқари тақдимотлар тайёрлашда ISpring, Prezy каби дастурлардан фойдаланиш мумкин. Бу дастурлар ҳам Power Point дастурига ўхшаш бўлиб, анчагина имкониятларга бой дастурлар ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Microsoft Power Point дастури слайдларидаги «Заголовок и объект» макетидан фарқларини келтиринг.
2. Фигурага матн киритиш учун қандай кетма – кетликларни бажарилади?
3. Қўлланилган анимацияга қўшимча параметрлар қўлашда қайси тугмадан фойдаланилади?
4. Microsoft Power Point дастурида ҳосил бўлган ҳужжат қандай номланади?

3.4. МАВЗУ: ГРАФИК МАЪЛУМОТЛАРНИ ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

РЕЖА:

3.4.1. Компьютер графикаси турлари

3.4.2. Мультимедиа ва график дастурий таъминотлар.

3.4.3. Турли соҳалар бўйича график дастурий воситалар

3.4.1. Компьютер графикаси турлари

Тузилишига кўра тасвирлар **растрли** ёки **векторли** бўлиши мумкин. Масалан тасвир ҳосил қилишда сканер уни кўпгина майда элементлар (пикселлар)га бўлиб чиқади ва улардан растрли сурат ҳосил қилади.

Пиксель – бу растрли тасвирнинг энг кичик элементи бўлиб, унинг ранги компьютер хотирасига битларнинг маълум бир миқдори воситасида киритилади. Масалан 800x600 суратда бу сонлар горизонтал бўйича (800) ва вертикаль бўйича (600) пикселлар сонини белгилайди. Пикселлар сони қанчалик кўп бўлса тасвирнинг экрандаги ва қоғозда чоп этилгандаги сифати (разрешение) юқори бўлади.

Векторли графикада тасвирлар математик эгри чизиқларни ранги ва бўйлиш рангини кўрсатиш орқали ҳосил қилинади. Маслан оқ фондаги қизил эллипс бор йўғи икки формула – тўғри тўртбурчак ва эллипснинг ранглари, ўлчамлари ва жойлашувини аниқловчи формулалари орқали тасвирланади. Демак, бундай тасвирлаш компьютер хотирасида растрли расмдан кўра камроқ жой эгаллайди.

Векторли тасвирларнинг яна бир афзаллиги – уларнинг сифатини йўқотмаган ҳолда катталаштириш ёки кичиклаштириш имкониятидир. Объектларни масштаблаш математик формулалардаги мос коэффициентларни катталаштириш ёки кичиклаштириш орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб растрли ёки векторли форматни танлаш тасвир билан ишлаш мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Рангни узатишнинг фотографик аниқлиги талаб этилганда растрли форматдан фойдаланиш лозим. Логотип, схемалар ва чизмаларни тасвирлашда векторли форматдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шуни таъкидлаш лозимки, растрли ва векторли тасвирлашда (матн ҳам) графика экранга ёки чоп этиш қурилмасига нуқталар жамланмиси сифатида узатилади.

Компьютер графикаси билан ишловчи дастур синфлари.

Ҳозирги кунга келиб компьютер графикаси ва анимацияси воситалари кириб бормаган соҳани топиш кийин.

Компьютер графикаси ва анимацияси воситаларини кулланиш соҳасига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:


- полиграфия ишлари учун мулжалланган компьютер графикаси дастурлари;
- икки ўлчамли ранг тасвир компьютер графикаси;
- такдимот ишлари учун мулжалланган дастурлар;
- икки ўлчамли анимация дастурлари;
- уч ўлчамли анимация дастурлари;
- икки ўлчамли анимация дастурлари;
- икки ўлчамли ва уч ўлчамли анимация дастурлари;
- видеотасвирларни қайта ишловчи комплекслар;
- илмий визуаллаштириш ишларини бажарувчи дастурлар.

Компьютер графикаси ва анимацияси дастурлари рассом ва дизайнерлар, полиграфчи ва кинематографчилар, компьютер уйинлари ва уқитиш дастурлари яратувчилари, клипмейкер ва олимлар, шунингдек уз фаолиятида турли форматдаги тасвирлардан фойдаланувчи барча мутахассисларда ҳам катта кизиқиш уйғотади.

Ранг моделлари

RGB моделининг номи **Red** - қизил, **Green** – яшил ва **Blue** – кўк бирламчи рангларнинг бош ҳарфларидан олинган бўлиб, ушбу рангларнинг турли пропорцияларда аралаштириш натижасида кўринувчи спектрнинг турли хил бошка рангларини олиш мумкин. Бирламчи рангларнинг аралашмасидан


иккиламчи мовий (cyan), пушти (magenta) ва сариқ (yellow) ранглар хосил бўлади.



RGB модели.

RGB моделининг ташкил этувчилари 0 дан 255 гача қиймат қабул қилишлари мумкин. $R=255$, $G=255$, $B=255$ бўлганда оқ ранг, $R=0$, $G=0$, $B=0$ бўлганда эса қора ранг хосил қилишимиз мумкин.

СМҲК модели бўёқларнинг нурни ютиш қобилиятига асосланган. Оқ рангнинг нур ўтувчи бўёқдан ўтишида спектрнинг бир қисми ютилади. Ютилмаган нур қайтади ва одам кўзига тушади.



СМҲК модели.

Ранглармовий(**Cyan**), пушти(**Magenta**)
ва сариқ(**Yellow**) ранглара ралашмасидан пайдо бўлади.
Уларнинг тўлиқ а ралашмасидан қора(**black**) ранг хосил бўлади.
Моделининг ташкил этувчилари 0 дан 100
гача қиймат қабул қилишлари мумкин.

HSB (HSV) модели.

Модель номи унга асос бўлган уч компонентнинг бошхарафлари дан олинган: Hue - ранг тони; Saturation - тўйинганлик; Brightness - ёрқинлик. Модель одам кўзининг ранг ни хосили шқобилиятига асосланган.

Ранг тони 0 дан 360
градус гача диапсзондаги бурчак катталиги билан таъсифланади.

Тўйинганлик (ёки хроматиклик) рангнинг тозалик даражасидир. У кул рангнинг бошқа рангга нисбати билан аниқланади (0% – кул ранг, 100% – тўла тўйинган ранг).

Рангнинг ёрқинлиги 0 дан 100 гача ўзгариши мумкин.

3.4.2. Мультимедиа ва график дастурий таъминотлар.

Қишлоқ хўжалиги учун қўшимча дастурий таъминот сифатида кўпгина фойдаланувчилар шу соҳа бўйича махсус ишлаб чиқарилган махсус дастурий таъминотлар билан ишлайдилар. Шу соҳага йўналтирилган фойдаланувчилар худди муҳандислар, архитекторлар, нашриётчилар каби фойдаланувчилар

графикадан доимо фойдаланишади. Бундай дастурий воситалар эса уларга графика ва мультимедиа билан ишлашга хизмат қилади. Бу дастурий таъминот автоматлаштирилган лойиҳалаштириш, нашриёт тизими, бўёк/тасвир таҳрирлагичлар, фото таҳрирлагичлар, видео ва аудио таҳрирлагичлар ва мультимедиа яратиш ҳамда Веб-саҳифа яратиш кабиларни ўз ичига олади. 3.4.1-жадвал бир қанча оммабоп дастурлар профессионал ва техник зийрак фойдаланувчилар учун категориялари билан махсус кўрсатмалар асосида келтириб ўтилган. Бу дастурлар айна пайтда жуда қиммат дастурий воситалар ҳисобланади.

Машҳур мультимедиа ва график дастурий таъминотлар		
Амалий дастурий таъминот	Дастурни ишлаб чиқарувчи фирма	Дастур номи
Computer-Aided Design (CAD)	Autodesk Chief Architect Microsoft	AutoCAD Architect Chief Visio
Desktop Publishing (for the Professional)	Adobe Corel Quark	InDesign Ventura QuarkXPress
Paint/Image Editing (for the Professional)	Adobe Corel Microsoft	Illustrator Painter Expression Design
Photo Editing (for the Professional)	Adobe Arcadia Nik Software	Photoshop PhotoPerfect Ultimate Nik Professional Suite
Video and Audio Editing (for the Professional)	Adobe Avid Technology Cakewalk Sony	Audition Premiere Pro Soundbooth Avid Media Composer SONAR ACID Pro
Multimedia Authoring	Adobe Agilix SumTotal Systems	Director GoCourse ToolBook Instructor
Web Page Authoring	Adobe Microsoft	Dreamweaver Fireworks Flash Expression Web SharePoint Designer

3.4.1-жадвал. Профессионаллар учун машҳур мультимедиа ва график дастурлар.

Кўпгина мультимедиа ва график дастурлар фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш орқали осон интерфейсли ва сода версиялари билан бу дастурда

графикли ҳужжатлар яратилади. Кейинги бўлимда мультимедиа ва график дастурий воситаларнинг функциялари ва афзалликлари кўриб чиқилади.⁹

Жаҳон миқёсида назар соладиган бўлсак компьютер графикаси ва электрон дизайн жуда ҳам кенг даражада ривожланган. Уларни қишлоқ хўжалиги амалиётида аллақачондан буён қўллаб келишмоқда. Лекин бу яратилаётган барча дастурлар, реклама роликлар, дизайнларнинг асосий қисми кинофильмлар, мультфильмлар, веб-сайтлар учун яратилмоқда. Махсус аграр соҳа веб-сайтларида мавзулаштирилган реклама роликларнинг камлиги, борларини ҳам аниқ бир фанни мавзуларини тўла ёритиб бера олмаслиги таълим соҳасига янада кўпроқ эътибор бериш лозимлигини эътироф этади. Лекин қишлоқ хўжалиги бўйича электрон дарсликларни ичига киритилган рекламали роликлардан ҳозирда графиканинг энг замонавий йўналиши бўлган роликларнинг яратилиши сайтларга ва шунга тегишли бўлган нарсаларга қизиқишни оширади. Тўғри бу соҳада кўп ишлар амалга оширилган. Дарсликларнинг мультимедиа шаклида ўтилиши ўқитувчиларга бир қанча қулайликлар туғдиради. Чунки, шу фанга мавзулаштирилган овозли дастурлар, расмли ишланмалар, ҳаракатли ёзувлар (презентациялар), мультипликация кўринишида яратилган фильмлар, анимациялар ва реклама роликлар бир томондан ўқитувчи учун енгиллик бўлса, иккинчи томондан тингловчиларучун қизиқарли ва диққатини ўзига жалб қилади. Ва мавзунини яхши ўзлаштирилишига тўртки бўлади. Таълим соҳасининг мультимедиа кўринишида ўтказилишига сабаб ҳам шу. Чунки, фойдаланувчителивизорда кўйилаётган мультфильм ва реклама роликларини кўриш ўрнига дарсга боради, бу эса ўз-ўзидан ўқув муассасаларига янада қизиқишни оширади. Анимацияли ролик мавзунини ҳар жиҳатдан ўрганиб, кенг қамраб олишига қарамасдан уни ҳам камчиликлари бор. Хусусий ҳолда олиб қарайдиган бўлсак, физика ва кимё фанлари мавзулари учун ишланган роликлар ҳар бир физик, химик жараёни кўз илғамас томонларигача кўрсатиб бера олади, тушунтириб бера олади, бунга сабаб тингловчиларнинг баъзи психологик хусусиятлари эътиборга олинган. Масалан: Ҳаракатга эътибор - Бу ҳаракатланмаган объектга нисбатан ҳаракатланган объектнинг тезроқ эсда қолиши. Битта тасвирда 7 тадан 9 тагача объектларни эслаб қолиши. Ва бу тасвирда объектларни хоссалари ва объектлар аро ахборотни тўлиқ қамраб олиши, қолаверса бу ахборотни тўлалигича ўзгармас ҳолида сақлаб қолишидир.

Компьютер графикаси узоқ йиллар давомида вужудга келиб, 1960 йилларда ҳам тўлақонли график тизимлар мавжуд бўлган. Ҳозирги кунда компьютер графикаси (КГ) ва компьютер анимацияси (КА) атамаларидан фойдаланилади. **Компьютер графикаси** тушунчаси статик тасвирлар билан ишлашнинг барча кўринишлари ўз ичига олса **компьютер анимацияси** динамик ўзгарувчи тасвирлар билан ишлайди.

Компьютер графикаси – компьютер бошқарувида график объектларни киритиш, чиқариш, тасвирлаш, ўзгартириш ва таҳрирлашдир.

⁹Discovering Computers 159-160 бетлар

Компьютер анимацияси – экранда тасвирларни “жонлантириш”, компьютерда динамик тасвирлар синтезидир.

Компьютер графикаси – информатиканинг махсус қисми бўлиб, дастурий-аппарат ҳисоблаш комплекслари ёрдамида тасвирларни яратиш ва қайта ишлаш усуллари ва воситаларини ўрганади.

Виртуал фазода ҳажмли объектларни яратиш усуллари ўрганувчи соҳа **уч ўлчовли (3D) графика** деб номланади. Одатда унда тасвир яратишнинг векторли ва растрли усулларида фойдаланилади.

ИННОВАЦИОН КОМПЬЮТЕР

Мушакбозлик дастурий воситаси ёрдамида реал «портлаш» яратиш мумкин. Ушбу махсус дастурий восита ёрдамида ҳаттоки мушакбозликни пиротехник ва мусикали жавобини эшитиш мумкин. Асосий мушакбозлик хиёбонда ўтказилган мустақиллик куни учун ишлаб чиқилган. Унда ҳар бир мушак мусика кучи билан аниқланган. 20 минутлик шоуни режалаштирилиш учун 4 ойга яқин вақт кетган. Оператор дастурни ишга туширганда ҳар бир график бўшлиққа боғланишда компьютерни ишчи модулдан озод этиш учун сигнал юборади.



Лойиҳалаштиришни автоматлаштириш

Лойиҳалаштиришни автоматлаштириш (CAD) дастурий воситалари амалий дастурий воситаларнинг қийин турларидан ҳисобланиб, улар профессионал фойдаланувчилар илмий лойиҳаларни, архитектура ишланмаларини яратиш учун ёрдам беради. Масалан, муҳандислар транспорт воситалари учун дизайн ва хавфсизлик таъминотини яратишади. Архитекторлар биноларни лойиҳа структурасини ва бино режасини тузишади. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари эса ўз соҳалари бўйича автоматлаштирилган тизимда тизим дизайнини ва ер, ўсимликлар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича лойиҳалаш усуллари ишлаб чиқадилар 3.4.1-расм.¹⁰



CAD дастурий воситалари лойиҳа дизайнини ва лойиҳа уст


3.4.1-расм. Архитекторлар CAD дастурларидан бинони структурасини лойиҳалашда фойдаланади.

Уч фазоли CAD дастурлари лойиҳач остида айлантириб, кўриб ишлаш имконини беради.

¹⁰ Discovering Computers 161-162 бетлар

Нашриёт тизимидаги график дастурий воситалар (профессионаллар учун)

Нашриёт тизимидаги дастурий воситалар (DTP. Desktop publishing software) профессионал лойиҳачилар учун қийин матнли, графикали ва кўп ранглардан ташкил топган ҳужжатларни яратишга хизмат қилади 3.4.2-расм. Ушбу дастурий воситалар ёрдамида дарсликлар учун юқори сифатли рангли ҳужжатлар, корпоратив ахборот бюллетенлари, маҳсулотлар каталоглари ҳамда йиллик ҳисоботлар тайёрлашлари мумкин.



3.4.2-расм.Профессионал лойиҳачилар томонидан фойдаланилаётган наشريёт дастурий воситалари (DTP).

Саҳифаларни тайёрлаш жараёнида матн ва график ҳужжатлар рангларнинг стандарт тўплами кутубхонасидан фойдаланган ҳолда лойиҳачилар ва матн терувчилар аниқланган ранглар асосида матнни киритиб борадилар. Лойиҳачилар ушбу якунланган график ҳужжатларни нашр қилиш учун рангли принтерлардан фойдаланишлари мумкин.¹¹


3.4.3. Турли соҳалар бўйича график дастурий воситалар

Бўёк/тасвир таҳрирлагичлар дастурий таъминоти (профессионаллар учун)

Мультимедиа ва графика мутахассислари, техник иллюстраторлар ва наشريётчилар бўёк/тасвир таҳрирлагич дастурий таъминотларидан фойдаланиб, Веб-саҳифалар ва наشريёт ҳужжатлари учун график тасвирлар яратадилар ва ушбу дастурлардан фойдаланиб ҳужжатларга ўзгартиришлар киритадилар. Бўёк дастурий воситалари фойдаланувчиларга расм чизиш, шакллар ва турли воситалар ёрдамида экранда график тасвирлар яратишга имкон беради (3.4.3-расм). Тасвирларни таҳрирлашда дастурий воситалардан

¹¹Discovering Computers 162-163 бетлар

фойдаланган ҳолда мавжуд тасвир ва расмларни катталаштириш ва ўзгартириш киритиш мумкин. Тасвирларни ранг сифатини ошириш, махсус эффектлар қўшиш, соя, мультипликация яратиш ва тасвирларни бир-бирига улаш кабилар вазифаларни модификация қилиш мумкин.¹²



3.4.3 -расм. График дастурий воситалардан фойдаланиб компьютер ўйинларига бўёқлар орқали тавсиф бериш.

Фототасвирларни таҳрирлаш дастурий воситалари (профессиналлар учун)

Профессинал фототасвирлар тасвирларни таҳрирлаш воситалари ёрдамида автоёзувчи видео ускуналар, муҳандислар ва олимлар ҳамда катта ҳажмдаги рақамли фототасвирлар билан ишловчи фойдаланувчилар рақамли тасвирларни созлашлари ва қайта таҳрирлашлари учун мўлжалланган. (3.4.4-расм). Профессинал фототасвирларни таҳрирлаш дастурий воситалари фойдаланувчиларга файлнинг кенг, ҳар хил турдаги форматлари асосида асосий қиёфани сақлашга хизмат қилади. Ушбу дастурий воситалар ёрдамида фойдаланувчилар фототасвирларни хиралаштириш, тасвирларни қисқартириш, тасвирдаги «қизил кўз»ни олиб ташлаш, тасвирни ўзгартириш шакллари, рангли тасвирлар, объектларни олиб ташлаш ёки қайта жойлаштириш ҳамда филтрларга мурожаат қилиш каби вазифаларни бажариши

мумкин.



¹²Discovering Computers 163-164 бетлар

3.4.4-расм. Профессионал фототасвирларни таҳрирлаш воситалари ёрдамида фойдаланувчи рақамли фототасвирни таҳрирлаши ва созлаши мумкин.

Видео ва аудио таҳрирлаш дастурий таъминоти (профессионаллар учун)

Видео таҳрирлаш дастурий воситаси профессионалларга клип деб номланувчи видео сегментларни ўзгартириш имконини беради. Мисол учун, фойдаланувчилар видеоклипни узунлигини қисқартиришлари, клип қисмларини қайта тартиблаши ёки махсус эффектлар қўшишлари мумкин бўлади. Видео таҳрирлаш дастурий воситаси аудио таҳрирлаш каби ўхшаш бўлади. Аудио таҳрирлаш дастурий воситаси фойдаланувчиларга аудио файлни ўзгартириш, студияда сифатли саундрек тайёрлаш ва видеоклипларга аудио файл қўшиш каби имкониятлар яратиб беради (3.4.5-расм). Аудио таҳрирлаш дастурий воситаси одатда, филтрларни қўллаган ҳолда овоз сифатини оширишга хизмат қилади. Масалан, аудио филтр аудио файлнинг фондаги кераксиз шовқинларни олиб ташлайди. Аксарият ҳолларда телешоу ёки фильмларда видеолар яратишда аудиотаҳрирлаш дастурий воситаларидан кенг фойдаланилади.¹³



3.4.5-расм. Аудио таҳрирлаш дастурий воситаси фойдаланувчиларга аудио файлни ўзгартириш имконини беради.

Мутахассис учун мультимедиа дастурий таъминоти

Мультимедиа дастурий воситалар фойдаланувчиларга матнларни бирлаштириш, графика, аудио, видео ва интерфаол аризалар мультимедиясини яратиш имконини беради (3.4.6-расм). Ушбу дастурий воситалар ёрдамида фойдаланувчилар матн ва тасвирларни жойлаштириш, овознинг узунлиги, видео ва мультимедияларни бошқарадилар. Ўқув марказлари, таълим муассасалари ва электрон журнал нашр этувчилар мультимедиа дастурий воситаларнинг интерфаол иловаларидан фойдаланади. Ушбу тайёр мультимедиа ҳужжатлари ва иловалардан Интернет орқали, локал тармоқ ва оптик дискларга ёзиб фойдаланиш мумкин.¹⁴

¹³Discovering Computers 164-165 бетлар

¹⁴Discovering Computers 166-167 бетлар



3.4.6-расм. Мультимедиа дастурий воситалари сизга мультипликация, овоз, видео, графика ва матнларни динамик намоишнинг яратишингизга имкон беради.

Веб-саҳифалар яратиш учун дастурий таъминотлар

Веб-саҳифалар учун дастурий воситалар фойдаланувчиларга веб-саҳифаларга график тасвирлар, аудио ва видео, мультипликация ҳамда бошқа махсус эффектлар яратишда ёрдам беради (3.4.7-расм). Улардан ташқари кўпгина веб-саҳифаларда фойдаланувчиларга веб-саҳифаларни қўллаб-қувватлаш ва ташкиллаштириш дастурлари яратилади. Амалий дастурий таъминот, яъни Word ва Excel дастурлари кўпинча веб-саҳифаларни яратиш ҳамда унинг хусусиятларини оширишда қўлланилади.

Ушбу мультимедиа дастурий воситалари тармоқда веб-саҳифаларни ривожланишига хизмат қилмоқда.¹⁵



3.4.7-расм. Мультимедиа дастурий воситаси ёрдамида қийин Веб-саҳифа яратиш.

¹⁵Discovering Computers 167-168 бетлар

Шахсий ва таълимда фойдаланиш учун дастурий таъминот

Кўп микдорда уй, шахсий ва таълим тизими учун махсус дастурий таъминотлар ишлаб чиқарилган. 3.4.2-жадвалда машхур оммабоп дастурий таъминотлар категориялари бўйича рўйхати келтириб ўтилган.

Шахсий, уй ва таълим тизими учун машхур дастурий таъминотлар

Амалий дастурий таъминот	Дастурни ишлаб чиқарувчи фирма	Дастур номи
Personal Finance (шахсий математик) Legal (қонуний)	IGG Software Intuit Broderbund Cosmi Nolo	iBank Quicken Home and Business Lawyer; WillWriter Perfect Attorney Quicken Legal Business; Quicken WillMaker
Tax Preparation (солиқ тайёрлов)	2nd Story Software H&R Block Intuit Broderbund Microsoft	TaxACT TaxCut TurboTax
Desktop Publishing (for Personal Use) (нашриёт тизими)	Corel The GIMP Team Corel	The Print Shop; PrintMaster Publisher CorelDRAW; Painter Essentials The Gimp Paint Shop Pro Photo; Ulead PhotoImpact; MediaOne Plus
Paint/Image Editing (for Personal Use) (бўёк/тасвир таҳрирлагичлар)	Corel The GIMP Team Corel	CorelDRAW; Painter Essentials The Gimp Paint Shop Pro Photo; Ulead PhotoImpact; MediaOne Plus
Photo Editing and Photo Management (for Personal Use) (фототаҳрирлагич ва фотобошқарув)	Corel The GIMP Team Corel	CorelDRAW; Painter Essentials The Gimp Paint Shop Pro Photo; Ulead PhotoImpact; MediaOne Plus
Clip Art/Image Gallery	Yahoo! Google Microsoft Roxio Broderbund Nova Development CoolArchive	Flickr Picasa Windows Live Photo Gallery PhotoShow ClickArt Art Explosion CoolArchive
Video and Audio Editing (for Personal Use)	Corel Microsoft Pinnacle Systems Roxio	VideoStudio Windows Live Movie Maker Studio Buzz
Home Design/Landscaping	Broderbund Chief Architect	Instant Architect Better Homes and

Travel and Mapping (саёхатвакартография)	IMSI/Design	Gardens Home Designer TurboFLOORPLAN
	DeLorme Microsoft Google Fogware Publishing Microsoft	Street Atlas Streets & Trips Earth; Maps Merriam-Webster Collegiate Dictionary & Thesaurus MSN Encarta
Reference (ссылка)		

3.4.2-жадвал. Турлишахсий, уйватаълимтизимиучунмашхурдастурийтаъминотлар.

Шахсий молиявий дастурий таъминот

Шахсий молиявий дастурий таъминот – содда дастур ҳисоби бўлиб, истеъмочиларнинг кичик офислари ва уй офисларида чек китобчаси, ҳисобрақамдан тўловни амалга ошириш, шахсий қирим-чиқимларни кузатиб бориш, бюджетни тузиш, материал-техника ресурсларни бошқариш, инвестиция ҳамда молиявий режаларни тарқатишга ва бааланс лаштиришга ёрдам беради (3.4.8-расм). Шахсий дастурий таъминот сизга қачон ва қерда, нима учун қайси мақсадда пулларингизни сарфлашингизни бошқаришга махсус дастурлар ёрдам беради.

Ҳисоботлар тўловларни қабул қилувчи ёки вақт бўйича транзакция категориялари асосида ҳисобланиши мумкин.


Молиявий режалаштириш функцияси жисмоний шахслар кредитларини ички таҳлили, даромад солиқларини ва нафақа фондларини ўзичига олади.

Бундай шахсий дастурлар онлайн хизматларни қўллаб тақлифларини юбориш ва қабул қилиш учун Интернет тармоғига ўлочишни талаб қилади. Масалан,

истеъмочилар инвестицияларни онлайн кузатиб борадилар, суғурта компаниялар ставкаларини онлайн тарзда таққослаб борадилар ва ҳаказол ар.

Онлайн очик ўл сизга банклардаги ҳисобрақам сальдосини, ҳисобрақамдан тўлов шартларини на мойиш этишга ва ҳаройлик транзакцияларни итўғридан-тўғри компьютерингизга тармоқ орқали юклашга рухсат беради.¹⁶

¹⁶Discovering Computers 168-169 бетлар



3.4.8-расм. Истеъмолчининг шахсий, натижавий ҳисоб рақами дастури.

Ҳуқуқий дастурий таъминот

Ҳуқуқий дастурий таъминот қонуний ҳужжатлар ва алоҳида шахсларнинг қонуний ахборотлари ҳамда оилавий кичик бизнес асосида тайёрланган (3.4.9-расм). Ҳуқуқий дастурий таъминот ҳужжатлар ва контрактлар меъёрини, сотиб олиш билан боғлиқ маълумотлар, ижара, мулкни режалаштириш ва ҳаказоларни бир-бири билан боғланишини таъминлайди.



3.4.9-расм. Ҳуқуқий дастурий таъминот фойдаланувчиларнинг қонуний ахборотларини рекорд даражада сақлашни таъминлайди.

Солиқ дастурий таъминоти

Солиқ дастурий таъминот дастурий таъминотнинг серия рақами ва веб-саҳифаларга ўхшаш солиқ муассасасида рўйхатдан ўтиш жараёни каби очик ҳолатда бўлиши мумкин (3.4.10-расм). Бу дастурлар солиқ мажбуриятларини ва иқтисодий солиқларни башоратлаш таклифлари ишлаб чиқилади, яъни

сизнинг солиқ ҳақидаги қонуний лойиҳангизни ўтказиш учун. Шу билан бир қаторда электрон почта хизмати орқали шаклларни юбориш солиқ тўловчиларга ўзларининг солиқ тўловларини онлайн тарзда электрон рўйхатдан ўтиш орқали олишга хизмат қилади.¹⁷




3.4.10-расм. Солиқ дастурий таъминоти фойдаланувчиларга солиқ муассасаларидан рўйхатдан жараёнини таъминлайди.

Нашриёт тизимининг дастурий таъминоти (шахсий фойдаланиш учун)

Профессионалдастурий таъминот DTP юқорида таъкидлаганимиздек, кўпгина суғуртага оид ва кичик бизнесда ишлаш учун анчагина содда ҳамда оддий дастур ҳисобланади. Профессионалдастурий таъминот DTP истеъмолчиларга янгиликлар асосида кичик бизнесни ташкил этиш, брашуралар, рекламалар, открыткалар, қутлов открыткалари, фирма бланкалари, эълон ишлари, баннерлар, календарлар, логотиплар ва ҳаказолар жойлаштиришга ёрдам беради (3.4.11-расм).

Кўпгина матн дастурий воситалари DTP функцияларини ўз ичига олади ва DTP ҳужжатларини яратишга хизмат қилади. Масалан, шахсий DTP дастурлари юз минглаб график тасвирлар билан таъминлаб беради. Ундан ташқари хусусий рақамли ҳужжатингизга импорт қилишингиз ҳам мумкин. Кейин эса интернет шаклида рангли принтер ёрдамида хабарларингизни шахсий DTP дастурларисиз босмага чиқаришингиз мумкин. Кўпгина шахсий DTP дастурлари бўёк/тасвирларни таҳрирлагичлар ва фототасвирларни таҳрирлаш ҳамда фототасвирларни бошқаришни ҳам ўз ичига олади.

¹⁷Discovering Computers 168-169 бетлар



3.4.11-расм. Наириёт тизими дастури ёрдамида реклама яратиш.

Бўёқ/тасвир таҳрирлагичлар дастурий таъминоти (шахсий фойдаланиш учун)

Бўёқ/тасвир таҳрирлагичлар дастурий таъминоти дастур интерфейсидан осон фойдаланишни таъминлайди. Худди дастурнинг профессионал версиясига ўхшаш сизга содда инструментлар ёрдамида расм чизишга ва турли расм ҳамда шакллар устида амаллар бажаришга хизмат қилади (3.4.12-расм). Шахсий тасвирларни таҳрирлаш дастурий таъминоти дастурнинг бўёқ имкониятларини ва мавжуд графика ҳамда фототасвирларни модификация қилиш (ўзгартириш)ни таъминлайди. Бу дастурларда булардан ташқари ҳужжатлар ва тасвирар учун турли андозалар, открыткалар, баннерлар, календарлар, ташриф қоғозлари ва ҳаказоларни ҳам киритиш мумкин. Баъзи операцион тизимлар асосий бўёқ/тасвир таҳрирлагичларини ўз ичига олади.



3.4.12-расм. Бўёқ/тасвир таҳрирлагич дастурида ишлаш.


Фототасвирларни таҳрирлаш дастурларини бошқариш

Профессионал тасвирларни таҳрирлаш дастурлари веб-саҳифаларда кенг миқёсда ишлаш имконини ҳам беради. Профессионал тасвирларни таҳрирлаш дастурлари фойдаланувчиларга рақамли фототасвирларни таҳрирлаш, тасвирдаги “қизил кўз”ни ўчириш, доғларни йўқотиш, фототасвирларни ҳақиқий ранглар асосида қайта тиклаш, махсус эффектлар қўшиш, тасвир сифатини янада ошириш ёки электрон фотоальбомни яратишга хизмат қилади. Агарда сиз рақамли камера билан ишлаётган бўлсангиз, бу ўз навбатида фототасвирларни дастурлар ёрдамида таҳрирлашингизга тўғри келади (3.4.13-расм).



3.4.13-расм. Рақамли фототасвирларни шахсий дастур асосида таҳрирлаш.

Баъзи рақамли камераларда фототасвирларни тўғридан-тўғри камеранинг ўзида махсус дастур ёрдамида таҳрирлаш мумкин. Таҳрирланган фототасвирлар, белгилар, календарь, ташриф қоғози ва баннерларни Интернет орқали жўнатиш мумкин (3.4.14-расм).




3.4.14-расм. Рақамли фототасвирларни дастур ёрдамида бошқариш

CLIPART (иллюстрация) ва тасвир галереяси

Амалий дастурий таъминот кўпинча иллюстрация/тасвир галереясини яъни, фототасвирларни ва иллюстрация тўпламини ўз ичига олади. Баъзи дастурлар веб-саҳифага клиплар жойлаш имкониятига ҳам эга (3.4.15-расм).

Кўпгина тасвирлар канали махсус дастурлар асосида анимациялар, овозлар, видеоклиплар ва аудио файллар билан таъминлайди. Улардан ташқари турли ҳужжат турлари, матнларни устида ишлаш, электрон жадвал ва тақдимотлар бўлиши мумкин.



3.4.15-расм. Тасвирлар/иллюстрациялар минглаб тасвирларни ўз ичига олади.

Аудио ва видео тасвирларни таҳрирлаш дастурлари (шахсий фойдаланиш учун)

Кўпгина уй фойдаланувчилари аудио ва видео тасвирларни таҳрирлаш осон ва фойдаланиш учун қулай ҳисобланади (3.4.16-расм). Ушбу дастурлардан фойдаланувчилар турли овозларни ва видеотасвирларни Интернетдаги фильмлари ҳам таҳрирлашлари мумкин. Баъзи операцион тизимлар асосий аудио ва видео тасвирларни таҳрирлагич дастурларини ўз ичига олади.¹⁸




3.4.16-расм. Аудио ва видео тасвирларни таҳрирлаш дастурларида ишлаш.

Уй лойиҳа/сунъий ландшафт яратиш дастурий таъминоти

Уй эгалари уй лойиҳа/сунъий ландшафт яратиш дастурларидан фойдаланишлари мумкин (3.4.17-расм). Уй лойиҳа/сунъий ландшафт яратиш

¹⁸Discovering Computers 170-172 бетлар


дастурлари турли материаллар рўйхатини лойиҳанинг сарф-харажатлар миқдорини ҳам ўз ичига олади.



3.4.17-расм. Уй лойиҳа/сунъий ландшафт яратиш дастуридан фойдаланиш.

Махсус дастурлар ёрдамида тасвирларни жойлаштириш ва акс эттириш

Махсус дастурлар ёрдамида тасвирларни жойлаштириш ва акс эттириш фойдаланувчиларга харитани кўриш, йўналтирилган маршрутни ва қизиқарли жойларни аниқлаш мумкин (3.4.18-расм). Ушбу дастурлар фойдаланганда экранда харита, манзили, почта индекси, телефон рақами каби маълумотларни олиш мумкин бўлади. Бундай дастурлар фойдаланувчиларга ҳаракатни йўналишини ва якуний пунктни киритишни таъминлайди. Бу дастурлар мобил қурилмаларга ўхшаш смартфонлардаги каби медиаҳаракатлантиргич ёрдамида ишлайди ва кўпгина навигация ускуналари каби дастурларда акс эттирилади.




3.4.18-расм. Бу дастурда йўналиш вақтлари навбатма-навбат таъминланган.

Таълим ва ичма-ич кириш (ссылка) дастурий таъминоти

Ичма-ич кириш дастурлари барча алоҳида шахсларни қимматли ва тўлиқ ахборотлар билан таъминлайди. Оммабоп дастурлар энциклопедияларни, луғатларни ва тиббиёт қўлланмаларни ўз ичига олади.

Таълим дастурларига эса таълимнинг барча соҳаларини китириш мумкин (3.4.19-расм). Мактабгача таълимда ва ўрта мактабларда ўқувчилар таълимнинг махсус дастурлардан фойдаланадилар. Яъни масалан,

математика фанидан тайёрланиб, тайёрлов курсларига ёки коллежларга кириш учун имтиҳон топширадилар.



3.4.19-расм. Таълим махсус дастурида ишлаш.

Таълим дастурлари кўпинча ўйинларни ва бошқа контентларни ўз ичига олиши мумкин. Кўпгина ўқув-таълим дастурларидан компьютер машқлари ёндашувида фойдаланилади. Компьютер машқларидан (CBT), автоматлаштирилган инструкциялардан (CAI) талабалар доимий равишда фойдаланиб келадилар. Ҳарбий соҳада ва авиакомпанияларда CBT моделидан турли муҳит ва шароитларда ўқитишни ўрганишда фойдаланадилар (3.4.20-расм).




3.4.20-расм. Ҳарбий соҳада CBT моделидан ёзги амалиёт учун фойдаланиш.

Кўнгилочар дастурий таъминотлар

Компьютерлар учун кўнгилочар дастурий воситалар ўйинни улаш учун қўшимчаларни, мобил қурилмалар интерфаол ўйинларни, видео ва бошқа дастурларни ўз ичига олади. Масалан, 3.4.21-расмда кўрсатилганидек, кўнгилочар дастурлар, яқка тартибдаги ўйинлар ёки онлайн тарзда бошқалар билан ўйин ўйнаш дастурлари киради. Кўпгина ўйинлар ҳудди веб-саҳифалардагидек, сизга яқка тартибда, ёки бошқалар билан онлайн тарзда ўйинларни ўйнаш имконини беради.¹⁹

¹⁹Discovering Computers 172-173 бетлар



3.4.21-расм.Кўнгилочар дастурий воситалар шахсий компьютерларда, ўйин қўшимчаларида (приставка) ва мобил қурилмаларида вақт ўтказишни таъминлаши мумкин.

Назорат саволлари

1. Компьютер графикасининг қандай турлари мавжуд?
2. Компьютер графикасида асосан қандай ранглар ишлатилади?
3. График дастурлар мутахассисликлар бўйича қандай тавсифланади?
4. Компьютер графикасида пиксель тушунчасини изоҳлаб беринг.

Алгоритмлаш ва дастурлаш асослари, C++ дастурлаш тили

3.4. АЛГОРИТМЛАР ВА УЛАРНИ ЁЗИШ УСУЛЛАРИ, ҲИСОБЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ.

Режа:

4.1.1. Алгоритм тушунчаси ва унинг хоссалари

4.1.2. Алгоритмни ифодалаш усуллари ва унга қўйиладиган талаблар

4.1.3. Ҳисоблаш жараёнлари.

3.4.1. Алгоритм тушунчаси ва унинг хоссалари

Алгоритм сўзи ва тушунчаси IX асрда яшаб ижод этган буюк бобокалонимиз Мухаммад ал-Хоразмий номи билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг арифметикага бағишланган “Ал жабр ва ал-муқобала” номли асарининг дастлабки бетидаги “Дихит Алгоритмис” (“Дедикки Ал Хоразмий”нинг латинча ифодаси) деган жумлалардан келиб чиққан.

Ал-Хоразмий биринчи бўлиб ўнлик санок системасининг принципларини ва унда турли амаллар бажариш қоидаларини асослаб берди. Бу эса ҳисоблаш

ишларини ихчамлаштириш ва осонлаштириш имконини яратади. Чунки бу билан ўша даврда қўлланиб келинган рим рақамлари ва сонларни сўз орқали ёзиб бажаришдаги ноқулайликлар бартараф этилди.

Дастлаб алгоритм дейилганда ўнлик санок системасидаги сонлар устида турли арифметик амаллар бажариш қоидалари тушуниб келинган.

Ал-Хоразмийнинг илмий асарлари фанга алгоритм тушунчасининг киритилишига сабаб бўлди.

Алгоритм нима? Умуман олганда уни аниқ таърифлаш мушкул. Лекин алгоритмнинг моҳиятини аниқ ва қатъийроқ тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Алгоритм деганда бирор мақсадга эришишга ёки қандайдир масалани ечишга қаратилган буйруқларнинг аниқ, тушунарли, чекли ҳамда тўлиқ тизими тушунилади.

Алгоритмга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: алгоритм деб аниқ натижага олиб келадиган амалларнинг чекланган кетма-кетлигига, ёки алгоритм деганда ижрочига кўрсатилган мақсадга эришиш ёки қўйилган масалани ечишга қаратилган амаллар кетма-кетлигини бажариш учун тушунарли ва аниқ кўрсатмаларни бериш тушунилади.

Алгоритмнинг хизмати нимадан иборат?

Алгоритмлар-бу билимлар устида фикрлаш ва етказиб беришдан иборат. Ҳақиқатан ҳам кимдир қандайдир масалани ечишни ўйлаб топиб ва уни бошқаларга айтмоқчи бўлса, у ҳолда у ўйлаб топган ечимини шундай тасвирлаши керакки, натижада бошқалар ҳам уни тушунсин, ҳамда шу тасвирга кўра бошқалар ҳам масалани тўғри ечишсин. Шунинг учун тасвир бир неча талабларга бўйсиниши керак.

Бирор масалани компьютерда ечишда энг муҳим ва маъсулиятли ишлардан бири, жумладан кишлоқ хўжалигининг тармоқлари бўйича қўйилган масалани ечиш алгоритмининг яратиш бўлиб, бу жараёнда бажарилиши керак бўлган ҳамма бўлажак буйруқлар кетма-кетлиги аниқланади. Маълумки, компьютернинг ўзи ҳеч қандай масалани ечмайди, балки дастур кўринишида ёзилган алгоритмни бажарувчи ҳисобланади, ҳолос.

Мисол тариқасида нутқли сигналларни қайта ишлаш тизимларида спектрал қийматлардан фойдаланиш жараёнини эсга олиш лозим. Нутқли сигналларни билан ишлашда дастлаб .wav форматидаги нутқли сигнал билан иш жараёни бошланади. Чунки бу форматдаги сигналнинг туркибий тузилиши қолган форматдаги сигналларга нисбатан анча содда ҳисобланади.

Нутқий сигналларни спектрал қийматларини олишнинг бир неча хил алгоритмлари мавжуд. Мисол учун, Фурье ўзгартириш, дискрет косинус ўзгартириш усуллари мисол сифатида келтириш мумкин.

Фурье алмаштириш 200 йилдан буён кўпчилик соҳаларда қўлланилиб келинмоқда. Ушбу алгоритм асосида нутқни қайта ишловчи тизимлар ҳам юзага келган.

Алгоритмнинг хоссалари.

Алгоритмнинг асосий хоссалари қуйидагилардан иборат:

1. Дискретлилик. Бу хоссанинг мазмуни-алгоритмларни доимо чекли қадамлардан иборат қилиб бўлаклаш имконияти мавжудлигидадир. Бошқача айтганда, уни чекли сондаги оддий кўрсатмалар кетма-кетлиги шаклида

ифодалаш мумкин. Алгоритмнинг бу хоссаси юқорида келтирилган ҳамма мисолларда яққол кўриниб турибди. Агар кузатилаётган жараёни чекли қадамлардан иборат қилиб бўлаклай олмасак, у ҳолда уни алгоритм деб бўлмайди.

2. Тушунарлилик. Алгоритмнинг ижрочиси ҳамма вақт инсон бўлавермайди. Чой дамлашни ёки бошқа ишларни бажаришни фақат одамга эмас, балки роботга ҳам буюриш мумкин. Ижрочига тавсия этилаётган кўрсатмалар унинг учун тушунарли бўлиши керак, акс ҳолда ижрочи оддийгина амални ҳам бажара олмайди. Бундан ташқари, ижрочи ҳар қандай амални бажара олмаслиги ҳам мумкин.

Ўар бир ижрочининг бажара олиши мумкин бўлган кўрсатмалар ёки буйруқлар бирикмаси мавжуд бўлиб, у ижрочининг кўрсатмалар тизими (системаси) дейилади. Шунинг учун ижрочи учун берилаётган ҳар бир кўрсатма ижрочининг кўрсатмалар тизимига тегишли бўлиши керак.

Кўрсатмаларни ижрочининг кўрсатмалар тизимига тегишли бўладиган қилиб ифодалай олишимиз муҳим аҳамиятга эга

3. Аниқлик. Ижрочига берилаётган кўрсатмалар аниқ мазмунда бўлиши керак. Чунки, кўрсатмадаги ноаниқликлар мўлжалдаги мақсадга эришишга олиб келмайди.

Одам учун тушунарли бўлган “3-4 марта силкитилсин”, “5-10 дақиқа киздирилсин”, “1-2 қошиқ солинсин”, “тенгламалардан бири ечилсин” каби ноаниқ кўрсатмалар робот ёки компютерни қийин аҳволга солиб қўяди. Бундан ташқари, кўрсатмаларнинг қайси кетма-кетликда бажарилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Демак, кўрсатмалар аниқ берилиши ва фақат алгоритмда кўрсатилган тартибда бажарилиши шарт экан.

1.Оммавийлик. Ҳар бир алгоритм мазмунига кўра бир турдаги масалаларнинг барчаси учун ҳам ўринли бўлиши керак. Яъни, масаладаги бошланғич маълумотлар қандай бўлишидан қатъий назар алгоритм шу хилдаги ҳар қандай масалани ечишга яроқлидир. Масалан, икки оддий касрнинг умумий махражини топиш алгоритми махражларни турлича ўзгартириб берилганда ҳам уларнинг умумий махражларини аниқлаб бераверади.

2.Натижавийлик. Ҳар бир алгоритм чекли сондаги қадамлардан кейин албатта натижа бериши шарт. Бажариладиган амаллар кўп бўлса ҳам барибир натижага олиб келиши керак. Чекли қадамдан кейин қўйилган масала ечимга эга эмаслигини аниқлаш ҳам натижа ҳисобланади. Агар кўрилаётган жараён чексиз давом этиб натижа бермаса, уни алгоритм деб айта олмаймиз.

Алгоритми қадамлар бўйича кетма-кетлигига мисол:

Мураккаб объектни бошқариш тизимини лойиҳалаштириш жараёнини ушбу алгоритмда таърифланган бир неча асосий босқичларга бўлиш мумкин:

Алгоритм:

1-қадам: Бошқариш объектини таърифлаш.

2-қадам: математик моделини танлаш ёки ишлаб чиқиш.

3-қадам: Реал бошқариш объектидан маълумотни йиғиш.

4-қадам: Маълумотга ишлов бериш ва уни сақлаш. Ахборот базаларини шакллантириш.

5-қадам: Реал бошқариш объекти ҳақида олинган маълумот асосида математик моделини идентификациялаш.

6-қадам: Реал бошқариш объектидан Адаптив бошқаришни ишлаб чиқиш.








Алгоритмни ифодалаш усуллари ва унга қўйиладиган талаблар

Алгоритмни ифодалашнинг қўйидаги усуллари бор.

1. Сўз билан;
2. Блок-схемалар шаклида;
3. Формулалар орқали;
4. Алгоритмик тиллар орқали ва х.з.

Алгоритмнинг блок-схема кўринишидаги тасвирида геометрик фигуралар шаклидаги оддий элементлардан фойдаланилади. Нисбатан мураккаб масалаларни ечишда алгоритмдан муайян компьютер тилидаги дастурга ўтиш жуда қийин. Бундай бевосита ўтишда алгоритмнинг алоҳида қисмлари орасидаги боғланиш йўқолади, алгоритм таркибининг асосий ва муҳим бўлмаган қисмларини фарқлаш қийин бўлиб қолади. Бундай шароитда кейинчалик аниқлаш ва тўғрилаш анча вақт талаб қиладиган ҳатоларга осонгина йўл қўйиш мумкин.

Одатда алгоритм бир неча марта ишлаб чиқилади, баъзан ҳатоларни тўғрилаш, алгоритм таркибини аниқлаштириш ва текшириш учун бир неча марта орқага қайтишга тўғри келади. Алгоритм ишлаб чиқишнинг биринчи босқичида алгоритмни ёзишнинг энг қулай усули алгоритмни блок-схема кўринишида ифодалашдир. Алгоритм блок-схемаси берилган алгоритмни амалга оширишдаги амаллар кетма-кетлигининг оддий тилдаги тасвирлаш элементлари билан тўлдирилган график тасвирдир.

блокларни акс этади. Амалларни белгиланиши.	
	Оддий ҳаракат
	Шарт текшириш
	Цикл (такрорланиш) боши
	Ёрдамчи алгоритмга мурожаат
	Маълумотларни киритиш ва чиқаришнинг умумий кўриниши
	Алгоритмнинг боши ва охири
	Натижани босмага чиқариш

1-чизма. Блок-схемаларни ёзишда ишлатиладиган элементлар.

Энди бирор усулда тузилган алгоритмнинг айрим хоссалари ва алгоритмга қўйилган баъзи бир талабларни кўриб чиқайлик:

1. Алгоритм ҳар доим бир қийматлидир, яъни уни бир ҳил бошланғич қийматлар билан кўп марта қўллаш ҳар доим бир ҳил натижа беради.
2. Алгоритм биргина масалани ечиш қоидаси бўлиб қолмай, балки турли-туман бошланғич шартлар асосида маълум турдаги масалалар тўпламини ечиш йўлидир.
3. Алгоритмни қўллаш натижасида чекли қадамдан кейин натижага эришамиз ёки натижага эришиш мумкин эмаслиги ҳақидаги маълумотга эга бўламиз.

Юқорида келтирилган хоссаларни ҳар бир ижрочи ўзи тузган бирор масаланинг алгоритмидан фойдаланиб текшириб кўриши мумкин. Масалан,

$$ax^2+bx+c=0$$

квадрат тенгламани ечиш алгоритми учун юқорида санаб ўтилган алгоритмнинг хоссаларини қуйидагича текшириб кўриш мумкин:

- агар квадрат тенгламани ечиш алгоритми бирор усулда яратилган бўлса, биз ижрочига бу алгоритм қайси масалани ечиш алгоритми эканлигини айтмасдан a, b, c ларнинг аниқ қийматлари учун бажаришни топширсак, у натижага эришади ва бу натижа квадрат тенгламаларнинг ечими бўлади, Демак, алгоритмни ижро этиш алгоритм яратувчисига боғлиқ эмас;

- худди шунингдек, a, b, c ларга доим бир ҳил қийматлар берсак, алгоритм ҳар доим бир ҳил натижа беради, яъни тўлиқдир;

- яратилган бу алгоритм фақатгина битта квадрат тенгламанинг ечиш алгоритми бўлиб қолмай, балки у a, b, c ларнинг мумкин бўлган барча қийматлари учун натижа ҳосил қилади ва шу турдаги барча квадрат тенгламаларнинг ечиш алгоритмидир;

- алгоритмнинг охириги хоссаси ўз-ўзидан бажарилади, яъни квадрат тенгламани ечиш албатта чекли қадамда амалга оширилади.

Дастур тузувчи учун климпьютернинг иккита асосий параметри энг муҳимдир: компьютер хотирасининг ҳажми ва тезкорлиги. Шунингдек, алгоритм тузувчидан икки нарсa талаб қилинади. Биринчидан, у тузган дастур компьютер хотирасидан энг кам жой талаб этилсин, иккинчидан, энг кам амаллар бажариб масаланинг натижасига эришсин. Умуман олганда, бу икки талаб бир-бирига қарама-қаршидир, яъни алгоритмнинг ишлаш тезлигини ошириш, алгоритм учун зарур хотирани оширишга олиб келиши мумкин.

Алгоритм тузишда қуйидагиларга амал қилинса, қўйилган масаланинг натижасини тез ва тўғри олиш мумкин:

- қўйилган масалани тўғри ўқиш ва тушиниб олиш, масаланинг асосий мақсадини ажрата билиш;

- ишга даҳлдор қийинчиликларни аниқ кўриш ва ортиқча, масала ечимига катта таъсири бўлмаган параметрларни йўқота билиш;

- қўйилган масалани бир-бирига боғлиқ бўлмаган мустақил бўлақларга ажрата олиш ва улар орасидаги боғлиқликни тўғри ташкил этиш;

- қўйилган масаланинг ечимини олишда ҳар бир бўлақ ечимларни тўпламини бир бутун ҳолга келтириш;

- масала ечимини содда ва тушунарли тилда баён эта олиш.

Қишлоқ хўжалигида қўйилган масалани сўз билан ифодаланиши, масалан: бирор хўжаликнинг иқтисодий рентабеллигини аниқлаш функцияси қуйидагича: $R = \frac{x}{y} - 1$

- 1) Берилган x ни қийматини ўқиш;
- 2) Берилган y ни қийматини ўқиш;
- 3) 1 пунктни натижасини 2 пункт натижасига бўлиш;
- 4) 3 пункт натижасидан бирни айириш;
- 5) Олинган натижани R нинг қиймати деб ёзамиз.

Алгоритмларни ёзишнинг энг кўп таралган усулларида бири уни блок-схема тарзида ифодалашдан иборатдир.

3. Ҳисоблаш жараёнлари

Шартли блокларнинг мавжудлиги ва уларнинг бошқа блоклар билан боғлиқлигига қараб ҳисоблаш жараёнларини **чизиқи, тармоланувчи, такрорланувчи** блок-схемалар, шунингдек уларнинг комбинациялари кўринишида бўлиши мумкин.

Алгоритмлар блок-схемалари ҳар бир амалга мос тарзда (бошланғич маълумотларни киритиш, ҳисоблаш, текшириш, такрорлашни бошқариш, натижаларни чиқариш, ҳисоблашларни тугатиш) ҳар хил геометрик шакллардан иборат блоклардан ташкил топади. Блоклар бажарилиш тартиби бўйича, юқоридан пастга, чапдан ўнгга томон чизилар билан туташтирилади.

1. Чизикли ҳисоблаш жараёни. Чизикли дастурда алгоритмнинг кейинги буйруғи катъий равишда аввалги буйруқдан кейин бажарилади. Хамма амаллар бошидан охиригача бажарилади. Ҳисоблаш жараёнини алгоритмлашда қайси кўринишдаги алгоритмдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини билиш учун алгоритмлар туркумланишини таҳлил қилиб, улар орасидаги аниқ конструкцияга эга бўлганини ажратиб олишга ҳаракат қиламиз. Блок-схемали шаклда ифодалаш усулидан фойдаланиб, бу алгоритмларнинг тузилиш қондасини кўриб чиқамиз.

Чизикли алгоритмларда асосан ҳеч қандай шарт текширилмайди ва жараёнлар тартиб билан кетма-кет бажарилади. Демак, чизикли алгоритмларга мисол қилиб қуйидаги формулалар бўйича ҳисоблашларни келтириш мумкин:

$$S = (ah)/2; h = sn.$$

Мисол. $ax + b = c$, чизикли тенглама учун $a \neq 0$ бўлганда алгоритмининг блок-схемасини тузиш кетма-кетлиги келтирилган:

Берилган тенгламанинг ечимларини топиш алгоритми:

- 1) a, b, c ларнинг бошланғич қийматларини киритинг;
- 2) d ни $d = c - b$ формула бўйича ҳисобланг;
- 3) x ни $x = d/a$ формула бўйича ҳисобланг;

- 4) x ни қийматини печатга чиқаринг;
- 5) ҳисоблашни тамомланг.


Чизиқли алгоритмда мантиқий шартлар йўқ ва у битта ҳисоблаш шохчасига эгадир. ҳисоблаш шохчаси ҳисоблаш йўналиши деб аталади. Чизиқли алгоритм блоklarини бир-бири билан боғланган чизиқли кетма-кетлик кўринишида тасвирланади. Чизиқли алгоритмни шартли тасвирланиши қуйидагича бўлади: (бунда $A_1, A_2, A_3, \dots, A_n$ хар-хил ҳаракатлар).

$A_1,$	A_2	A_3	\dots	A_n
--------	-------	-------	---------	-------

1-мисол. Қишлоқ хўжалигида кунлик сут соғиб олиш y - литр билан, сигирнинг ёши x - орасидаги боғланиш функциясининг $y = -0,5x^2 + 6,9x - 9,5$ ҳисоблаш алгоритмини тузинг

- 1) Бошланиши
- 2) Киритинг y ва x
- 3) $y = -0,5x^2 + 6,9x - 9,5$
- 4) Натижани чоп этиш y
- 5) Тамом

Блок – схемаси:



2.Тармоқланувчи ҳисоблаш жараёни.*Тармоқланувчи алгоритм деб,* операторлари бир марта қайтарилувчи ва қайси бир шарт бажарилишига қараб у ёки бу операторлар гуруҳи бажариладиган алгоритмга айтилади.

Масалаларни ечиш учун алгоритмларини тузиш даврида кўпинча масаланинг ечиш босқичларида ҳисоблаш жараёнларини олдинги олинган натижаларга қараб керакли йўлга йуналтириши зарурияти туғилади. Бунинг учун компьютернинг буйруқлар тизимида амалларни керакли томонга йўналтирувчи буйруқлар мавжуд. Бунинг ёрдамида автоматик равишда ҳисоблаш жараёнини зарур йўлга буриш мумкин. Бундай шартларни текшириш алгоритмларнинг асосий қисми ҳисобланади. Ҳисоблаш жараёнининг бундай тури тармоқланувчи ҳисоблаш жараёни дейилади. Бу структура шарт бажарилиши натижасига қараб (**ҳа ёки йўқ**) алгоритмни бажариш йўналишини белгилайди.

Тармоқланувчи алгоритмлар ҳисоблаш кетма-кетлигини аниқлайдиган шартларни ўз ичига олади. Блок-схема кўринишида бу шуни билдирадики, блок-схемада ҳеч бўлмаганда битта ромб иштирок этади.

Тармоқланиш структураси тўртта кўринишда бўлиши мумкин:

агар-у ҳолда;


агар-у ҳолда-акс ҳолда;

шартлар кетма-кетлиги агар-у ҳолда;

шартлар кетма-кетлиги агар-у ҳолда-акс ҳолда.

Баъзи бир мантикий шартларга кура оралик натижаларни ҳисоблаш жараёни у ёки бу (**ҳа ёки йўқ**) тармок йуналиши бўйича боради.


График тасвирлашда мантикий шартлар мантикий блок ичига ёзилади ва иккита “**ҳа**” ва “**йўқ**” чиқишига эга бўлгани учун иккита ҳисоблаш шохчасини ташкил этади. Хар бир шохча бўйича ҳаракатланганда кейинги мантикий блокли учратиш мумкин, бу блок ҳам иккита шохчага эга ва ҳакозо.



2-чизма. Танлашни амалга оширувчи блок схема элементини ифодалаш.

Тармоқланган алгоритм мураккаб структураси дарахтни илдизи билан тепага қаралганини эслатади. Фақат битта нарсани эсда тутиш керак. Алгоритм содда ёки мураккаб структурага ега бўлишидан қатий назар битта “тамом” блокига эгадир. Хамма шохчалар, ҳаракат қайси шохчадан бошлангандан қатий назар охирида бир жойда учрашиши керак, яъни ҳар доим “тамом” блокига чиқиши шарт.


Мисол. $U_1 = (c+d)/(b+a)*X$ ни $X < 0$ бўлганда ва
 $U_2 = X^2$ ни $a < X$ бўлган ҳолда ҳисобланг



4. Такрорланувчи ҳисоблаш жараёни. Кўпинча масалаларни ечишда турли хил катталиклар устида бир хил математик ва мантиқий амалларни бажаришга тўғри келади. Ҳисоблаш жараёни кўп маротаба қайтарилувчи алгоритм қисмига такрорланувчи алгоритм дейилади.

Маълум бир шарт асосида алгоритмда бир неча марта такрорланиш юз берадиган жараёнлар ҳам кўплаб учрайди. Масалан, йил фаслларининг ҳар йили бир хилда такрорланиб келиши, ҳар ҳафтада бўладиган дарсларнинг кунлар бўйича такрорланиши ва ҳоказо.

Демак, такрорланувчи алгоритмлар деб шундай алгоритмларга айтиладики, унда бир ёки бир неча амаллар кетма-кетлиги бир неча марта такрорланади. Бу кетма-кетлик тармоқлардан иборат бўлиши ҳам мумкин.



Такрорланувчи жараёнларни ифодалаш учун индексли белгилардан фойдаланилади, бу ерда i - ихтиёрий ўзгарувчи, i_1 - бошлангич қиймат, i_2 - охириги қиймат, i_3 - қадам. Шунинг таъкидлаш лозимки, ҳар доим ҳам охириги қиймат бўлиши шарт эмас. Агар i_3 нинг қиймати 1 га тенг бўлса, уни ёзмаса ҳам бўлади.

Циклли алгоритм цикл танаси танаси деб аталиши блокдан ва такрорлашни амалга оширувчи шартдан иборат.

Такрорлаш алгоритми ҳам икки турга бўлинади. **Биринчи тур** алгоритм “**токи**” цикли деб аталиб, бунда берилган шарт текширилади, шу шарт қаноатлангунга қадар цикл танаси такрорланаверади. Шарт бажарилмаса, циклдан чиқиб кетилади. **Иккинчи тур** цикл алгоритми “**гача**” циклидир. “Гача” циклида дастлаб цикл танаси бажарилиб, сўнгра шарт текширилади. Шарт қаноатлангунга қадар цикл танаси такрорланаверади. Шарт бажарилиши биланок циклдан чиқилади.


Мисол.Боқилаётган қорамолга бериладиган озиқа миқдори x кг билан, унинг тирик вазни y (кг) орасида қуйидагича боғланиш мавжуд

бўлса $y = \frac{ax}{b+x} - c$ ҳисоблаш алгоритмини ёзинг.бу ерда x ўзгаривчи 1 дан 5


гача 0,5 қийматга ошиб боради

- 1) Бошланиши
- 2) Киритинг a, b, c
- 3) $X=1$ дан 5 гача қадам 0,5
- 4) $Y = a * x / (b + x) - c$
- 5) Чоп этинг Y
- 6) Цикл охири
- 7) Тамом

1-усул



2-усул



Шунинг учун такрорлаш алгоритмини тузишни аниқ қоидабини тушиниш, эса сақлаш жуда ҳам зарурдир ва уни ҳар қандай алгоритмини тузишда унутмаслик керак.

Такрорлаш-бу алгоритмни кўп мартаба такрорланувчи қисмидир. Такрорланувчи алгоритм-бу битта ёки бир нечта такрорлашларни ўз ичига оловчи алгоритмдир. Такрорлаш параметри - бу такрорланишга ҳар бир янги киришда янги қийматларни қабул қилувчи ўзгарувчидир.

Шунингдек, такрорланувчи алгоритмларда битта такрорланиш ичида яна битта ёки бир нечта бошқа такрорланишлар ётиши мумкин. Бу ҳолда ҳаммасини ўз ичига оловчи ташқи, уз ичига оловчилар эса ички такрорланишлар деб аталади.

Ташқи ва ички такрорланишларни ташкил этиш қоидаси худди оддий такрорланиш никидекдир. Ташқи ва ички такрорлашларнинг параметрлари бир ватда ўзгармайди, яъни ташқи такрорланишни ўзгарувчисининг битта қийматида ички такрорланишнинг ўзгарувчиси ҳамма мумкин бўлган қийматларни қабул қилиши мумкин.

4.2. ДАСТУРЛАШАСОСЛАРИ РЕЖА

4.2.1. Компьютер дастурлари ва дастурлаш тиллари

4.2.2. Дастурлаш тилларининг ривожланиш босқичлари

4.2.3. Дастурлаш тилларининг умумий универсал хусусиятлари

4.2.4. Объектга мўлжалланган дастурлаш тиллари ва дастурларни ишлаб чиқиш учун воситалар



1. КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ ВА ДАСТУРЛАШ ТИЛЛАРИ

Агарда сиз ҳич қачон бирор бир компьютер дастурини мустақил тузиб кўрмаган бўлсангиз, сизга дастурни тузиш ва уни ўзгартириш учун компьютер дастурчиси зарур бўлади. Шундай экан, сиз дастурчиларни турли дастур ишлаб чиқишлари учун зарур қандай ахборотлар талаб этилишини тушунишингиз керак бўлади. Компьютер дастури компьютерда масалаларни бажарилиши учун йўналтирилган инструкциялар кетма-кетлигини ўз ичига олади. Компьютер дастурчиси, баъзан ишлаб чиқаручи ҳам дейилади, компьютер дастурларини яратади ва уларни ўзгартирадилар.

Дастурни яратиш учун дастурчи баъзан дастурлаш тиллари ёрдамида дастур буйруқлари ёки дастурий кодлардан фойдаланадилар. Дастурлаш тиллари ўз ичига компьютерга хабар жўнатиш учун дастурчига рухсат берувчи сўзлар тўплами ва символларни олади. Бошқа вақтларда дастурчилар дастур яратиш учун дастур инструментларидан фойдаланадилар. Дастурлаш тиллари дастурни қуриш учун қулай муҳитни таъминлайди. Аниқроғи инсонлар турли тилларда гапирадилар (инглиз тили, испан тили, франсуз тили, ўзбек тили ва ҳаказо), дастурчи ҳам шунга ўхшаш турли дастурлаш тиллари ва инструментларидан дастур яратишда фойдаланади (13-1 расм).



13-1-расм. Дастурчи дастур яратиши учун қайси дастурлаш тилидан фойдаланишни аниқлаб олиши зарур.

Бугунги кунда юзга яқин дастурлаш тиллари мавжуд. Ҳар бир тил дастур тузиш учун ўзининг махсус инструкциясига ва дастур тузиш қоидаларга эга. Дастурлаш тиллари аниқ мақсадга, илмий иловаларга, бизнес, веб-саҳифа яратиш ва албатта қишлоқ хўжалиги масалаларини ечишга ҳам қаратилади. Масалани ечишда ёки ечимни топишда дастурчи биттадан ортиқ дастурлаш тилларини бирлаштирган ҳолда фойдаланади.

Дастурлаш тиллари икки турда турда бўлади: юқори даража ва қуйи даража. Қуйи даража дастурлаш тиллари машинага (компьютерга) боғлиқ ҳолда ишлайди. Машина ягона аниқ бирор бир турдаги компьютер бўлиши мумкин ва бу компьютерда қуйи даражадаги дастураш тиллари ишлайди. Бу дастурлар бошқа турдаги компьютерларга ўтказиш жуда қийин бўлади. Юқори даражадаги дастурлаш тилларининг ҳар бир буйруғи бир қанча машиналарга (компьютерларга) мос бўлади. Юқори даражадаги дастурлаш тиллари мустақил машина асосида бўлади. Мустақил-машина турли хилдаги компьютерларда ва операцион тизимларда ишлаши мумкин.

Қуйи даражадаги тиллар.


Қуйи даражадаги тиллар машина тили ва йиғма тиллардан иборат бўлади. Маълумки, бу машина тили дастурлаш тилининг биринчи авлоди ҳисобланади, яъни ягона тил фақат иккилик (0 ва 1) разрядлар қатори инструкциясидан иборат бўлган (13-2-расм). Ёки рақамлар ёки ҳарфлар комбинациясидир.

Бинар рақамлар электр ҳолатини ўчириш ва ёқишдан иборат. Ўзингиз учун тасвирламоқчи бўсангиз, машина тили кўп вақт давомида чарчатадиган ва зўрлик билан бажариш деганидир.

00000E	5A50	35AA			015AC
0000E2	47F0	2100		00102	
000102	1B77				
000104	5870	304E			01050
000108	1C47				
00010A	4E50	30D6			010D8
00010E	F075	30D6	003E	010D8	0003E
000114	4F50	30D6			010D8
000118	5050	3052			01054
00011C	58E0	30B6			010B8
000120	07FE				
					00122
000122	50E0	30BA			010BC
000126	1B55				
000128	5A50	304E			01050
00012C	5850	3052			01054
000130	5050	305A			0105C
000134	58E0	30BA			010BC
000138	07FE				

13-2-расм. Машина тили дастури 1 блок саноқ тизимидан фойдаланиб, кодировка қилинади.

Ассамблер тили дастурлаш тилининг иккинчи авлоди ҳисобланади. Дастурчи дастур инструкциясини символли кодлар инструкциясидан фойдаланиб тузади (13-3-расм). Символли кодлар буйруқлари ассамблернинг қисқартма сўзлар асосида ёзади, масалан, С таққослаш учун, L юклаш учун ва М кўпайтириш учун.



13-3-расм. Ассамблер дастурида дастурчи ойлик иш ҳақи ҳисобини ҳисоблаш ишларини бажармоқда.

Ассамблер тили символли манзиллардан ҳам фойдаланади. Символли манзиллар сақлаш жойини аниқлайдиган муҳим номдир. Масалан, дастурчи RATE сўзидан фойдаланиб сақлаш жойига тайёр дастурни сақлаши мумкин.

Дастурнинг бу афзаллигига қарамасдан дастурни йиғиш қийин. Ундан ташқари, дастурчилар дастурни машина тилидан ассамблер тилига ўтказишлари ёки дастурни ишга туширишлари шарт. Аниқроғи компьютер бошланғич дастурий йиғмаларини бажара олмаслиги мумкин.

Дастурлар манбаи бўлиб, машина тилини ўзгартириш имконини берувчи тил инструкцияларини ўз ичига олувчи дастур ҳисобланади. Дастурчи бошланғич дастурни ассемблер машина тилидан фойдаланиб ўзгартириши мумкин. Баъзи пайтларда тиллар ўз ичига макросларни ҳам олади. Ассемблерда макрос машина тилида кўпгина инструкцияларни биргина инструкция учун яратади. Макрослар дастурчини дастур ишлаб чиқишида унинг вақтини тежайди.

Бугунги кунда тиллар асосан қурилмаларни бошқариш учун ёки муҳим вазифаларни критерик самарадорлигини ошириш учун ишлатилади.


Процедуралӣ тиллар

Дастурлаш тили (қуйи даражадаги) ва машиналарнинг камчиликлари 1950-1960 йилларда процедуралӣ тиллар ишлаб чиқилганидан кейин тўғриланди. Процедуралӣ тилларда дастурчи компьютерга хабарлар қандай тарзда етиб бориши ва тайёрланишини ёзади. Процедуралӣ тиллардан дастурчи, баъзан дастурлаш тилининг учинчи авлоди (3GL)нинг инглиз тилида ёзилган сериясидан дастур инструкциясини худди сўздек ёзишда фойдаланади. Масалан, ADD ни кенгайтириб ёзсак, кўпиш ёки PRINT чоп этиш учун деганидир. Кўпгина 3GL лар арифметик амаллар, * белгиси кўпайтириш, 1 белгиси эса кўпиш амали бўлиб ҳам фойдаланилади. Бу инглизча ўзлар ва арифметик белгилар дастурчига дастур ишла чиқиш жараёнини қисқартиради.

Ассемблер каби 3GL нинг коди (инструкцияси) дастурнинг бошланғич коди дейилади. Дастурчилар бу бошланғич дастурларни худди компьютер дастурни бажариши каби машина тилига ўзгартиришлари шарт. Бу таржима жараёни жуда қийин кечади. Чунки 3GL дастурнинг бошланғич кодини биргина буйруғи машина тилининг кўпгина буйруқлари орқали ўзгартирилади, яъни таржима қилинади. 3GLлар учун дастурчилар одатда, бундай ўзгартиришларни амалга ошириш учун ёки компиляторлардан ёки интерпретаторлардан фойдаланадилар.


Компилятор алоҳида дастурнинг бошланғич дастурини ўзгартиришни тўлиқлигича машина тилида бажарилишини ўзида ифодалайди. Машинанинг тил версиясида 3GLнинг компиляция натижаси объект коди ёки дастур объекти деб аталади. Компилятор объект кодини кейинроқ тарқатиш учун сақлайди.

13-4-расмда бошланғич дастурнинг компиляцияси кўрсатилган.



13-4-расм. Компилятор бошлангич дастур объектини дастурнинг машина тилига ўзгартиради.

Компилятор барча дастурни бажарилишидан олдин кўчириб ўтказади. Интерпретатор эса тескарис, бу вақтда биргина буйруқни бажаради ва кўчириб ўтказади. Интерпретатор код буйруқларини ўқийди, уни ўзгартиради. 13-5-расмда дастурнинг интерпретация жараёни кўрсатилган.



13-5-расм. Дастурнинг интерпретация жараёни.

Айни пайтда процедурали тилларнинг юзлаб турлари мавжуд. Лекин баъзилари саноат учун сифат стандарти бўйича эътироф этилади. Буларга С ва COBOL тегишли бўлади.

2. Дастурлаш тилларининг ривожланиш босқичлари.

С++ дастурлаш тили С тилигаасосланган. Сэсаўз навбатидаVasicваBasicPascalтилларида келиб чиққан. BasicPascal 1967 йилдаMartinRichardтомонидан тузилган ва замонавий операцион тизимларни ёзиш учун мўлжалланган эди.KenTomsonўзинингVasic тилидаBasicPascalнинг кўпхоссаларини киритган ва VasicдаUNIXоперацион тизимининг биринчи версияларини ёзган. BasicPascalҳам, Vasicҳам типсиз

тил бўлган. Яъни ўзгарувчиларнинг маълум бир типи бўлмаган - ҳарбир ўзгарувчи компьютер компьютер хотирасида фақат бир байт жой эгаллаган. Ўзгарувчини қандай ҳолда ишлатиш эса, яъни бутун сонми, касрли сонми ёки ҳарф кўринишдами, дастурчи вазифаси бўлган. С тилини Dennis Ritchi Vasic dan келтириб чиқарди ва уни 1972 йили илк бор Bell Лабораториясида, DEC PDP-11 компютерида қўллади. С ўзидан олдинги Vasic ва Basic Pascal тилларининг жуда кўп муҳим томонларини ўз ичига олиш билан бир қаторда ўзгарувчиларни типлаштирди ва бир қатор бошқа янгиликларни киритди. Бошланишда С асосан UNIX тизимларида кенг тарқалди. Бу тиллар туфайли сўз ва гапларнинг мантикий конструкторидан фойдаланиб дастурлаш имконияти яратилди. Бу командаларни машина тилига интерпретаторлар ва компиляторлар кўчиради. Интерпретатор дастурни ўқиш жараёнида унинг командаларини кетма - кет машина тилига ўтказди.

Компилятор эса яхлит программа кодини бирор бир оралик форма - объект файлига ўтказди. Бу босқич компиляция босқичи дейилади. Бундан сўнг компилятор объектли файлни бажарилувчи файлга айлантирадиган дастурини чақиради.

Интерпретаторлар билан ишлаш осонроқ, чунки дастур командалари қандай кетма - кетликда ёзилган бўлса шу тарзда бажарилади. Бу эса дастур бажарилишини назорат қилишни осонлаштиради.

Компилятор эса компиляция ва компановка каби қўшимча босқичлардан иборат бўлганлиги учун улардан ҳосил бўладиган бажарилувчи файлни таҳлил қилиш ва ўзгартириш имконияти мавжуд эмас. Фақатгина компиляция қилинган файл тезроқ бажарилади, чунки бундаги командалар компиляция жараёнида машина тилига ўтказилган бўлади.

4. Дастурлаш тилларининг умумий универсал хусусиятлари.

Дастур сўзи ҳам командаларнинг алоҳида блокини (берилган кодини) аниқловчи сўз, ҳам яхлит ҳолдаги бажарилувчи дастурий маҳсулотни белгиловчи сўз сифатида ишлатилади.

Дастурни дастурчи томонидан ёзиладиган командалар тўплами, ёки амаллар бажарадиган компьютер маҳсулоти сифатида тушинамиз.

Замонавий дастурлар - фойдаланувчи билан дўстона муносабатни юқори даражада ташкил қиладиган кўп сондаги ойналар, меню, мулоқот ойналари ва визуал графикавий муҳитлардан таркиб топган интерфейсга эга.

Дастурлашга талабни ўзгариши нафақат тилларнинг ўзгаришига, балки уни ёзиш технологиясини ҳам ўзгаришига олиб келди. Дастурлаш эволюцияси тарихида кўпгина босқичлар бўлишига қарамай процедурали дастурлашдан объектга мўлжалланган дастурлашга ўтилди.

```

/* Compute Regular Time Pay
rt_pay = rt_hrs * pay_rate;

/* Compute Overtime Pay
if (ot_hrs > 0)
    ot_pay = ot_hrs * 1.5 * pay_rate;
else
    ot_pay = 0;


/* Compute Gross Pay
gross = rt_pay + ot_pay;

/* Print Gross Pay
printf("The gross pay is %d\n", gross)

```

С дастурлаш тили

С дастурлаш тили 1970 йилнинг бошларида Деннис Ритчи томонидан Bell лабораториясида ишлаб чиқилди. Бугунги кунда кўпгина дастурлар С тилида ёзилмоқда (13-6-расм). Бу электрон жадвал ва матнларга ишлов бериш дастурларини, яъни амалий дастурий воситаларни ҳамда операцион тизимларни ўз ичига олади.




13-6-расм. С дастурида ишлаб чиқилган дастурга мисол.

С дастурида дастурлашда профессионал малакани талаб қилади. Кўпчилик дастурчилар С дастуридан илмий муаммоларни ечишда ва бизнесда кўп фойдаланадилар. С дастури ҳар қандай операцион тизимда ва ҳар қандай компьютерда ишлайди. Кўпинча С дастурлаш тили UNIX и Linux операцион тизимларида фойдаланилади.

COBOL дастурлаш тили

COBOL (*Common Business-Oriented Language*) дастурлаш тили 1960 йил бошларида Америка Қўшма Штатларида кучли ривожланди (13-7-расм). Денгиз зобити Грейс Хоппер компьютер дастурлари муҳотида COBOL тилининг асосчиси ҳисобланади.



13-7-расм. COBOL дастурида тайёрланган дастур.

COBOL дастурлаш тили бу бизнес-иловалар учун мўлжалланган дастурдир. COBOL тили банклардаги транзакция учун ҳисоб-китобларни олиб боришда, иш ҳақларини ҳисоблашда қўлланилади. COBOL бошқа тур компьютерларида ҳам ишлайди.

4. Объектга мўлжалланган дастурлаш тиллари ва дастурларни ишлаб чиқиш учун воситалар

Компьютер дастурчилари объектга мўлжалланган дастурлаш тиллари (ОМДТ)дан ёки объектга мўлжалланган лойиҳалаш учун дастурни ишлаб чиқиш воситаларидан фойдаланадилар. ОМДТнинг афзаллиги шундаки, мавжуд объектнинг ўзгариши ва қайта фойдаланиш имконияти мавжуд. Масалан, қачонки дастурчи бирор бир объект яратса, у бошқа дастурлардан фойдаланиш учун ҳам очиқ кўринишда бўлади. Шунинг учун дастурчи ушбу мавжуд объектдан такроран фойдаланади.

Объектлар билан ишлашнинг қўшимча имкониятлари булар, ОМД ҳодисаларни бошқаришдир. Ҳодисалар бу иш ҳаракатидир, яъни дастур учун жавоб беради. Ҳодисаларга мисоллар ўз ичига клавиатурада босилган клавишларни олади.

Дастур ҳодисалари ҳодисаларни текширади ва жавоб қайтаради. Бир нечта дастурлаш тиллари ҳодисаларни бошқаради, лекин ОМД ни тўлиқ эгалламайди. Баъзи дастурлар тиллари эса, масалан Java, C #, F #, C ++ ва Visual Basic дастурининг сўнги версиялари тўлиқ объектга мўлжалланган дастурлаш ҳисобланади.

ОМДТни ишлаб чиқариш муҳитида RAD муҳити яхши ишлайди. RAD (иловаларни тезкор ишлаб чиқиш) ўз ичига дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш услубларини олади.

JAVA дастураш тили

Java объектга мўлжалланган дастураш тили ҳисобланади ва бу дастур Sun Microsystems фирмасида ишлаб чиқарилади. 13-8-расмда Java тилининг бир қисми бўлган киритиш ойнаси кўрсатилган.

```

public class BodyMassApplet extends Applet implements ActionListener
{
    //declare variables
    Image logo; //declare an Image object
    int inches, pounds;
    double meters, kilograms, index;

    //construct components
    Label companyLabel = new Label("THE SUN FITNESS CENTER BODY MASS INDEX CALCULATOR");
    Label heightLabel = new Label("Enter your height to the nearest inch ");
    TextField heightField = new TextField(10);
    Label weightLabel = new Label("Enter your weight to the nearest pound ");
    TextField weightField = new TextField(10);
    Button calcButton = new Button("Calculate");
    Label outputLabel = new Label("Click the Calculate button to see your Body Mass Index.");

    inches = Integer.parseInt(heightField.getText());
    pounds = Integer.parseInt(weightField.getText());
    meters = inches / 39.36;
    kilograms = pounds / 2.2;
    index = kilograms / Math.pow(meters,2);
    outputLabel.setText("YOUR BODY MASS INDEX IS " + Math.round(index) + ".");

    public void paint(Graphics g)
    {
        g.drawImage(logo,125,160,this);
    }
}

```



13-8-расм. Java дастурининг ишчи ойнаси.

Қачонки дастурчи Java дастурининг компиляция жараёнида объект коди олинади, яъни улар байт коди дейилади. Бу дастурлар мустақил-машина ҳисобланади. Дастурчилар Sun Microsystems фирмасида ишлаб чиқарилган сервер ва компьютерлар учун Java Platform, Standard Edition (Java SE) дастурларидан фойдаланадилар. Улардан ташқари дастурчилар мобил қурилмалари ва смартфонлар учун махсус дастурлар яратишда ҳам ушбу дастурлардан Java Platform, Micro Edition (Java ME) фойдаланадилар.

Java EE (Java Platform, Enterprise Edition) ўз ичига дастурчи яратаётган Web 2.0дан фойдаланувчи веб-иловаларни муҳити учун Sun Java SE фирмасининг технологиялар тўпламини олади. Java EE нинг мақсади дастур яратишда вақтни қисқартиришдан иборатдир.

.NET

Microsoft .NET Framework ёки .NET ўз ичига мобил қурилмалар ва автоном ишловчи компьютерлар ҳамда ички корпоратив тармоқ ёки Интернетда ҳар қандай дастурни ишга туширувчи технологиялар тўпламини олади. Улардан ташқари ASP.NET ўз ичига динамик веб-сайтларни яратишда веб-иловалар структураларини олади.

.NET нинг афзаллиги шундаки, CLR ва синфларни ўз ичига олади. CLR (Common Language Runtime) турли дастурлаш тилларидан фойдаланиш .NET дастурларини ишлаб чиқишда дастурчига хизмат қилади.

.NET ва ASP.NETдан фойдаланиб дастурчилар Windows ва веб-иловаларни, веб-хизматларни енгил ишлаб чиқаришлари мумкин. Дастураш тиллар мисолига, яъни .NETни қўллаб-қувватловчи C ++, C #, F #, Visual Basic, Delphi и Power Builder ни ўз ичига олади.

VISUAL STUDIO дастури

Visual Studio дастурида .NETни қўллаб қувватловчи Windows, Windows Mobile операцион тизимлари учун дастурчилар махсус дастурлар ишлаб чиқади.


Visual Studio дастур ишлаб чиқишда вақтни тежаш учун бошқа ресурслар, махсус тил сўровлари LINQ (Language Integrated Query), RAD, IDE инструментлари дастурлаш тилларида хавфсизлик ва ишончлилиқни яратиш ишларини бажаради. Масалан, Visual Studio код фрагментларини, шаблонларини ҳамда дастурлашнинг умумий масалаларини ўз ичига олади.

Visual Studio дастури Microsoft офис пакетлари Word, Excel, Power Point, Outlook ва Project дастурларида ишлаш учун мўлжалланган бўлиб, ўз ичига инструментлар тўпламини олади.

Visual Basic дастурлаш тили дастурчига қийин масалаларни ечишда енгилликлар ярабди. Visual Basic BASIC дастурида асосида яратилган бўлиб, у 1990 йил бошларида Microsoft Corporation да ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам Visual Basic дастури бошланғич дастурчиларга жуда мос келади.

Биринчи қадамда базали визуал дастурни куришда фойдаланувчиининг график интефейсидан фойдаланилади (13-10-расм. 1 ва 2-қадамлар). Visual Basic объектлари ўз ичига турли элементларни, тугмачалар, матн майдони ва белгиларни олади. Кейин эса дастурчи инструкциясини ёзади (13-10-расм. 3-қадам). Ва охирида дастурчи яратган дастурнинг якунини текширади (13-10-расм. 4-қадам).

БАЗАЛИ ВИЗУАЛ ДАСТУРЛАР ЯРАТИШ



13-10-расм. Visual Basic тилида дастур асосини яратиш.


ВИЗУАЛ ДАСТУРЛАШ ТИЛЛАРИ

Визуал дастурлаш тиллари бошланғич кодларни яратиш учун график ва визуал интерфейслардан фойдаланади. График интерфейс дастурлашнинг

визуал муҳитида (VPE) дастурчига дастур ишлаб чиқишида объектлар шаклида хизмат қилади. Визуал дастурлаш тилига Алиса, Mindscript ва ПроГраф (Alice, Mindscript, and Prograph) лар киради.

DELPHI дастурлаш тили

Borland Delphi RAD муҳитида веб-иловалар ва катта ҳажмли, корпоратив қурилишлар учун мос келувчи жуда кучли дастур ҳисобланади (13-11-расм).




Расм.13-11. Delphiнинг сўнги версиясида ишлаш.

Дастурчилар Delphi дастуридан Windows, Linux ва .NET платформаси учун дастурлар яратишда фойдаланадилар.

POWERBUILDER дастурлаш тили

Power Builder Sybase фирмасида ишлаб чиқилган бўлиб, RAD инструментлари ривожига жуда кучли дастур ҳисобланади. Дастурчилар Power Builder дан кичик ва ўрта миқоз-сервер иловаларини ривожлантиришда фойдаланадилар (13-12-расм). Delphi ва Power Builder нуқтаи назаридан қараб, ишлаш қийинчиликларини таққослаш мумкин.



13-12-расм. Веб-иловалар яратиш учун қулай дастур.


БОШҚА ДАСТУРЛАШ ТИЛЛАРИ

Бу бўлимда дастур яратишда бошқа дастурлаш тиллари ҳақида кўриб чиқилади.

4GLs дастурлаш тили

4GL (4 авлод тили) ўз ичига маълумотлар базасига йўл очиш бўйича фойдаланувчига рухсат бериш каби процедурасиз тилларни олади. Процедурасиз тилда маълумотлар базасига график муҳитда дастурчи инглиз тилида дастурни ёзади. Процедурасиз тилнинг Asier дан фойдаланиш процедурали тилларга ўхшаш бўлади. Кўпгина объектга мўлжалланган муҳитда дастурлар тузишда 4GLs дан фойдаланилади.

4GL нинг оммабоп тилдан бири бу SQL дир. SQL сўровларни бошқариш, янгилаш каби имкониятларга эга дастурдир. Яъни маълумотлар базасини бошқариш тизими (МББТ)дир (13-13-расм). Бу дастур маълумотлар



базасини бошқарувчи кучли структуравий бошқарувга эга дастур. Булар бундан ташқари фойдаланувчига маълумотлар базасига йўл очишга ва уларни сақлашга хизмат қилади.

4.3. C++ builder дастурлаш тили имкониятлари

РЕЖА

4.3.1. C ++ дастури.C++ builder муҳитида ишлаш

4.3.2. C++ дастурлаш тилида if ва switch буйруқлари

4.3.3. C++ builder муҳитида график шаклларни чизиш

C ++ 1980 йилда Bell Laboratories да Бьерн Страуструп томонидан ОМДТ каби ишлаб чиқилди (13-9-расм).

```
// portion of a C++ program that allows users to create
// a new zip code from a string or a number and expand
// zip codes, as appropriate, to a 10-digit number

ZipC::ZipC( const unsigned long zipnum )
{
    ostringstream strInt;
    strInt << zipnum;
    code = strInt.str();
}

const string ZipC::getCode()
{
    return code;
}

void ZipC::setCode(const string newCode)
{
    code = newCode;
}

void ZipC::expand( const string suffix )
{
    if(code.length() == 5 &&          // small size?
       suffix.length() == 4)         // length ok?
    {
        code += "-";
        code.append(suffix);
    }
}
```

13-9-расм. C ++ дастурига мисол.

Дастурчилар одатда, Web ва маълумотлар базаси иловаларини ишлаб чиқишда C++ дан фойдаланадилар. Амалий дастурий таъминотлар, масалан, C ++ дастурида ёзилган электрон жадвал ва матнлар дастурини ишлаб чиқишда фойдаланади.

C++ функция ва объектларнинг жуда бой кутубхонасига эга. Яъни C++ да дастурлашни ўрганиш икки қисмга бўлинади. Биринчиси бу C++ ни ўзини ўрганиш, иккинчиси эса C++ нинг стандарт кутубхонасидаги тайёр объект(функция)ларни қўллашни ўрганишдир.

C++ тили ва объектларга мўлжалланган дастурлаш тили.

C++ тили объектга мўлжалланган дастурлаш тамойилларини қўллаб қувватлайди. Бу тамойиллар қуйидагилардир:

1. Инкапсуляция
2. Меросхўрлик
3. Полиморфизм

Инкапсуляция. Агарда мухандис ишлаб чиқариш жараёнида резисторни қўлласса, у буни янгидан ихтиро қилмайди, омборга (магазинга) бориб мос параметрларга мувофиқ керакли детални танлайди. Бу шолда мухандис жорий резистор қандай тузилганлигига эътиборини қаратмайди, резистор фақатгина завод характеристикаларига мувофиқ ишласа етарлидир. Айнан шу ташқи конструкцияда қўлланиладиган яширинлик ёки объектни яширинлиги ёки автономлиги хоссаси **инкапсуляция** дейилади.

Инкапсуляция ёрдамида берилганларни яшириш таъминланади. Бу жуда яхши характеристика бўлиб фойдаланувчи ўзи ишлатаётган объектнинг ички ишлари ҳақида умуман ўйламайди. Ҳақиқатан ҳам, холодильникни ишлатишда рефрижераторни ишлаш принципини билиш шарт эмас. Яхши ишлаб чиқилган дастур объектини қўллашда унинг ички ўзгарувчиларининг ўзаро муносабати ҳақида қайғуриш зарур эмас.

C++ тилида инкапсуляция тамойили синф деб аталувчи ностандарт типларни(фойдаланувчи типларини) ҳосил қилиш орқали ҳимоя қилинади.


Қисқача, яширинлик ёки объектни яширинлиги ёки автономлиги хоссаси инкапсуляция дейилади.

C++ тилида инкапсуляция тамойили синф деб аталувчи ностандарт типларни (фойдаланувчи типларини) ҳосил қилиш орқали ҳимоя қилинади.


Нолдан бошлаб дастур яратиш эмас, балки мавжудига ўзгартириш қилиш орқали яратиш C++ тилида ҳам шундай меросхўрликга амал қилинади.

C++ тили бир хил номдаги функция турли объект томонидан ишлатилганда турли амалларни бажариши имкониятини таъминлайди. Бу функция ва синфнинг полиморфлиги деб номланади. Поли –“кўп”, морфе – “шакл” деган маънони англатади. Полиморфизм – бу шаклнинг кўп хиллигидир.

C++ дастурлаш тилининг буйруқлари алгоритм босқичларига ва блок-схемаларига мос равишда ёзилади.



C++ Builder муҳитини ишга тушириш билан бир вақтни ўзида бир қанча ойналар очилади. Ойналар сони, уларнинг жойлашиш ўрни ва кўринишини дастурчи томонидан ўзгартирилиши мумкин. C++ builderни ишга туширишда пайдо бўладиган ойнанинг кўриниш қуйида (Расм 1.1.) берилган.



1- расм. 1 -Асосий ойна; 2 -Асосий меню; 3 -Асосий меню элементлари; 4 -объектлар инспектори ойнаси; 5- дастур матни ойнаси; 6- бош бўлган форма ойнаси; 7 -компаненталар ойнаси.

Асосий ойна ҳар доим ойнадан мавжуд бўлади ва дастурнинг бошқариш учун хизмат қилади. Асосий меню дастурни бошқариш учун барча мавжуд компонента ва буйруқларни ўз ичига олган. Пиктограммалар бўлса кўпроқ муружат қиладиган буйруқларга муружаатни осонлаштириш учун хизмат қилади.

Меню компоненталар C++ builder дастурида баъзи бир тайёр элементларни ойнага қўйиш ва ундан фойдаланиш имконини беради. Бунинг учун белгини устида SChT(сичқонча чап тугмасини) 1 марта босилади.

Ёдда тутинг: матнни кейинги қисмларида SChT-сичқонча чап тугмасини деб юритилади

Кейинги формага келиб SChTбир марта босилади. Ҳар бир элемент ўзининг хусусиятига эга. Дастурчи бу хусусиятларни ўзи ўзгартириши мумкин. Мисол қилиб айтадиган бўлсак элемент рангини ёзувини, ўлчамини ва бошқа бир қатор хусусиятларни ўзгартириш имконини беради.

Объектлар инспектори ойнаси танланган элементларнинг хусусиятларини ўзгартириш учун мўлжалланган. Бу ойна 2 та саҳифадан иборат Properties (хусусият)-элементнинг хусусиятини ўзгаритириш учун мўлжалланган, Events (ҳодиса)-элементнинг дастур давомидаги ҳаракатини ўзгартириш саҳифаси(мисол қилиб сичқонча босилганда).

Форма ойнаси-дастур давомида фойдаланилган элементларни жойлаштириш ойнаси яъни лойиҳа ойнаси ҳисобланади. Шунинг ёдда тутиш лозим дастурнинг лойиҳасини яратиш давомида элементларни қандай жойлаштирилса, дастур ишга тушганда элементлар кўп ҳолларда шундай жойлашади.

Дастур матни ойнаси-дастур кодини ёзиш ва уни ўзгартириш учун мўлжалланган.

```
* COMPUTE REGULAR TIME PAY
MULTIPLY REGULAR-TIME-HOURS BY HOURLY-PAY-RATE
GIVING REGULAR-TIME-PAY.

* COMPUTE OVERTIME PAY
IF OVERTIME-HOURS > 0
  COMPUTE OVERTIME-PAY = OVERTIME-HOURS * 1.5 * HOURLY-PAY-RATE
ELSE
  MOVE 0 TO OVERTIME-PAY.

* COMPUTE GROSS PAY
ADD REGULAR-TIME-PAY TO OVERTIME-PAY
GIVING GROSS-PAY.
```

C++ builderдаC++дастурлаш тили ишлатилади.

C++ builderда дастур бажариши лозим бўлган алогоритм(буйруқлар кетма-кетлиги) ёзилади. Ҳар бир ҳолат учун алоҳида алогоритм ёзиш мумкин, мисолOnClick- сичқонча босилганда қандайдир ҳолат вужудга келсаOnCreate- форма ҳосил бўлганда яна қандайдир ҳолатни дастур бажариши мумкин.

Формадан ва дастур матни ойнасига ёки аксинча ўтиш учун клавиатуранинг F12 тугмаси хизмат қилади.

C++ Builder дастур структураси. C++builderда яратилган дастур файллари куйидагилар лойиҳасининг (кенгайтмаси-.bpr) бир ёки бирнеча асосий дастур код матни (кенгайтмаси-.cpp) ва форма ойнаси (кенгайтмаси-.dfm).

Лойиҳа файлида шу дастурга таълуқли бўлган модуллар ҳақида маълумотлар сақланади. Бу файл автоматик равишда ҳосил қилинади ва C++ builder орқали ўзгартирилади.

Асосий дастур код матни- дастурий модул (унит) дастур коди матнларини жойлаш учун хизмат қилади. Бу файлда дастурчи C++дастурида яратилган код матнини киритади.

Модул куйидаги структурага эга:


```

/-----
#include<vcl.h> // VCL кутубхонасига уланиш
#pragma hdrstop // компляторни чақириш
#include "Unit1.h" // Unit1.h файлига уланиш
/-----
#pragma package(smart_init)
#pragma resource "*.dfm"
TForm1 *Form1; // Form1. ўзгарувчисини эълон қилиш
/-----
__fastcall TForm1::TForm1(TComponent* Owner) // TForm1 конструктори
: TForm(Owner)
{
}
/-----

```

C++ Builderда яратилган дастур компиляция қилинганда у .obj кенгайтмалар файли ҳосил қилади, у ўзида мавжуд коднинг машина тилига ўтирилган ҳолатида файл (кенгайтмаси.cpp ва .dfm) Буларнинг барчасини жамловчи ягона .exe кенгайтмага ўзгаради.

Чизиқли дастурлар.

Қандай дастурлаштирилади бўлганика биматематика амаллари дастурлари тилида кўрсатиш ва уларни бажариш лозим. Барча амалларни C++ builder дастурлаштирилади қуйидагича кўрсатилади:

Арифметик амаллар	Разрядли амаллар	Нисбат амаллари	Мантиқий амаллар
+ қўшиш	&ва	== тенг	&&ва
- айириш	ёки	!= тенг эмас	ёки
* кўпайтириш	^ инкор	> катта	! инкор
/ бўлиш	<< чапга суриш	>= катта ёки тенг	
% модуль олиш	>> ўнгга суриш	< кичик	

Ўзгарувчиларни ҳарфлар ёки сонлар орқали эълон қилса бўлади. Лекин C++ builder дастурлаш тилида шундай буйруқлар кетма-кетлиги, балки уларни ўзгарувчи сифатида эълон қилиб бўлмайди. Бунинг сабаби бу сўзлар C++ дастурлаш тилининг хизматчи сўзлари ҳисобланади. Қуйида ўзгарувчи сифатида эълон қилиб бўлмайдиган сўзлар:

int	extern	else
char	register	for
float	typedef	do
double	static	while
struct	goto	switch
union	return	case
long	sizeof	default
short	break	entry

unsigned	continue	
auto	if	

Ўзгарувчилар объект сифатида. C++ тилининг асосий тушунчаларидан бири номланган хотира қисми – объект тушунчасидир. Объектнинг хусусий холи бу ўзгарувчидир.

Ўзгарувчига қиймат берилганда унга ажратилган хотира қисмига шу қиймат коди ёзилади. Ўзгарувчи қийматига номи орқали мурожаат қилиш мумкин, хотира қисмига эса фақат адреси орқали мурожаат қилинади. Ўзгарувчи номи бу эркин киритиладиган идентификатордир. Ўзгарувчи номи сифатида хизматчи сўзларни ишлатиш мумкин эмас.

Ўзгарувчилар типлари. Ўзгарувчиларнинг қуйидаги типлари мавжуддир:

char –битта символ;

longchar –узун символ;

int –бутун сон;

shortёкиshortint –қиска бутун сон;





long ёки long int –узун бутун сон;

float - ҳақиқий сон;

long float yoki double –иккинланган ҳақиқий сон;

long double –узун иккинланган ҳақиқий сон;

Ма’лумотлар тури	Ҳажм, бит	Қийматлар чегараси	Тип вазифаси
Unsigned char	8	0...255	Кичик бутун сонлар ва символлар кодлари
Char	8	-128...127	Кичик бутун сонлар ва ASCIIкодлар
Enum	16	-32768...32767	Бутун сонлар тартибланган катори
Unsigned int	16	0...65535	Катта бутун сонлар
Short int	16	-32768...32767	Кичик бутун сонлар
Int	16	-32768...32767	Кичик бутун сонлар
Unsigned long	32	0...4294967295	Астрономик масофалар
Long	32	-147483648... ...2147483647	Катта сонлар
Float	32	3.4E-32...3.4E+38	Илмий ҳисоблар (7 рақам)
Double	64	1.7E-308...1.7E+308	Илмий ҳисоблар (15 рақам)
Long double	80	3.4E-4932... 1.1E+4932	Молиявий ҳисобалар (19 рақам)

Формани созлаш. Бўш форма юқори ўнг бурчагида бошқариш панели мавжуд: формани пастга тушириш учун  пиктограммасидан фойдаланамиз, форма тўлиқ ойнани эгаллаш учун  пиктограммадан фойдаланамиз, формани тўлиқ ойна ҳолатидан асл ҳолатга қайтариш учун  пиктограммадан фойдаланамиз, формани ёпиш учун  пиктограммадан фойдаланамиз.

Форма номи ва сатр боши дастур бошида бир хилда FORM1 деб номланади ва бу форма номини ўзгартирмаслик тавсия этилади, чунки дастур код матнида шу ном билан модуллаш ишлайди, дастур сатр бошини (Caption) хусусиятидан ўзгартирилади. Мисол учун Caption хусусиятига “1 лаборатория иш” деб номласак дастур ишлаганда форма юқори чап бурчагида шу ёзув пайдо бўлади.

Edit тугмасини компоненталар ойнасининг STANDART бўлиmidан топамиз. Бу тугма қийматларни киритиш ёки қийматларни ўзлаштириш учун хизмат қилади.

Label тугмасини компоненталар ойнасининг STANDART бўлиmidан топамиз, бу тугма қийматларни киритиш ёки қийматларни ўзлаштириш учун хизмат қилади.

Button тугмасини компоненталар ойнасининг STANDART бўлиmidан топамиз, бу тугма қийматларни киритиш ёки қийматларни ўзлаштириш учун хизмат қилади. Мемо компонентаси кўп сатрли маълумотларни киритиш ва улардан фойдаланиш учун хизмат қилади.

```
//-----
#include <vcl.h>
#pragma hdrstop
#include "Tema1.h"
#include "math.h"
//-----
#pragma package(smart_init)
#pragma resource "*.dfm"
TForm1 *Form1;
//-----
__fastcall TForm1::TForm1(TComponent* Owner)
    : TForm(Owner)
{
}
//-----
void __fastcall TForm1::FormCreate(TObject *Sender)
{
    Edit1->Text="3.4"; // X га берилган қиймат
    Edit2->Text="0.74"; // Y га берилган қиймат
    Edit3->Text="19.43";
    Memo1->Clear();// Memo1 ойнасини тозалаш буйруғи
    Memo1->Lines->Add("Лаборатория_1 ");
}
```

```
//-----
void __fastcall TForm1::Button1Click(TObject *Sender)
{
double x,y,z;
x=StrToFloat(Edit1->Text);
Memo1->Lines->Add("x="+Edit1->Text);
Y=StrToFloat(Edit2->Text);
Memo1->Lines->Add("y="+Edit2->Text);
Z=StrToFloat(Edit3->Text);
Memo1->Lines->Add("z="+Edit3->Text);
double a=pow(tan(x+y),2);
double b=exp(y-z);
double c=sqrt(cos(x*x)+sin(z*z));
double u=a-b*c;
Memo1->Lines->Add("Natija U = "+FloatToStrF(u,ffFixed,8,3));
}
//-----
```

2. C++ дастурлаш тилида if ва switch буйруқлари

Мантикий амаллар учун C++ дастурлаш bool типини шлатиланади. Бундай типдаги ўзгарувчилар фақат рост ва ёлғон қиймат қабул қилади (true ва false). Бундай қийматлар билан кўпроқ if ва switch буйруқлари ишлайди. If буйруқнинг вазифаси мантикий шартни текшириб унинг натижасини аниқлашдан ва шу натижага қараб агар мантикий шартнинг қиймати рост бўлса бир амални, агар мантикий шартнинг қиймати ёлғон бўлса бошқа бир шартни бажаришни таъминлайди.

Мисол учун, агар bool bl; double x,y,u; to if буйруғи C++ дастурлаш тилида қуйидагича ёзилиши мумкин:

```
bl=x>y;
if (bl) u=x-y;
else
u=x-y;
```

Switch буйруғи танлаш буйруғи ҳисобланиб кўрсатилган қийматга қараб керакли амални бажаради, мисол учун in ўзгарувчиси қандай қиймат қабул қилишига қараб дастур қуйидаги ёзилган ҳисоблашларнинг бирини бажаради, агар in қиймати 0 га тенг бўлса x ва ўзгарувчиларни қўшиб u ўзгарувчига беради, агар in 1 га тенг бўлса x ўзгарувчидан ўзгарувчини айиради u u ўзгарувчига беради, агар in ўзгарувчиси 2 га тенг бўлса x ва u ўзгарувчиларни кўпайтиради ва u ўзгарувчига беради, бошқа ҳолларда u ўзгарувчига 0 қиймат беради.

```
switch (in)
{
case 0: u=x+y; break;
case 1: u=x-y; break;
case 2: u=x*y; break;
default u=0;
```

}

C++ дастурлаш тилида такрорланувчи буйруқлар do..while, while, for

Такрорий амал деб айнан бир амални ҳар хил қийматлар учун бирнеча марта бажарилиши тушунилади. Дастурлаш тилларида такрорланиш давомийлиги айнан кўрсатилиши ёки кўрсатилмаслиги мумкин, лекин ҳеч қачон тугамайдиган такрорий амал бўлмайди (аниқроғи бу ҳато ҳисобланади).

C++ дастурлаш тилида такрорий амалларни ифодалаш учун 3 та турли хил таклоланувчи буйруқлар мавжуд

Буйруқdo

<такрорий амал таркибидаги буйруқлар >

while (<шарт>);

Бу буйруқда дова whileбуйруқлар ўртасидаги амаллар токи while (<shart>=рост (true))бўлмагунча давом этади ва шундан сўнг шарт рост бўлганда такрорланувчи буйруқдан кейинги амалга дастур ўтади.

Буйруқ

while (< шарт>) {

<такрорий амал таркибидаги буйруқлар >

}

{ва}, белгилари ўртасида жойлашган амалларни <шарт>= ёлғон (false) бўлгунча бажаради ва шундан сўнг шарт false бўлганда такрорланувчи буйруқдан кейинги амалда дастур ўтади.

Буйруқ for (i:i=1;i<=i2;i++)

{

<такрорий амал таркибидаги буйруқлар>

}

Бу буйруқда дастур i1 dan i2 гача 1 қадам билан i қийматини ошириб боради ва таркибидаги амалларни шунча марта бажаради.

3. C++ Builder муҳитида график шаклларни чизиш

Чизиш сирти. C++ Builder муҳитида чизиш сирти - TCanvas синфи ишлаш пайтида расм чизиш имконини беради. Бу синф объекти сирт бўйича кўчиш, график примитивлар чизиш, расмларни ва сиртнинг бирор қисмини нусхалаш, ҳамда матнни чоп қилиш имконини берувчи хосса ва методларни ўз ичига олади.

Ҳар бир Canvas хоссасига эга компонента ўз навбатида қалам, kitsва шрифт объектларини таркибига олади ва мос равишда Pen, Brushва Fontхоссаларига эга бўлади.

Pen хоссаси рангга (Canvas->Pen->Color), чизишнинг пикселлардаги калинликка (Canvas->Pen->Width), чизилаётган чизик тоифасига (Canvas->Pen->Style) эга. Чизик тоифаси қуйидаги қийматларни қабул қилиши мумкин:

psSolid –узлуксиз чизик (келишув бўйича);

psDash –tire белгиларидан ҳосил бўлган чизик;

psDot –нуқталардан ташкил топган чизик;

psDashDot –нуқта ва tire кетма-кетликларидан иборат чизик;

psDashDotDot –tire ва нукталардан кетма-кетликларидан иборат чизик;
psClear –кўринмас чизик;
psInsideFrame –чизиш сиртини чегараловчи тўғри тўртбурчак ичидаги чизик.

Бруш хоссаси геометрик шакллар, масалан, тўғри тўртбурчак ва эллипс ичини тўлдириш нақшини аниқлайди. У қуйидаги хоссаларга эга:

Canvas->Brush->Color –kist рангги;

Canvas->Brush->Style –kist тоифасини аниқлайди ва у қуйидаги қийматларни қабул қилиши мумкин:

bsSolid –берилган ранг билан шакл юзасини тўлиқ бўялади;

bsClear -шакл юзасини бўялмайди;

bsHorizontal -шакл юзаси параллел чизиклар билан то‘лдирилади;

bsVertical -шакл юзаси вертикал чизиклар билан тўлдирилади;

bsFDiagonal -шакл юзаси юқорига қараган чизиклар билан тўлдирилади;

bsFDiagonal -шакл юзаси юқорига пастга чизиклар билан тўлдирилади;

bsCross -шакл юзаси тўр билан тўлдирилади;

bsDiagCross -шакл юзаси эгри чизиклардан ҳосил бўлган тўр билан тўлдирилади.

Canvas объектининг муҳим хоссаларидан бири.

Canvas->Pixels[x][y]хоссаси бўлиб, у кўрсатилган координатадаги пиксел рангини аниқлайди. Бу хосса қийматини ўқиш ва унга қиймат ёзиш мумкин.

Геометрик шакллар чизиш учун қуйида келтирилган функциялардан фойдаланиш мумкин:

Arc(int X1, int Y1, int X2, int Y2, int X3, int Y3, int X4, int X4) –ёй чизиш. Бу ерда (X1,Y1) ва (X2,Y2) –мос равишда ёй чизиладиган тўртбурчак соҳанинг чап юқори ва ўнг паст учлари координатаси. (X3,Y3) ва (X4,Y4)нукталармосҳолдаёйбошланишиваохирикоординатаси.

Chord(int X1, int Y1, int X2, int Y2, int X3, int Y3, int X4, int X4) –эллипс ватарини чизиш. Бу ерда (X1,Y1) ва (X2,Y2) –мос равишда ёй чизиладиган тўртбурчак соҳанинг чап юқори ва ўнг паст учлари координатаси. (X3,Y3) ва (X4,Y4)нукталармосҳолдаватарбошланишиваохирикоординатаси.

Эллипс (int X1, int Y1, int X2, int Y2) –ранг билан тўлдирилган эллипсни чизиш. Бу ерда (X1,Y1) ва (X2,Y2) –мос равишда ёй чизиладиган тўртбурчак соҳанинг чап юқори ва ўнг паст учлари координатаси.

Rectangle(int X1, int Y1, int X2, int Y2) – ранг билан тўлдирилган тўғритўртбурчакни чизиш. Бу ерда (X1,Y1) ва (X2,Y2) –мос равишда ёй чизиладиган тўртбурчак соҳанинг чап юқори ва ўнг паст учлари координатаси.

График курсор. График курсорматн курсори бажарувчи ишни бажаради, лекин у экранда кўринмайди. Маълумки, матн курсори экрандаги белги ўрнига (80*25 бўлганида) кўрсатади ва бу ўринда белги чоп қилинганда автоматик равишда бир ўрин ўнгга сурилади. График курсор эса чиқарилувчи график шаклнинг бошланғич координатасини кўрсатади ва уни кейинги жойга (nx,ny) нуктага кўчириш учун махсус функция ишлатилади: Form1->Canvas->MoveTo(nx,ny);

Чизиқларни чизиш. Соҳада чизиқни (кесмани) чизиш учун Form1->Canvas->LineTo() функциясидан фойдаланилади. Масалан, (x1,y1) ва (x2,y2) нуқталарни туташтирувчи кесма чизиш учун қуйидаги амаллар бажарилиши керак:

```
Form1->Canvas->MoveTo(x1,y1) ;
```

```
Form1->Canvas->LineTo(x2,y2);
```

Экранда кўпмиқдордагисиниқчизиқларданташқилтопганшаклни чизиш учун

```
Canvas->Polyline(Жадвал, n);
```

функциясидан фойдаланилади.

У берилган сондагисонлар жуфтлигима жмуаси билан аниқланган синиқчизиқни чизади. N параметр синиқчизиқ тугун нуқталарисони. Жадвал параметри TPoint тугида бўлиб,

график соўануқта координатасини аниқловчи структуралар массивдир.

Синиқчизиқ тугун нуқталари Жадвал массиви сифатида берилади.

Қуйида

PaintBox1

компонентаси соҳасида

sin(x)

функция графигини чизиш функцияси келтирилган.

```
void Sin_Графигини_Чизиш ( )
```

```
{
```

```
const double Pi = 3.14151828;
```

```
double кадам = 0.1;
```

```
double Бурчак_Радиян = 0;
```

```
const int Нуқталар_сон = 100;
```

```
int Масштаб = 50;
```

```
TPoint Sin_func[Нуқталар_сон];
```

```
int Absissa = PaintBox1->Height/2;
```

```
for (int i=0; i<Нуқталар_сон; i++)
```

```
{
```

```
Sin_func[i].x = (int)(Масштаб * Бурчак_Радиян) + 10;
```

```
Sin_func[i].y = Абсисса + (int)(Масштаб * sin(Бурчак_Радиян));
```

```
Бурчак_Радиян += кадам;
```

```
}
```

```
PaintBox1->Canvas->Pen->Color = clBlack;
```

```
PaintBox1->Canvas->Polyline(Sin_func, Нуқталар_Сон - 1);
```

```
}
```

қуйидаги программада sin() функция графигини чизишнинг бошқа варианты қаралган.

```
#include <vcl.h>
```

```
#include <math.h>
```

```
#pragma hdrstop
```

```
#include "Unit1.h"
```

```
#pragma package(smart_init)
```

```
#pragma resource "*.dfm"
```

```
TForm1 *Form1;
```


```
__fastcall TForm1::TForm1(TComponent* Owner)
```

```
: TForm(Owner)
```

```

{
}
void __fastcall TForm1::Button1Click(TObject *Sender)
{
    const float Pi=3.1415;
    int Xe0,Ye0,Xe,Ye, // Экрaн координаталари
    Rect_X,Rect_Y, // Координата чегараларининг соҳа чегарасидан фарқи
    Mashtab; // Соҳа координатасининг ҳақиқийсига нисбати, Масштаб
    floath,X,Y; //  $y=f(x)$  функция ва h қадам
    Mashtab=80; // Масштабни танлаш
    Rect_X =10; // Чегаралар
    Rect_Y =10;
    h=0.1; // h қадам
    Xe0= PaintBox1->Width/2; //Координата маркази - Соҳа маркази
    танланди.
    Ye0 = PaintBox1->Height/2;
    PaintBox1->Canvas->MoveTo(Rect_X,Ye0);
    PaintBox1->Canvas->LineTo(PaintBox1->Width-Rect_X,Ye0); //OX-ўқи
    PaintBox1->Canvas->MoveTo(Xe0,Rect_Y);
    PaintBox1->Canvas->LineTo(Xe0,PaintBox1->Height-Rect_Y); // OY-ўқи
    X=-Pi-h;
    X=X+h;
    Y=sin(X);
    Xe=Xe0+(int)(Масштаб *X);
    Ye=Ye0-(int)(Масштаб *Y);
    PaintBox1->Canvas->MoveTo(Xe,Ye); //График курсорни ўрнатиш
    PaintBox1->Canvas->Pen->Color=clRed;
    Do {
        X=X+h;
        Y=sin(X);
        Xe=Xe0 + (int)(Масштаб *X);
        Ye=Ye0 - (int)(Масштаб *Y);
        if (Xe>Rect_X && Xe < PaintBox1->Width-Rect_X
        && Ye>Rect_Y && Ye<PaintBox1->Height-Rect_Y)
            PaintBox1->Canvas->LineTo(Xe,Ye); //Координата чегарасида чизиш
    } while (X<=Pi); }
    ДастуришлашинатижасидаФормадаги PaintBox1
    компонентасоўасидақуйидагичизмапайдобўлади.

```



Дастурчилар учун SQLни билиш нима учун зарур?


Тузилган дастурлар орқали маълумотлар базалари билан бевосита мулоқот ўрнатилиши керак. Шунинг учун, дастурчилар SQL ни билиши керак.

Олдинги саҳифаларда дастурлаш тилларига қўшимча машҳур дастурлаш тилларидан дастурчилар фойдаланиши лозим эканлиги муҳокама қилинган эди.

Classic дастурлаш тиллари

1. ALGOL – старуктураланган процессуал дастлабки алгоритмик тил
2. APL – рақамларли жадвалларни бошқаришга мўлжалланган илмий дастурлаш тили
3. BASIC – Джоном Кемени ва Томасом Курца томонидан ишлаб чиқилган алгоритмик тил бўлиб, унда оддий, интерактив муаммолар ҳал қилинади
4. Forth- С тилига ўхшаш, катта бўлмаган компьютерлар учун мўлжалланган
5. FORTRAN-илмий иловалар учун ишлатиладиган олий даражадаги илк дастурлаш тилларидан бири
6. HyperTalk- Apple томонидан ишлаб чиқилган объектга йўналтирилган дастурлаш тили бўлиб, бу текст, график ва овозларни ўз ичига олган карталарни манипуляция қилишга мўлжалланган.
7. Logo – балаларнинг муаммоларни ва дастурлаштиришни ўрганиш учун ишлатиладиган таълим воситаси
8. Modula-2- Paskal тили тизимини ривожлантириш учун ишлатиладиган дастурий таъминот
9. Pascal – дастлабки ҳисоблаш машиналари муҳитида француз математиги Блез Паскаль томонидан дастурлаштиришнинг структурали концепциясини талабаларга ўргатиш учун ишлаб чиқилган тилдир.
10. PL/1- FORTRAN ва COBOL дастурлаш тилларининг кўплаб хусусиятларини мужассамлаштирган, бизнес ва илмий соҳаларда қўлланиладиган дастурлаш тилидир.
11. Prolog- сунъий интеллект иловаларини ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган мантиқий дастурлаштириш.
- 12.Smalltalk – объектга йўналтирилган дастурлаш тили

5. Ахборот тизимлари, уларнинг қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқаришдаги ўрни



7.1. Ахборот тизимлари ва уларнинг бошқаришдаги аҳамияти

Режа:

1. Ахборот тизимлари ҳақидаги тушунча.
2. Ахборот тизимларининг тузилиши.
3. Тизимни ривожлантириш учун кўрсатмаларни аниқлаш.

Таянч иборалар: тизим, ахборот, объект, алоқа, реквизит, ахборот тизими, фойдаланувчи

1. Ахборот тизимлари ҳақидаги тушунча

Тизим - бу умумий мақсадга эришиш йўлида ўзаро таъсир этувчи бир қатор элементлар тўпламидир. Тизим» деганда бир вақтнинг ўзида ҳам ягона яхлит деб қараладиган ҳар қандай объект, ҳам қўйилган мақсадларга эришиш манфаатларида бирлаштирилган турли элементлар мажмуи тушунилади.

Сиз ҳар кунги фаолиятингизда кўпгина тизларни кузатасиз фойдаланасиз ва улар билан ўзаро алоқада бўласиз. Автомобил йўллари тармоғини бошқарасиз бирон бир манзилга етиб бориш мақсадида. Энергияни тежаш, иситиш ва совутиш тизимларини бошқариш учун дастурлаштирилган термостатдан фойдаланасиз. Ўнлик санок системасидан фойдаланасиз иш ҳақингизни ҳисоблаш учун.

Шунингдек, компаниялар, тизимларнинг кўп турларидан фойдаланишади. Биллинг тизими харажатларни юбориш ва мижозлардан келган тўловларни қабул қилиш ташкилоти ҳисобланади. Тўлов тизими

орқали ишчилар платёж чекларини оладилар. Ишлаб чиқариш тизими сотиб оладиган мижозларга маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Инвентаризатсия тизими омборларда буюмлар излайди. Кўпинча бундай система ахборот тизимини ташкил қилади.

Тизимини ривожлантириш бўйича баъзи чора тадбирлар бир вақтнинг ўзида амалга ошиши мумкин. Бошқалари изчил амалга оширилади. Ахборот тизимининг тури ва мураккаблигига қараб, ҳар бир фаолият узунлиги бир тизимдан бошқа тизимга ўзгаради. Баъзи ҳолларда, баъзи фаолиятлар тури бутунлай ташлаб кетилади. «Тизим» ни аниқлашга қуйидаги атамалар қиради; «объектлар», «алоқалар», «хусусиятлар».

Объектлар- тизимнинг бир бўлаги ёки компонентлари бўлиб, жисмоний, математик ўзгарувчан тенгламалар, қоида ва қонунлар, технологик жараёнлар, ахборот жаранлари, ишлаб чиқариш бўлинмалари каби қўплаб чекланмаган қисмларга эга.

Хусусиятлар- бу объектнинг сифатини ифодаловчи параметрлардир. Хусусият тизимнинг маълум бир ўлчамга эга объектларини битталаб миқдорий жиҳатдан баён этиши имконини беради. Объектларнинг хусусиятлари тизим ҳаракати натижасида ўзгариши мумкин.

Алоқалар объектва уларнинг хусусиятларини тизим жараёнида ягона яхлитликка бирлаштиради. Бунда барча тизим элементларининг кенжа тизимлари ва тизимлар ўртасида алоқа бўлиши назарда тутилади. Айрим умумий қонуниятлар, қоидалар ёки тамойиллар билан бирлашувчилар ўртасида алоқанинг мавжуд бўлиши тизимнинг асосий тушунчаси саналади. Бошқалар билан бирор-бир алоқага эга бўлмаган элемент кўриб чиқиладиган тизимга қирмайди. Тизимнинг хусусиятлари қуйидагилар саналади: элементлар мураккаблиги, мақсадга қаратилганлиги, турли-туманлиги ҳамда улар табиати, таркибланишганлиги, бўлинишпигидир.

Тизимлар таркиби асосий мақсадларига кўра фарқланади.

Ташкилий мураккаблик тизимнинг асосий хусусияти саналади ва у элементлар ўртасидаги ўзаро алоқалар (ўзаро ҳаракатлар) миқдори билан аниқланади. Элементлар ўртасидаги чатишиб кўшилиб кетган ўзаро алоқалар шундай тузилганки, у бирорта параметр алоқасининг ўзгаришига олиб келади.

Ташкилий мураккаблик элементлар тизимини ташкил этувчи тавсифлар миқдори бўлмаган. яхлит ҳолда, факат тизимга тегашли тавсифларни аниқлайди. Умуман олганда, тизим уни ташкил этувчи элементлардан бошқачарок тавсифларга эга бўлибгина қолмай, балки унинг барча қисмларидан сифат жиҳатидан фарқланади. Шунингдек, элементлар эга бўлмаган бошқа вазифаларни ҳам бажариш хусусиятига эга.

Тизим бутунлигининг ўзига хослиги билан аниқланадиган янги хусусиятларнинг пайдо бўлиши баъзан эмергентлик (инглизча «emergent» - юзага келувчи, пайдо бўлувчи) деб аталади. Тизимларни қисмларга, айниқса ўзи таркиб топадиган элементларга бўлганда бундай вазифалар ёки тавсифлар ўз-ўзидан йўқ бўлади.

Мақсадга қаратилганлик. Тизим умумий хусусиятга эга, яъни у умумий мақсадга эришишга ҳаракат қилишга қаратилган. Тизимнинг мақсадга йўналтирилганлигини ифодаловчи барча элементлар учун умумий

бўлган ўзаро алоқаларнинг мақсадли қоидалари мақсаднинг мавжудлигини белгилайди.

Тизимнинг таркиблашганлиги — бу тизимнинг алоҳида элементлари ва уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳаракати ўртасидаги ички алоқаларнинг доимий таркибидир. Тизим таркиби унинг фаолияти самарадорлигини кўп жихатдан белгиловчи муҳим тавсифлардан бири саналади.

Тизимнинг бўлиниши - бу унинг мақсадлар ва вазифаларга жавоб берувчи маълум белгилар бўйича ажратилган элементлар ёки бир қатор кенжа тизимлардан тузилганлигини англатади. Кенжа тизимлар бундай ажратилишнинг асосини ташкил этиб, бунда элементлар ўртасидаги алоқалар кўпроқ, кенжа тизимлар ўртасида эса камроқ бўлади.

Тизим тушунчаси шу маънода нисбийки, тизим элементининг ўзи ҳам мураккаб тизим бўлиши мумкин. Бирор белги бўйича ажратилган тизим ўзига нисбатан юқори даражадаги тизим элементи бўлиши мумкин.

Ташқи муҳит. «Тизим» тушунчаси тизимга кирувчи бир қатор элементларни чеклайди: шартли равишда чекланган чегара ўрнатади, ундан ташқаридаги элементлар эса ушбу тизимга кирмай қолади. Бундан англашиладики, тизим ўз-ўзидан эмас, балки бошқа кўплаб элементлар қуршовида мавжуд бўлади. Айрим масалаларни ҳал этишда бизни бу ташқи муҳитнинг барча элементлари эмас, балки ушбу масала нуктаи-назаридан ташқи муҳитни ташкил этувчи, кўриб чиқиладиган тизимга бирор-бир алоқаси бўлган элементларгина қизиқтиради. Ташқи муҳит- бу кўриладиган тизимга таъсир кўрсатувчи ёки кўриладиган масала шароитида унинг таъсири остида бўлган, тизимдан ташқаридаги ҳар қандай табиат элементларидир. Чунки, реал шароитларда тизимларнинг ҳар бири алоҳида эмас, балки бошқалари ёнида, бир-бирига боғлиқ ҳолда ишлайди. Тизимларни таҳлил ва синтез қилиш чоғида алоқаларнинг икки хил тури ажралиб туради: ички ва ташқи алоқа. Ташқи алоқага эга тизимлар очик деб, унга эга эмаслари эса ёпиқ алоқа деб аталади.

Тизимлар таснифи. Тизимларни киёслаш ва фарклаш, уларнинг бир-бирига ўхшашлари ва фарқлиларини ажратиш орқали таснифлаш амалга оширилади.

Таснифлаш - бу факат борлиқ модели ва уни турли белгилар, яъни, қириш ва чиқиш жараёнларининг баёни, уларнинг келиб чиқиши, бошқарув тури, бошқарувнинг ресурслари билан таъминланганлиги ва ҳақозо бўйича амалга ошириш мумкин. Бизни тизимнинг келиб чиқиши бўйича таснифлаш қизиқтиради.

Сунъий тизимлар - бу инсон томонидан яратилган тизимлардир.

Табиий тизимлар -бу табиатда ёки жамиятда инсон иштирокисиз юзага келган тизимлар.

Аралаш тизимлар - аъбий ва сунъий тизимларни ўз ичига олади.

Эргономик тизимлар — бу, «машина - инсон - оператор» мажмуи.
Биотехник тизимлар - тирик организмлар ва техник қурилмалар қирадиган тизимлардир.

Ташкилий тизимлар — бу, зарурий воситалар билаи жихозланган кишилар жамоасидан ташкил топтан тизимлар саналади.

Ташкилий тизим - бошқариш, шунингдек, ташкилий тузилма, мақсадлар, бошқариш самарадорлиги ва ходимларни рағбатлантириш қоидалари мезонлари учун фойдаланадиган, ходимларнинг юриш-туриши ва техник воситаларнинг ишлатилиш тартибини белгиловчи қоидалар йиғиндисидир.

Ташкилий тизимлар шилаб чиқариш воситаларидан фойдаланувчи кишилар жамоасининг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш учун мўлжалланган. Охиргиси анча муҳим ҳолат ҳисобланади, чунки ташкилий тизимлар техник воситаларнинг ўзига хослигини, хусусан, бошқарув воситаларини ҳисобга олиши лозим.

Ахборот тизими ахборотни сифатини ишлаб чиқишда ускуналар мажмуини, дастурий таъминот, маълумотлар, инсонлар ва биргаликда ишловчи процедураларни ўзида акс эттиради. Ахборот тизими фойдаланувчиларни кундалик, қисқа муддатли ва узоқ масофадаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Фойдаланувчилар вақт мобайнида ахборот турини тез-тез ўзгартириб туришлари керак. Сотув бўйича менежерга бугунги ва эртанги маҳсулотларнинг гуруҳланган туманлар бўйича бир ҳафталик якуний ҳисоботи керак бўлиши мумкин. Қачонки ахборот талаблари ўзгартирилса, ахборот тизими янги талабларга жавоб бериши керак. Айрим ҳолларда, ривожлантириш гуруҳи аъзолари рўйхати тизимини ўзгартириш жорий ахборот тизимидир. Бошқа ҳолларда улар бутунлай янги ахборот тизими сифатида ривожланади. Бизнесда компьютер фойдаланувчи сифатида, сиз қачонлардир модификациялашган мавжуд тизимда ёки ривожланган янги системада қатнашишингиз мумкин. Шундай қилиб, муҳиму, сиз тизимни ривожланишини тушуниш. Фойдаланилган ахборот системасини яратиш учун бир қатор чора тадбирлар ишлаб чиқилган.


Маълумки, бугунги кунда кўплаб турли хил тизимлар яратилган бўлиб, улар ўз таркиби ва бош мақсадлари бўйича бир-биридан фарқланади. Масалан, қуйидаги жадвалда бир неча тизимларга намуналар келтирилган.

Тизим	Тизим элементлари	Тизимнинг бош мақсади
Фирма	Одамлар, жиҳозлар, материаллар, бинолар ва бошқалар	Товарлар ишлаб чиқариш
Компьютер	Электрон ва электр механик элементлар, алоқа линиялари ва бошқалар	Маълумотларга ишлов бериш
Телекоммуникация тизими	Компьютерлар, модемлар, кабеллар, тармоқ дастурий таъминоти ва бошқалар	Ахборот ўзатиш
Ахборот тизими	Компьютерлар, компьютер тармоқлари, одамлар, ахборот ва дастурий таъминот	Профессional ахборот ишлаб чиқариш

«Тизим» тушунчаси кенг тарқалган ва жуда кўплаб маъноларда қўлланилади. Ахборот тизимларига нисбатан қўлланилганда аксарият ҳолларда техник воситалар ва дастурлар тўплами назарда тутилади. Компьютернинг фақат аппарат қисмини тизим деб аташ мумкин. Муайян амалий вазифаларни бажариш учун ҳужжатларни юритиш ва ҳисоб-китобларни бошқариш жараёнлари билан тўлдирилган кўплаб дастурларни ҳам тизим деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳар бир тизим тўрт асосий қисмдан иборат:

- киритиш;
- ишлов бериш;
- чиқариш;
- тескари алоқа.



Ахборот тизимининг мақсади — муайян профессионал фаолият билан боғлиқ бўлган профессионал ахборот ишлаб чиқариш. Ахборот тизимлари ҳар қандай соҳадаги вазифаларни ҳал қилиш жараёнида зарур бўладиган ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш, чиқариб беришни таъминлайди.

Ахборот тизими — қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш ва чиқаришда фойдаланиладиган воситалар, усуллар ва ходимларнинг ўзаро боғлиқ мажмуи.

2. Ахборот тизимларининг тузилиши

Иқтисодий ахборот тузилиш нуқтаи назаридан иккига бўлинади:

1. физик тузилиш
2. мантиқий тузилиш

Физик тузилиш иқтисодий ахборотни турли хил ташувчиларида жойлашишини ифодалайди.

Мантиқий тузилиш эса ахборот бўлаклари ўртасидаги ўзаро муносабатларини ифодалайди.

Физик тузилишни ўрганиш учун информатика соҳасига тегишли бўлган махсус фанларни ўрганиш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам биз мантиқий тузилишни ўрганиш билан чегараланамиз.

Мантиқий тузилишга кўра ахборот қуйидаги бўлақлардан ташкил топади:

1. Ахборот тизими.
2. Ахборот оқими.

3. Ахборот массиви.
4. Кўрсаткич.
5. Реквизит.

Иқтисодий ахборотнинг энг кичик бўлаги реквизит ҳисобланиб, у икки қисмга бўлинади:

1. Реквизит белги.
2. Реквизит асос.

Реквизит белги ахборотнинг сифат томонини характерлайди, сўзлар ёрдамида ифодаланади ва мантикий амалларни бажаради. Масалан: товарнинг номи, операция тури.

Реквизит асос ахборотнинг миқдор томонларини характерлайди, рақамлар ёрдамида ифодаланади ва арифметик амалларни бажаради. Масалан: 10, 250, 1000.

Реквизитлар биргаликда ахборотнинг юқори бўлаги - кўрсаткични ташкил қилади. Масалага тегишли бўлган бир хил кўрсаткичлар ахборот массивларини ташкил қилади.

Ахборот массивлари ахборот оқимини, оқимлар эса ахборот тизими системасини ташкил қилади.

Ҳозирги кунга қадар ахборот туркумланишининг ягона тизими яратилган эмас. Умумий ҳолда иқтисодий ахборот қуйидаги белгиларга кўра гуруҳларга ажратилади.

1. Бошқариш функцияларига кўра:

- а) режалаштириш,
- б) ҳисобот олиш,
- в) назорат қилиш,
- г) иқтисодий таҳлил.

каби ахборот гуруҳларига бўлинади.

2. Фаолият кўрсатиш соҳасига кўра:

- а) қишлоқ хўжалиги;
- б) саноат;
- в) савдо;
- г) транспорт;
- д) алоқа.

ва бошқа ахборот гуруҳларига бўлинади.

3. Турғунлик даражасига кўра:

- а) доимий,
- б) шартли доимий,
- в) ўзгарувчан.

ахборотларга бўлинади.

4. Объектга тааллуқлигига кўра:

- а) ички, ташқи ахборот;
- б) қирувчи, чиқувчи ахборотларга бўлинади.

5. Тўлиқлик даражасига кўра:

- а) етарли;
- б) тўлиқ бўлмаган;
- в) ортиқча ахборотларга бўлинади.

6. Ифодаланиш усулига кўра:

- а) харф рақамли;
- б) жадвалли;
- в) чизмали;
- г) сигнали ахборотга бўлинади.

3.Тизимни ривожлантириш учун кўрсатмаларни аниқлаш

Тизимнинг ривожланиш босқичлари

Кўпинча тизимни ривожлантириш бўйича фаолияти катта тоифали гуруҳланган, яъни фаза деб номланган. Бу фаза тўплами дастурий таъминотнинг ҳаётий цикли деб аталади. (ДТХЦ). Кўпчилик ДТХЦ беш босқични ўз ичига олади:

1. Режалаштириш
2. Таҳлил
3. Дизайн
4. Амалга ошириш
5. Эксплуатация, қўллаб-қувватлаш ва хавфсизлик

7.1.1-расмда кўрсатилганидек, ҳар бир фаза тизими мураккаб чоратадбирлардан ташкил топиб ва фазалар ҳалқа ташкил қилади. Тескари алоқалар шакллари бу оперция, қўллаб-қувватлаш ва фазалар хавфсизлиги нуқтаси режалаштирилган босқичидир. Бу боғланиш ахборот тизимини ўзгаришини талаб қилади. Турли вазиятлар ахборот тизимини ўзгаришга олиб келиши мумкин. Мисол учун, фойдаланувчилар бошқа форматда қабул қиладиган маълумотлар ёки ноқонуний фойдаланувчи ахборотидан фойдаланиши мумкин. Қачон ўзгартириш киритилса ёки талаб қилинса, янги ёки модифицирланган тизим бошланиши учун босқичма - босқич режалаштирилган ва ДТХЦ бошқатдан бошланади. Тизимнинг ривожланиш назариясида бешта фаза кетма-кет пайдо бўлиши 7.1.1.-расмдагидек кўрсатилган. Ҳақиқатда эса, тизимни яратиш фаолияти- динамик итератив жараённинг ривожланиши бир-бири билан мулоқотда бўлади. Тизимни ривожлантириш жамоаси аъзолари кўрсатмаларга амал қилишлари лозим. Шунингдек, улар турли ахборот тизимлари мутахассислари билан ўзаро алоқада бўлади. Бундан ташқари, улар бир нечта давом этаётган фаолиятида тизим ривожланиши давомида бешта босқични амалга оширади. Қуйидаги бўлимда бу пунктларнинг ҳар бири муҳокама қилинади.

Тизимни ривожлантириш бўйича тавсияларда тизимни ривожлантиришнинг уч умумий кўрсатмасига амал қилиш керак: босқичдаги гуруҳ фаолияти, фойдаланувчиларни жалб қилиш ва стандартларни белгилаш.

1. Гуруҳ фаолияти ёки босқичдаги вазифалар: кўпгина ДТХЦ кўрсатилган бир хил амалларни ўз ичига олади, 7.1.1.- расмда кўрсатилганидек. Бошқалар кўпроқ ёки камроқ босқичларга эга бўлиши мумкин. Шунга қарамай, барча ДТХЦ лар фаолияти ўхшаш бўлиши мумкин. Мисол учун 7.1.1.- расмда "Тараққиёт дастурлари" ва "Янги тизимни ўрнатиш ва синовдан ўтказиш" амалга ошиш босқичи тасвирланган. ДТХЦ

лар орасидаги фарқ терминалогия бўлади, уларнинг фаолияти тартиби, шунингдек ҳар бир босқич даражаси доирасида улар фойдаланади.

2.Фойдаланувчиларни жалб қилиш: фойдаланувчилар кимларнидирни ўз ичига олиши мумкин, қайсики унинг учун тизими барпо этилади. Истеъмолчилар, ходимлар, талабалар, маълумотларни киритадиган ёзувчи, бухгалтерлар, савдо раҳбарлари ва барча эгалар фойдаланувчиларга мисол бўлади. Сиз, бир фойдаланувчи сифатида, банк, кутубхона, озиқ-овқат дўкони, фитнес маркази, иш ва мактабда ахборот тизими билан мулоқотда бўлишингиз мумкин. Тизим дастурчилари гуруҳи аъзолари, охир-оқибатда тизимни фойдаланувчи таъминлашини ёдда сақлаши керак . Тизим муваффақиятли бўлиши учун фойдаланувчи бу тизимга ишланмалар киритган бўлиши керак. Агар янги тизим қабул қилиш эҳтимоли кўпроқ бўлса, фойдаланувчилар унинг ишланмасига ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим.

3.Стандартларни белгилаш: стандартлар бир қатор қоидаларни ва процедураларни, ташкилот ўзининг ходимларидан қабул қилиш ва амал қилишни кутмоқда. Стандартлар лойиҳаларда изчил натижалар ишлаб чиқариш учун одамларга ишлашга ёрдам беради. Мисол учун, дастурчи маълумотлар базасида маҳсулотларни бир қатор товарлар кодини яратиши мумкин. Бошқалар бу кодни маҳсулотнинг идентификация рақами деб атайди. Стандартлар белгиланган бўлса, барча иштирокчилар бир хил атамалардан фойдаланишади, масалан, маҳсулот рақами каби. Стандартлар, кўпинча маълумотлар луғати ёрдамида амалга оширилади.



7.1.1.-расм. Тизимнинг ҳаракатланишининг халқасимон кўриниши


Тизим тараққиётида ким иштирок этади?

Ҳар бир бўлим вакиллари тизимни ривожлантириш билан таъминланиши керак,бунда таклиф этилган тизим ишлатилади. Бу нотехник фойдаланувчилар ва АТ мутахассислари сифатида ўз ичига олади. Тизимини ривожлантириш жамоаси аъзоларининг роли ва мажбуриятлари ташкилотга қараб фарқ қилиши мумкин бўлса-да, бу бобда турли жамоа аъзолари учун вазифа баёни умумий кшринишда берилган. Тизимни ривожланиш

жараёнида, масъул таҳлилчи тизимга жавоб берган ва турли одамлар билан ишлайди (7.1.2-расм.). Тизим таҳлилчи ахборот тизимини яратиш ва ривожлантириш учун масъул. Фойдаланувчиларнинг тизим таҳлилчиси асосий алоқа шахсдир.

Ташкилот ҳажмига қараб, тизим таҳлилчилар томонидан амалга ошириладиган вазифалар фарқ қилиши мумкин. Кичик ташкилотлар тизимлар таҳлилчиси битта бўлиши мумкин, бу киши тизимлар таҳлилчиси ва программист сифатида иштирок этади. Катта ташкилотлар бир неча тизим таҳлилчиларига эга бўлади. Баъзи дастурчилар тизим таҳлилчилари сифатига киради. Тизим таҳлилчилари фойдаланувчилар ва АТ мутахассислари ўртасидаги алоқа ҳисобланади. Улар фойдаланувчининг техник хусусиятлари бўйича сўровларини айлантиришади. Шундай қилиб, тизимлар таҳлилчилари аъло даражада техник маҳоратга эга бўлиши керак. Улар, шунингдек, бизнес оператсиялар билан таниш бўлиши, муаммони ҳал қилишни билиши, уларни жорий этиш ва ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш имконига эга бўлиши ва аъло даражада алоқа маҳоратига эга бўлиши керак. Тизимлар таҳлилчилари кўп ҳисоботлар, чизмалар ва диаграммалар тайёрлайдилар. Улар фойдаланувчилар билан ривожлантириш лойиҳасини турли жиҳатларини муҳокама қилишади. Қўмита қарор қабул қилиш ташкилот танаси ҳисобланади

Ҳар бир тизим лойиҳасини ташкил этиш учун ташкилот қонун бўйича лойиҳа жамоаси бошидан охиригача ишлашини шакллантиради. Лойиҳа жамоаси фойдаланувчилардан, тизим таҳлилчилардан ва бошқа АТ мутахассислардан ташкил топган.



7.1.2.-расм: Маъсул тизимчи турли одамлар билан мулоқот қилиши тасвирланган

7.2. Ахборот тизимларининг синфланиши

Режа:

1. Ахборот тизимларининг масштаби бўйича синфланиши.
2. Қўлланилиш соҳаси бўйича синфланиши
3. Бошқа белгилар бўйича синфланиши

Таянч иборалар: ахборот тизими, гуруҳ, архитектура, модел, мижоз, фойдаланувчи.

1. Ахборот тизимларининг масштаби бўйича синфланиши



Ягона ахборот тизимлари автоном компьютерда ташкил этилади (тармоқдан фойдаланилмайди). Бундай тизимлар умумий ахборот фонди билан боғланган бир қанча содда дастурлардан иборат бўлиб, бир вақтнинг ўзида фақат битта фойдаланувчи фойдаланишга мўлжалланган. Бундай тизимлар локал маълумотларни бошқариш тизимлари ёрдамида яратилади. Шундай маълумотлар базаларига мисоллар: Clarion, Clipper, FoxPro, Paradox, dBase и Microsoft Access.

Гурухли ахборот тизимлари ахборотдан ишчи гуруҳ аъзолари томонидан жамоа бўлиб фойдаланишга асосланган бўлиб, локал ҳисоблаш тармоқлари базасида қурилади. Бундай тизимларни яратишда ишчи гуруҳлар учун мўлжалланган маълумотлар базалари серверларидан фойдаланилади (SQL-серверлар). SQL-серверларнинг етарлича турлари мавжуд: тижорат ва эркин. Булардан энг таниқлилари Oracle, DB2, Microsoft SQL Server, Inter Base, Sybase, Informix.

Корпоратив ахборот тизимлари ишчи гуруҳлар учун мўлжалланган ахборот тизимларининг ривожланган кўриниши бўлиб, йирик компанияларнинг фойдаланишига йўналтирилган ва майдон жиҳатидан катта тармоқни ташкил этиши мумкин. Улар асосан бир нечта сатҳлардан иборат иерархик структурага эга бўлишади. Бундай тизимлар махсус серверли клиент-сервер ёки кўп сатҳли архитектурали тизимлар тоифасига киради. Бундай тизимларни қуришда маълумотлар базалари серверларидан

фойдаланилади. Одатда йирик ахборот тизимларида ушбу серверлар кўп тарқалган: Oracle, DB2 и Microsoft SQL Server.

Гуруҳли ва корпоратив ахборот тизимлари ташкил этилиш усулига кўра қуйидаги синфларга бўлинади:

- Файл-сервер архитектурасига асосланган тизимлар
- Клиент-сервер архитектурасига асосланган тизимлар
- Кўп босқичли архитектурага асосланган тизимлар
- Интернет/интранет технологияга асосланган тизимлар

Файл-сервер архитектураси фақатгина файллардан маълумотларни олади ва қўшимча фойдаланувчи ва дастурий иловалар марказий процессорга сезиларсиз даражада қўшимча вазифа юклайди. Ҳар бир янги клиент тармоққа ҳисоблаш кучини қўшади.

Мижоз-сервер архитектураси файл-сервер иловалари муаммоларини илова компоненталарини бўлиш ва энг самарали фаолият кўрсатиши мумкин бўлган жойга жойлаштириш йўли билан ҳал қилишга мўлжалланган.

Мижоз-сервер архитектурасининг асосий хусусияти ахборотларни кидирувчи, яхлитловчи ва умумлаштирувчи тузилган SQL (Structured Query Language) сўровлар тилини тушунувчи махсус маълумотлар базаси серверларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Айни пайтда мижоз-сервер архитектураси гуруҳли ва корпоратив ахборот тизимлари учун иловалар ташкил этиш бўйича кенг эътироф этилди.

Мижоз-сервер архитектураси ривожланиши натижасида кўп босқичли архитектура юзага келган. Унинг анъанавий шакли 3 босқичдан иборат:

- Қуйи даражадаги архитектура мижозларнинг дастур иловаларини ташкил этиб, мавжуд дастурий интерфейс ўрта даражадаги дастурий иловаларни чақириш учун хизмат қилади;

- Ўрта даража архитектураси сервер дастур иловаларини ташкил этади;

- Юқори даражадаги архитектура узокдаги махсус сервер маълумотлар базасини ташкил этади.

Уч босқичли архитектура турли тармоқ ва тугунларга юкни мувозанатлаштириш имконини беради. Дастур ишлаб чиқиш учун воситаларнинг ихтисослашувига кўмаклашади ва икки босқичли мижоз сервер модели камчиликларини бартараф этади.

Интернет/интранет технологияларининг ривожланиши билан асосий урғу дастурий таъминот воситаларини яратишга қаратилмоқда. Шу билан бирга ҳозирги кунда маълумотлар базаси билан ишловчи илғор дастур ишлаб чиқарувчи воситалари етишмаслиги кузатилади. мурасали ечим маълумотлар базаси билан самарали ишловчи фойдаланишга қулай ва оддий бўлган ахборот тизимларини яратишнинг мурасали ечимлари интернет/интранет технологияларининг кўп босқичли архитектуралар билан бирлашишига олиб келди. Натижада ахборот дастурларининг таркиби қуйидагича бўлди: броузер- дастурлар сервери- маълумотлар базалари сервери -динамик саҳифалар сервери-веб-серверлар.

2. Қўлланилиш соҳаси бўйича синфланиши



Транзакцияларни қайта ишлаш тизимлари ўз навбатида маълумотларни қайта ишлаш тезлиги жиҳатидан пакетли ахборот тизимларига ва оператив ахборот тизимларига бўлинади.

Қарор қабул қилишга кўмаклашувчи тизимлар — DSS (Decision Support System) — мураккаб сўровлар ёрдамида вақт, географик ва бошқа турдаги параметрлар бўйича маълумотларни танлаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишга асосланган бошқа турдаги ахборот тизимлари ҳисобланади.

Ахборот сўров тизимлари гиперматн ҳужжатларига ва мультимедиа асосланган тизимлар ҳисобланади. Интернет тармоғида шунга ўхшаш тизимлар кўпроқ тарқалган. Статик ва динамик веб сайтлар, электрон почта, кидирув ва веб серверлар бундай тизимларнинг объектлари ҳисобланади.

Офис ахборот тизимлари - асосий мақсади офис ишини автоматлаштириш. Маълумотларни қайта ишлаш офис ишини самарасини ошириш. Концелярия ишини соддалаштириш.

Ахборотларни сақлаш характериға (табиатиға) кўра маълумотлар базаси *фактографические* (ҳақиқий) ва ҳужжатли бўлиши мумкин. Буларни тавсифлайдиган бўлсак, фактографик МБ – бу картотекалар бўлиб, аниқ ва қатъий форматдаги қисқа ахборотлар ҳисобланади. Ҳужжатли МБ – бу архивлар бўлиб, мумкин бўлган барча ҳужжатлар бўлиши мумкин.

3. Бошқа белгилар бўйича синфланиши.

Ахборот тизимларни ахборотни характериға қараб (ахборот кидирувчи, ахборот ечувчи, бошқарувчи, маслаҳатчи) гуруҳларга бўлиш мумкин.

Ахборот кидирувчи ахборот тизим- фойдаланувчи сўрови бўйича ахборотни кидириш, тизимлаштириш, сақлаш, ахборот бериш ишларини мураккаб бўлмаган алмаштиришлар ёрдамида бажаради. Бундай ахборот тизимлари библиотекаларда, темир йўл ва ҳаво йўллари кассаларида ишлатилади.

Ахборот ечувчи ахборот тизим- ахборотни қайта ишлаш барча ишларини маълум алгоритмлар асосида олиб боришади. Уларни ўз навбатида 2 гуруҳга ажратиш мумкин: бошқарувчи ахборот тизим ва маслаҳатчи ахборот тизимлар.

Бошқарувчи ахборот тизимлар ахборот ишлаб чиқаради, у асосида ходим ҚҚҚ. Бундай ахборот тизимлари катта ҳажмдаги ахборотни қайта

ишлаб чиқишади. Мисол сифатида, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оператив режасини ишлаб чиқиш, бухгалтерия ҳисобларини ишлаб чиқувчи тизимларни келтириш мумкин.

Маслаҳатчи ахборот тизимлар шундай ахборот ишлаб чиқадики, у ахборот учун қабул қилинади ва тезкор ҳаракатлар учун ахборотлар олинади. Натижавий ахборотлар юқори даражада интеллектуал салоҳият маҳсули бўлади.

Мисол сифатида, мавжуд медицинадаги ахборот тизимларини келтириш мумкин, тизим касални даволаш учун даволаш процедураларини таклиф қилади. Даволовчи врач ахборотни олиб ўз тажрибасига амал қилиб ҚҚҚ.

Ахборот тизимларини қўлланиш соҳаларига қараб ташкилий - бошқарув, технологик жараёнларни бошқариш, лойиҳалашни автоматлаштириш (САПР), географик ахборот тизимлари (ГИС), Интерактив ўргатувчи тизимлар (ИОС), машқ қилдирувчи мажмуолар, интеграллашган-корпоратив ахборот тизимларига синфланади.

Ташкилий бошқарув ахборот тизимлари –бошқарув тизимидаги ходимнинг ишларини автоматлаштириш учун мўлжалланган. Бундай ахборот тизимларга фирмалар, меҳмонхоналар, банклар учун яратилган ахборот тизимларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бундай ахборот тизимларнинг вазифаларига оператив назорат, оператив ҳисоб ва таҳлил, оператив ва перспектив режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби, харид ва сотиш, иқтисодий ва ташкилий ишларни автоматлаштириш ишлари киради. **Технологик жараёнларни бошқарувчи ахборот тизимлари** -ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг функцияларини автоматлаштириш учун мўлжалланган. Улар компьютер қисмларини тайёрлаш, металлургия ва машинасозлик саноатида технологик жараёнларни бошқариш учун қарорлар қабул қилишда ишлатилади.

Лойиҳалашни автоматлаштирувчи ахборот тизимлар (САПР) - янги техника ва технология яратишда муҳандислик-лойиҳалаш, конструкторлик, архитектура, дизайнерлик ишларини автоматлаштириш учун ишлатилади. Уларнинг асосий нин(чизмалар, схемалар), лойиҳа ишлари ҳужжатларини тайёрлаш, лойиҳаланаётган объектларнинг моделлаштириш ишларини автоматлаштириш ҳисобланади

Географик иформацион тизимлар – бу тизим географик масалаларни илмий амалий ечимларини топишда майдонлар координаталарига оид ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, ёритиш ва тарқатишни таъминлайди,

Интерактив ўргатувчи тизимлар – фойдаланувчига тажрибали ўқитувчи даражасида суъний интеллект ва эксперт тизимларига асосланган индивидуал ўқув мулоқатини таъминлайди

Машқ қилдирувчи мажмуалар- аниқ бир ишчи ўриннинг амалий кўникмаларини ўргатиш учун мўлжалланган. Тизим индивидул шахсларга ёки гуруҳларга мўлжалланган бўлиши мумкин. Бундай тизимларни яратиш жуда мураккаб ҳисобланади. Лекин фавқулодда зарур ва самарадорлигидан учувчи, шофер ёки тизимларни бошқарувчи операторларга бундай тренажёрлар яратилади.

Интеграллашган (корпоратив) ахборот тизимлар- фирманинг барча фаолиятини автоматлаштиради ва маҳсулотни лойиҳалашдан то сотишгача бўлган циклни ўз ичига олади. Альтернатив қарорлар ишлаб чиқувчи ахборот тизимлари модели ахборот тизимларига ва эксперт ахборот тизимларига бўлинади.

Модели ахборот тизимлари фойдаланувчи учун альтернатив қарорларни ишлаб чиқишни ва баҳолашни енгиллаштирувчи математик, статистик, молиявий ва шунга ўхшаш бошқа моделларни тақдим этади. Фойдаланувчи қарорлар қабул қилишда етишмаётган ахборотларни моделлар билан мулоқат қилиш орқали олади.

Модели ахборот тизимларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади.

- Математик моделлар муҳитида ишлаш яъни нима бўлади агар; қандай бажарилади-агарда, сезилувчанликни таҳлил қилиш каби моделлар билан ишлаш

- Моделнинг чегаравий шартлари ва кириш ўлчамларини тезкор тайёрлаш ва тўғрилаш

- Моделнинг динамик ҳолатини график тасвирлаш

- Фойдаланувчига моделнинг зарурий иши ва қадамларини шакллантиришни тушунтириш

- Моделлаштириш натижаларини тезкор ва тартибли тақдим этиш

Эксперт ахборот тизимлари - фойдаланувчига билимлар базасига асосланган ҳолда альтернатив имкониятларни ишлаб чиқиш ва баҳолашни таъминлайди.

Эксперт тизимлари суъний интелектга асосланган бўлиб, менежер ёки мутахасисга эксперт маслаҳатини олиш имконини беради.

Маълумотларни марказлашган қайта ишлаш даражасига кўра – марказлашган ахборот, марказлашмаган, гуруҳ учун мўлжалланган ахборот тизимларига бўлинади.

Вазифалар интеграция даражаси кўра – бошқариш даражасини интеграцияловчи кўп босқичли ахборот тизимлари, режалаштириш даражасини интеграцияловчи кўп босқичли тизимга бўлинади.

7.3. Ахборот тизимларининг тузилиши ва таъминловчи қисмлари

Режа:

1. АТ нинг бошқарувдаги ўрни.
2. Ахборот тизимларининг структураси ва таъминловчи қисмлари
3. Автоматлаштирилган ахборот тизимлари.

Таянч иборалар: бошқарув, объект, стратегик, модель, оператив даража, автоматлаштириш.

1. Ахборот тизим да бошқарувдаги ўрни

Бошқариш тизими инсонларнинг моддий дунёда бирон бир жараёни ташкил этиш соҳасидаги муайян мақсадга қаратилган фаолиятдир.

Бошқариш тизими ишлаши учун зарур бўлган шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат:


1. Бошқариш объектларининг мавжудлиги.
2. Мазкур объект фаолиятининг мақсади маълум бўлиши.
3. Бошқариш тизими мустақил ҳаракат қилиши учун муайян ҳуқуқларга эга бўлиши
4. Бошқарувчи объектнинг бошқарилувчи объект ҳақида муфассал маълумотларга эга бўлиши.

Бошқарув погонлари:

Одатда исталган ташкилот бир неча объектлардан иборат мураккаб мажмуа бўлиб, уларнинг ўзи ҳам бошқарув жараёни ва қисмларидан ташкил топган. Шу боис ҳам мажмуанинг келишилган ҳолда ишлаши учун қўшимча бошқариш қисми киритилади. У бошқа бошқариш қисмлари ва бошқарилувчи жараёнлар ҳаракатларини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини мажмуанинг умумий максадларини бажаришга йўналтиради. Анча мураккаб тузилишли бошқарувчи жараёнда бошқариш қисми кўп даражали тузилмага эга бўлиши мумкин.

Одатда объектнинг бошқариш қисмида бошқаришнинг олий, ўрта, қуйи даражаси билан фаркланади.

Ихтиёрий ташкилотнинг бошқарув тузилиши анъанага кўра уч даражага: операцион, функционал ва стратегик даражага бўлинади.



7.3.1.-расм: ахборот тизимининг бошқариш даражаси тасвирланган.

Бошқарувнинг оператив даражаси:

Тезкор бошқарув даражаси кўп марта қайтариловчи вазифалар ва операцияларини ҳал этишини ҳамда келадиган жорий ахборотлар ўзгаришини қайд этишни таъминлайди. Мазкур даражада бажариладиган операциялар ҳажми ҳам, бошқарув қарорларини қабул қилиш динамикаси ҳам етарлича юкори. Уни кўпинча вазият ўзгаришига тез жавоб қайтариш зарурияти туфайли тезкор бошқарув даражаси деб ҳам юритишади.

Бошқарувнинг ўрта даражаси:

Ўрта (тактик функционал) бошқарув даражаси биринчи даражада тайерланган ахборотларни олдиндан таҳлил этишни талаб қиладиган масалалар ечимини таъминлайди. Ҳал этиладиган масалалар ҳажми камаяди, бироқ уларнинг мураккаблиги ошади. Айни пайтда керакли ечимни ҳар доим

ҳам тезкор ишлаб чиқиш имкони бўлмайди. Бунинг учун етмаган маълумотларни йиғиш, таҳлил этиш ва фикрлашга қўшимча вақт талаб этилади.

Бошқарувнинг стратегик даражаси:

Стратегик даража ташкилотнинг узок муддатли стратегик мақсадларига эришишга йўналтирилган бошқарув қарорларни танлашни таъминлайди. Мадомики, қабул қилинадиган қарорлар натижалари орадан узок вақт ўтгач кўринар экан, ушбу даражада стратегик режалаштириш каби бошқарув вазифалари муҳим аҳамиятга эга. Кўпинча бошқарувнинг стратегик даражаси стратегик ёки узок муддатли режалаштириш деб юритилади.



7.3.2.-расм. Ташкилотни бошқариш тузилмасининг умумий кўриниши.

Тизимнинг бошқариш функциялари:

Баишоратлаш — бу ташқи муҳитнинг юзага келиши мумкин бўлган ҳолатини, бошқариладиган объектнинг ўзини тутишини аниқлаш мақсадида маълумотларни қайта ишлаш ҳамда улар ҳар бирининг эҳтимоллигини баҳолашдан иборат.

Режалаштириш бошқаришнинг мақсади ва унга эриши йўллари аниқлаш, ҳаракат режасини тузиш ва унинг истиқболини аниқлаш.

Меъёрлаштириш — тизимнинг хусусиятларини ифодаловчи статистик маълумотларни доимий равишда йиғиш ва улар асосида тизимнинг бир меъёрда фаолият кўрсатишини таъминлаб туриш.

Ҳисобга олиш бошқариладиган объект ва ташқи муҳит параметрлари мажмуини қайд этишдан иборат. У яна келадиган маълумотларни дастлаб қайта ишлаш, жумладан, таснифлаш, гуруҳлаш ва ҳоказо арифметик ҳамда мантиқий операцияларни ўз ичига олади.

Таҳлил этиш бошқариш тизими тузилишини танлаш ва шакллантириш тизим унсурлари ўртасидаги муносабатни ва боғлиқликни аниқлаш.

Назорат ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш ва ҳақиқатда бажарилган ишнинг режа бўйича белгиланганлиги туғрилигини текшириш.

Ҳисобот режа бажарилишининг ёки унинг маълум бир босқичи бажарилишининг якуний ҳисоботи, бошқариш натижаларини баҳолаш.

Қарор қабул қилиш мақсадни аниқлаш. Қарорни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Қарор бажарилишини ташкил қилиш ва назорат қилиш.

Бошқариш тизимида асосий функциялардан бири - **қарор қабул қилиш** функциясидир. Бошқариш қарорини икки хил қабул қилиш мумкин:

1. Якка ҳолатда.
2. Коллегиал.

Қарорни қабул қилиш уч босқичда амалга оширилади:


1. Мақсадни аниқлаш.
2. Қарорни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.
3. Қарор бажарилишини ташкил қилиш ва назорат қилиш.

Биринчи босқичда ҳолатни таҳлил қилиш, муаммоли вазиятни аниқлаш, мақсадни аниқлаш

Иккинчи босқичда масала қўйилади ва қарорнинг вариантларини аниқлаш, қарорни танлаш ва тасдиқлаш.

Учинчи босқичда қарорни бажариш режаси аниқланади, қарорнинг бажарилиши ҳисоботи берилади, у назорат қилинади ҳамда қарор бажарилиши бошқарилади.

Ахборот тизимларнинг тури улар кимнинг хоҳиш иродасини ифодалайди ва қандай даражада бошқарилади деган саволга жавоб бериш билан аниқланади. Ушбу расмда ахборот тизимлар функционал белги ва бошқариш даражалари ва ходимларнинг малакалари асосида классификацияланган.



7.3.3- расм. Ахборот тизимлар функционал белги ва бошқариш даражалари ва ходимларнинг малакалари асосида классификацияланиши.

Расмдан кўринадики, бошқариш даражалари қанчалик юқори бўлса, мутахассислар ва менеджерларнинг ахборот тизим орқали бажариладиган ишлар миқдори шунча кам. Лекин, бунда ахборот тизимнинг мураккаблиги ва интеллектуал имкониятлари ошиб боради ва менеджерларнинг қарор қабул қилишлар аҳамияти ортиб боради. Бошқарувнинг ҳар қандай даражасида функционал қисмлардан ахборотга бўлган эҳтиёж ортиб боради.

Пирамида асосида иш бажарувчи ходимлар маълумотларни қайта ишлаш билан шуғулланадилар, қуйи босқич менеджерлари оператив бошқарув билан шуғулланадилар. Пирамиданинг юқоригидаги стратегик бошқарув даражасида ахборот тизимлар ўз аҳамияти жиҳатидан стратегик ахборот тизимлар бўлиб қолади ва юқори бўғим менеджерларининг фаолиятини, масалаларнинг ёмон структураланган вазиятида қарор қабул қилишларини қўллаб қувватлайдилар.

Оператив даражадаги ахборот тизимлар. Мутахассислар учун ахборот тизимлар.

Бу ерда икки хил ахборот тизимлар мавжуд бўлиши мумкин: мутахассис-бажарувчилар ва мутахассис-қуйи бўғиндаги менеджерлар учун ахборот тизимлар.

Оператив даражадаги ахборот тизимлар мутахассис-бажарувчиларнинг шартномавий савдо-сотиқ ишлари (счётлар, накладнойлар, ойликлар, кредитлар, хом ашё ва материаллар оқими...) ҳақидаги маълумотларини қайта ишлайдилар. Бу даражадаги ахборот тизимларнинг мақсади-жорий вазият ҳақидаги сўровларга жавоб бериш ва фирманинг шартномавий ишларини кузатиб боришдан иборатдир. Бу талабларга жавоб бериш учун ахборот тизимлар содда, узлуксиз ишловчи, аниқ ахборот берувчи бўлиши керак.

Оператив даражадаги масалалар, мақсадлар, ахборотларнинг манбалари олдиндан аниқланган ва юқоридаражада структураланган. Ечимларни топиш аниқ алгоритм асосида программалаштирилган.

Оператив даражадаги ахборот тизимлар фирмани ташқи дунё билан боғловчи звено бўлиб хизмат қилади. Агар тизим ёмон ишласа, ташкилот ахборотни ташқаридан ё олмайди ё чиқармайди. Ундан ташқари, мазкур тизим бошқа тизимлар учун асосий ахборот берувчидир, чунки у оператив ва архивланган ахборот ишлаб чиқади. Оператив ахборот тизимнинг ўчиб қолиши негатив вазиятларга олиб келиши мумкин.

Мисоллар. Оператив даражадаги ахборот тизимлар: банк депозитлари учун ахборот тизимлар, заказларни қайта ишловчи ахборот тизимлар, авиабилетларни регистрация қилувчи ахборот тизимлар (фараз қилайлик тизим ишламай қолди, нималар рўй беришини ўйлаб кўрайлик), ойликларни бериш учун ахборот тизимлар.

Оператив даражадаги мутахассис-менеджерлар учун ахборот тизимлар маълумотлар билан иш олиб бораётган мутахассислар, инженерлар ва лойиҳачилар учун иш унуми ва маҳсулотнинг кўпайтиришда ёрдам беради. Бундай ахборот тизимларнинг мақсади-янги маълумотларни ташкилотга киритиш ва қоғоз ҳужжатларини қайта ишлаш. Бу ерда икки хил ахборот тизимлар бўлиши мумкин:

А) Бундай даражадаги ахборот тизимлар маълумотлар билан ишловчи мутахассислар учун инженерлар, лойиҳачиларнинг иш унумини ва миқдорини оширади. Улар ташкилот учун янги маълумотларни яратади ва қоғозли ҳужжатларни қайта ишлайди. Бундай ахборот тизимларни 2 гуруҳга бўлиш мумкин:

Офисни автоматлаштирувчи ахборот тизимлар;

Билимларни қайта ишловчи ахборот тизимлар.

Офисни автоматлаштирувчи ахборот тизимлар ўзининг соддалиги ва кўп тармоқли эканлиги билан ташкилий даражадаи ходимлар томонидан кенг фойдаланилади. Улардан ўрта бўғим ишчи ходимлари: бухгалтерлар, секретарлар, клерклар кенг фойдаланишади. Асосий мақсад-маълумотларни қайта ишлаш, иш унумини ошириш, канцелярия ишларини соддалаштириш. Бу тизимларда қуйидаги ишлар бажарилади:

-турли хил матнларни турли хил редакторларда қайта ишлаш;

-ҳужжатларни архивлаш;

-электрон календар ва ёзув дафтарларида кундалик ишларни қайд қилиш;

-электрон ва аудио почтани кузатиб бориш;

-видео- ва телеконференцияларни олиб бориш.

Б) Билимларни қайта ишловчи ахборот тизимлар, жумладан эксперт тизимлар, инженерлар, юристлар, олимларга керак бўлган билимларни ўзида сақлаб янги маҳсулот яратишга ёрдам берадилар. Уларнинг асосий мақсадлари- янги ахборот ва янги билимлар яратиш.

Ўрта бўғимдаги мутахассислар ва менеджерлар учун ахборот тизимлар ёки функционал даражадаги ахборот тизимлар.

Ўрта бўғимдаги мутахассислар ва менеджерлар учун АТлар корхонада функционал даражада мониторинг (доимий кузатиш), назорат, қарор қабул қилиш ва бошқариш ишларини бажариш учун ишлатилади. Бундай тизимларнинг функциялари қуйидагилардан иборат:

Жорий кўрсаткичларни илгариги кўрсаткичлар билан таққослаш,

Маълум даврга мўлжалланган даврий ҳисоботлар тайёрлаш,

Архивдаги ахборотга киришни таъминлаш ва ҳ.з.

Бу даражада икки хил ахборот тизимлар турини ажратиш мумкин: менеджментлар учун бошқарувчи ахборот тизимлар ва ҚҚҚҚҚ ахборот тизимлар.

Бошқарувчи ахборот тизимлар - корхонадаги яхши структураланган ва қисманструктураланган масалаларни ечиб бошқарув бўғинига хизмат қилади ва унга кунлик, ҳафталик вазиятлар ҳақида ахборот беради ва ҳисоботлар тайёрлаб беради.

ҚҚҚҚҚ ахборот тизимлар- корхонадаги структураланмаган масалаларни ечиб бошқарув бўғинига хизмат қилади ва унга кунлик, ҳафталик, ..., вазиятлар ҳақида ахборот беради ва ҳисоботлар тайёрлаб беради.

Стратегик даражадаги ахборот тизимлар.

Стратегия деб узоқ муддатга мўлжалланган масалаларни ечиш усуллари ва воситаларига айтилади.

Ҳар қандай фирманинг ривожланиши, ютуқлари унда қабул қилинган стратегияга бевосита боғлиқ. Фирманинг стратегиясини ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж стратегик ахборот тизимларни вужудга келишига сабаб бўлди.

Стратегик ахборот тизим-компьютер ахборот тизим бўлиб, ташкилотнинг стратегик ривожланиш мақсадларини амалга оширишни ҚҚҚҚҚ. Шундай мисоллар борки, янги сифатдаги ахборот тизимлар ташкилотнинг структураси, профилини ўзгартириб унинг гуллаб яшнашига сабаб бўлди. Мисол сифатида, Microsoft фирмаси, Хитойдаги маҳсулот ишлаб чиқувчи кўплаб фирмаларни олиш мумкин.


Стратегик қарорлар қабул қилиш учун фирмани ташқи дунё билан алоқасини яхши тушуниш керак. Ушбу расмда фирмага ташқи объектларнинг таъсирлари кўрсатилган.

Бундай ҳолда фирма конкуренцияда ютиб чиқиши учун қуйидаги ишларни қилиши керак:

- 1) бутунлай янги товарлар ва хизматлар ишлаб чиқиш;
- 2) истеъмолчилар ва таъминотчилар учун шундай алоқаларни ўрнатиш керакки, бошқалар билан алоқа қилиши улар учун яхши бўлмасин.
- 3) товарларнинг таннарини шундай пасайтириш керакки, у зарар келтирмасин.

Фирмада бир неча ахборот тизимлар бўлиши керак. Улар ҳар хил мақсадли бўлиб, ҳар қандай даражадаги бошқарув қарорларини қўллаб қувватласин.

Қуйидаги расмда шундай вариантлардан бири келтирилган. Локал ахборот тизимлар орасида турли хил характерли ва мақсадли алоқалар ўрнатилади. Баъзи локал ахборот тизимлар кўплаб ходимлар билан боғлиқ бўлиб ташқи дунёга чиқиш имкониятига эга бўлиши мумкин, баъзилар фақат ўзаро ички алоқаларга эга бўлиши мумкин. Алоқа ўрнатишда регионал ва глобал компьютер тармоқларидан фойдаланиш мумкин. Қуйида корхонадаги баъзи бир ахборот тизимлар ва улар орасидаги алоқалар кўрсатилган.



7.3.4.-расм: корхонадаги баъзи бир ахборот тизимлар ва улар орасидаги алоқалар тасвирланган.

Фирмада ҳар хил мақсадли ахборот тизимлар интеграцияланиб корпоратив ахборот тизимлар яратилади. Корпоратив ахборот тизимлар

фойдаланувчига умумий фирмага тегишли МБ ва локал МБ лардан фойдаланиш имкониятини беради.

Ҳар хил даражадаги бошқарувчи ечимлар қабул қилишда қуйидаги ахборот тизимлар яратилиши мумкин:

Хом ашё ва материалларни сақланишини ҳисоблаб боровчи ахборот тизимлар;


Ишлаб чиқаришни оператив назорат қилувчи ахборот тизимлар;

Таъминотчилар билан ўзаро муносабатларни қайд қилиб боровчи ахборот тизимлар;

Маркетинг ва савдо-сотиқни қайд қилиб боровчи ахборот тизимлар.

2. Ахборот тизим структураси ва таъминловчи қисмлари

Ҳар қандай ахборот тизим структураси, қўлланиш соҳасидан қатъий назар, бир неча таъминловчи қисмлардан иборат бўлади. Уларни ушбу графикда тасвирлаймиз. Таъминловчи қисмлар 6 хил бўлади: техник, математик, дастурий, ташкилий, ҳуқуқий таъминотлар.



7.3.5.-расм. Ахборот тизини ва уни таъминловчи қисм тизимлари.

Таъминловчи қисмларнинг таърифлари ва вазифалари.

Техник таъминот - бу ахборот тизим ишлаб туриши учун зарур бўлган техник воситалар ундан ташқари бу воситалар ва технологик жараёнлар учун зарур бўлган ҳужжатлардан иборат.

Техник воситаларга қуйидагилар киради:

1. Турли моделдаги компьютерлар,
2. Ахборотни йиғиш, тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва чиқариш воситалари,

3. Маълумотларни узатиш ва алоқа воситалари,
4. Оргтехника ва ахборотни автоматик ўқиш воситалари,
5. Турли хил хом ашё ва бошқа материаллар.

Ҳужжатларда техник воситаларни танлаш, уларни ишлатишни ташкил этиш, маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жараёни, техник таъминланганлик даражаси ва бошқалар қайд этиб борилади.

Ҳужжатларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Умумтизим ҳужжатлар, уларга техник таъминот бўйича умумдават ва соҳанинг стандартлари киради,

2. Махсус ҳужжатлар, уларга техник таъминотнинг барча этаплари бўйича методик кўрсатмалар тўплами киради,

3. Норматив-маълумотномалар, уларга техник таъминотнинг ҳисоб-китоб ишларида ишлатиладиган ҳужжатлар киради.

Ҳозирги пайтга келиб техник воситаларнинг ташкил этишнинг 2 хил формаси ишлаб чиқилган: марказлашган ва қисман ёки тўла марказдан узоқлаштирилган техник таъминот.

Марказлашган техник таъминот ахборот тизимларида катта компьютер ва ҳисоблаш марказларини ишлатишни назарда тутди.

Марказдан узоқлаштирилган техник таъминот ахборот тизимларининг иш жойларида асосан шахсий компьютерларни ишлатишни кўзда тутди.

Келажакда техник воситаларни ахборот тизимда ташкил этишнинг энг мақбул усули, бу қисман марказлашган техник таъминот бўлса керак, чунки тақсимланган компьютер тармоқлари ёрдамида марказда жойлашган махсус ҳужжатлардан жойлардаги шахсий компьютерларга маълумотларни қайта ишлаш учун тартиб олиш мумкин.

Математик таъминот- бу ахборот тизим ишлаб туриши учун зарур бўлган математик усуллар, моделлардан иборат.

Математик таъминотга қуйидагилар киради:

Бошқрув жараёнларини моделлаштириш воситалари, Типик масалаларни тайёр ечиш усул ва воситалари (жумладан, математик анализ, алгебра, ҳисоблаш усуллари, дифференциал ва интеграл тенгламаларга оид тайёр алгоритм ва усуллар), Математик дастурлаш, математик статистика, оммавий хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.ларнинг усуллари.

Дастурий таъминот- бу ахборот тизим ишлаб туриши учун зарур бўлган алгоритмлар, дастурлардан иборат.

Дастурий таъминотга умумтизим дастурлари, махсус дастурий воситалар ва уларга мос техник ҳужжатлар киради.

Умум тизим дастурларга фойдаланувчиларга мўлжалланган ва ахборотга ишлов беришнинг типик масалаларини ҳал қилувчи дастурлардан иборат. Улар компьютернинг функционал имкониятларини кенгайтириб, маълумотга ишлов бериш жараёнларини бошқаради ва назорат қилади.

Дастурий таъминотнинг техник ҳужжатлари шу дастурларнинг вазифалари, белгиланиши, ечиладиган масалаларнинг иқтисодий математик моделлари, алгоритмлари ва дастурларининг ишлашини тасдиқлайдиган мисоллардан иборат бўлади.

Ахборот таъминот- бу ахборот тизим ишлаб туриши учун зарур бўлган ахборотни ягона (уникал) классификациялаш ва кодлаш усуллари, уникал (ягона, норматив) ҳужжатлар мажмуи, ҳужжатлар оқимининг ҳаракат маршрутлар схемаси, МБ тузиш технологиясидан иборатдир.

Ҳужжатларнинг ягона (уникал) тизими давлат, республика, соҳа ва регионлар кесимида яратилади. Асосий мақсад- жамият ишлаб чиқаришида барча маҳсулотлар, товарлар учун ягона, умумий кўрсаткичлар, талаблар ишлаб чиқиш.

Ахборот оқимининг схемаси - ахборот оқимининг ҳаракати маршруттини ва ҳажмини акслантиради, дастлабқа маълумотларнинг келиб чиқиш жойларини ва натижавий ахборотни фойдаланиш жойларини аниқлайди. Бу схемаларни таҳлил қилиб бошқарув ишларини такомиллаштириш тўғрисида тадбирлар ишлаб чиқиш мумкин. Мисол сифатида, янги ходимнинг ишга қабул қилиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг ҳаракатланиши акс эттирилган қайдларни келтириш мумкин.

Махсус ҳужжатларни яратиш методологияси уни яратишнинг назарий асослари билан боғлиқ. МХ ни яратиш қуйидаги 2 этап билан аниқланади:

1. Ташкилотнинг барча бўлимларини қуйидаги мақсадларга текшириш:
Специфика ва фаолият структурасини аниқлаш,
Ахборот оқимлари схемасини тузиш,

Бўлимларнинг хоссалари, вазифаларини белгилаб берадиган ахборот объектлари ва реквизитларни (параметрлар ва характеристикалар) таркибини аниқлаш.

Ташкилот фаолиятининг ахборот-мантиқий моделини куриш. Унда ташкилотнинг барча объектлари ва реквизитлари орасидаги боғланишлар кўрсатилиши лозим. Ташкилотнинг ахборот-мантиқий модели махсус ҳужжатлар яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ахборот таъминотини яратиш учун зарур:

Ташкилотнинг бошқариш тизимнинг мақсадлари, фазибалари, функцияларини аниқ тасаввур қилиш,

Ахборотни келиб чиқишидан то фойдаланишгача бўлган ҳаракати оқимини аниқ тасаввур қилиш,

Ҳужжат алмашишни такомиллаштириш,

Ахборотни классификациялаш ва кодлаш тизимини мавжудлиги,

Ахборот-мантиқий модель яратишни билиш,

Ахборот ташувчиларда ахборот массивларини ташкил қилишни билиш (зарур техник воситалар мавжуд бўлиши шарт).

Ташкилий таъминот- бу ахборот тизим ишлаб туриши учун зарур бўлган ходимларнинг ўзаро ва техник воситалар билан муносабатларини аниқловчи усуллар ва воситалардан иборат.

Ташкилий таъминот қуйидагилардан иборат:

Ахборот тизим ўрнатиладиган корхонанинг мавжуд бошқарув тизимининг таҳлили, автоматлаштирилиши зарур бўлган масалаларни аниқлаш,

Масалаларни компьютерда ечишга тайёрлаш. Бунга ахборот тизимни техник лойиҳасини тузиш учун топшириқ ва ахборот тизимни фойдалилигини техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш ҳам киради.

Ташкилотнинг таркиби ва структураси ҳақида бошқарув қарорини ишлаб чиқиш, ташкилот бошқарув тизимини фойдалилигини оширишга қаратилган масалаларни ечиш методологиясини ишлаб чиқиш.

Ҳуқуқий таъминот- бу ахборот тизим ишлаб туриши учун зарур бўлган ҳуқуқий нормалар бўлиб, ахборот тизимини яратиш, фаолият кўрсатиш, ахборотни олиш, ишлов бериш ва фойдаланиш қоидаларини аниқлаб беради.

Ҳуқуқий таъминот таркибига давлатнинг қонунлари, фармонлари, қарорлари ва давлат ташкилотлари, вазирликларнинг, маҳаллий давлат органларининг буйруқлари, кўрсатмалари, норматив ҳужжатлари ва бошқалар киради. Ҳуқуқий таъминот таркибида умумий қисм (ихтиёрий ахборот тизимнинг фаолиятини белгилайди), маҳаллий қисмни (конкрет ахборот тизим фаолиятини белгилайди) ажратиш мумкин.

Ундан ташқари, ҳуқуқий таъминотда ахборот тизимни тайёрловчи *лойиҳачи* ва уни тайёрлашга буюртма берган *буюртмачи* муносабатлари ҳам белгиланиб берилади.

• Ахборот тизимни ишлаб туриш этапидаги муносабатларнинг ҳуқуқий таъминот куйидагилардан иборат:

- Ахборот тизимнинг статуси,
- Ходимларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари,
- Бошқарувнинг айрим жараёнларининг ҳуқуқий таъминоти,
- Ахборотни яратиш, фойдаланиш тартиблари ва ҳ.к.

Ахборот тизимларда ечилиши мумкин бўлган масалаларни 3 турга бўлиш қабул қилинган: структураланадиган (формаллаштириладиган) масалалар, структураланмайдиган (формаллаштирилмайдиган) масалалар ва қисман структураланадиган (қисман формаллаш-тириладиган) масалалар.

• Структураланадиган (формаллаштириладиган) масалалар-масаланинг барча элементлари орасида математик боғланишлар аниқ.


• Структураланмайдиган (формаллаштирилмайдиган) масалалар-масаланинг барча элементлари орасида математик боғланишлар аниқмас.

• Қисман структураланадиган (қисман формаллаштириладиган) масалалар- масаланинг айрим элементлари орасида математик боғланишлар мавжуд ҳолос.

• Структураланадиган масалаларда масала математик моделлар орқали баён этилади ва ечими учун аниқ алгоритм ва дастур ишлаб чиқиш мумкин. Бундай ахборот тизимларда ишлаш тўла автоматлашлаган бўлади ва ходимнинг иштироки жуда паст.

• Структураланмайдиган масалаларда масала учун математик моделлар тузиш мумкин бўлмаганлигидан, алгоритмлар ишлаб чиқиш жуда қийин. Бу масалаларда ахборот тизимлар ишлатиш имкониятлар унча кўп эмас.

Бундай ҳолларда ҚҚҚ(қарор қабул қилади). инсон томонидан эвристик тасаввурлар асосида, тажрибага таяниб амалга оширилади. Масалан, гуруҳ талабалари орасидаги муносабатларни математик нуқтаи назардан баён этиш мумкин эмас.



Расм. Ахборот тизимини структураси

Қисман структураланган тизим 2 турга бўлинади:

А) Бошқарув ҳисоботлари яратадиган ва маълумотларни қайта ишлайдиган ахборот тизимлари (қидириш, тартиблаш, йириклаштириш, филтрлаш). Ҳисоботдаги ахборот асосида менежер ҚҚҚ.

Б) Альтернатив ечимлар топиш мумкин бўлган ахборот тизимлар. ҚҚ таклиф этилган альтернатив ечимлардан бирини танлашдан иборат бўлади.

Бошқарув ҳисоботлари яратадиган ахборот тизимлар фойдаланувчини кўшимча ахборот билан таъминлаб, МО даги ахборотни қисман қайта ишлаш имкониятини беради.

Моделлашган ахборот тизимларнинг асосий функциялари куйидагилардан иборат:

- Типик математик моделлар муҳитида ишлаш, жумладан,
- “ ... бўлиши учун нима қилмоқ керак”, “...бўлса нима бўлади” каби моделлашган масалаларни ечиш, сезгирликни таҳлил қилиш ва ҳ.к.
- Моделнинг дастлабки маълумотларини ва чекланишларини тез (оператив) таҳрирлаш,
- Моделлашнинг натижавий маълумотларини ва чекланишларини тез ва адекват (мос ҳолда) интерпретация қилиш, Эксперт АТ изларда альтернатив ечимлар эксперт тизимлардан ва соҳанинг экспертлари (билимдони) маслаҳатлари асосида олинади.

Фойдаланувчининг эксперт қўллаб-қувватлаш 2 этапли бўлади.

• 1-этапда, бошқарувда вужудга келадиган ва кўп учрайдиган вазиятлар учун тайёр типик альтернатив ечимлар фонди яратилади. Альтернатив ечим шу фонддан танланади.

• 2-этапда, 1-этапда учрамайдиган вазиятлар учун альтернатив ечимлар маълумотлар базасидаги ахборотлар учун уларга ишлов бериш қоидалари ва синтезланган альтернативлар учун процедуралар асосида янги альтернатив ечимлар танланади.

3. Автоматлаштирилган ахборот тизимлари

Дастлабки ахборот тизимларида ахборотга ишлов беришнинг барча жараёнлари қўлда бажарилади. Қўлда ишлов бериладиган тизимларнинг ахборот массивлари ҳажми унча катта бўлмайди, маълумотлар турли типдаги элтувчиларда сақланади. Бундай тизимларда ахборотни қидириш учун оддий селектив мосламалардан фойдаланилади. Аслини олганда дастаки ахборот тизимлари тизим эмас, балки маълум белгилар мажмуи бўйича зарур ахборотни қидиришни енгиллаштирувчи қурилмалар ҳисобланади. Бу қурилмалар арзон, улар билан ишлаш оддий, уларни ишлатиш учун олий малакали хизмат кўрсатувчи ходимлар талаб этилмайди.

Механизациялашган ахборот тизимларида ахборотга ишлов бериш ва қидириш учун турли механизациялашган воситалардан фойдаланилади, улар орасида ҳисоблаш-перфорация машиналари энг кенг тарқалгандир. Механизациялашган ахборот тизимларида ахборот элтувчилари бўлиб, перфокарталар ҳисобланади. Бундай механизациялашган тизимларнинг техник воситалари таркибига перфорация машиналари тўплами киради, уларнинг ҳар бири муайян бир вазифани бажаради. Перфоратор ёрдамида ахборот дастлабки ҳужжатлардан перфокарталарга ўтказилади. Сараловчи умумий белгиларга эга бўлган перфокарталарни алоҳида гуруҳлар бўйича жойлаштиради.

Автоматлаштирилган ва автоматлашган ахборот тизимларидаги ахборотни сақлаш, унга ишлов бериш ва қидириш учун ҳамда компьютерларда ахборотни тўплаш, тайёрлаш ва узатиш, шунингдек ахборотни истеъмолчига чиқариб бериш билан боғлиқ операцияларни бажариш учун ҳам фойдаланилади. Бу тизимлар кенг функционал имкониятларга эга ва ахборотнинг жуда катта ҳажмларини сақлаш ҳамда ишлов беришга қодир. Бу ерда ахборот элтувчилар компьютерларнинг хотира қурилмаларидир.

Энг кенг тарқалган автоматлаштирилган ахборот тизимлари (ААТ) ишида ахборотга ишлов бериш технологик жараёнининг турли босқичларида (ахборотни тўплаш ва уни компьютерга киритишга тайёрлаш, қидириш жараёнида) одам иштирок этади. Инсон ААТ нинг ташқи муҳит томонидаги шериғи ҳисобланади ва чиқадиган ахборот тизими айнан унга мўлжаллангандир.


ААТда барча жараёнлар одам иштирокисиз ўтади. Одатда автоматлашган тизимлардан анча йирик тизимлар таркибида, масалан объектлар ва технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлашган тизимларида фойдаланилади. Автоматлашган тизимларнинг «шериклари» роботлар, дастур воситасида бошқариладиган станоклар, технологик жараёнлар, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқалар ҳисобланади. Бундай тизимларда киритиладиган ахборот сигналлар ёки бирор-бир физик

катталиклар шаклида тақдим этилади, чиқадиган ахборотдан эса бошқариш ва созлаш учун фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда турли мақсадларга мўлжалланган кўплаб ахборот-маълумот тизимлари муваффақиятли ишлаб турибди, улар фойдаланувчиларнинг ахборот сўровларини қондириш учун йўналтирилган. Бундай тизимларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда сўровга мувофиқ равишда топилган ахборотдан айнан шу тизимнинг доирасида бевосита фойдаланилмайди, балки фойдаланувчига берилади, у олинган ахборотдан ўзига зарур исталган мақсадларда фойдаланади. Аэрофлот ва темир йўл транспортида жойларни олдиндан банд қилишнинг автоматлаштирилган тизими ана шундай ахборот-маълумот тизими учун мисол бўлиб хизмат қилади. Бу тизимлар оператив тизимларнинг типик мисоли ҳам бўла олади, чунки тизимга деярли ҳар бир мурожаат қилиш ахборот фондининг жорий ҳолати ўзгаришига олиб келади (жойлар банд қилинади, янги рейслар қўшилади ва ҳ.к.).

Ахборот-маълумот тизими сўровга мувофиқ равишда унинг ахборот фондида сақланаётган маълумотлар ичидан зарур ахборотларни қидириш ишларини амалга оширади. Қидириш бундай тизимларда асосий операциялардан бири ҳисобланади, шунинг учун улар ахборот-қидирув тизимлари (АҚТ) ҳамдир.

АТларини автоматлаштириш даражалари бўйича классификациялаш.



7.3.6-расм :Ахборот тизимларини классификациялашнинг бошқа вариантлари.

Ахборот тизимларни автоматлаштириш даражалари (дастлабки, автоматлашган, автоматлаштирилган) гуруҳларга бўлиш мумкин.


Дастлабки ахборот тизимларда замонавий техник воситалар ишлатилмайди, яъни, масалан, фирмада компьютерлар ҳали йўқ, лекин унинг бухгалтерияси, кадрлар бўлими ва ҳоказолар ишлаб турибди, юқори ташкилотларга ҳар хил ҳисоботлар бериляпти. Бундай ҳолда фирмада дастлабки ахборот тизими бор дейиш мумкин.

Автоматлашган ахборот тизимларида ахборотни қайта ишлаш бўйича барча ишлар одам иштирокисиз компьютерларда бажарилади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборотни қайта ишлашда одам иштирокида компьютерларда бажарилади. Асосий роль компьютерларга берилади. Замонавий ахборот тизими деб автоматлаштирилган ахборот тизимлари тушунилади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг асосий вазифаси

Ҳар қандай автоматлаштирилган ахборот тизимлари (ААТ) ташқи муҳит куршовида ишлайди, у ААТ учун киритиладиган ахборот манбаи ва чиқадиغان ахборотнинг истеъмолчиси ҳисобланади. Ахборот оқими ААТ доирасида, тизимга киришдан бошлаб ундан чиқишгача ишлов беришнинг бир нечта босқичидан ўтади. Ахборотга ишлов беришнинг энг йирик босқичи ахборотни тўплаш, рўйхатга олиш ва дастлабки ишлов бериш, алоқа канали бўйича манбадан компьютерга узатиш, машина элтувчиларига ўтказиш, ахборот фондларини яратиш ва сақлаб туриш, машина ичида ишлов бериш ва чиқариладиган шаклга келтириш, алоқа канали бўйича компьютердан фойдаланувчига узатиш, фойдаланувчи қабул қилиши учун яроқли шаклга ўзгартиришдан иборат.



7.3.7. -расм. ААТ нинг намунавий тузилиши

Ишлов беришнинг алоҳида босқичлари тегишли ААТ кичик тизимлари орқали амалга оширилади, улар ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: киритиладиган ахборотни тўплаш ва дастлабки ишлов бериш, алоқа, ахборотни компьютерга киритиш, ахборотни сақлаш ва ишлов бериш, ахборотни чиқариш ва уни акс эттириш (чиқариш кичик тизими). ААТ нинг намунавий тузилиши 7.3.7 -расмда келтирилган.

Ахборотни тўплаш ва дастлабки ишлов бериш кичик тизими ахборотга дастлабки ишлов бериш бўйича бир қатор операцияларни бажаради. Бу кичик тизим доирасида объектлар тўғрисида объект учун табиий бўлган шаклда, яъни табиий тилнинг сўзлари ва символлари, умумқабул қилинган санок тизими рақамларида тақдим этилган дастлабки ахборотни (масалан, кадрларни ҳисобга олиш бўйича варақа мазмуни, беморни тиббий текшириш натижалари, мақолаларнинг матнлари, товар-транспорт юкхатлари мазмуни ва ҳоказо) тўплаш амалга оширилади.

Махсус текширувлар натижасида ахборот тизимининг ахборот фондида ҳали мавжуд бўлмаган маълумотлар танлаб олинади. Бу билан тизимда ахборот такрорланишининг олди олинади. Дастлабки ахборотнинг тизимга кейин киритилиши зарур бўлган элементларига дастлабки ишлов берилади, яъни тизимда қабул қилинган муайян шаклга ва форматга келтирилади: махсус бланкаларга ёзилади, белгиланган шаклдаги жадвалларга киритилади, ҳужжатли ахборот учун муайян қоидалар бўйича аннотация ва библиографик баёни тузилади, физик параметрлари бирликларнинг ягона тизимига келтирилади. Дастлабки ишлов беришдан ўтган ва муайян тарзда шаклга келтирилган ахборот элтувчиларда, аксарият ҳолларда, қоғозда қайд этилади.

Ахборотни тўплаш ва дастлабки ишлов бериш кичик тизимидан олинadиган ахборот компьютерга бевосита киритиш учун ярамайдиган шаклда берилади. Киритиш кичик тизимининг вазифаси уни компьютерга киритиш, шунингдек ахборотнинг тўғри кўчирилиши ва юзага келган хатоларни назорат қилиб туришдан иборат бўлади.

Замонавий компьютерларда ахборотни киритиш учун кўпинча компьютер билан махсус тармоқ воситалари орқали боғланган дисплей ва алоқа каналларидан фойдаланилади.

Компьютерга киритилган ахборот машина хотирасига жойлаштирилади ва ахборот тизимининг ахборот фондини ҳосил қилади. Ахборот фондининг элементлари билан ишлов беришнинг турли операциялари: мантикий ва арифметик, саралаш ва қидириш, юритиш ва тузатиш операциялари бажарилади. Натижада ахборот фондининг долзарб ҳолатда сақланиши таъминланади, шунингдек ишлов бериш топшириғига мувофиқ бўлган чиқиш ахбороти шакллантирилади. Ахборот массивларини шакллантириш (структуралаштириш) ва сақлаб туриш, шунингдек ахборотга ишлов бериш бўйича барча амаллар ахборотни сақлаш ва ишлов бериш кичик тизими таркибига кирадиган дастурлар мажмуи бошқарувида амалга оширилади. Бу кичик тизим ташқи хотира қурилмаларида ахборотни жойлаштириш ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлайди. Ахборотни сақлаш ва ишлов бериш кичик тизими, кичик тизимнинг ишини амалга оширувчи техник воситалар (шу жумладан, компьютернинг ўзи ҳам), шунингдек ахборот массивлари ахборотга ишлов бериш ва сақлаш тизими (АИСТ) га бирлашади. АИСТ ўз ичига ахборот массивлари, уларни ташкил этиш ва ишлов бериш усуллари, методлари ва алгоритмлари, тегишли дастурий ва техник воситалар мажмуини олади. АИСТ ташқи муҳит билан киритиш-чиқариш

воситалари ёрдамида алоқа қилиши АИСТ доирасида ҳал қилинадиган бир қатор вазифаларни кўриб чиқишда бу воситаларни ҳам албатта ҳисобга олиш зарур.

Ахборотга ишлов бериш кичик тизими адабиётларда кўп ҳолларда маълумотларга ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизими (МИАТ) деб аталади, бунда «маълумотлар» тушунчаси «ахборот» тушунчаси билан синоним деб ҳисобланади.

«Ахборот» тушунчасидан одатда хабарнинг мазмун-моҳиятини таъкидлашни истаган ҳолатларда фойдаланилади. Лекин АИСТ нинг асоси бўлган компьютер ҳозирча ишлов берилаётган хабарларнинг маъносини идрок қилишга қодир эмас. Компьютерларга нисбатан кўпинча «маълумотлар» тушунчаси қўлланилади ва компьютер машина элтувчиларда тақдим этилган маълумотлар билан операцияларни бажаради, дейилади. Бунда ҳар қандай белгилар тўплами, унинг мазмунидан қатъи назар, маълумотлар ҳисобланади.

Маълумотларга муайян маъно бериб, уларга ишлов беришни ахборотга ишлов бериш деб қабул қилинади. Шунинг учун бундан буён «ахборот» тушунчасидан асосан маъновий мазмуни муҳимлигини таъкидлаш зарурияти юзага келган ёки у ўзбек адабиётида кенг қўлланиладиган ва ўрнашиб қолган сўз бирикмалари таркибига кирган ҳоллардагина фойдаланамиз.

Ахборотни чиқариб бериш ва тасвирлаш кичик тизими (чиқариш тизими) берилган сўровга жавобни чиқариб беришни таъминлайди, бунда уни фойдаланувчи қабул қилиши учун қулай шаклда тақдим этади. Кичик тизим таркибига чиқариб бериладиган хабарнинг зарурий шаклини таъминлаб берадиган дастурлар мажмуи ва чиқариб берилаётган ахборот қайд этиладиган (акс этадиган) техник воситалар киради. Сўровга жавоб босиш қурилмаси, дисплей, график тузгич, турли табло ва индикаторлар ёрдамида чиқариб берилиши мумкин.

Кичик тизимларнинг ўзаро алоқаси ахборот манбалари ва фойдаланувчилар ҳудуд жиҳатдан марказий компьютер яқинида жойлашган, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб баён этилди. Мавжуд ахборот тизимларида ахборот манбалари ва (ёки) фойдаланувчилар аксарият ҳолларда марказий компьютердан юз метрдан юзлаб километргача бўлган масофада жойлашган бўлади. Бундай ҳолларда марказий компьютер билан алоқа таркибига маълумотларни узатиш канали ва узоқда жойлашган терминаллар (улар ҳозир ўзи компьютер ҳисобланади) кирадиган кичик алоқа тизими орқали амалга оширилади.

Узоқлашган терминалларни – шахсий компьютерларни улаш учун алоқа каналларидан фойдаланилади, улар телефон тармоқлари, умумфойдаланиладиган маълумотларни узатиш тармоқлари ва маълумотларни узатишнинг махсус тармоқларидан иборатдир. Канал белгиланган йўналишда ва зарурий тезликда маълумотлар билан алмашилишни таъминлаши зарур.

Маълумотларни узатиш каналлари маълумотларни фақат бир йўналишда узатишни таъминлайдиган – симплекс; маълумотларни ҳар икки йўналишда, лекин вақтнинг ҳар бир моментида фақат бир

йўналишда узатишни таъминлайдиган – яримдуплекс; бир вақтнинг ўзида ҳар икки йўналишда маълумот узатишни таъминлайдиган дуплекс каналларга бўлинади.

Манбаларнинг компьютер билан алоқа қилиши учун симплекс каналлардан фойдаланиш мумкин. Фойдаланувчининг марказий компьютер ёки компьютерлар билан алоқаси маълумотларни узатишнинг яримдуплекс ёки дуплекс каналлари орқали амалга оширилиши зарур, акс ҳолда, фойдаланувчининг компьютер билан диалог олиб боришининг имкони бўлмай қолади.

Узоқлашган терминал — бу марказий компьютердан уни бевосита улаш имкониятини истисно этадиган масофада узоқда жойлашган киритиш-чиқариш қурилмасидир.

7.4.Ахборот тизимларини лойиҳалаш ва уни қуриш усуллари.

Режа:

1. Техник-иқтисодий баҳолаш муҳимлигини муҳокамаси, ҳужжатлар ва маълумотлар, ахборот йиғиш воситалари.
2. Ахборот тизимларининг лойиҳалаш босқичлари.
3. Ахборот тизимларининг ҳаёт цикли моделлари.

Таянч иборалар: лойиҳа, бошқариш, тизим, ҳужжат,

1. Техник-иқтисодий баҳолаш муҳимлигини муҳокамаси, ҳужжатлар ва маълумотлар, ахборот йиғиш воситалари.

Лойиҳани бошқариш²⁰ режалаштириш жараёни, тизим ривожланиш жараёни фаолиятини назорат қилишни ўзида акс эттиради. Лойиҳани бошқаришнинг мақсади харажатларни сақлаб, фойдаланувчи келишилган вақтда тизимдан оқилона фойдаланишни таъминлайди. Кичик ташкилотларда бутун лойиҳани бир киши бошқаради. Катта лойиҳалар учун лойиҳа бошқаруви фаолияти одатда лойиҳа менежери ва лойиҳа раҳбари ўртасида бўлинади. Бу ҳолда лойиҳа раҳбари бошқаради ва бюджетни, лойиҳа жадвалини, шунингдек лойиҳа раҳбари тизим ривожланиш жараёнидаги фаолиятни назорат қилади. Лойиҳа раҳбари ёки лойиҳалар раҳбарлари лойиҳа жамоасининг бир қисми ҳисобланади. Агар тизим таҳлилчиси лойиҳа менежери бўлмаса, у билан лойиҳа менежери яқиндан ҳамкорлик қилиши керак.


Баъзи ташкилотлар вақт ривожланиш тезлигини назорат қиладиган экстремал лойиҳа бошқарувидан фойдаланишади. Экстремальнқй управление проектом команда по инициативе управления проектами подход, в котором руководитель проекта более участника и посредника, чем менеджер в ходе реализации проекта. Самарали режалаштириш учун лойиҳа жадвалига, лойиҳа раҳбари қуйидаги элементларни белгилайди:

²⁰ Discovering Computers 623 бет

- Мақсадлари, вазифалари ва тахминлар биргаликда лойиҳа майдони деб аталади,

- Керакли ҳаракатлари
- Ҳар бир фаолият учун вақт ҳисоб-китобларга кўра,
- Ҳар бир фаолият учун иқтисодий башорат
- Ҳаракат тартиби
- Бир вақтнинг ўзида содир бўлиши мумкин булган фаолият тури

Бу элементлар белгилангандан сўнг одатда лойиҳа раҳбари лойиҳа режасига кўшиб кўяди. Лойиҳа раҳбарлари лойиҳа бошқарув дастуридан режалаштириш ва назорат қилиш учун фойдаланишади.(7.4.1.- расм)



7.4.1.- расм: Лойиҳани режалаштириш бўйича Ганта диаграммаси.

Лойиҳани режалаштириш график тасвирлаш бўйича машҳур воситалардан Ганта диаграммасидир. Генри Л. томонидан ишлаб чиқилган Ганта диаграммасида горизонтал чизиқлар ёрдамида лойиҳа фаолияти ёки босқичи кўрсатилган. Чап томонида ёки вертикал ўқи зарур ҳаракатлар рўйхатини кўрсатади. Горизонтал ўқ чизманинг юқори ёки пастки қисми бўлиб вақтни белгилайди. Режалаштириш ва жадвал яратиш учун ишлатиладиган яна бир диаграмма PERT деб аталади. PERT диаграммасининг муқоффа вазирлиги дастурни баҳолаш ва кўриб чиқиш учун белгиланган вақтни таҳлил қилиб энг кам вақт белгилайди. PERT диаграммаси кўпроқ тармоқ диаграммаси деб ҳам аталади, катта ва мураккаб лойиҳаларни Ганта диаграммасига қараганда яхшироқ режалаштиради.

Лойиҳа раҳбари лойиҳани назорат қилади ва бошқаради. Баъзи турдаги фаолиятлар бошида режалаштирилган вақтнинг камроғини олади, бошқалар кўпроқ. Лойиҳа раҳбари фаолият жуда кўп вақтни эгаллашини ҳис қилади.

Лойиҳани бошқариш – ишларни ривожлантириш ва ташкиллаштириш билан боғлиқ, ишлаб чиқарувчилар (разработчики) жамоасини ташкиллаштириш, бажарилган ишларни муддатини ва сифатини назорат қилиш.

Лойиҳани техник ва ташкилий таъминоти қуйидагилардан ташкил топган:

- ✓ лойиҳани амалга оширишда усул ва услубларни танлашни;
- ✓ оралиқ ҳолатларни ишлаб чиқиш усуллари аниқлаш;
- ✓ яратилган дастурий таъминотнинг синовдан ўтказиш усул ва услубларини ишлаб чиқиш;

✓ персонални ўқитиш.

Лойиҳани сифатини таъминлаш, ахборот тизимини верификация (осуществление контроля) қилиш ва ташкил этувчиларни тестдан ўтказиш муаммоларига боғлиқ.

Верификация – бу ишланмани жорий ҳолатини ҳозирги босқичда аниқлайдиган жараён. Текшириш – бу ишланма кўрсаткичларини талабга жавоб беришини аниқлайдиган жараён. Текшириш қисман тестлаш билан ўхшаш, ҳақиқий ва кутилган натижалар орасида фарқларни аниқлаш ва ахборот тизимини кўрсаткичларини бошланғич талабларга мослигини баҳолаш учун ўтказилади.

Техник иқтисодий ўлчови қандай мос келиши тизимни ривожлантириш ташкилотига боғлиқ бўлади. Қисқа вақт ичида бир хил нуқтада тизимнинг ривожланиши амалга ошмай қолиши мумкин. Шундай қилиб, тизим таҳлилчилари кўпинча лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида тизимнинг имкониятларини қайта баҳолайди.

Тизим таҳлилчилари лойиҳанинг имкониятларини баҳолаш учун одатда камида тўртта тестдан фойдаланади: тезкор жиҳатдан, жадвал имкониятлари, техник мантиқий асос ва иқтисодий мақсадга мувофиқлиги.

- Тезкор иқтисодий техника тавсия қилинаётган ахборот тизимини қандай яхши ишлашини ўлчайди.

- Техник – иқтисодий жадвали лойиҳага белгиланган вақти оқилоналигини текширади. Агар вақти оқилона бўлмаса, лойиҳа раҳбари янги жадвал қилиши мумкин.

- Техник мантиқий асос ташкилотдан ускуналар олиш, дастурий таъминот ва одамларга етказиб бериш зарур, сўнгра ахборот тизимини қўллаб қувватлайди.

- Иқтисодий мақсадга мувофиқлиги бу фойда деб номланувчи иқтисодий техник-иқтисодий таклиф ахборот тизимининг афзаллигидир.

Ҳужжатлар²¹. Лойиҳани ривожлантириш жараёнида лойиҳа жамоаси иштирокчилари жуда кўп ҳужжатларни ишлаб чиққан. Ҳужжатлар бу ахборотлар ва маълумотлар йиғишдан иборат. Булар ривожлантириш тизимида намоён бўладиган ҳисоботлар, графикалар, дастурларни, ёки бирон-бир кутилган натижаларни ўз ичига олади.

Битта проект ноутбук лойиҳасининг барча ҳужжатларини ўз ичига олади. Ноутбук лойиҳа учта ҳалқани боғловчи оддий моддалар бўлиши мумкин. Кўпчилик ташкилотлар, шунга қарамасдан тизим таҳлилчилари яратган автоматлаштирилган ноутбук лойиҳасининг дастуридан фойдаланишади.

Фойдаланувчилар ва ахборот тизим мутахассислари мавжуд тизимлар билан ишлашда ҳужжатлар ва мавжуд ҳужжатларга ўзгартиришлар киритишади. Муҳими ҳамма ҳужжатлар кетма-кетлиги ва тушунарли яхши ёзилган бўлишидир. Натижавий ахборот тизими лойиҳасини ривожлантириш давомида ишлаб чиқилган ҳужжатларда аниқ акс эттирилган бўлиши керак. Кўпинча лойиҳа жамоаси аъзолари ҳужжатларни охирига қолдиришади,

²¹ Discovering Computers 625 бет

чунки бу кўп вақтни олади, лекин бундай амалиёт ҳужжатнинг сифатини пасайиб кетишига олиб келади.

Маълумотлар ва ахборот йиғиш технологияси²²

Тизимни ривожлантириш даврида лойиҳа жамоаси маълумот ва ахборотларни тўплайди. Кўп сабабларга кўра аниқ ва замонавий маълумотлар зарур бўлади. Улар лойиҳа жадвалига мувофиқ техник иқтисодий баҳолашга ва тизим талабларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилиши керак. Тизим таҳлилчилари ва бошқа АТ мутахассислари маълумот ва ахборотларни йиғиш учун бир неча хил усулларни қўллашади. Улар ҳужжатларда кузатув, сўров, интервью, қўшма лойиҳалаштириш сессияларини ва тадқиқот ўтказишни кўриб чиқади.

- Ҳужжатлар ҳақида умумий маълумот- ҳужжатларни кўриш натижасида тизим таҳлилчилари ташкилотнинг схемаси, идора хатлари ва йиғилиш баённомалари ва лойиҳанинг тарихи ҳақида билиб оладилар. Ҳужжатлар ҳам ташкилотнинг кучли ва кучсиз томонлари ҳақида маълумот беради.

- Эътибор беринг- тизим таҳлилчилари одамларни кузатишлари натижасида вазифани қандай бажараётганликларини тушуниб оладилар. Худди шундай машинани кузатиб, қандай ишлашини билиб олиш мумкин.

- Умумий маълумот- кўп одамлардан маълумот ва ахборотлар олиш учун тизим таҳлилчилари анкеталар тарқатишади.

- Интервью- тизим таҳлилчилари маълумот ва ахборот йиғиши учун энг муҳим восита ҳисобланади. Тизим таҳлилчиларига юзма-юз мулоқот қилишга, жавобларга ойдинлик киритишга яхши натижа беради.

- Қўшма лойиҳалаштириш сессиялари- тизим таҳлилчилари маълумот ва ахборот тўплаш учун интервьюнинг ўрнига қўшма лойиҳалаштириш сессияларини ўтказишади. Қўшма лойиҳалаштириш сессиялари бир қатор фойдаланувчилар ва АТ мутахассислари билан учрашув баёнларини тузишади. (7.4.2.- расм)



- Тадқиқот- газета, журнал, компьютер каталоглари, кўргазмалар, веб, сотувчи ва маслаҳатчилар ахборот олиш учун энг яхши манба ҳисобланади. Бу манбалар тизим таҳлилчиларини сўнги аппарат ва дастурий таъминот маҳсулотлари, янги жараёнлар ва тартибларини тушунтириш каби маълумотлар билан таъминлайди. Бундан ташқари, кўпинча ташриф буюрувчилар сайти сонининг статистикасини тўплаш, энг кўп ташриф

²² Discovering Computers 626 бет


буюрилган веб-саҳифалар ва ҳоказо, ва уларнинг статистикасини баҳолаш, тадқиқотнинг бир қисми ҳисобланади.

Бу система қайси лойиҳа тараққиётига тааллуқли?²³

Турли сабабларга кўра янги ёки ўзгартирилган ахборот тизимини фойдаланувчи сўраши мумкин. Нотўғри ҳисоблаш хавфсизликни бузилиши муаммосини бартараф қилиш энг асосий сабаб ҳисобланади. Ахборот тизимини такомиллаштириш учун ташкилотларга ускуналар, дастурий таъминот ёки бошқа технологиялар керак бўлиши мумкин.

Баъзан ташкилот вазиятни назорат қилиб, ахборот тизимини модификациясини талаб қилади. Бошқарув ёки бошқа ҳар қандай бошқарув органи ўзгартирувчи вакил бўлиши мумкин. Бир ташкилот 24 соат онлайн-мижозга хизмат қилса, бошқалар мижозини йўқотиб қўйишдан қўрқшади.

Фойдаланувчи янги ёки ўзгартирилган ахборот тизимларини телефон орқали оғзаки шаклда ёки электрон почта орқали хабар ёзиш билан сўраши мумкин. (7.4.3.а- расм). Катта ташкилотларда фойдаланувчилар янги ёки ўзгартирилган ахборот тизими ҳақида, сўров тизим хизматлари ёки лойиҳа сўрови деб аталувчи расмий сўров ёзишади. (7.4.3.б-расм). Ушбу ҳужжат ноутбук лойиҳасининг биринчи элементи ҳисобланади.



7.4.3.а- расм

7.4.3.б- расм

Мукамал таҳлил

Мукамал таҳлил учта асосий фаолиятни ўз ичига олади: ҳозирги тизимнинг ишлашини ўрганиш, фойдаланувчиларни истагини ва талабини аниқлаш, ечимини тавсия қилиш. Мукамал таҳлил баъзан мантиқий схема деб аталади, чунки тизим таҳлилчилари таклиф қилинган ечимдан ташқари ҳар қандай техник воситалар ёки аппарат таъминотини ишлаб чиққан. Яъни автоматлаштирилган ва қўлда қилиши керак бўлган ҳаракатни аниқлашга уринишади.

²³ Discovering Computers 625 бет

Бундай жараён вақтида тизим таҳлилчилар маълумот ва ахборотни йиғиш усулларида фойдаланишади. Улар ҳужжатларни, ходимларни кузатиш ва машина, сўровнома тарқатиш, интервью ходимлари ва тадқиқотларни кўриб чиқишади. Муҳими, таҳлилчилар ва тизим фойдаланувчилари ўртасидаги қимматли муносабатлар бу фаолиятнинг фойдаси деб айтиш мумкин.

Жорий тизимни ўрганишда фойдаланувчи эҳтиёжларини аниқлаб, тизим таҳлилчилари жуда кўп маълумотлар ва ахборотлар йиғишади. Шундай қилиб, тизим таҳлилчиларининг асосий вазифалардан бири, бу ҳамма жойда бир хил тушуниши мумкин бўлган маълумотларни ҳужжатлаштириш. Фойдаланувчилар ва АТ мутахассислари бу ҳужжатларга таллуққидир.

Кўпгина тизим таҳлилчилари моделлаштириш жараёнидан ёки объектни моделлаштириш ёндашуви билан таҳлил қилиш ва лойиҳалаштиришдан фойдаланишади.

2.Ахборот тизимларининг лойиҳалаш босқичлари

Ахборот тизимларини лойиҳалашнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Объектнинг хусусиятини тасвирлаш;
- 2) АТ архитектурасини лойиҳалаш;
- 3) АТ бевосита яратиш;
- 4) Тизимни тестдан ўтказиш;
- 5) Фойдаланиш ва кузатиш

Лойиҳалаш усули ва воситаларини танлаш қуйидагича:

- Лойиҳалаш босқичларида хатоликларга йўл қўймаслик;
- Ахборот тизими яшаш циклининг тизимнинг фойдаланиш муддатига мос келиши
- АТ коллектив фойдаланишга мўлжалланиши;
- АТ лойиҳалашда ташқи шартларнинг ўзгариши лойиҳада қатта миқдорда харажатларга олиб келмаслиги лозим.

Ускунавий воситаларга талаблар:

- 1) Ускунавий воситалар лойиҳалашнинг бошланғич босқичини автоматлаштиришини таъминлаши;
- 2) Ускунавий воситалар анъанавий ёндашувдан фарқли равишда лойиҳалашга ажратилган вақтни бир неча баробар қисқартириши
- 3) Ускунавий воситалар ўзгарувчан талабларга нисбатан эгилувчан бўлиши
- 4) Ускунавий воситалар жамоа бўлиб ишлаш тартибини қўллаб-қувватлаши лозим.

CASE-технология нима?

Сўзма-сўз таржима қилинганда ComputerAidedSoftwareEngineering – компьютер ёрдамида программа таъминотини яратиш. Хозирги даврда бу термин жуда кенг маънода ишлатилади.

CASE-воситалар доирасида энг кўп автоматлаштирилган лойихалашнинг функциялари:

- АТ га қўйилаётган талабни таҳлил қилиш ва шакллантириш;
- Маълумотлар базаси ва унинг иловаларини лойихалаш;
- Дастур кодларини генерация қилиш;
- Тестдан ўтказиш;
- Сифатни таъминлаш;
- АТ конфигурациясини бошқариш;
- Лойихани бошқариш (Атнинг ўзи орқали лойихалашни ташкил этиш)

ва бошқалар.

- CASE-восита – бу АТ лойихалашни автоматлаштиришнинг ускунавий воситасидир.
- CASE-тизим – бир дастурий маҳсулот доирасида бажарилган CASE тўплами
- CASE-технология – CASE воситалар орқали АТ ни лойихалашнинг услублари

АТни лойихалашнинг энг таниқли услубларида икки ёндашув мавжуд: тузилмавий ва объектга йўналтирилган ёндашув.

Тадқиқот қилинаётган объектни моделлаштириш учун лойихалаш ва таҳлилнинг тузилмавий усулининг иерархик тузилиши қўлланилади. Тузилмавий лойихалаш алгоритмик тақсимлашга асосланган бўлиб, асосий эътибор жорий ходисалар кетма-кетлигига қаратилади. Бу усуллар асосан функционал моделларни ва маълумотлар моделининг турли даражаларини куришга мўлжалланган.

Тузилмавий ёндашув:

Тузилмавий ёндашув тизимни функционал тизимчаларга бўлаклардан иборат бўлиб, тизимчалар ҳам ўз навбатида субфункцияларга бўлиниб боради. Бўлаклар жараёни муайян тартибга давом этади.

Объектга йўналтирилган ёндашув:

Объектга йўналтирилган ёндашув, субъект ёки объект ҳаракатини ифодаловчи агентларни бўлакларга асосланган. Объектга йўналтирилган тақсимлашда ҳар бир объект ўз ҳатти-ҳаракатларига эга бўлади ва уларнинг ҳар бири мавжуд оламнинг маълум бир объектини моделлаштиради.

Объектга йўналтирилган лойихалашда 4 турдаги моделдан фойдаланилади: динамик, статик, мантиқий ва физик.

Бу моделлар тўплами, лойихалаштирилаётган тизим тузилмаси бўйича қарор қабул қилиш учун техникавий асос беришга ва амалий жихатдан ихтиёрий объектга йўналтирилган дастурлаш тилини қўллашга етарли даражада тўлиқ имконият беради.

3. Ахборот тизимларининг ҳаёт цикли моделлари.

Стандарт ахборот тизимларини лойихалаштириш методологиясининг базавий тушунчаларидан бири – унинг фойдаланиш давридир.

Ахборот тизимининг фойдаланиш(яшаш) даври узлуксиз жараёни ифода этиб, ахборот тизимларининг яратилиши ҳақида қарор қабул қилинишидан бошлаб ва уни ишлатилишидан воз кечиш дақиқасигача бўлган давр ҳисобланади.

Ўзбекистон давлат Стандарти ISO/IEC ахборот тизимининг фойдаланиш даврининг структурасини аниқлайди. Ахборот тизимларини яратиш жараёнида маълум амал ва вазифалар бажарилиши керак. Берилган давлат стандартига мувофиқ ахборот тизимининг яшаш(фаолият кўрсатиш) даври таркиби уч гуруҳ жараёнларига асосланади:

- ✓ Яшаш даврининг асосий жараёни (ўзлаштириш, етказиб бериш, ишлаб чиқиш, фойдаланиш, кузатиб бориш);

- ✓ Асосий жараёнларни бажарилишини таъминлаб берувчи ёрдамчи жараёнлар (ҳужжатлаштириш, конфигурацияни (тузилишини) бошқариш, сифатини таъминлаш, верификация (таққослаш), аттестация, баҳолаш, аудит, муаммоларни ҳал қилиш);

- ✓ Ташкиллаштириш жараёнлари (лойихани бошқариш, лойихани инфраструктурасини яратиш, фойдаланиш даврининг ўзини аниқлаш, баҳолаш ва яхшилаш, ўқитиш).

Яшаш даврининг асосий жараёнлари.

Яшаш даврининг асосий жараёнлари ичида ишлаб чиқиш, эксплуатация(жорий этиш) ва кузатиш энг катта аҳамиятга эга. Ҳар бир жараён аниқ масалалар ва уларни ечиш усуллари, олдинги босқичда олинган бошланғич маълумотлар ва натижалар билан характерланади.

Ишлаб чиқиш.

Берилган талабларга мувофиқ ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ўзида ахборотлашган дастурий таъминотни ва унинг компонентларини мужасамлайди. Ахборотлашган дастурий таъминотни ишлаб чиқариш жараёнига қуйидагилар киради:

- ✓ лойихалаш ва эксплуатация;
- ✓ ҳужжатларни ишлаб чиқиш (оформление)
- ✓ сирли дастурий махсулотни тестдан ўтказиш учун зарур бўлган (материалларни) тайёрлаш;

- ✓ персонални ўқитишни ташкиллаштириш учун зарур бўлган материалларни ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқиш жараёни ахборот тизимлари яшаш даврининг муҳим жараёнларидан бири бўлиб, ўзида стратегик режалаштириш, таҳлил, лойихалаштириш ва тадбиқ этиш (реализация), дастурлаш вазифаларини ўз ичига олади.

Эксплуатация (ишлатиш, фойдаланиш)

Эксплуатация жараёнини тайёрлов ва асосий қисмга бўлиш мумкин. Таёрлов ишларига қуйидагилар киради:

- ✓ маълумотлар базасини ва фойдаланувчилар иш жойларини конфигурациялаш (шакллантириш);
- ✓ хизматчиларни (персонал) ўқитиш;

✓

Асосий қисм ишлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ✓ ишлатиш;
- ✓ муаммоларни локализациялаш ва уларнинг келиб-чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш;
- ✓ дастурий таъминотни ўзгартириш; (модификация)
- ✓ тизимни мукаммаллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- ✓ тизимни ривожлантириш ва модернизациялаш.

Йўналтириш (Сопровождение)

Ихтиёрий корпоратив ахборот тизимининг яшаш даврида техник таъминотнинг хизматлари муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот тизимини ишлатиш (фойдаланиш) босқичида қўйилган масалаларни ечишда техник хизмат кўрсатиш мавжудлиги зарурий шарт бўлади. Хизмат кўрсатувчиларнинг ҳатолари ахборот тизимининг нарҳига (баҳосига) тенг бўлган очик ёки ёпиқ молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Ёрдамчи жараёнлар.

Конфигурацияни бошқариш, ёрдамчи жараёнлар ичида, асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ахборот тизимининг фойдаланиш даври асосий жараёнларини таъминлаб туради. Авваламбор ишлаб чиқиш ва кузатиш жараёнларини.

Кўп компонентли мураккаб ахборот тизимларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда, уларни алоқа ва функцияларини ҳисобга олишда яхлит тизим яратиш ва системани ривожлантиришини таъминлашда муаммолар вужудга келади.

Конфигурацияни бошқариш ахборот тизимини фойдаланиш даврини ҳамма босқичларида турли компонентларига ўзгартиришларни киритишни ташкил қилиш, доимий назоратга олишни таъминлайди.

Ташкилий жараёнлар:

Лойиҳани бошқариш – ишларни ривожлантириш ва ташкиллаштириш билан боғлиқ, ишлаб чиқарувчилар (разработчики) жамоасини ташкиллаштириш, бажарилган ишларни муддатини ва сифатини назорат қилиш.

Лойиҳани техник ва ташкилий таъминоти қуйидагилардан ташкил топган:

- ✓ лойиҳани амалга оширишда усул ва услубларни танлашни;
- ✓ оралиқ ҳолатларни ишлаб чиқиш усуллари аниқлаш;
- ✓ яратилган дастурий таъминотнинг синовдан ўтказиш усул ва услубларини ишлаб чиқиш;
- ✓ персонални ўқитиш.

Лойиҳани сифатини таъминлаш, ахборот тизимини верификация (осуществление контроля) қилиш ва ташкил этувчиларни тестдан ўтказиш муаммоларига боғлиқ.

Верификация – бу ишланмани жорий ҳолатини ҳозирги босқичда аниқлайдиган жараён. Текшириш – бу ишланма кўрсаткичларини талабга жавоб беришини аниқлайдиган жараён. Текшириш қисман тестлаш билан ўхшаш, ҳақиқий ва кутилган натижалар орасида фарқларни аниқлаш ва ахборот тизимини кўрсаткичларини бошланғич талабларга мослигини баҳолаш учун ўтказилади.

Фойдаланиш даври модели.

Фойдаланиш даври модели деганда бажариш кетма-кетлиги ва жараёнларни ўзаро боғлиқлигини, фойдаланиш даври давомида бажариладиган амаллар ва масалаларни аниқлайдиган тузилма (структура) тушунилади.

Фойдаланиш даври модели ахборот тизимининг хусусияти (спецификаси) ва шароит хусусиятига боғлиқ. Ҳозирги вақтда куйидаги асосий фойдаланиш даври моделлари кенг тарқалган:

Масалалар (ёки масалали моделлар) модели;

Каскад модели (ёки тизимли) (70-85й.й.);

Спиралли модел (ҳозирги замон).

Масалали модель:

“Пастдан-тепага” модели ишлаб чиқилганда, алоҳида масалалардан умумий тизимга, ишланмага ягона ёндашув мутлоқ йўқолади, алоҳида компонентларнинг ахборот боғланишида муаммолар пайдо бўлади. Конун бўйича (одатда) масалалар сони ўсиши қадар қийинчиликлар ошиб боради, мавжуд дастур ва маълумотлар структурасини ҳар доим ўзгартиришлар киритишга мажбур бўламиз.

Тизимни ривожланиш тезлиги пасаяди, бу ташкилот (организация) ривожланишини секинлаштиради. Лекин айрим ҳолатларда бундай технология мақсадга мувофиқ бўлади.

Умумий натижа: бу усул билан етарли катта бўлган эффектив ахборот тизимни яратиш бўлмайди.


Каскад модели.

Олдинги, ҳажми унча катта бўлмаган бир туркумли ахборот тизимларнинг ҳар бир дастури яхлитликни ўзида акс этар эди. Бундай дастурларни ишлаб чиқишда каскад усули қўлланилар эди. Унинг асосий тавсифи – ишлаб чиқаришни босқичларга бўлиниши, бунда бир босқичдан кейингисига ўтиш, жорий босқичда иш якунлангандан сўнг амалга оширилади. (7.4.4.-расм)

Ҳар бир босқич, кейинги ишлаб чиқарувчилар ишланмани давом этишга, етарли бўлган ҳужжатларни тўлиқ комплекти чиқиши билан якунланади, каскад ёндашувининг афзалликлари:

✓ Ҳар бир босқичда тугалланган лойиҳавий ҳужжатлар йиғиндиси шаклланади.

✓ Мантиқий кетма-кетликда бажариладиган иш босқичлари барча ишларни якунлаш вақтини харажатларга мос равишда планлаштириш имконини беради.




7.4.4- расм: Каскад модель

Ахборот тизимларини тузишда каскад ёндашув афзалликларини намоён қилди. Ишланманинг муқаддимасида барча талабларни етарли даражада таърифлаш мумкин.

Бу тоифага қуйидагилар киради: мураккаб ҳисоблаш тизимлари, ҳақиқий вақт тизимлари ва шу каби масалалар. Лекин ушбу ёндашувдан фойдаланиш жараёнида қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Яратиш жараёнида олдинги босқичларга қайтиш ва аввал қабул қилинган ечимларни қайта аниқлаш ва кўриб чиқиш зарурияти туғилар эди. Натижада дастурий таъминотни яратиш ҳақиқий жараёни қуйидаги кўринишга келар эди (7.4.5.-расм)



7.4.5- расм

Каскад ёндашувининг асосий камчилиги натижани олиш сезиларли кечикиши.

Шундай қилиб, фақат тизим билан ишлар тўлиқ якунланганда, фойдаланувчилар ўзининг тавсияларини бериш имконига эга бўладилар.

Дастурий таъминот яратилиши даврида талаблар ноаниқ кўрсатилган бўлса ёки улар ўзгартирилса, тайёр бўлган тизим фойдаланувчилар эҳтиёжини қониқтирмайди.

Автоматлаштирилган объект модели (функционал ёки ахборотлашган) яратилмасдан эскириши мумкин.

Ахборотлар тизимини ишлаб чиқилишига тизимли ёндашувнинг моҳияти, унинг автоматлаштирилган функцияларга декомпозицияланиши (бўлиниши) сабаб.


Тизим функционал системаости тизимларга бўлинади, улар ўз навбатида функцияларга, улар эса масалаларга бўлинади ва ҳ.к. Бўлиниш жараёни аниқ

процедураларгача давом этади. Бунда автоматлаштирилаётган тизим, ўз компонентлари боғланган ҳолда, яхлитлигини сақлаб қолади.

Шундай қилиб, бу моделнинг асосий афзаллиги ишланмани тизимлилиги, асосий камчилиги эса - секинлиги (медленно) ва қимматлиги (дорого).

Спиралли модел

Кўриб чиқилган муаммоларни бартараф этиш учун фойдаланиш даврининг спиралли модели (7.4.6.-расм) тавсия этилди.



7.4.6-расм

Унда фойдаланиш даврининг бошланғич босқичлари бўлган таҳлил ва лойиҳалаштиришга техник ечимларни амалга ошириш (реализуемость) шу босқичларда прототип яратиш йўли билан текширилади. Спиралнинг ҳар бир ўрама дастурий таминоат қисми ёки версиясини яратишга тўғри келади. Унда лойиҳани мақсади ва тавсиялари (характеристикалари) аниқлаштирилади, сифати аниқланади ва спиралнинг кейинги ўрамасини ишлари режалаштирилади.

Шундай қилиб, лойиҳанинг қисмлари кетма-кет аниқланади ва чуқурлаштирилади, натижада реализацияга етиб борадиган, асосланган вариант танланади.

Ишланма яратилаётган тизимни мавжуд спираль даврини объектив ақс этади. Ҳар бир босқичда ишлар, тўлиқ бажарилмасдан, якунланиши ва кейинги босқичга, ишнинг тўлиқ якунланишини кутмасдан, ўтишга имкон беради. Асосий масала - тизим фойдаланувчиларига, имкони борича қисқа вақт ичида, ишга тайёр бўлган (работоспособный) маҳсулотни кўрсатиш, шунинг билан аниқлаш ва қўшимчаларни қўшиш жараёнини тезлаштириш.

Спираль даврининг асосий муаммоси – кейинги босқичга ўтишни вақтини (момент) аниқлаш. Уни ечиш учун фойдаланиш даврининг ҳар бир босқичига вақтинчалик чекловлар киритиш зарур. Ҳатто ҳамма режалаштирилган ишлар битмасдан туриб, кейинги этапга ўтиш режага асосан оширилади. Режа олдинги лойиҳалардан олинган ва ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий тажрибасидаги статистик маълумотларга асосан тузилади.

Фойдаланиш даврининг спиралли модели доирасида дастурий таъминот ишланмасига мумкин бўлган ёндашувлардан бири бўлиб ҳозирги кунда кенг тарқалган дастурни тезкор ишлаб чиқиш методологияси RAD (Rapid Application Development) ҳисобланади. Бу атама остида одатда 3 та элементдан ташкил топган дастурий таъминотни ишлаб чиқиш жараёни тушунилади:

- ✓ кичик дастурчалар гуруҳи (2-10гача);
- ✓ қисқа ва аниқ тузилган ишлаб чиқариш графиги (2-6 ой);
- ✓ такрорланувчи цикл.

Бунда дастур қолибга келиши билан ишлаб чиқарувчилар буюртмачи билан ҳамкорликда олинган маҳсулот талабларини амалга оширадилар.

RAD методологияси бўйича дастурий таъминотнинг фойдаланиш фаври 4 та бўлинмадан (фазадан) ташкил топган:

- 1) талаб ва таклифни аниқлайдиган бўлинма;
- 2) лойиҳалаштириш бўлинмаси;
- 3) амалга ошириш бўлинмаси;
- 4) тадбиқ этиш бўлинмаси.

6. МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ

6.1. Маълумотлар базаси турлари ва уларнинг ахборот тизимларини қуришдаги роли

РЕЖА:

6.1.1. Маълумотлар базаси тушунчаси.

6.1.2. Маълумотлар базасининг моделлари турлари.

6.1.3. Маълумотлар базасини бошқариш тизимларида ишлаш технологияси.

Ушбу бобда маълумотлар базаси, маълумотлар ва ахборотлар ҳақида тушунчалар тўлиқ келтириб ўтилган. Маълумотлар базаси – бу маълумотлар тўплами бўлиб, турли хил ташкилий услубларга йўл очиш (доступ) ва бу маълумотлардан фойдаланиш тушунилади.


6.1.1. Маълумотлар базаси тушунчаси.

База бу – ишлов берилмаган элементлар бўлиб, уларнинг ичига матн, сон, тасвир, аудио ва видеолар кириши мумкин. Масалан, матн клавиатурада киритилади, овоз компьютер микрофони орқали, фототасвирлар рақамли камера, видео ва унинг овози эса рақамли видеокамера орқали ёзилади ҳамда компьютернинг хотирасига сақланади.

Ахборот – бу ишлов берилган маълумотдир. Аниқроғи ташкилий, аниқ, сифатли ва фойдали маълумотлардир. Ундан ташқари ахборот ҳужжатлари аудио кўринишида, тасвир ва видео кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, мулоқот алоқаси (яъни ёзилган овоз) электрон хат шаклида, дўстга, оила аъзоларига уларни эшитиш учун юборилган бўлиши мумкин. Яна бир мисол,

дўстлар рақамли камерада олинган фоторасмни Веб саҳифада кўриши мумкин. Веб камерада реал вақт режимида видео конференция шаклида кўриб, гаплашиш мумин бўлади.

Компьютерлар ахборотларни маълумотлар базаси асосида ишлов беради. Масалан, университетнинг маълумотлар базаси деганда, ўқув хоналари, ўқув фанлари, ўқув соатлари, ўқитувчилар ва талабалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи база тушунилади. Талаба дарсга келганда, базани бошқарувчи махсус ходим компьютерга бир нечта элементлар киритиб, уни дарсга киришига рухсат беради. Махсус ходим ундан ташқари талабанинг фототасвирини компьютерга киритиш учун рақамли камерадан ҳам фойдаланади. Бу талаба ҳақидаги расм ва бошқа маълумотлар компьютернинг асосий хотира қуримаси каттиқ диск (HDD)да сақланади. Кейин эса компьютер янги ишлов берилган талаба ҳақидаги маълумотни чоп этиш учун принтерга юборади (6.1-расм). Талабанинг ID рақами шахсини тасдиқловчи ҳужжати яқунлангандан кейин маълумотлар базасини бошқариш дастурий таъминоти ёрдамида дискнинг магнит йўлагиди кодировка қилинади. Ушбу дастур маълумотлар базасини бошқариш тизими (МББТ) дейилади. Ушбу дастурда маълумотларни қўшиш, модификация қилиш, базадан уларни ўчириш, маълумотлар базаси бўйича шакл (форма) ва ҳисобот (отчет) тайёрлаш мумкин бўлади. Бу дастурнинг янги версиялари ва уларнинг афзаллик жиҳатларини қуйида келтириб ўтилган.



6.1-расм.

Янгиталабанингмаълумотларигамахсусдастурёрдамидаишловбериб, унгадаргакиришиучунрухсатномабериши.

Ҳеч бир инсон инкор қилолмайдики, ҳозирги кунда ахборот технологиялари асрида яшаймиз. Ваҳоланки, ўзимизга тегишли ёки иш фаолиятимизга тегишли кўпгина ахборотларни электрон тарзда олиб юрамиз. Қолаверса, дунё аҳолисининг каттагина қисми кундалик ҳаётда улкан ҳажмдаги ахборотлар мажмуи бўлган интернет тармоғидан фойдаланади. Биз фойдаланадиган ахборот ҳажми катталашиб борган сари уни бошқариш мураккаблашиб бораверади.

Савол келиб чиқиши табиийки, қандай қилиб интернет тармоғидаги кидирув сайтлари биз қидирган ахборотни секундлар ичида минглаб муқобиллари билан бирга топиб беради? Қандай қилиб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламидан иборат электрон ахборот тизимлари бизнинг сўровга мос ҳужжатларни бир лаҳзада топиб беради? Жавоб оддий, буларнинг ҳаммаси берилганлар базасини бошқариш тизимлари (кейинги ўринларда БББТ) орқали амалга оширилади. БББТ учун кўп дастурий таъминотлар ишлаб чиқилган, мисол учун SQL Server, Oracle, MySQL, MS Access ва ҳ.к.

6.1.2. Маълумотлар базасининг моделлари турлари.

МБ битта ёки бир неча моделларга асосланган бўлиши мумкин. Ҳар қандай моделга узининг хоссалари (параметрлари) билан тавсифланувчи объект сифатида қараш мумкин. Шундай объект устида бирор амал (иш) бажарса бўлади. МБ моделларининг учта асосий турлари мавжуд:

Реляцион, иерархик ва семантик тармоқ.

Реляцион (лотин тилидаги relatio-муносабат сўзидан олинган) моделда маълумотларни сақлаш уни ташкил этувчи қисмлари орасидаги муносабатларга асосланган. Энг содда ҳолда у икки улчовли массив ёки жадвалдан иборат бўлади. Мураккаб ахборот моделлари ана шундай жадвалларнинг ўзаро боғланган тўпламидан иборат.

МБнинг ***иерархик*** модели пастки поғонадаги юқори поғонадагига бўйсиниш тартибида жойлашган элементлар тўпламидан иборат бўлади ва ағдарилган дарахт(граф)ни ташкил этади. Ушбу модель ***сатх,тугун,боғланиш*** каби параметрлар билан тавсифланади. Унинг ишлаш тамойили шундайки, куйи сатхдаги бир неча тугунлар боғланиш ёрдамида юқорироқ сатхдаги битта тугун билан боғланган бўлади. Тугун- бу иерархиянинг берилган сатхда жойлашган элементнинг ахборот моделидир.

МБнинг семантик тармоқ модели иерархик моделга ухшашдир. У ҳам тугун, сатх, боғланиш каби асосий параметрларга эга. Лекин семантик тармоқ моделида турли сатхдаги элементлар орқали «эркин», яъни «ҳар бири ҳамма билан» маъноли боғланиш қабул қилинган.

Кўпчилик МБлар жадвал тузилмасига эга. Унда маълумотлар адреси сатр ва устунлар кесишмаси билан аникланади. МБда устунлар-***майдонлар***, сатрлар эса ***ёзувлар*** деб аталади. Майдонлар МБнинг тузилмасини, ёзувлар эса, унда жойлашган маълумотларни ташкил этади.

Майдонлар-МБ тузилмасининг асосий элементларидир. Улар маълум хусусиятларга эга бўладилар. Ҳар қандай майдоннинг асосий хусусияти унинг ***узунлигидир***. Майдон узунлиги ундаги белгилар сони билан ифодаланади.

Майдоннинг яна бир хусусияти, унинг ***номидир***. Майдонда унинг номидан ташқари яна ***имзо***хусусияти ҳам мавжуд. Имзо-устуннинг сарлавҳасида акс эттириладиган ахборотдир. Уни майдон номи билан аралаштириб юбормаслик лозим. Агар имзо берилмаган бўлса сарлавҳада майдон номи ёзиб қуйилади. Турли типдаги майдонлар турли мақсадларда ишлатилади ва турли хоссаларга эга бўлади.

Майдонларнинг хусусияти билан танишиб чиқамиз:

1. **Оддий матн майдони.** Белгилар сони 255 дан ошмаслиги керак.
 2. **МЕМО-катта улчамли матн майдони.** Белгилар сони 65535дан ошмаслиги шарт. Оддий матн ва МЕМО майдонида ҳисоб ишларини бажариб бўлмайди.
 3. **Сонли майдон.** Сонли маълумотларни киритишга хизмат килади ва ҳисоб ишларини бажаришда фойдаланилади. Бу майдон 1,2,4,8 ва 16 байтли бўлиши мумкин.
 4. **Сана ва вақт майдони.** Бу майдон сана ва вақтни бичимланган ҳолда сақлаб қўйиш имконини беради (01.06.01 20:29:59). 8байт улчамга эга.
 5. **«Пул бирлиги» номи билан аталувчи майдон.** Бу майдондан ҳисоб китоб ишларини юритишда фойдаланилади.
 6. **Ҳисоблагич майдони.** Бу майдон 4 байт узунликка ва автоматик равишда маълум сонга ошиб бориш хусусиятига эга. Ушбу майдондан ёзувларни номерлашда фойдаланиш қулайдир.
 7. **Мантиқий амал натижасини сакловчи майдон.** Бу майдон «рост» (true) ёки «ёлғон» (false) қийматни сақлайди. Майдон ўлчами 1байт.
 8. **OLE-номи билан юритувчи майдон.** Бу майдон Excel жадвалини, Word хужжатини, расм, овоз ва бошқа шу каби маълумотларни иккилик санок системасида сақлайди. Майдон ўлчами 1Гбайтгача.
 9. **Гиперссилка майдони.** Бу майдон белги ва сонлардан иборат булиб, бирор файл ёки сайтга йул курсатади.
 10. **Қийматлар руйхатидан иборат булган майдон.** Бу майдон бир қанча қийматлардан иборат бўлган руйхатдан танланган аниқ бир қийматни сақлайди.
- Жадваллар орасидаги муносабатлар ишончли ишлаши ва бир жадвалдаги ёзув оркали иккинчи жадвалдаги ёзувни топиш учун жадвалда алохида майдон-**уникал майдон** булишини таъминлаш керак.
- Уникал майдон**-бу қийматлари такролланмайдиган майдондир.
- Мисол сифатида талабалар хақидаги маълумотларни сакловчи маълумотлар омборининг бир қисмини келтирамиз.

Майдон номи	Майдон хусусияти	Майдон хажми
Талабанинг базадаги ўрни	Ҳисоблагич майдони	4 байт
Талаба Ф.И.Ш.	Оддий матнли майдон	255 белги
Талабанинг туғилган жойи хақида	Оддий матнли майдон	255 белги
Талабанинг туғилган куни	Сана ва вақт майдони	8 байт
.....	
Талабанинг курси	Қийматлар руйхатидан иборат булган майдон	
Талабанинг расми	OLE-номи билан юритилувчи майдон.	1Г байт
Талаба хақида қўшимча	МЕМО-катта ўлчамли	65535 белги

маълумотлар	матн майдони	
-------------	--------------	--

6.1.3. Маълумотлар базасини бошқариш тизимларида ишлаш технологияси.

Аввало маълумотлар базасини яратиш босқичларини аниқлаб олайлик. Бунда куйдаги босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1.Муаммонинг қўйилиши.

Бу босқичда МБни яратиш учун вазифа шакллантирилади. Унда базанинг таркиби, нима учун ишлатилиши, яратиш мақсади батафсил баён этилади. Шунингдек, ушбу МБда қандай турдаги ишларни бажариш мўлжалланаётганлиги (ташлаш, қўшиш, маълумотларни ўзгартириш, хисоботни экранда чиқариш ёки чоп этиш ва ҳақозо) санаб ўтилади.

2.Объектнинг тахлили.

Бу босқичда МБқандай объектлардан тузилиши мумкинлиги ва уларнинг хусусиятлари, яъни объект қандай параметрлар билан аниқланиши кўриб чиқилади. Барча маълумотларни алоҳида ёзувлар ёки жадваллар кўринишида жойлаштириш мумкин. Шундан сўнг ҳар бир алоҳида ёзув бирлигининг тури (матнли, сонли ва ҳоказо) аниқланади.

3. Модель синтези.

Бу босқичда юқоридаги тахлил асосида МБ модели танланади (Реляцион, иерархик, тармокли). Ҳар бир моделнинг ютуқлари, камчиликлари аниқланиб, яратилаётган МБнинг 1-босқичда қўйилган талабларга жавоб бериш-бермаслиги, қўйилган масалани ечиш имкониятига эга бўлиши кўриб чиқилади. Модель танлангандан сўнг унинг схемаси жадваллар ва тугунлар орасидаги боғланишлар кўрсатилган ҳолда чизиб чиқилади.

4. Ахборотни тасвирлаш усуллари, дастурий ускуна.

Модель яратилгандан сўнг дастурий маҳсулотга боғлиқ ҳолда ахборотни тасвирлаш усулини аниқлаб олиш керак. Кўпчилик МББТда маълумотларни икки хил кўринишда сақлаш мумкин:

- шакллардан фойдаланиб;
- шакллардан фойдаланмасдан;

Шакл-фойдаланувчи тамонидан базага маълумотларни киритиш учун яратилган график интерфейсдир.

5.Объектнинг компьютер мобелининг синтези ва уни яратиш технологияси.

Танлаб олинган дастурий маҳсулотнинг ускунавий имкониятларини кўриб чиқиб, компьютерда МБни бевосита яратишга киришиш мумкин. МБнинг компьютер моделини яратиш жараёнида ҳар қандай МББТ учун типик булган айрим босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а)МББТни ишга тушириш, МБнинг янги файлини яратиш ёки олдиндан яратилган базани очиш.

б)дастлабки жадвални ёки жадвалларни яратиш:

в)экран шакллари яратиш:

г)МБни тўлдириш.

МБни тўлдириш икки кўринишда олиб борилади: Бунда сонли ва матнли майдонларни жадвал кўринишида, MEMO ва OLE туридаги майдонларни шакл кўринишида тўлдириш лозим.

6.Яратилган МБ билан ишлаш.

МБ билан ишлаш деганда қуйидаги имкониятлар назарда тутилади:

- керакли ахборотларни излаш;
- маълумотларни сақлаш;
- Маълумотларни танлаб олиш;
- чоп этиш;
- Маълумотларни ўзгартириш ва тўлдириш.

МБ яратиш босқичлари ва унда ишлаш тамоиллари билан қуйида Microsoft Access МББТ мисолида танишиб чиқамиз.

МББТ билан ишлаганда экранга ишчи майдон ва бошқарув панели чиқарилади. Бошқарув панели менюси, ёрдамчи бошқарув соҳасини ва ёрдам бериш сатрини ўз ичига олади. Уларнинг экранда жойлашиши турлича бўлиб, конкрет дастур хусусиятларига боғлиқ. Айрим МББТлар экранга директивалар ойнасини (буйруқлар ойнасини) ёки буйруқлар сатрини чиқариш имкониятига ҳам эга.

МББТнинг муҳим хусусияти-айрим амалларни бажариш учун оралик сақлаш буферидан фойдаланишидир. Алмашиш буфери нусхалаш ёки кўчириш амалларини бажаришда нусха олинаётган ёки кўчирилаётган маълумотларни вақтинча сақлаб туриш учун ишлатилади. Маълумотлар йўқотилгандан сўнг ҳам улар буферга жойлаштирилади ва янги маълумотлар қисми ёзулгунча у ерда сақланиб туради.

МББТ дастурлари етарли сондаги буйруқларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирида турли параметрлар (опциялар) бўлишин. Буйруқларнинг бундай тизими қўшимча опциялари билан биргаликда МББТнинг ҳар бир тури учун ўзига хос менюни ташкил этади. Менюдан бир буйруқни танлаш қуйидаги икки усулдан бири орқали амалга оширилиши мумкин:

-курсорни бошқариш тугмачалари ёрдамида танланган буйруқ устига олиб бориш ва ENTERтугмачасини босиш.

-танланган буйруқнинг биринчи ҳарфини клавиатурадан киритиш.

МББТларнинг ўзига хос хусусиятларига қарамасдан, фойдаланувчи ихтиёрига бериладиган буйруқлар тўпламини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- файллар билан ишлаш буйруқлари;
- тахрирлаш буйруқлари;
- бичимлаш буйруқлари;
- ойналар билан ишлаш буйруқлари;
- МББТ нинг асосий ҳолатларида (жадвал, шакл, ҳисобот, суров) ишлаш буйруқлари;
- қўшимча маълумот олиш буйруқлари.

МББТ билан ишлашни қуйидаги унумлашган технология асосида олиб бориш мумкин.

МБ жадвалларининг тузилмасини яратиш

МБ нинг янги жадвалини шакиллантириш МББТ билан ишлаган жадвал тузилмасини яратишдан бошланади. Ушбу жараён майдонлар номларини, уларининг турлари ва ўлчамларини аниқлашни ўз ичига олади.

Маълумотларни киритиш ва тахрирлаш

Деярли барча МББТлар жадвалларга маълумотлар киритиш ва уларни тахрирлашга имкон беради. Бу ишларни икки усулда бажариш мумкин:

- жадвал кўринишда таклиф этиладиган стандарт шакллар ёрдамида;
- фойдаланувчи томонидан махсус яратилган экранли шакллар ёрдамида.

Жадвалдаги маълумотларга ишлов бериш

МБ жадвалларидаги маълумотларга сўровларни ишлатиш йўли билан ёки махсус ишлаб чиқилган дастурни бажариш жараёнида ишлов бериш мумкин. «Запрос» (Сўров) деганда ёзувларни танлаш учун бериладиган кўрсатма тушинилади. Сўровни бажариш натижасида вақтга боғлиқ маълумотлар тўплами (динамик тўплам)дан иборат жадвал ҳосил бўлади. Динамик тўпламнинг ёзувлари бир ёки бир неча жадвалдан иборат майдонларни ўз ичига олиши мумкин. Сўров асосида ҳисобот ёки шаклни тузиш мумкин.

МБдан ахборотни чиқариш

Ҳар қандай МББТ компьютер экранига ёки чоп этиш қурилмасига «Таблицы» (Жадваллар)ёки «формы» (шакллар) ҳолатларидан МБдаги маълумотни чиқаришга имкон беради. МББТ билан ишлаётган фойдаланувчи маълумотларни чиқариш учун ҳисоботларни тузишнинг махсус воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Назорат саволлари:

1. Маълумотлар базаси нима?
2. Маълумотлар базасида маълумот тури (Тип данных) қандай танланади?
3. Маълумотлар базасининг қандай модел турлари мавжуд?
4. МББТ деганда нимани тушунасиш?

6.2. MS Access маълумотлар базасида қишлоқ хўжалик жараёнларига оид маълумотлар базасини яратиш

РЕЖА:

6.2.1. MS Access дастури интерфейси.

6.2.2. MSAccess дастурининг меню қатори имкониятлари.

6.2.3. MSAccess дастурида фермер хўжалигининг маълумотлар базасини яратиш.

MS Access дастури MS Office дастурлари туркумига кирувчи, берилганлар базаси билан ишловчи дастур. Ўқувчи томонидан биринчи савол туғилиши мумкин, “Берилганлар базаси нима?”. Берилганлар базаси – айна

бир соҳага тегишли бўлган, керакли, тартибланган, структуралаштирилган қийматлар, кўрсаткичлар тўплами. MS Access дастури эса шу берилганларни қайта ишлайди. Ҳар қандай берилганлар базаси билан ишловчи дастурларни асосини жадваллар ташкил қилади, шу жумладан MS Access дастурини ҳам. Демак, MS Access дастурида берилганлар базасини яратиш деганда даставвал жадваллар яратиб олишни назарда тутамиз, кейин эса шу жадваллардаги маълумотлар билан ишлаш қулай бўлиши учун дастурнинг бошқа имкониятларидан фойдаланамиз.

MS Access дастури ёрдамида яратилган файллар, яъни берилганлар базалари *.accdb кенгайтмага эга бўлади.

MS Access дастури ёрдамида қуйидаги объектларни яратиш мумкин:

1. Жадвал (Таблица)
2. Сўров (Запрос)
3. Форма (Форма)
4. Ҳисобот (Отчёт)
5. Макрос (Макрос)
6. Модул (Модул)


MS Access дастури интерфейси

MS Access дастури Пуск→Все программы→Microsoft Office→Microsoft Access буйруқлар кетма кетлигини бажариш орқали ишга туширилади. Ва дастлаб иш столини расмдаги кўрсатилган ойна эгаллайди (6.2-расм). 6.2-расмда кўрсатилган 3- буйруғини танлаш орқали янги берилганлар базаси яратилади ва дастурда яратилган файллар фойдаланувчи томонидан ном берилмаса келишув бўйича База данных1, База данных2, База данных3... каби ном олади (6.3-расм). MS Access дастурининг асосий ишчи ойнаси қуйидаги бош менюдан ташкил топган (6.4-расм).

1. Файл
2. Главная
3. Создание
4. Внешние данные
5. Работа с базами данных
6. Поля
7. Таблица




6.2-расм. MS Access дастурига кириш.




6.3-расм. MS Access дастурига маълумотни сақлаш.

Юқоридаги асосий менюлардан ташқари, MS Access объектлари билан ишловчи қўшимча менюлари ҳам мавжуд, улар ҳақида дастур объектлари билан ишлашни ўрганадиган параграфларда берилади.²⁴



6.4–расм. MS Access дастурининг асосий ишчи ойнаси

²⁴Discovering Computers 553-556 бетлар




6.5-рasm. ФАЙЛ менюси.

6.2.1. MSAccess дастурининг меню қатори имкониятлари.


ГЛАВНАЯ менюси

ГЛАВНАЯ менюси танланганда ускуналар панели куйидаги кўринишни олади (6.5-рasm).




6.6-рasm.ГЛАВНАЯ менюси

MS Access дастурининг ҳар бир менюсига мос ускуналар панели бор ва панелдаги ускуналар бажарадиган функциясига кўра ускуналар гуруҳларига ажратилган. Улар куйидагилардан иборат.




6.7-рasm Ишлаш тартиби

ГЛАВНАЯ менюси Режимы ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1-режим буйруғи орқали айна вақтда ишланаётган объектнинг конструктор режимига ўтиш мумкин ва аксинча конструктор режимидан фойдаланувчи режимига ўтиш мумкин.




6.8-расм Буфер обмен бўлими

ГЛАВНАЯ менюси Буфер обмена ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1- буйруғи айти вақтда буферда сақланган (нусхаланган) матн ёки объектни мумкин бўлган жорий соҳага ўрнатади. 2- буйруғи белгиланган матн ёки объектни қирқиб олиб буферга жойлайди. 3- буйруғи белгиланган матн ёки объектни нусхасини буферга жойлайди. 4- буйруғи белгиланган матнни форматидан(ёзув қалинлиги, ўлчами ва бошқа параметрларидан) нусха олади.



6.9-расм Саралаш ва фильтр бўлими


ГЛАВНАЯ менюси Сортировка и фильтр ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1- буйруғи орқали айти вақтда курсор қайси майдонда (устунда) турган бўлса, шу устундаги маълумотларни гуруҳлайди ва фойдаланувчи эҳтиёжига кўра бирор бир гуруҳларни саралаб кўриш имконини беради (6.4-расм), мисол учун:



6.10-расм Саралаш ва фильтр имкониятлари


Бу ерда курсор жадвалнинг исми майдонида тургани учун бизга шу майдон берилганлари бўйича баъзиларини танлаб кўриш имконини бери. 2- буйруғи орқали курсор турган майдондаги берилганларни матн турида бўлса алфавит бўйича (лотин алфатини А дан З гача, кирилл алфавитини А дан Я гача), ҳақиқий сон турида бўлса майдондаги энг кичик сондан энг катта сон томон ўсиш бўйича тартибланиш имконини беради. 3- буйруғи орқали курсор

турган майдондаги берилганларни матн турида бўлса алфавит бўйича (лотин алфатини З дан А гача, кирилл алфавитини Я дан А гача), ҳақиқий сон турида бўлса майдондаги энг катта сондан энг кичик сон томон камайиш бўйича тартибланиш имконини беради. 4- буйруғи орқали 2 ва 3- буйруқларда қўлланган тартибларни бекор қилиш мумкин. 5- буйруғи орқали айни вақтда курсор турган катакдаги берилган қийматга тенгларни, тенг эмасларни, таркибида шу қиймат мавжудларни, таркибида шу қиймат мавжуд эмас ёзувларни саралаб беради. 6- буйруғи орқали барча қўлланган саралашларни бекор қилиш, кенгайтирилган саралаш, қўлланган саралашни сўров объекти кўринишида сақлаш имкониятларидан фойдаланишимиз мумкин. 7- буйруғи орқали охириги қўлланган саралашни бекор қилиш ёки охириги бекор қилинган саралашни яна қўллаш мумкин.




6.11-расм Ёзувларни бошқариш бўлими

ГЛАВНАЯ менюси Записи ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1- буйруғи орқали айни вақтда ишланаётган объект берилганларни бошқа берилганлар базасига ҳолда оладиган бўлса, ўша ташқи берилганлар базасидаги охириги ўзгаришларни объектга жорий қилади. 2- буйруғи жадвалга янги ёзув қўшиш имконини беради. 3- буйруғи орқали объектдаги ёки объект элементидаги охириги ўзгаришлар сақланади. 4- буйруғи орқали объект элементини, жадвал ёзувини, жадвал майдонини ўчиришимиз мумкин. 5- буйруғи орқали жадвалга жамловчи ёзув қўшилади ва ёзув элементларига ҳар бир майдоннинг статистик кўрсаткичларини чиқаришимиз мумкин (мисол учун: майдондондаги энг катта қиймат, энг кичик қиймат, ўртача қиймат, ёзувлар сони). 6- буйруғи орқали жадвалдаги барча берилганларни орфографик хатоликларини излайди ва тузатиш имконини беради. 7- буйруғи орқали майдонларни фойдаланувчига кўринмайдиган қилиб яшириш, жадвал устунлари эинини созлаш, жадвал сатрлари қалинлигини созлаш, фойдаланувчига кўринмайдиган қилиб яширилган майдонларни кўрсатиш, бир неча майдонларни ҳар доим кўриниб турадиган қилиб белгилаш амалларини бажариш мумкин.



6.12-расм Қидирув бўлими

ГЛАВНАЯ менюси Найти ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1- буйруғи орқали айти вақтда ишланаётган фойдаланувчи режимидаги объект берилганлари ичидан қидириш имконини беради. 2- буйруғи орқали айти вақтда ишланаётган фойдаланувчи режимидаги объект берилганлари ичидан қидириш ва топиш қийматни бошқасига алмаштириб чиқиш имконини беради. 3-буйруғи орқали айти вақтда ишланаётган фойдаланувчи режимидаги объект ёзувларининг биринчисига, охиригисига, кейингисига, олдингисига ўтиш имконини беради. 4 буйруғи орқали айти вақтда ишланаётган фойдаланувчи режимидаги объектнинг курсор турган ёзувини ёки барча ёзувини белгилаш имконини беради.




5.13-расм Матни форматлаш бўлими

ГЛАВНАЯ менюси Форматирования текста ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1- буйруғи орқали танланган объектдаги элементларни шрифт рангини, орқа фони рангини ва шрифт маркери рангини ўзгартириш мумкин. 2- буйруғи орқали шрифт турини ўзгартиришимиз мумкин. 3- буйруғи орқали шрифтни қалин, курсив, так чизикли форматга келтириш ёки ушбу форматларни бекор қилиш мумкин. 4- буйруғи орқали қаторлардаги отступни катталаштириш ёки камайтириш мумкин. 5- буйруғи орқали матни майдоннинг чап томонига созлаш мумкин. 6- буйруғи орқали матн шрифти катталиги созланади. 7- буйруғи орқали бирор объектдаги рўйхатларни маркерлашимиз ёки ҳар бир қаторни номерлашимиз мумкин. 8- буйруғи орқали жуфт ўринда турган ёзувлар (қаторлар) орқа фонига алоҳида ранг беришимиз мумкин. 9- буйруғи орқали объектларнинг бирор элементидаги ёзувни ўнгдан чапга, чапдан ўнгга, ўртага созлашимиз мумкин. 10- буйруғи орқали жадвалнинг чегаравий чизикларини олиб ташлаш мумкин.


СОЗДАНИЕ менюси

СОЗДАНИЕ менюси танланганда ускуналар панели қуйидаги кўринишни олади (6.14-расм).




6.14-расм.СОЗДАНИЕ менюси

Ушбу ускуналар панелини лентасида дастурнинг асосий объектларини яратишда қўлланиладиган бўлимлар мавжуд.




6.15-расм Тайёр шаблонлар бўлими

СОЗДАНИЕ менюси Шаблоны ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1- буйруғи орқали бир нечта мавзуларга оид тайёр жадвал ёки форма намуналаридан бирини танлаш орқали жадвал ёки форма ҳосил қилишимиз мумкин.




6.16-расм Жадваллар бўлими

СОЗДАНИЕ менюси Таблицы ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали жадвал режимида жадвал яратилади. 2 буйруғи орқали конструктор режимида жадвал яратилади. 3 буйруғи орқали тайёр шаблон жадваллар рўйхатидан фойдаланишингиз мумкин. (жадваллар билан ишлаш параграфида кенгрок ёритилган)




6.17-расм Сўровлар бўлими

СОЗДАНИЕ менюси Запросы ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали Мастер режимида қуйидаги 4 турдаги сўровларни осон яратиш мумкин: 1) оддий сўров, 2) кесишмали сўров, 3) такрорланувчи ёзувларни танлаб берувчи сўров, 4) бўйсунувчи жадвални юқори турувчи жадвал билан солиштирувчи. 2 буйруғи орқали конструктор режимида сўров яратилади. (сўровлар билан ишлаш параграфида кенгрок ёритилган)



5.18-расм Шакллар бўлими


СОЗДАНИЕ менюси Формы ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали MS Access нинг ҳар қандай танланган объектини (макрос ва модул объектлари бундан мустасно) барча майдонларидан фойдаланган ҳолда форма яратиш имконини беради. 2 буйруғи орқали линейка ва катакли бўш форма яратилади. 3 буйруғи орқали бўш форма яратилади. 4 буйруғи орқали MS Access нинг ҳар қандай танланган объектини (макрос ва модул объектлари бундан мустасно) танланган майдонларидан фойдаланган ҳолда форма яратиш имконини беради. 5 буйруғи орқали кўп ойнали(вкладкали) формалар яратилади. 6 буйруғи орқали MS Access нинг ҳар қандай танланган объектини (макрос ва модул объектлари бундан мустасно) барча майдонларидан фойдаланган ҳолда кўп элементли, бўлимларга бўлинган, жадвалсимон, модал формалар яратиш имконини беради. (формалар билан ишлаш параграфида кенгрок ёритилган)



6.19-расм Ҳисоботлар бўлими

СОЗДАНИЕ менюси Отчеты ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали MS Access нинг ҳар қандай танланган объектини (макрос ва модул объектлари бундан мустасно) барча майдонларидан фойдаланган ҳолда ҳисобот яратиш имконини беради. 2 буйруғи орқали линейка ва катакли бўш ҳисобот яратилади. 3 буйруғи орқали бўш ҳисобот яратилади. 4 буйруғи орқали MS Access нинг ҳар қандай танланган объектини (макрос ва модул объектлари бундан мустасно) танланган майдонларидан фойдаланган ҳолда ҳисобот яратиш имконини беради. 5 буйруғи орқали жадвал ёки сўров объектидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳар хил ўлчамдаги карталар (визитка, таклифнома,

бейджик) тайёрлаш мумкин. (ҳисоботлар билан ишлаш параграфида кенгрок ёритилган)




6.20-расм Макрос ва кодлар бўлими


СОЗДАНИЕ менюси Макросы и код ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали бир нечта макрокомандалардан иборат макрослар яратишимиз мумкин. 2 буйруғи орқали Visul Basic дастурлаш тилидан фойдаланган ҳолда модул яратилади. 3 буйруғи орқали Visul Basic дастурлаш тилидан фойдаланган ҳолда синф (класс) яратилади. 4 буйруғи орқали Visul Basic дастурлаш тили ойнаси очилади. (макрослар ва модулар билан ишлаш параграфларида кенгрок ёритилган)

Внешние Данней менюси

Внешние Данней менюси менюси танланганда ускуналар панели куйидаги кўринишни олади (6.21-расм).




6.21-расм Внешние Данней менюси



6.22-расм Импорт ва алоқа бўлими

ВНЕШНИЕ ДАННЫЕ менюси Импорт и связи ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали бошқа ташқи жадваллар билан боғлаш жараёнини ҳар бир қадамини сақлаб қўйган бўлсангиз, барча сақланганларни кўриш, импорт жараёнини қайта бажариш имконини беради. 2 буйруғи орқали, агарда яратилган берилганлар базаси таркибида бошқа жадваллар (*.xls, *.xlsx, *.txt, *.mdb, *.accdb кенгайтмали файллар) билан бевосита боғланган ҳолда ишловчи жадваллар мавжуд бўлса, шу жадваллар берилганларини ташқи жадвалдаги ўзгаришларга мос равишда янгилайди. 3 буйруғи орқали *.xls, *.xlsx кенгайтмали MS EXCEL дастурида яратилган жадвалларни кўчириб олиб ёки улар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишловчи жадваллар яратишимиз мумкин. 4 буйруғи орқали *.mdb, *.accdb кенгайтмали

MS Access дастурида яратилган жадвалларни кўчириб олиб ёки улар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишловчи жадваллар яратишимиз мумкин. 5 буйруғи орқали *.mdb, *.accdb, *.xls, *.txt, *.db, кенгайтмали берилганлар базаси билан ишловчи дастурларда яратилган жадвалларни кўчириб олиб ёки улар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишловчи жадваллар яратишимиз мумкин. 6 буйруғи орқали *.txt кенгайтмали матн таҳрирловчи дастурларда (Блокнот, NotePAD, AkelPad...) ёзилган матнларни жадвал кўринишида кўчириб олиб ёки улар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишловчи жадваллар яратишимиз мумкин. 7 буйруғи орқали *.xml кенгайтмали матн таҳрирловчи дастурларда (Блокнот, NotePAD, AkelPad...) ёзилган матнларни жадвал кўринишида кўчириб олиб жадвал яратишимиз мумкин. 8 буйруғи орқали *.html кенгайтмали матн таҳрирловчи дастурларда (Блокнот, NotePAD, AkelPad...) ёзилган веб саҳифаларни жадвал кўринишида кўчириб олиб ёки улар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишловчи жадваллар яратишимиз мумкин.




6.23-рasm экспорт бўлими


ВНЕШНИЕ ДАННЫЕ менюси экспорт ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали бошқа ташқи файлларга экспорт жараёнини ҳар бир қадамни сақлаб қўйган бўлсангиз, барча сақланганларни кўриш, экспорт жараёнини қайта бажариш имконини беради. 2 буйруғи орқали яратилган берилганлар базасининг ихтиёрий объектини (макрос ва модул объектлари бундан мустасно) MS EXCEL дастурига экспорт қилишимиз мумкин. 3 буйруғи орқали яратилган берилганлар базасининг ихтиёрий объектини (макрос объектлари бундан мустасно) матн таҳрирловчи дастурларга (Блокнот, NotePAD, AkelPad...) экспорт қилишимиз мумкин. 4 буйруғи орқали яратилган берилганлар базасининг ихтиёрий объектини (макрос объекти бундан мустасно) *.xml кенгайтмали кўринишга ўтказишимиз мумкин. 5 буйруғи орқали яратилган берилганлар базасининг ихтиёрий объектини (макрос ва модул объектлари бундан мустасно) *.pdf кенгайтмали кўринишга ўтказишимиз мумкин. 6 буйруғи орқали яратилган берилганлар базасининг ихтиёрий объектини (макрос объекти бундан мустасно) электрон почта янги хат майдонига бириктириб беради. 7 буйруғи орқали яратилган берилганлар базасининг ихтиёрий объектини MS Access дастурида яратилган бошқа берилганлар базасига экспорт қилишимиз мумкин. 8 ва 9 буйруқлари орқали яратилган берилганлар базасининг ихтиёрий объектини (макрос объекти бундан мустасно) MS WORD, бошқа БББТ (Oracle, MySQL, SQL Server...) дастурларига экспорт қилиш ва *.html кенгайтмада сақлаш имконини беради.

Работа с Базами Данных менюси

Работа с базами данных менюси танланганда ускуналар панели куйидаги кўринишни олади (6.24-расм).




6.24-расм. Работа с базами данных менюси




6.25-расм Сервис бўлими

Работа с базами данных менюси Сервис ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали яратилган берилганлар базасидаги барча ўзгаришларни сақлаган ҳолда MS Access дастурини ўчириб, қайта ишга туширишни таъминлайди, бу жараён катта берилганлар базаси билан ишланаётганда компьютер ишлашини бир мунча тезлаштиради.




6.26-расм Макрос бўлими

Работа с базами данных менюси Макрос ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали MS Visual Basic дастури ишчи ойнаси очилади. 2 буйруғи орқали ишланаётган берилганлар базасидаги барча макрослар рўтини чиқаради ва сиз ихтиёрий бир макросни танлаб ишга туширишингиз мумкин.



6.27-расм Алоқалар бўлими

Работа с базами данных менюси Отношения ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали ишланаётган берилганлар базасидаги жадваллар орасидаги боғлиқликни тасвирлаб қўйиш мумкин. 2 буйруғи орқали танланган объектга боғлиқ бўлган барча объектлар рўйхатини кўриш мумкин.



6.28-рasm Таҳлил бўлими

Работа с базами данных менюси Анализ ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали танланган объект ёки объектлар гуруҳи ҳақидаги барча маълумотларни(яъни объектдаги мавжуд майдонлар, майдоннинг тури ва ҳ.к.) ҳисоботини кўриш ва чоп этиш имконини беради. 2 буйруғи орқали жорий берилганлар базасини яратилишида йўл қўйилган камчиликлар ҳақида хабар беради ва уларни тузатишга имконият яратиб беради. 3 буйруғи орқали жадвалларни назорат қилиш ва бўлакларга ажратиш мумкин.



6.29-рasm Маълумотларни кўчириш

Работа с базами данных менюси Перемещение данных ускуналар гуруҳи, бу ускуналар гуруҳидаги 1 буйруғи орқали жорий берилганлар базасини бир неча жадвалларини янги берилганлар базасига боғлаб қўйишимиз мумкин, яъни берилганлар базаси берилганларни бевосита бошқа базадан олади, бу Access дастурини тезроқ ишлашига қўмаклашади. 2 буйруғи орқали жорий берилганлар базасини бир неча жадвалларини Share POINT сайтларидаги бирор бир берилганлар базасига боғлаб қўйишимиз мумкин, яъни берилганлар базаси берилганларни бевосита бошқа базадан олади, бу орқали битта базадан тармоқда кўпчилик бирданига фойдаланишига қулайлик туғдиради.

6.2.2. MSAccess дастурида фермер хўжалигининг маълумотлар базасини яратиш.

MS Access дастурининг асосий объекти бўлган жадвал яратиш жараёнини кўрамиз. Дастурда жадвал яратишнинг иккита йўли мавжуд:

- 1) Создание->Таблицы->Таблица
- 2) Создание->Таблицы->Конструктор таблиц

Биз биламизки, одатда жадваллар сатрлар ва устунлардан ташкил топади, берилганлар базасида эса жадвал устуни майдон (поля), сатри эса ёзув (запис) деб номланади. Шундай экан, ҳар бир жадвал бир неча майдон ва бир неча ёзувлардан ташкил топади. Ўз навбатида майдонлар қуйидаги турдаги берилганларни ўзида сақлаши мумкин:

Қисқа матн (Короткий текст) – бу турдаги майдонга 1 тадан 255 тагача белги киритадиган қилиб созлаш мумкин.

Узун матн (Длинный текст) – бу турдаги майдонга 1 Гб гача берилганларни сақлашимиз мумкин.

Сонли (Числовой) – бу турдаги майдонга бутун ёки ҳақиқий, ишорали ёки ишорасиз сонларни сақлашамиз мумкин. Майдон ўлчамини 1, 2, 4, 8, 12 байтли қилиб созлашимиз мумкин.

Сана ва вақт (Дата и время) – бу турдаги майдоннинг ҳар бир элементи хотирадан 8 байт жой эгаллайди ва сана ёки вақт кўринишидаги берилганларни сақлашга мўлжалланган.

Пул қийматли (Денежный) – бу турдаги майдонга пул қийматли берилганларни (сўм ёки бошқа турдаги валюталарни) сақлашамиз мумкин, майдоннинг ҳар бир элементи хотирадан 8 байт жой эгаллайди.

Санагич (Счетчик) – бу турдаги майдоннинг ҳар бир элементи хотирадан 4 байт жой эгаллайди, одатда калитли майдонларда ушбу турдан фойдаланилади, яни такрорланмайдиган қийматларни киритишга хизмат қилади.

Мантиқий (Логический) – бу турдаги майдоннинг ҳар бир элементи хотирадан 1 бит (0,125 байт) жой эгаллайди ва мантиқий қийматларни сақлашда ишлатилади: 0 ёки 1, Да/Нет (Ҳа/Йўқ), Истина/Лож (Рост/Ёлғон), Вкл/Выкл (Ёниқ).



OLE объект майдони (Поле объекта OLE) – бу турдаги майдонга ихтиёрий форматдаги, ҳажми 1 Гбдан катта бўлмаган 1 та файлни жойлаштириш ёки бита файлни боғлиқли қилиб(связанную) қўйиш мумкин ва хоҳлаган пайтда ушбу файлни ўзгартириш учун ёки ўқиш учун очиш мумкин.

Гиперссылка (Гиперссылка) – бу турдаги майдонга 255 тагача ихтиёрий белгилар кетма-кетлигидан иборат берилганни ёзишимиз мумкин ва бу ёзувга ҳажми 2 Гбдан ошмаган веб саҳифа, файл ёки папкаларни очиб берувчи гипермуружаат бириктиришимиз мумкин.

Бирикмали (Вложение) – бу турдаги майдонга ҳар бирининг ҳажми 250 Мбдан ошмаган ва умумий ҳажми 2 Гбдан ошмаган бир нечта (5000 тагача ёки ундан ҳам ортиқ) ҳар хил форматдаги берилганларни бириктиришимиз мумкин.

Юқорида берилганлар турлари билан танишиб чиқдик, бу эса бизга жадваллар яратишга қўл келади. Келинг, тумандаги фермер хўжаликлари бўйича маълумотлар базасини яратишга, шу билан шу соҳанинг умумий вазифасини бир мунча осонлаштиришга, автоматлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Дастлаб 6.1. ва 6.2.-расмларда кўрганимиздек берилганлар базаси сақланадиган жойни кўрсатамиз ва унга “Fermer xujaligi.accdB” номини берайлик. Ҳеч қандай объекти бўлмаган берилганлар базаси яратилди. Энди бир нечта жадваллар яратамиз. Бунинг учун 6-расмдаги таблицы гуруҳидаги ускуналардан фойдаланамиз. Энди аниқлаб олсак фермер хўжалиги учун қандай жадваллар керак бўлади: “Фермер хўжалиги номи”, “Хўжалик раҳбари”, “Хўжаликдаги ишчилар сони”, “Ер майдони”. Ва кейинчалик шу жадваллар устида қайта ишлаб берилганлар базасининг бошқа объектларини яратамиз.



Шундай қилиб, фермер хўжаликларининг маълумотлар базаси тайёрланади. Ушбу базадан фойдаланиб кейинчалик шу хўжалик бўйича умумий ҳулосалар чиқарилади ҳамда таҳлил қилинади. Базага киритиладиган янги маълумотлар ушбу яратилган базани янгиланиб туришини ва доимий

равишда тўлдириб борилишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида фермер хўжалигини ривожлантириш учун хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. MSAccess дастурининг қандай объектлари мавжуд?
2. MSAccess дастурида база яратиш учун майдон номларига маълумот турлари қандай мосланади?
3. MSAccess дастурида сақлашда қандай кенгайтмалардан фойдаланилади?
4. Маълумотлар базасини яратишда MSAccess дастуридан бошқа яна қандай дастурларни биласиз?

7. МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ТАРМОҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

7.1. Компьютер тармоқлари ва тармоқ технологиялари. Компьютер тармоғи баённомалари, компьютер тармоғининг аппарат ва дастурий таъминоти.

Режа:

1. Компьютер тармоғи ҳақида умумий тушунчалар.
2. Тармоқ турлари ва топологиялари.
3. Компьютер тармоғининг аппарат ва дастурий таъминоти.

Компьютер тармоғи ҳақида умумий тушунчалар.

Ахборотни бир компьютердан иккинчи компьютерга узатиш муаммоси ҳисоблаш техникаси пайдо бўлгандан бери мавжуддир. Ахборотларни бундай узатиш алоҳида фойдаланилаётган компьютерларни баргаликда ишлашини ташкил қилиш, битта масалани бир неча компьютер ёрдамида ҳал қилиш имкониятларини беради. Бундан ташқари ҳар бир компьютерни маълум бир вазифани бажаришга ихтисослаштириш ва компьютерларнинг ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, ҳамда кўпгина бошқа муаммоларни ҳам ҳал қилиш мумкин бўлади.



Тармоқ - компьютерлар, терминаллар ва бошқа қурилмаларнинг маълумот алмашишни таъминлайдиган алоқа каналлари билан ўзаро боғланган мажмуи. Компьютерлараро маълумотларни алмашишни таъминлаб берувчи бундай тармоқлар компьютер тармоқлари деб аталади.

Компьютер тармоғи – бу компьютерлар ўртасида маълумот алмашинувини таъминлайдиган компьютер ва қурилмалар тўплами. Тармоқ ахборотларни узатиш, алоҳида фойдаланилаётган компьютерларни биргаликда ишлашини ташкил қилиш, битта масалани бир неча компьютер

ёрдамида ечиш имкониятларини беради. **Компьютер тармоғи** (NetWork, net – тармоқ ва work - ишлаш) – бу компьютерлар ўртасида ахборотлар алмашиш тизимидир. Унинг асосий максоди фойдаланувчиларга барча компьютерлар ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш. Компьютер тармоқларини масштаби қараб турларга ажратиш мумкин: *Локал тармоқлар* (Local Area Network, LAN), *минтақавий тармоқлар* (Metropolitan Area Network, MAN), *глобал тармоқлар* (WideAreaNetwork, WAN).

Локал тармоқлар(LAN — Local Area NetWork) - бир корхона ёки муассасадаги бир нечта бинолардаги ёки синфлардаги компьютерларни ўзаро боғлаган тармоқ. Компьютерлар, бошқа периферия қурилмалари (принтерлар, диск контроллерлари ва бошқалар)нинг боғланишини таъминлайдиган ва уларга умумий диск хотирасидан, периферия қурилмаларидан биргаликда фойдаланишга, маълумотлар билан алмашишга имкон берадиган аппарат воситалари ва алгоритмлар тўпламидир. Локал тармоқларнинг асосий фарқланувчи хусусияти барча учун ягона компьютерларнинг маълумот узатиш тезкор канали ва коммуникация асбоб - ускуналарида хатоликнинг юзага келиш эҳтимолининг деярли йўқлиги.

Локал тармоқ учун мавжуд стандартлар (тегишлича Ethernet ва ARCNET) 2,5 кмдан 6 кмгача бўлган масофадаги компьютерлар орасида алоқани таъминлайди. Локаль тармоқнинг характерли томонлари: чегараланган географик ҳудуд, фойдаланувчиларнинг катта тезликка эга тармоқда ишлашни таъминлаш, локал сервисларга доимий уланиш, ёнма-ён турган қурилмаларга уланиш. Шахсий компьютерларнинг локал тармоғи кенг тарқалган.



Минтақавий тармоқлар(Metropolitan Area Network, MAN)–шаҳар ва вилоятлар даражасида компьютерларни ва локал тармоқларни махсус алоқа ёки телекоммуникация каналлари орқали ўзаро боғлаган локал тармоққа нисбатан каттароқ тармоқлар йиғиндиси.

Глобал тармоқлар

(Wide Area Network, WAN)

- ўзига бутун дунё

компьютерларини,

абонентларини,


локал ва минтакавий тармоқларини

телекоммуникация (кабелли, симсиз, сунъий йўлдош)

алоқалари орқали боғлаган

йирик халқаро тармоқ. У бир-биридан географик узок масофаларда

жойлашган компьютерларни бирлаштиради, локаль тармоқларни бирлаштиради.



Тармоқ турлари ва топологиялари.

Тармоқ топологияси (грекча *topos* - ўрин) — тармоқ конфигурациясини тавсифлаш усули, жойлашув ва тармоқ қурилмаларининг бириктириш схемаси.

Локал тармоқ қуйидаги структураларга бўлинади: «Шинасимон» (*bus network*)

- топология, «Юлдузсимон» (*Star Network*) - топология, «Халқасимон» (*ring network*) - топология.

Глобал тармоқ структураси бу

«Дарахтсимон» топология;

Юлдузсимон топология (*Star Network*) — компьютер

тармоғининг асосий топологияси, унда барча компьютерлар


марказий тугунга (одатда тармоқ концентратори) уланган. Улар

тармоқ сегментини ташкил этади. **Афзалликлари:** битта иш

станциясининг ишдан чиқиши тармоқнинг ишлашига таъсир этмайди; тармоқнинг яхши масштаблаштирилганлиги; тармоқдаги носозликларни

осон қидириш; тармоқнинг юқори унумдорлиги (агар тўғри лойиҳа қилинган бўлса); Қулай администрлаштириш имкониятлари. **Камчиликлари:**

марказий концентраторнинг ишдан чиқиши бутун тармоқнинг (ёки



сегментнинг) ишдан чиқишига олиб келади; тармоқни монтаж қилишда бошқа топологияларга қараганда кўпроқ кабел кетади; тармоқдаги (ёки сегментдаги) ишчи станциялар сони марказий концентратордаги портлар сони билан чегараланган.

Халқасимон топология (ring network)— бу компьютер тармоғининг топологияси бўлиб, унда ҳар бир компьютер алоқа линиялари орқали бошқа иккита бошқа компьютер билан уланган: биттасидан фақат маълумот олади, бошқасига фақат узатади. **Афзалликлари:** уни ўрнатиш осонлиги; қўшимча қурилмаларнинг йўқлиги; тармоқ интенсив ишлаганда унинг турғун ишлаши (тезликни камайтирмасдан). **Камчиликлари:** битта иш станциясининг ишдан чиқиши тармоқнинг ишлашига таъсир этади, мураккаб конфигурация ва настройка, носозликларни қидиришнинг мураккаблиги.

Шинасимон топологияси (bus network) -умумий кабелдан иборат бўлиб (шина ёки магистрал деб аталадиган), унга барча ишчи станциялар уланади.

Афзалликлари: тармоқни ўрнатишга кам вақт кетади; арзон (кам кабель ва қурилмалар кетади); осон настройка қилиш; ишчи станциясининг ишдан чиқиши тармоқнинг ишлашига таъсир этмайди.

Камчиликлари: тармоқдаги ҳар қандай носозликлар (кабелнинг узилиши, терминаторнинг ишдан чиқиши) тармоқнинг ишдан чиқишига олиб келади; носозликларни локаллаштиришнинг мураккаблиги; янги ишчи станцияларнинг уланиши тармоқ тезлигини пасайтиради.



Гибрид топологияси — катта тармоқларда компьютерлар орасида эркин алоқа ўрнатиш учун ишлатладиган топология. Бу тармоқларда эркин боғланган фрагментларни ажратиш мумкин. Шунинг учун бундай тармоқларни аралаш топологияли тармоқлар дейилади.

Компьютер тармоғининг аппарат ва дастурий таъминоти.

Тармоқ қурилмалари — компьютер тармоғининг ишлаши учун зарур бўлган қурилмалар.

Маршрутизатор ёки роутер, роутер (ингл. Router) — тармоқ топологияси ҳақидаги маълумот ва берилган қоидалар асосида пакетларни тармоқ сегментлари орасида узатиш ҳақида қарор қабул қилаувчи қурилма.



Тармоқ коммутатори ёки свитч (ингл. *switch* — ўтказгич (переключатель)) — битта сегмент чегарасида компьютер тармоғининг бир нечта тугунини бирлаштирувчи қурилма.


Концентратор трафикни битта қурилмадан бошқа барча қурилмаларга юборса, коммутатор маълумотларни фақат қабул қилувчига юборади. Бу эса маълумотлар алмашиш тезлигини ва тармоқ хавфсизлиги оширади. Тармоқнинг бошқа сегментларини улар учун мўлжалланмаган маълумотларни қайта ишлашдан озод қилади.

Тармоқ концентратори (ингл. *hub* — фаолият маркази) — бир нечта қурилмаларни битта умумий сегментга бирлаштирувчи тармоқ қурилмаси. Қурилмалар кабеллар ёрдамида уланади.






Кабел ёрдамида боғлаш. Бунда компьютерлар бир-бири билан *коаксиал*, *ўралган жуфтлик кабел* (UTP) ёки *шиша толали кабеллар* орқали махсус тармоқ плата ёрдамида боғланади.

Коммутация панели (кросс-панель, патч-панель) — кабель системасининг таркибий қисми. Бирлаштирувчи разъёмлардан ташкил топган панелдан иборат. Коммутация панели пассив тармоқ қурилмасига киради.





Ўрама жуфт кабел(витая пара) (ингл. *twisted pair*) — алоқа кабелнинг тури. Телефонияда фойдаланиладиган эшилган сим жуфтидан иборат. У экранланган ва экранланмаган бўлиши мумкин. Экранланган кабель электр магнит ҳалақитларига анча бардошли бўлади. Ушбу кабелнинг камчиликлари сигналларнинг сўниш коэффициенти юқорилиги ва электрмагнит ҳалақитларига юқори даражада сезгирлиги, шунинг учун ўрама жуфтликдан фойдаланишда фаол қурилмалар ўртасидаги энг юқори масофа 100 метргача бўлади.




Коаксиаль кабель.(Coaxial cable)Бу кабелдан маълумотлар узатишнинг иккита турли тизимида фойдаланилиш мумкин: сигнални модуляциялаб ва модуляцияламасдан узатиш. Биринчи ҳолда рақамли сигнал ШК дан қандай шаклда узатилса, ундан шундай шаклда фойдаланилади ва дарҳол кабель бўйлаб қабул қилиш станциясига узатилади. У тезлиги 10 Мбит/сек гача ва энг юқори таъсир радиуси 4000 м бўлган битта узатиш каналига эга. Иккинчи ҳолда рақамли сигнал аналогли сигналга айлантирилади ва у қабул қилиш

станциясига йўналтирилади, у ерда у яна рақамли сигналга айлантирилади. Сигнални айлантириш операциясини модем (модулятор/демодулятор) бажаради; ҳар бир станция ўз модемига эга бўлиши керак. Маълумотларни узатишнинг бу усули кўп каналли (ўнлаб каналлар бўйича узатишни таъминлайди, бунинг учун фақат битта кабелдан фойдаланади) ҳисобланади. Бундай усул билан товушларни видеосигналларни, маълумотларни узатиш мумкин. Кабель узунлиги 50 км гача етиши мумкин.



Оптик толали кабель (fiber-optic cable) - тармоқда фойдаланиладиган энг янги технология ҳисобланади. Бунда ахборот элтувчи ёруғлик нури бўлади, у тармоқ томонидан ўзгартирилади ва сигнал шаклини олади. Бундай тизим ташқи электр ҳалақитларига бардошли ва шунинг учун маълумотларни тез (2 Гбит/с гача) ва хатосиз узатиш мумкин бўлади ҳамда узатилаётган ахборотнинг махфийлигини таъминлайди. Бундай кабелларда каналлар сони жуда кўп бўлади. Маълумотлар фақат симплекс режимида узатилади, шу сабабли маълумотлар билан алмашилишни ташкил этиш учун қурилмани иккита оптик тола билан улаш зарур (амалиётда оптик толали кабель ҳамма вақт жуфт толали бўлади). Камчиликлари қаторида қиймати юқорилиги ва улаш мураккаблигини кўрсатиш мумкин.



Тармоқнинг имконияти унинг фойдаланувчига кўрсатадиган хизмати билан ўлчанади. Тармоқнинг ҳар бир хизмат тури ҳамда унга кириш учун унинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилади. Тармоқда ишлаш учун белгиланган дастур бир вақтда кўплаб фойдаланувчилар фойдаланиши учун мўлжалланган бўлиши керак. Ҳозирда шундай дастурий таъминот тузишнинг икки хил асосий тамойили жорий этилган.

Биринчи тамойилда тармоқнинг дастурлаштирилган таъминоти кўпгина фойдаланувчиларга ҳамма кириши мумкин бўлган тармоқнинг бош компютери ресурсларини тақдим этишга мўлжалланган. У файл - сервер деб юритилади. Бош компютернинг асосий ресурси файллар бўлгани учун у шу номни олган. Бу дастурли модуллар ёки маълумотларга эга файллар бўлиши мумкин. Файл-сервер-бу сервернинг энг умумий тури. Таъкидлаш жоизки, файл-сервернинг диск сиғими одатдаги компютерларникидан кўп бўлиши керак, чунки ундан бошқа компютерлар фойдаланади. Тармоқларда бир қанча файл - серверлар бўлиши мумкин. Масалан, принтер, модем, максимал алоқа учун қурилма. Файл - сервер ресурсларини бошқарувчи ва кўпгина тармоқ фойдаланувчилари учун рухсат берувчи дастурий тармоқ таъминоти тармоқнинг операцион тизими деб аталади. Унинг асосий қисми файл-серверда жойлашади. Ишчи станцияда фақат ресурс ва файл - сервер орасидан мурожаат қилинадиган дастурлар оралиғидаги интерфейс вазифасини бажарувчи унча катта бўлмаган қобик жойлаштирилади.

Ушбу тамойил доирасида ишлашга мўлжаллаган дастурли тизимлари фойдаланувчига файл - сервердан фойдаланиш имконини беради. Қоида бўйича ушбу дастурли тизимлар файлли серверда сақланиши ва барча фойдаланувчилар томонидан бир вақтда фойдаланиши мумкин. Лекин, бу дастурларнинг модулларини бажариш учун зарур бўлганда фойдаланувчи компютерига, яъни ишчи станцияга ўтказилади ва керакли ишни бажаради. Бунда барча маълумотларни қайта ишлаш (агар улар умумий ресурс бўлса ва файлли серверда сақланаётган бўлса ҳам) фойдаланувчининг компютерида амалга оширилади. Шубҳасиз, бунинг учун маълумотлар сақланган файллар фойдаланувчининг компютерига кўчирилиши керак.

Иккинчи тамойил "клиент-сервер" архитектура деб аталади. Унинг дастурий таъминоти ресурслардан жамоа бўлиб фойдаланишгагина мўлжалланиб қолмай, уларни қайта ишлаш ва фойдаланувчи талабига кўра ресурсларни жойлаштиришга ҳам мўлжалланган. "Клиент - сервер" дастурий

тизими сервернинг дастурли таъминоти ва фойдаланувчи-клиентнинг дастурли таъминотидан иборат.

Бу тизимлар иши қуйидагича ташкил қилинади: клиент-дастурлар фойдаланувчининг компьютерида бажарилади ва умумий кириш компьютерида ишлайдиган дастур - серверга сўров жўнатилади. Маълумотларнинг асосий қисмини қайта ишлаш кучли сервер томонидан амалга оширилади ва фойдаланувчи компьютерга фақат бажарилган сўров натижалари юборилади. Маълумотлар базаси серверлари катта ҳажмдаги маълумотлар (бир неча 40 Гигабайт ва ундан кўп) билан ишлашга мўлжалланган бўлиб, кўп сонли фойдаланувчиларнинг юқори унумли ишлашини, ишончлилики ва ҳимояланганлики таъминлайди. Глобал тармоқлари иловаларида клиент- сервер архитектураси (маълум маънода) асосий саналади. Катта матнли саҳифаларни сақлаш ва қайта ишлашни таъминловчи машҳур Web - серверлар, FTD серверлар, электрон почта серверлари маълум. Санаб ўтилган хизмат турларининг клиент дастурлари ушбу серверлар томонидан хизмат олиш ва улардан жавоб олиш учун сўраш имкониятини беради.

Тақсимланадиган ресурсга эга ҳар қандай компьютер тармоғи сервер деб юритилиши мумкин.

Тармоқ орқали тақдим этиладиган хизматлар

- Файл сервер хизмати. Бунда тармоқдаги барча компьютерлар асосий компьютернинг (сервер) маълумотларидан фойдаланиш ёки ўз маълумотларини асосий компьютер хотирасига жойлаштириш мумкин;
- Принт сервер хизмати. Бунда тармоқдаги барча компьютерлар ўз маълумотларини хизмат жорий қилинган компьютер бошқаруви орқали қоғозга чоп қилиши мумкин;
- Прокси сервер хизмати. Бунда тармоққа уланган барча компьютерлар хизмат жорий қилинган компьютер бошқаруви орқали бир вақтда Интернет ёки бошқа хизматлардан фойдаланиши мумкин;
- Компьютер ва фойдаланувчи бошқаруви хизмати. Бунда тармоққа уланган барча компьютерларнинг ва уларда қайд қилинган фойдаланувчиларнинг тармоқда ўзини тутиши ҳамда фаолият юритиши белгиланади ва назорат қилинади.

7.2. Интернет тармоғи, Интернетга уланиш, Интернетда манзил тушунчаси. Интернет тармоғи ресурслари, Web ресурс турлари.

Режа:

7.2.1. Интернет тармоғи ҳақида умумий тушунчалар.

7.2.2. Интернетга уланиш усуллари ва интернетда манзил тушунчаси

7.2.3. Интернет тармоғи ресурслари

Тижорат, уй ва бошқа фойдаланувчиларнинг компьютер харид қилишдан асосий мақсади бу интернетга киришдир. Интернет изланишлар учун кенг фойдаланиладиган воситадир, жамиятни глобал хабарларга кириш ва доимий мулоқот билан таъминлайди. қўшимча қилиб айтганда, Интернетга киришни хоҳлаган вақтда ва хоҳлаган жойда амалга ошириш мумкин: уйда, ишда, мактабда, ресторанда, самолёт ва истирохат боғларида.

Интернет шу жумладан Net деб ҳам юритилади, у кенг оммавий тармоқларнинг жамланмаси бўлиб, миллионлаб бизнес, ҳукумат агентликлари, таълим муассасалари ва инсонларни бир – бири билан боғлаб туради. Маҳсулотлар, хизматлар ва ахборотлар мўл-кўллиги билан таъминлайдиган манбаъларга интернет орқали эришиш мумкиндир. Бугунги кунда, 1 млрд дан зиёд уй ва бизнес фойдаланувчилари дунё бўйлаб кўп турдаги хизматлардан интернет орқали фойдаланишади, булардан баъзилари расмда кўрсатилган.



WWW ёки шунчаки web ва e-mail интернет хизматларида кенг фойдаланиладиган воситадир. Бошқа хизматлар мулоқот сайтлари, доимий мулоқот ва Интернетдаги овозли хабарларни ўз ичига олади. Бу бўлимда Интернет хизматлари ва уни ривожланиш тарихини ўрганасиз.

Бутун дунё одамлари кундалик фаолиятларида интернетнинг турли хил хизматларидан фойдаланишади. Интернет хизматлари уй ва бизнес фойдаланувчиларига WWW да изланишлар олиб бориш, ўқиш блоглари ёки видеолар жўнатиш, e - mail хабарлар жўнатиш ёки бошқалар билан мулоқот чатларида доимий мулоқот қилишда ёки овозли хабарлар орқали суҳбатлашишга кенг йўл очиб беради.

Интернет тараққиёти


Интернет тармоқларига доир лойиҳаларда ўз илдизлари бор деб бошлайди АҚШ мудрофаа бўлими (ARPA) Пенегоннинг ривожланган изланиш агентлиги. ARPA нинг мақсади турли манзилларда олимларнинг

ахборот алмашиши, харбий хизмат, илмий лойиҳаларда ва тармоқ носозликларида ҳам ишлай оладиган тармоқ яратиш эди. ARPANET тармоғи 1969 йил сентябр ойидан бошлаб АҚШ бўйлаб илмий ва академик изланишлар амалиётида кенг фойдаланила бошлади.

Дастлабки ARPANET тармоғи 4 та асосий компьютерларни ўз ичига олган, улар Лос Анжелесдаги Калифорния университети, Санта – Барбарадаги Калифорния университети, Станфорд илмий изланиш институти ва Утах университетларида жойлашган. Юқоридаги компьютерлар тармоқда хост учун ишлатилган. Хостлар ҳозирги кундаги машҳур серверлардан бири бўлиб, хизматлар ва бошқа компьютерлар билан алоқаларни таъминлайди. Хостлар одатда тармоқ орқали тезкор мулоқотлар ва хабарларни маълумотлар алмашиш учун фойдаланилади.

Изланувчилар ва бошқалар ARPANET орқали маълумот алмашишнинг фойдаси катта эканлигини англаб етдилар, ARPANET катта ўсишни бошидан ўтказди. 1984 йилга қадар ARPANETда 1000 дан ортиқ шахсий компьютерлар хост хизматидан фойдаланиш учун уланган эди. Ҳозирги кунга келиб 550 млн хостлар алоқададир.

Баъзи ташкилотлар умумий тармоқларини ARPANET тезкор мулоқотларидан фойдаланиш учун уланганлар. 1986 йилда (NSF) ташкилоти ўзининг энг катта тармоқли 5 та супер компьютер марказларини ARPANET тармоғига боғлаган. Ушбу мураккаб тармоқларнинг конфигурацияси ва хостлар интернет деб юритила бошлади.



1995 йилга қадар NSFnet кенг қўламдаги мулоқотлар ёки йўл транспорт ҳаракати фаолиятлари билан интернет орқали шуғулланиб келди. 1995 йилда NSFnet интернетдаги тармоғини тўхтатди ва ўзини изланиш тармоғи мақомини давом эттирди.

Ҳозирда интернет кўплаб маҳаллий, вилоятларга оид, миллий ва халқаро тармоқларни ўз ичига олади. Кўплаб уюшмалар, савдо – сотиқ фирмалари ва бошқа компаниялар масалан, IBM компанияси интернет фаолиятлари билан шуғулланидиган тармоқлар билан таъминлайди. Давлатга қарашли ва хусусий ташкилотлар ҳам интернетда ўз тармоқларига эга. Бу

тармоқлар телефон компаниялар орқали масалан Verizon и AT&T кабель ва сунъий йўлдош компаниялар ва ҳукумат буларнинг барчаси интернетнинг ички тузилишига хисса қўшади.

Ҳар бир ташкилот интернетда ўз тармоғини фаолияти давомийлиги учун жавобгардир. Ҳеч бир шахс, компания, муассаса ёки ҳукумат интернетга эгалик қилмайди ва бошқармайди. Бироқ WWW консертиум изланишлар олиб борди, стандартларни йўлга қўйди ва интернетнинг турли соҳаларида йўриқномалар яратди. W3C нинг вазифаси web нинг ривожига хисса қўшишдир. 350 дан зиёд дунё бўйлаб ташкилотлар w3c нинг маслаҳат берувчи, стандартларни аниқловчи ва бошқа масалаларга урғу берувчи аъзоларидир.

Интернет 2 200 дан ортиқ университетлар ва 115 та компаниялар тезкор шахсий интернет орқали боғланадиган ривожланиш лойиҳалари ёки шунчаки изланишлар учун эмас. 1996 йилда ташкил топган интернет 2 нинг мақсади яқин келажакда фойдаланувчилар учун қўл келадиган ривожланган тармоқ технологияларини ишлаб чиқиш ва текширишдан иборат. Бу технологиялар бугунги кун интернетидан юқори тезликда ишлайдиган тезкор тармоқ талаб этади. Юқоридаги интернет 2 лойиҳалари ҳукумрон тенденция ўз ичига телешифо, электрон китоблар, журналлар, мусикалар, кинолар, нутқлар ва бошқа интернет хизматларини ўз ичига олади. Ҳозирги кунда интернет 2 лойиҳалари ўзаро таъсирчан туб маънодаги видео, сифатли тасвир, тармоқ муаммолари ечимини ўз ичига олади.

Таълим соҳасида интернетнинг ўрни

Талим соҳасидаги web сайтлар ажаблантирувчи, катта куч талаб қиладиган расмий ва норасмий таълим бериш ва ўрганиш учун кенг йўл очиб беради. Webда самолётлар қандай учиши ёки қандай овқат пиширишни ўргана оласиз. Кўпроқ тажриба олиш учун компаниялар ишчиларини онлайн шуғулланишни таъминлайди ва коллежлар онлайн дарс ва поғоналарни таклиф этади. Таълим берувчи одатда webдан таълим олувчини ўқитишда нашр қилинган курс материаллари ва бошқа тегишли материаллардан ўқувчини ўқитишда таълим сифатини яхшилаш учун фойдаланади.

Интернетга уланиш усуллари

Кўпгина суғурта ва кичик бизнес фойдаланувчилари интернетдан тезкор фойдаланиш имкониятини яратадиган сервис орқали интернетга уланишади. Тезкор интернет сервис билан компьютер ёки мобил қурилмалар одатда бутун вақт давомида ёқиг ҳолатда бўлади. Тезкор интернет сервисларига кабел, DSL (рақамли уланиш йўналиши), оптик толали, радио, сигналлар ва сунъий йўлдошлар бунга мисол бўла олади.

- Internet Kabel - телевизор кабел тармоғига модем кабел тармоғи орқали тезкор сервис билан таъминлайди.

- DSL (Digital Subscriber Line, яъни рақамли уланиш йўналиши) одатдаги оптик телефон йўналишлари орқали тезкор интернет алоқа билан таъминлайди.

- FTTP (*Fiber to the Premises*) Иншоотлар учун оптик толали алоқа тезкор интернетни уй ва бизнес фойдаланувчиларига фибер-оптик кабел орқали улаб беради.

- симсиз ўрнатилган алоқа уй ва бизнес фойдаланувчиларини ликопча кўринишидаги антенна тезкор интернет билан таъминлайди.


- Уяли радио тармоғи қурилмаларга қўшма технология ёки компьютерларни симсиз модемлар орқали тезкор интернетга уланишга имконият яратади.

- Wi-Fi (*wireless fidelity*, яъни симсиз алоқа) тармоғи радио сигналлардан фойдаланиб қўшма ёки симсиз жиҳозланган компьютерлар ва қурилмаларни тезкор интернет билан таъминлайди.

- *Satellite Internet service*, яъни сунъий йўлдош интернет сервис - сунъий йўлдош модеми орқали сунъий йўлдош билан алоқа ўрната оладиган сунъий йўлдош ликопчаси алоқани тезкор таъминлайди. Одатда ишчилар ва талабалар интернетга бизнес ёки уй тармоқлари орқали уланишади. Бизнес ёки уй тармоқлари тезкор интернетга уланади.

Кўплаб уй фойдаланувчилари кабелли ёки DSL каби Интернет тармоғига юқори тезликдаги уланиш учун Wi Fi тармоғини ташкил қилиш орқали эришади. Аксинча тезкор интернет ўрнига баъзи уйдаги фойдаланувчилар интернетга секинроқ рақам териб уланиш йўлини танлайдилар. Рақам териб уланиш усули компьютердаги модем аналог сигнал орқали хабар юборадиган стандарт телефон йўналиши орқали уланади. Фойдаланувчилар рақам териб уланиш йўналишини кам харжлиги ёки тезкор интернет уларнинг ҳудудида мавжуд бўлмаганлиги учун танлашади.


Мобил фойдаланувчилар интернетга кўп турдаги интернет сервислари орқали киришади. Кўплаб меҳмонхона ва аэропортлар саёҳатчиларни симли ёки симсиз интернет алоқалари билан таъминлашади. Wi-Fi каби симсиз интернет тармоқлари мобил фойдаланувчилар учун интернетга ноутбук, смартфонлар ва бошқа қурилмалар орқали телефон, кабел ёки бошқа симли алоқалардан йироқда ҳам қийналмасдан уланиш имкониятини беради. Аэропорт, меҳмонхоналар, мактаблар, савдо шаҳобчалари, кафелар каби жамоат жойлари Wi-Fi интернет алоқалари билан таъминлаш бўйича фаолдирлар. Жамоат жойларида баъзи бир махсус кодга эга бўлиш ёки бошқа шу каби хизматлар талаб қилиниши мумкин. Баъзи шаҳарлар аҳолиси учун текин WI-Fi интернет алоқалари билан таъминлайди.



Интернет тармоғига уланиш ажратилган алоқа канали (оптик тола, сунъий йўлдош алоқаси, радиоканал, ажратилган коммутацияланмайдиган телефон линияси) бўйича доимий уланиш, шунингдек коммутацияланадиган, яъни узиб-уланадиган уланиш (Dial-up access, Dial-up) кўринишида амалга оширилади.

Интернет тармоғига оддий телефон тармоқлари орқали стандарт модем қурилмалари ёрдамида уланиш мумкин. Телефон линияси орқали Интернетга уланишда модем қурилмасидан ташқари махсус дастурдан (протокол) ҳам фойдаланилади. Бунда ушбу дастур ёрдамида Интернетга уланганда телефон линияси банд қилинади, сеанс тугатгандан сўнг телефон тармоғи бўшатилади ва унда бошқа фойдаланувчи фойдаланиши мумкин. Интернетга уланишни амалга оширувчи дастурнинг ютуғи шундаки, улар Интернетга тўғридан тўғри уланишга имкон беради.

Телефон линияси орқали «Чақирув» бўйича Интернетга боғланиш Интернет хизматларини тақдим этувчи провайдер билан мижоз ўртасида амалга оширилади. Бунда фойдаланувчи мантиқий ном (логин) ва махфий белги (парол) ёрдамида Интернетга тўғридан-тўғри уланади.



Интернет тармоғига нафақат кабел ёки телефон линияси орқали симли уланиш мумкин, балки мобил алоқа воситалари ёрдамида симсиз уланиш ҳам мумкин. Интернет тармоғига симсиз уланиш компьютер орқали ёки мобил телефоннинг ўзида амалга оширилади. Агар компьютер орқали Интернетга симсиз уланиш керак бўлса, у ҳолда компьютердан ташқари Интернет хизматларини тақдим этувчи оператор ёки провайдернинг симсиз ишловчи модеми ёки худди шу вазифани бажарувчи мобил телефон аппарати зарур.

Агар мобил телефоннинг ўзида туриб Интернетга боғланиш ёки ундан фойдаланиш керак бўлса, у ҳолда Интернет хизматларини кўрсатувчи мобил операторнинг мижози бўлишингиз ва унда GPRS хизмати ёқилган бўлиши талаб қилинади. Мобил алоқа воситалари ёрдамида Интернетдан фойдаланилганда WAP технологияси интернетдан симсиз фойдаланиш имконини беради. Мобил алоқа тармоқларида сўровларни ва маълумотларни узатиш учун GPRS транспорт хизматидан фойдаланилади.

Модем тушунчаси ва унинг вазифаси. Модем модулятор-демодулятор сўзларининг қисқартмаси ҳисобланади. Ушбу қурилманинг асосий вазифаси компьютердан олинган рақамли сигнални узатиш учун аналог шаклига айлантириш ва қабул қилинган сигнални аналог шаклдан рақамли шаклга қайтариш ҳамда алоқа каналлари бўйлаб узатишдан иборат. Модем сигнални (ахборот) телекоммуникация каналлар бўйлаб узатишни таъминлайди. Модем ёрдамида интернетда оддий аналог телефон тармоғи орқали боғланиш мумкин. Бундай модемларнинг назарий жихатдан энг юқори фойдаланиш тезлиги 56 Кб/сек. ни ташкил этади.

Модем ички ва ташқи турларга бўлинади ва ҳар иккаласи ҳам интернетга ёки телекоммуникация тармоқларига уланиш учун хизмат қилади.



Кабель модем

Симсиз модемИчки модем

ISP(internet servis провайдер) ҳудудий ёки миллий уланиш таминотчисидир. Ҳудудий ISP одатда интернетга уланишда маълум бир географик ҳудуд билан таъминлайди. Миллий ISP бу шаҳарларда ёки умумҳалқ интернетга уланиш бизнесидир. Рақамли уланиш учун баъзи миллий ISP лари маҳаллий ва текин телефон рақамлар билан таъминлайди. Кенг ўлчамли бўлгани сабабли миллий ISP лар одатда кўпроқ хизматларни таклиф қилади ва ҳудудий ISP лардан кўра кўпроқ техник томондан ёрдам бера оладиган хизматларига эга. Миллий ISP ларга AT&T ва EarthLink мисол бўла олади.

Кўшимча сифатида онлайн сервис таъминотчилари ҳам фақатгина ахборот алмашувчи ёки ўзларини шахсий Web Browser версияларига эга аъзолари бор. 2 та машҳур интернет провайдерлар булар OSP яъни AOL (Amerika Online) ва MSN (Microsoft Network). AOL кўплаб OSP лардан интернетга йўриқнома функцияси билан ажралиб туради, у аъзолар ҳуқуқини бошқаради. AOL шунингдек, фойдаланувчиларига ҳар қандай турдаги хизматларни текин ва тезкор интернет алоқа билан таъминлайди.


Электрон почта манзили. Электрон манзил @ белгиси билан ажратилган икки қисмдан иборат, яъни манзилгоҳ @ фойдаланувчи номи. Электро манзилга мисол тарикасида. tuit@tuit.uz, tuit@inbox.uz ларни келтириш мумкин, бу электрон манзиллар “tuit” номли ишлатувчининг <http://mail.tuit.uz>, <http://inbox.uz> почта серверида жойлашган почта қутиси ҳисобланади.

Хабарларни кўпчиликка юбориш. Маълум бир сабабларга кўра бир хил мазмундаги хабарларни бир неча манзил ёки почта қутисига юбориш зарурияти пайдо булади. Шунда, *Кому* дарчасига хат жўнатилиши керак бўлган электрон манзиллар “ ; ” (нуқта вергул) белгилари билан ажратилади, масалан: (tuit@tuit.uz; tuit@inbox.uz; ва бошқа манзиллар), *Копия* дарчасига, агар шу хат бошқа манзилга ҳам жўнатилиши керак бўлса, ўша манзил, *Тема* дарчасига хат мавзуси ёзилади. Ушбу вазифадан бирор эълон ёки янгиликни кўпчиликка баробар юбориш учун фойдаланилади.

Спам тушунчаси, спамларнинг турлари ва уларга қарши курашиш. «Спам» термини янги мазмунда жонга тегувчи электрон тарқатмалар ёки почта чиқиндилари деган маънони англатади. Спамлар 1993-йилда пайдо бўлган. Усенет компьютер тармоғи администратори Ричард Деппо яратган дастурдаги хато 1993-йил 31-март куни конференциялардан бирига икки юзта бир хил хат жўнатилишини келтириб чиқарди. Унинг норози суҳбатдошлари жонга тегувчи хабарларга тезда - «спам» деган ном топдилар. «Касперский Лабораторияси» тушунчасига кўра, спам - бу сўралмаган аноним оммавий тарқатмалардир.

Спам (фойдаланувчи томонидан сўралмаган ахборот) жўнатувчининг (спамер) мақсади ва вазифаларига қараб тижорат ахборотига эга бўлиши ёки унга ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги мумкин. Шундай қилиб, мазмунига қараб, хабарларнинг «тижорат» спами - «unsolicited commercial e-mail» (умумий қабул қилинган аббревиатураси - UCE) ва «нотижорат» - «unsolicited bulk e-mail» (UBE) турлари мавжуд.

Аноним: барча кўпинча айнан яширин ёки қалбакилаштирилган қайта алоқа манзили кўрсатилган автоматик тарқатмалардан жабрланади.

Оммавий: ушбу тарқатмалар айнан оммавий ва фақатгина шулар спамерлар учун ҳақиқий бизнес ҳамда фойдаланувчилар учун ҳақиқий муаммо ҳисобланади.

Сўралмаган:имзоланган тарқатмалар ва конференциялар бизнинг тушунчамизга кирмаслиги кераклиги яққол тушунарли. Ҳар бир электрон почта хизматиўзининг фойдаланувчиларига спамдан ҳимояланиш воситаларини таклиф қилишади. Яъни спамга тааллуқли бўлган электрон манзиллар спам филтрига киритилади ва ушбу манзиллардан келаётган спамлар хабарлар вақтинча сақланувчи каталогга автоматик тарзда жойлаштирилади ва 30 кундан кейин ўчириб ташланади.

Филтрлар ва қора руйхат. Филтрлар асосан келаётган хатларни саралаш, тартиблаш функциясини бажаради. Қора руйхат эса хат юборувчи манзилни махсус журналга киритиб бу манзилдан бошқа хат олмаслик мақсадида ишлатилади.

Электрон почтадан фойдаланиш ва электрон хабарларни алмашиш маданияти. Ҳаётдаги этика каби электрон почтада ҳам этика мавжуд. Уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз:

- Почтангизни тез-тез ўқиб тулинг. Кўпчиллик фойдаланувчилар ўз хатларини фақатгина бўш вақтларидагина ўқийдилар. Бу корреспондентларга нисбатан бўлган беҳурматликдир. Бунинг оқибатида сиз жуда ҳам муҳим бўлган ахборотни қўлдан бой беришингиз мумкин. Фойдаланувчи почтасини ҳар доим, ўз вақтида ўқиб бориши лозим.

- Хатда албатта сарлавҳа (subject) кўрсатиш зарурдир. Бу мижозларни ортиқча ишлардан қутқаради.

- Хатингизни олувчини билинг ва ҳурмат қилинг.

- Хатни хатосиз ёзинг. Грамматик ва орфографик хатолар билан ёзилган хат жўнатувчи тўғрисида яхши таассурот қолдирмайди.

- Қисқа ёзинг. Электрон почтада ёзаётган хатингизни мазмунини қисқа ва аниқ кўрсата билинг. Хатингиздаги хатолар ва фикрдан чиқиб кетишлик биринчи ўринда хатингизни эмас, балки сизнинг ўзингизни характерлайди.

- Ўз хатингизни бошқа манзилларга кўчиришликдан сақланг. Ўз хатингизни фақатгина шу хат тегишли бўлган манзилларга жўнатиш. Акс ҳолда, хатларни кўп манзилларга жўнатиш ҳамкорларингизда яхши таассурот уйғотмаслиги мумкин.

- Керак бўлмаган тақдирда ўз хатингизга жавоб ва сўровлар йўлламанг. Керак бўлмаган тақдирда «илтимос жавоб беринг» ёки «илтимос хатни тасдиқланг» каби сўровларни йўлламанг.

- Сўровларга тўлиқ жавоб беринг. Сўровларга жавоб беришда қисқа «ҳа» ёки «йўқ» каби жавоб берманг. Бу ҳол хат олувчида тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин.

Почта манзили протоколлари серверлари ва клиентлари

SMTP (simple mail transfer protocol) чиқиб кетаётган mail серверидан фойдаланиладиган алоқалар протоколидир.

Электрон почта орқали хабарлар қабул қилганингизда қабул қилинган mail сервер интернет таъминотчингиз томонидан бошқарилади ва у хабарларни e mail дастурини қайта очгунигизга қадар сақлаб туради. POP3 (post office Protocol) келаётган mail серверлар томонидан фойдаланиладиган алоқалар протоколидир. Кўп e-mail дастурлари хабар келганда товуш ёки оғоҳлантиришларга эга.

SMTP узининг оддийлиги, арзонлиги, сервис вазифаларининг куплиги билан жозибалидир, узининг талабчанлиги, каттик стандартлаштирилганлиги, кафолатланган сервис даражали тижорат операторларининг борлиги, куп сонли миллий кодларни куллаб-куватлаши билан фарк килади. Бу стандарт айтилган хусусиятлари туфайли бутун дунёдаги давлат ташкилотлари орасидаги ишларда, хусусан, ҳукумат телекоммуникацион линиялар буйича муносиб оммавийликка эришди.

ЭЛЕКТРОН ХУЖЖАТ АЙЛАНИШ ТИЗИМИ

Электрон ҳужжат алмашиш тизимлари. Электрон ҳужжат алмашиш тизимлари Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги 611-II сон Қарорига фаолият юритади.

Ҳужжат тушунчаси. Ҳужжат -матн, товуш ёки тасвир шаклида ёзилган ахборот бўлиб, замон ва маконда узатиш ҳамда сақлаш ва жамоат томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий объектдир.

Ҳужжат турлари. Ҳужжат турлари – ҳужжатларни ўз шаклига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- Матнли ҳужжатлар. Қоғозга ёзув машинаси, қўл ёки ахборот коммуникация воситалари ёрдамида туширилган қандайдир маъно берувчи сўзлар кетма-кетлигидир.

- Товушли ҳужжатлар. Овоз ёзиш воситалари ёрдамида ёзиб олинган товушли ахборот.

- Тасвирли ҳужжатлар. Фотосурат, ранг тасвир маҳсули.

Электрон ҳужжат. Электрон ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги 611-II сон Қарорига биноан қуйидагича таърифланади.

Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш (таниб олиш) имкониятини берадиган бошқа реквизитларига (маълумотларга) эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир.

Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади.

Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг мазкур ҳужжатни идрок этиш имкониятини инобатга олган ҳолда яратилиши керак.

Анъанавий ва электрон ҳужжат алмашиш.

Одатда ҳужжатларни анъанавий тарзда алмашиш жараёнида почта хизмати муҳим рол ўйнайди. Чунки почта хизматининг асосий вазифаси жўнатмаларни ўз манзилларига етказиб беришдан иборатдир. Ушбу ҳолатда ҳужжатлар конвертга солинади ва алоқа бўлимига топширилади. Шундан сўнг почта хизмати ходимлари томонидан ҳужжат керакли манзилга жўнатилади ва етказилади.

Электрон ҳужжатларни алмашиш тизими эса анъанавий ҳужжат алмашиш тизимидан биров фарқ қилинади. Бунда ҳужжат электрон кўринишда компьютер, телекоммуникация ва Интернет тармоғи орқали узатилади. Электрон ҳужжатларни алмашиш жараёнида махсус ихтисослаштирилган тизимлардан (E-hujjat) ёки электрон почта хизматидан фойдаланилади. Электрон ҳужжат алмашиш тизимларида ҳужжатларни узатиш жуда тезкор амалга оширади.

Имзо ва унинг аҳамияти. Имзо – ҳужжатнинг ҳақиқийлигини ва юборган жисмоний шахсга тегишли эканлигини тасдиқлайдиган инсоннинг физиологик хусусияти. Имзо орқали инсоннинг шахси ҳамда у ёзган ҳужжатнинг ҳақиқийлиги аниқланади.

Мухр ва унинг аҳамияти. Мухр – ҳужжатнинг ҳақиқийлигини ва бирор бир юридик шахсга тегишли эканлигини тасдиқловчи исботдир. Мухрлар ўзининг алоҳида шаклига эга бўлиб, асосан ҳужжатларнинг ва ундаги имзоларнинг аслигини тасдиқлайди.

Электрон рақамли имзо. Электрон рақамли имзо Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги 562-II сон Қарорига биноан қуйидагича таърифланади.

Электрон рақамли имзо - электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

Электрон рақамли имзо - хабар ёки ҳужжат яхлитлигини ва муаллифининг ҳақиқийлигини текширишда қўлланиладиган ва шахс имзосини тўлалигича ўрнини боса оладиган ҳужжатга тегишли исботдир. У ахборот - коммуникация тизимлари орқали узатилаётган ҳужжатларни ва ахборотларни ҳақиқийлигини текширишда қўлланилади.

Электрон рақамли имзодан мухр ўрнида фойдаланиш. Электрон рақамли имзодан мухр ўрнида ҳам фойдаланиш ҳам мумкин, бунда фақат ва фақат ҳужжатга тегишли электрон рақамли имзо ҳужжатдаги барча ўзгаришларни ёки ўзгартиришларни кўрсатиб беради. Бунинг учун электрон рақамли имзо юридик шахс номига, яъни компания ва ташкилотлар номига рўйхатдан ўтказилади.

Электрон ҳужжатнинг реквизитлари. Электрон ҳужжатнинг реквизитлари қуйидагилардан иборат: электрон рақамли имзо; жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми; жўнатувчининг почта ва электрон манзили; ҳужжат яратилган сана. Қонун ҳужжатлари асосида ёки электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг келишувида бошқа реквизитлар ҳам белгиланиши мумкин.

Электрон калитлар ва сертификатлар. Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити - бу фақат ҳужжат муаллифига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони ҳосил қилиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги. Электрон рақамли имзонинг очик калити бу электрон ҳужжатнинг

ким томонидан юборилганлигини аниқлаш ва уни ҳақиқийлигини тасдиқлашда қўлланилиши мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги. Электрон сертификатлар - бу сертификация тизими қоидаларига биноан белгиланган талабларга кўра электрон рақамли имзо воситаларининг мувофиқлигини тасдиқлаш учун ҳамда электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг очик калитининг электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига руйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжат.

Электрон ҳужжат алмашиш тизимлари – электрон ҳужжатларни ахборот-коммуникация тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиш жараёнлари йиғиндиси. Электрон ҳужжат айланишидан битимлар (шу жумладан шартномалар) тузиш, ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотларни алмашишда фойдаланиш мумкин. Турли компанияларнинг автоматлаштирилган тизимлари орасида стандартлаштирилган шаклдаги иш ҳужжатларининг (буюртмалар, ҳисоб рақамлари ва ш.к.) маълум шаклдаги электрон алмашинуви электрон ҳужжат алмашинуви тизимини белгилайди.

Электрон ҳужжат алмашиш тизимлари – электрон ҳужжатларни ахборот-коммуникация тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиш жараёнлари йиғиндиси. Электрон ҳужжат айланишидан битимлар (шу жумладан шартномалар) тузиш, ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотларни алмашишда фойдаланиш мумкин. Турли компанияларнинг автоматлаштирилган тизимлари орасида стандартлаштирилган шаклдаги иш ҳужжатларининг (буюртмалар, ҳисоб рақамлари ва ҳ.к.) маълум шаклдаги электрон алмашинуви электрон ҳужжат алмашинуви тизимини белгилайди.

Ҳар бир ҳужжат айланиш тизими мураккаблик даражасидан қатий назар тизимга маълум бир хусусиятларга эга бўлиб, улар тизим талабларини белгилашда ҳисобга олинади. Ҳар бир раҳбар иш юритишни автоматлаштириш қарорини қабул қилар экан, қандай тизим танлаш тўғрисида ўйланиб қолади. Чунки танланган тизим олдига қўйилган масалаларни тўлалигича ечиш имкониятига эга бўлиши керак ва унга қилинган сарф-ҳаражатларни оқлаши лозим. Дастурий воситалар бозорида жуда катта танлов мавжуд. Ушбу дастурий воситаларни ўзаро таққослаш учун ҳам маълумотлар етарли. Бирор бир тизимни сотиб олишдан олдин раҳбар ушбу тизим шу ташкилот талабларига жавоб бериш-бермаслигини баҳолай олиши лозим. Чунки сотиб олгандан кейин у талабларга жавоб бермаса, ташкилотга сезиларли салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунинг учун маълум бир тизимни сотиб олишдан олдин нималарга этибор беришимизни аниқ билиб олишимиз зарур. Талабларни гуруҳларга ажратиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади: бизнес-талаблар ва дастурий таъминотга бўлган талаблар. Биринчи гуруҳда автоматлаштириш лозим бўлган жараёнларга таъриф бериб ўтилиши керак. Иккинчи гуруҳ эса электрон ҳужжат айланиш тизимига бўлган талаблар ва чегаралар аниқланиши лозим.

Ўз навбатида бизнес–талаблар қуйидаги бўлимларга ажратилиши лозим: тизим фойдаланувчилари, маълумотларни сақлаш жойи, ҳужжатлар билан ишлаш, мантиқий иш юритиш.


Дастурий таъминотга бўлган талаблар эса ресурсга бўлган талаблар, ишлатиш ва созлаш қулайлигидан иборат бўлиши керак.

GERMES АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ХУЖЖАТЛАР АЛМАШУВ МАЖМУАСИ

Germes автоматлаштирилган ҳужжатлар алмашув мажмуаси файлларни узоқда жойлашган ташкилотлар билан тез, қулай ва ишончли алмашувини таъминлайди. Файлларни узатиш TSP/IP тармоқ протокола қўллаган ҳолда барча алоқа каналлари орқали амалга оширилади(ажратилган линия орқали, Интернет, Dial-UP ва х.к.). “Germes” да Blowfish, DEC, 3DEC, Rijngael (AEC), Square, Twofish шифрлаш усуллари орқали маълумотлар узатилади. “Germes” клиент-сервер технологияси асосида ишлайди. Бир вақтни ўзида бир нечта клиентлар билан уланиш имкониятига эга. Файлларни узатаётганда махсус RTF редактори мавжуд. GERMES дастури жуда енгиллик билан бошқа дастурларга ("Клиент-Банк", "1С") интегратсия қилинади. Интернет трафикни тежаш мақсадида дастур файлларни узатиш ва қабул қилиш вақтида сиқиб узатиш имконияти мавжуд. Ушбу имконияти яъни файлларни архивлаш сжатие/распаковка амали автоматик равишда бажарилади. Сиқиш коэффициент жуда юқори даражада Winzip, WinRAR архивловчи-дастурлар каби. Тизимда ишлаш жуда содда, тизим билан таниш бўлмаган фойдаланувчи ҳам ишлаши мумкин. GERMES дастури икки қисмдан иборат-сервер ва кўплаб клентлар. Дастурнинг асосий функтсияси файллар билан ишлашдан иборат. Яъни тармоқ орқали файлларни юбориш ва қабул қилишдан иборат. Юқорида келтирганимиздек тармоқга қандай уланишни аҳамияти барчаси орқали ишлаш имкони мавжуд.


Дастурини ишга тушуриш қуйидагича амалга оширилади (2.1 – расм).

Пуск →Все программы → Germes → Germes Client




2.1-расм Дастурни ишга тушириш усули

Дастур интерфейси қуйидаги кўринишдан иборат.(2.2-расм)




2.2-расм GERMES дастур интерфейси



2.15-расм GERMES орқали Клиент-Банк системасида ишлаш Структураси

Банк билан келишилган ҳолда ўзаро мулоқот тармоқлари ИП адреслар белгилангандан сўнг Клиент-Банк системасида Соединение с банком бўлими танланиб файллар алмашувини ўрнатиш мумкин(2.16-расм).




2.16-расм Банк билан уланиш

Афзалликлари:

- ишнинг тезлиги ортади;
- интерфейсида ишлаш онсонлиги;
- хабар юбориш орқали клиентларни банк янгиликлари билан оператив хабардор қилиш;
- жўнатилаётган файллар шифрланганлиги.

Вариант II: Локал тармоқда қўллаш асосий бош ташкилот қўл оцида бошқарувдаги ташкилотлари билан алоқада қўллаши мумкин. Бунда хужжат алмашуви тез ва ишончли бажарилади(2.17-расм).




2.17-рasm Локал тармоқда қўлланиш цруктураси

Афзалликлари:

- ишнинг тезлиги, онсонлиги ва файлларни яхши сиқиши орқали трафикдан ютиш;
- иқтисодий тежамколик.

Вариант III: Минтақавий тармоқда ишловчи ўзаро ҳамкор корхона ва фирмалар нарх-наволар, сифат, миқдор ҳақида маълумотлар алмашувида қўллаши мумкин(2.18-рasm).



2.17-рasm Иқтисодий корхоналар ўртасидаги алоқа цруктураси

Афзалликлари:

- катта хажмдаги маълумотлари тез сиқиб юбориш;

- ким тармоқдаги ёки қачон кириб маълумотни олганлигин бошқариш;
- факслардан афзаллиги.

Юқоридаги учта вариантни ҳам қишлоқ хўжалиги соҳаларига тадбиқ қилиш мумкин. Биринчи ҳолатини вазирлик ва бошқармалар, ва барча органлар аҳоли билан мулоқотда қўллаши мумкин. Иккинчи ҳолатини Бошқарув органлар фермер хўжаликлари билан маълумот ва ҳисоблар алмашувида қўллаши мумкин. Учинчи ҳолатини вилоятлар ва туманлар аро ташкилотлар ўзаро тажриба алмашиниши ва маълумотлар алмашувида қўллаши мумкин.

Е-ХАТ ҲИМОЯЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ПОЧТА


Е-ХАТ ҳимояланган электрон почта орқали ахборот алмашуви амалга ошириш учун умумий қоидаларга риоя қилинади.

Е-ХАТ ҳимояланган электрон почта ташкилотчилари томонидан рўйхатдан ўтиш ва Е-ХАТ ҳимояланган электрон почтадан фойдаланиш тартиби тайинланади.

Рўйхатдан ўтиш олдиндан олинган электрон рақамли имзо ва очиқ калит сертификати орқали амалга оширилади.


Дастурни ўрнатиш тартиби:

Е-ХАТ ҳимояланган электрон почта дастурий таъминоти ўрнатилади. Дастур ишга тушишидан олдин системага кириш «Вход в систему» ойнаси пайдо бўлади (2.1-расм).




2.1-расм системага кириш ойнаси

«Вход в систему» ойнасини Настройка бўлимини «Ключи» бандига кириб очиқ калит электрон рақамли имзо сертификати ва ёпиқ калит сақланаётган жойи кўрсатилади (2.2-расм).



2.2-расм калитларни созлаш


Калитлар жойи кўрсатилаётганда улар ахборот ташувчи қурилмаларда (USB флешка, юмшоқ дисклар) бўлиши ёки компьютер хотираси бўлиши мумкин. 2.2-расмдаги ойнани «Прочие» банди ёрдамида қўшимча имкониятларни созлаш мумкин. Улар: «Язык», «Проверка обновлений», «Воспроизведение звука при получении нового сообщения», «Период проверки входящих сообщений» тилни ўзгартириш, янгиланиб туришни текшириш, янги хабарлар келганлиги ҳақидаги овозли хабар, қирувчи хабарлар вақтларини текшириш ва х.к. Система 4 хилдаги тиллар интерфейсида ишлайди (ўзбекча-кирил, ўзбекча-лотин, рус и инглиз тиллари) (2.3-расм).



2.3-расм тил интерфейсини созлаш

Барча қирувчи хабарлар Е-ХАТ дастурининг клиентлар бўлимида шифровкаланган ҳолатда сақланади. Хабарни очиш вақтида шифровкадан очилади.

Куйида Е-ХАТ ҳимояланган электрон почта дастур интерфейси келтирилган.(2.4-расм)



2.4-расм Е-ХАТ ҳимояланган электрон почта дастур интерфейси

Е-ХАТ ҳимояланган электрон почта дастурда янги хат юбориш учун «Файл» «Новое письмо» ёки «Новое письмо» ойнасидан фойдаланилади. Хатни юборувчи ва уни адреси белгиланади.

«Кому» «Выбор контактов». Юборилаётган хатга қўшимча файлларни бириктириш имконияти мавжуд

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТИЗИМИ

Электрон ҳукумат (ингл. e-Government) – бу фуқаролар, бизнес, давлат ҳокимияти бошқа тармоқлари ва давлат амалдорларига ахборот тақдим этиш ҳамда аввалдан шаклланган давлат хизматларини кўрсатиш бўлиб, бунда давлат ва фуқаро ўртасидаги шахсий алоқа минималлаштирилган бўлади ва ахборот технологияларидан максимал даражада фойдаланилади. Бошқача айтганда барча ҳам „ички“, ҳам „ташқи“ алоқалар ва жараёнлар мажмуаси тегишли ахборот-коммуникация технологиялари билан қувватланиб ва таъминланиб турадиган ҳукумат.

Электрон ҳукумат - бу ахборот технологиялари имкониятларидан юқори даражада фойдаланган ҳолда давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги шахсий алоқадорликни камайтириш орқали фуқароларга, бизнесга, давлат ҳокимиятининг бошқа соҳаларига ҳамда давлат хизматчиларига мавжуд маълумотларни ва давлат хизматларини онлайн тарзда етказиб бериш усулидир.

Дунёнинг тараққий топган мамлакатларида «Электрон ҳукумат» миллий тизимини фаол татбиқ қилинмоқда. Бу тизим давлат тузилмаларини бошқаришни, давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш орқали бизнес-жараёнларни самарали ривожлантиришни таъминлабгина қолмай, фуқароларга давлат хизматларини интернет орқали ҳаммабоп интерактив шаклда тақдим этиш имконини ҳам яратади.

Коммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет) орқали ахборотга ишлов бериш, уни узатиш ва тарқатишни электрон воситалари асосида давлат бошқарувини ташкил қилишни, давлат ҳокимияти органларини барча бўғинлари томонидан фуқароларнинг барча тоифаларига электрон воситалар билан хизматлар кўрсатиш, ўша воситалар ёрдамида фуқароларга давлат органларининг фаолияти ҳақида ахборот бериш.

„Электрон ҳукумат“ тушунчаси 1990-йилларнинг бошида пайдо бўлган, лекин амалиётга сўнгги йиллардан бошлаб татбиқ қилина бошлади. Электрон ҳукуматни ишлаб чиқиш билан биринчи галда , АҚШ, Жанубий Корея, Англия, Италия, Норвегия, Сингапур, Австралия ва айрим бошқа давлатлар (Франция, Германия, Катар, БАА ва ҳ.к.) шуғулландилар.

Электрон ҳукуматнинг уч асосий ривожланиши тизими ажратилади:

- **ҲУКУМАТ — АҲОЛИ(G2C)** – (Government-to-Citizen)
- **ҲУКУМАТ — БИЗНЕС(G2B)** – (Government-to-Biznes)
- **ҲУКУМАТ — ҲУКУМАТ(G2G)** – (Government-to-Government)
- **ҲУКУМАТ -ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОСИ** –(Government-to-Foreign citizen)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонда ҳам электрон ҳукумат барпо қилиш ишлари бошлаб юборилган. Жаҳон тажрибасига мавжуд амалиётга кўра, у икки ўзаро боғланган, лекин функционал жиҳатдан мустақил қисмлардан, Ҳукумат интранетидан ва ташқи инфратузилмадан таркиб топган. Ҳукумат интранети ахборот тизимининг ички инфратузилмасини қамраб олади, у давлат тузилмалари томонидан давлат корпоратив вазифаларини амалга оширишдаги ўзаро муносабатларда фойдаланилади. Ташқи инфратузилма, давлатни фуқаролар (G2C) ва ташкилотлар (G2B) билан ўзаро ишлашини таъминлайдиган оммавий ахборот инфратузилмасини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ҳукумат қарорига асосан (16-сентябр 2013-йилнинг № 250 VM) ташкил этилган.

Ўзбекистонда Электрон ҳукуматни жорий қилишнинг якуний мақсади, қуйидагилардан иборат:

- у мукамал давлат бошқаруви электрон аппаратини яратиш ҳисобланади;
- Интерактив хизматларини тақдим этилиш имкониятларининг кенглиги;
- ҳукумат органлари фаолияти ҳисоботларининг бериб борилиши ва ойдинлиги;
- хизматлардан осон фойдаланиш имкониятлари ва яқка тартиблиги;
- сиёсий жараёнларда фуқароларнинг фаол иштироки ва хабардорлиги;
- эркин ахборот алмашуви;
- аҳоли ва тадбиркорлик фаолияти учун давлат хизматларини тақдим этишда қулай шароитлар яратиш;

- фуқароларни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтирилишини қўллаб-қувватлаш;
- барча сайловчиларни бошқарув жараёнларида ва давлат бошқарувида иштирок этиш имкониятларини оширишдан иборат.

Мамлакатимизда ҳам бир неча йиллардан буён, мақсадли равишда интерактив давлат хизматларини аҳоли ва юридик шахсларга давлат органлари веб-сайтлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали орқали тақдим этиш учун ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда.


Мамлакатнинг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган 2013 йил 18 январдаги Ҳукумат мажлисида Президентимиз Ислон Каримов мамлакатда «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш Концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқиш муҳимлигини қайд этиб ўтганди.

Лойиҳаларни ишлаб чиқишда кореалик ва бошқа хорижий экспертлар фаол қатнашмоқдалар, ушбу йўналиш бўйича Ўзбекистоннинг турли вазирликлари ва идоралари мутахассислари билан давра суҳбатлари, учрашувлар, семинарлар ва йиғилишлар ўтказиляпти.

«Электрон ҳукумат» тизими жорий этилиши натижасида тўлиқ транзаксияланган хизматларга ўтилиши кутилмоқда, бу эса, аҳоли ва бизнес вакилларининг давлат хизматидан фойдаланишда турли интсансияларга қатнашни ва давлат хизматчилари билан бевосита мулоқотда бўлишни истисно этади. Бу, ўз навбатида, аҳолига қўшимча қулайликлар яратишга ва бизнес юритиш шароитларини яхшилашга хизмат қилади.

Бугунги кунда, «Электрон ҳукумат»нинг самарали унсурлари сифатида, 20дан ошди лойиҳалар амалга оширилди. Улар сирасида:

www.gov.uz



Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали аҳоли, бизнес вакиллари ва ташкилотларга ҳукумат ва давлат органларининг фаолияти бўйича маълумотларга кириш имконияти шароитларини яхшилаш ҳамда аҳоли ва давлат ташкилотлари ўртасида ўзаро алоқадорлик самарадорлигини таъминлаш мақсадида яратилган.

Ҳукумат портали фойдаланувчилар учун “бир дарча” тамойили асосида давлат ахборот ресурслари ва интерактив давлат хизматларига интеграллашган кириш имкониятини таъминлайди.

Порталда “Давлат-фуқарога” (G2C), “Давлат-тадбиркорга” (G2B) ВА “Давлат-чет эл фуқаросига” (G2F) модулларига мансуб бўлган 100дан ортиқ ахборот бўлим ва блоklar яратилган.

Мобил Интернет фойдаланувчиларини жалб этиш мақсадида Ҳукумат порталининг мобил версияси (m.gov.uz) ишлаб чиқилган. Ушу версияда аҳоли учун энг муҳим ва фойдали маълумотлар жамланган. Шунингдек, мамлакатимизда ўтаётган воқеалар тўғрисида аҳолига оператив тарзда маълумотларни тақдим этиш мақсадида Android, iOS ва Windows mobile платформаларида ҳукумат порталининг мобил иловалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг функционал жараён ва тартибини қўллаб-қувватловчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Электрон ҳамжиҳатлик инфратузилмаси тизимини ташкил этувчи қисм ҳисобланади.

www.my.gov.uz



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сон қарори ижроси сифатида, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, (Ягона портал), яратилди ва 2013 йил 1 июлда Интернет тармоғида ишга туширилди. Ушбу ахборот ресурсининг мақсади – фойдаланувчилар, ва биринчи навбатда, тадбиркорлик субъеклари учун давлат хизматлари ҳақидаги маълумотларни олиш бўйича кенг имкониятларни яратиб бериш ҳамда “бир дарча” тамойили асосида давлат хизматларини тақдим этишдан иборат.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали хизматларни Интернет тармоғи орқали тақдим этишни ўзида мужассамлаштиради, яъни, фойдаланувчи, республиканинг исталган нуқтасидан ва исталган вақтда, танлаган интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга.

Кечагина, биз ҳукумат билан ўз жойимиздан турмасдан туриб мулоқот қилишни тасаввур ҳам қила олмас эдик, эндиликда эса, Ягона портал, яъни, Интернет тармоғидаги сайт орқали, фойдаланувчи шикоятлар, таклифлар ёки бошқа мурожаатларини онлайн тарзда жўнатиши мумкин. Бундан ташқари, Ягона портал ёрдамида бир томонлама ва иккитомонлама турдаги интерактив давлат хизматлари ҳамда давлат органлари томонидан кўрсатиладиган транзаксион турдаги хизматларни олиш имконияти мавжуд.

Ҳозирги кунда Ягона портал қуйидаги имкониятларни тақдим этади:

- давлат органлари ва хизматлари ҳақидаги маълумотларни олиш;
- давлат хизматларини олиш учун лозим бўлган мурожаат ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда тўлдириш;
- давлат хизматини кўрсатиш учун мурожаат йўллаш;
- давлат хизматини кўрсатиш учун йўлланган мурожаатни кўриб чиқиш жараёни ҳақидаги маълумотларни олиш;
- давлат хизматлари натижаларини олиш;
- тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳ.к.

Бугунги кунда, 300 дан ортиқ давлат муассасалари ва ташкилотлари Ягона порталга уланган ва портал орқали 150 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда. UZINFOCOM маркази давлат органларининг маъсул ходимлари учун давлат бошқарувида АКТни ривожлантириш ва тадбиқ этиш масалалари ҳамда Ягона порталнинг қуйидаги йўналишлари бўйича мутахассис маслаҳатлари бериб келади:

Давлат органларининг Ягона портал билан ўзаро алоқадорлиги, интерактив хизматларни жорий этиш ҳамда уларни Ягона портал билан интеграция қилиш;

Давлат органлари томонидан Ягона порталда тақдим этилаётган хизматлар ҳақидаги маълумотларни киритиш ҳамда давлат органлари ҳақида умумий фойдаланиладиган ва боʻланиш учун маълумотларни тўлдириш;

Давлат органларини Ҳукумат портали (www.gov.uz) билан ўзаро боʻлиқлиги, ҳамда Ҳукумат порталида жойлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотлар борасидаги ҳамкорлик;

www.id.uz

ID.UZ– Ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларни ID.UZ тизимидаги логин ва паролари орқали OpenID технологиясини қўллаб-қувватловчи турли хил сайтларда ва ахборот ресурсларида идентификация қилиш имконини берувчи хизматдир.

Сайт эгалари (ташқи тизимлар) учун ID.UZ бу:

➤ Сизнинг фойдаланувчиларингиз ID.UZ тизимидаги akkaунти орқали авторизациядан ўтишини таъминлаш мақсадида, тизимга эркин ҳолатда уланиш имконияти;

➤ Фойдаланувчиларнинг рўйхатини шакллантириш, уларни рўйхатдан ўтишини ташкиллаштириш, маълумотларни қайта тиклаш ва уларнинг тўғри

эканлигини текшириш каби жараёнларга вақт ва маблағлар сарфлашнинг керак эмаслиги;

- Хавфсизликка қўйилган турли талабларни инобатга олган ҳолда, фойдаланувчиларни турли усуллар билан аутентификация қилиш;
- Маълумотларнинг асл кўринишда бўлишига қўйилган турли талабларни инобатга олган ҳолда, фойдаланувчиларнинг турли мақомларга эга эканлиги;
- Фойдаланувчиларнинг ягона идентификаторининг қўлланиши, турли маълумот тизимлари ўртасида ўзаро алоқани яратиш имконини беради.

Фойдаланувчилар учун ID.UZбу:

- Сиз кўплаб сайтлардан рўйхатдан ўтишингиз ва турли логин ва паролларни эслаб қолишингиз шарт эмас;
- Ўз тўғрингиздаги маълумотларни битта тизимда ўзгартиришингиз билан, бу маълумотлар барча сиз фойдаланаётган тизимларда автомат тарзда ўзгаради;
- Юқори даражадаги хавфсизлик ва ишонччилик: турли усуллар билан маълумотларингизни тиклаш, маълумотлар тўғри эканлигини бир неча босқич орқали текшириш имконияти, шахсий маълумотларнинг ягона жойда хавфсиз ҳолатда сақланиши, ҳаракатлар тарихини кўриш ва таҳлил қилиш имконияти;
- Электрон Ҳукумат тизимларига, жумладан Ягона интерактив хизматлар порталига кириш имкониятини яратади.

ID.UZтизими нафақат UZINFOCOM Маркази лойиҳаларига балки OpenID технологиясини қўллаб қувватловчи барча исталган сайтларда авторизациядан ўтиш имконини беради. Улар орасида:

- Gov.uz
- Lex.uz
- natlib.uz
- WWW.UZ
- Ziyonet.uz
- Utube.uz
- Fikr.uz
- Desk.uz
- cctld.uz
- Gazeta.uz

ва яна OpenID технологиясини қўллаб қувватловчи сайтлар бор

www.e-kommunal.uz



2012 йил март ойида Марказ томонидан ташкил этилиб, ишга туширилган Коммунал хўжалиги ва турар-жой фонди Порталини интернет тармғоида www.e-kommunal.uz, www.kommunal.uz ва www.ek.uz манзиллари орқали кўриш мумкин. Мазкур портал коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини жамоатчилик томонидан назорат қилиш, истемолчиларни коммунал соҳасидаги интерактив хизматлар билан таъминлаш, коммунал хизматлар бўйича тўловларни амалга оширишга хизмат қилади. Ушбу портал фуқароларни тезкор равишда коммунал соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар ва давлат органларига мурожаат беришида, шунингдек, берилган мурожаатлар бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг бажарилишини кузатиш имконини беради. Агар мурожаат бўйича кўрилган чора-тадбирлар портал фойдаланувчисини қониқтирмаса, портал мурожаатнинг тарихини кўриш имконини – яъни мурожаат тушган кундан бошлаб кўрилган чора-тадбирлар натижасини назорат органларига тақдим эта олади. Бундан ташқари, порталнинг асосий вазифаларидан бири бу коммунал хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида онлайн тизим орқали ошириш ва тўловлар бўйича ҳисоб варақаси ҳолатини текшириш имкониятини беради.

Жумладан Тошкент давлат аграр университети расмий веб-сайти www.agrar.uz да ҳам интерактив хизматлар йўлга қўйилган бўлиб улар қуйидагилар:



ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМЛАРИ

Электрон тижорат тушунчаси. Электрон тижорат фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги 613-П сон Қонуни билан белгиланади ва амалга оширилади.

Электрон тижорат Интернет тармоғидаги тижорат соҳасига оид фаолликни, унда олди-сотдини амалга оширилишини ифодалаш учун қўлланилади. У компьютер тармоғидан фойдаланган ҳолда харид қилиш, сотиш, сервис хизматини кўрсатишни амалга ошириш, маркетинг тадбирларини ўтказиш имкониятини таъминлайди.

Электрон тижоратнинг анъанавий савдо турларидан фарқи. Электрон тижоратнинг анъанавий савдо туридан қуйидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади:

- харидор ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга;
- савдо-сотиқ фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжуд;
- кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли харидорларнинг алоқа воситалари ёрдамида сотувчилар билан мулоқотда бўлиш имконияти;
- керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва шу маҳсулотлари бор фирмаларга мурожаат қилишда техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотларни бир жойга йиғиш ва уларни сотиб олишда аниқ манзилларга мурожаат қилиш. Ортиқча вақт ва харажатларни камайтиради;

- харидорнинг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулот сотиб олиш имконияти;
- ҳозирги кунда чиққан жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиш имконияти;
- электрон тижорат сотувчининг маҳсулотларини (иш, хизматларини) сотиш жараёнидаги имкониятини янада кенгайтиради ва янгилайди. Энди сотувчи маҳсулотларини сотиш жараёнини тезлаштириши, янги ва сифатли маҳсулотларни мунтазам алмаштириши, маҳсулотларнинг айланма ҳаракатини тезлаштириши керак бўлади;

Электрон тижоратда савдони ташкил қилиш фирмаларнинг рақобатини кучайтиради, монополиядан чиқаради ва маҳсулотларнинг сифатини ошириш имкониятини беради. Харидорлар кундалик ҳаётида керакли маҳсулотлар ичида сифатлиларини танлаши мумкин. Чет эл фирмаларига мурожаат қилади.

Электрон пуллар тушунчаси. Электрон пул – бу пул бирлигига тенглаштирилган белгилар ҳамда купюра ва танга ролини бажарувчи жуда катта сон ёки файллардир. Бундай тизимнинг фаолият кўрсатиш харажатлари бошқаларидан анча кам. Бундан ташқари, электрон пуллар тўлиқ анонимликни таъминлаши мумкин, чунки уни ишлатган мижоз ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди.

Электрон пул бирликлари.

WMY – Ўзбекистон зонасида операцияларни амалга ошириш учун UZSнинг Y-ҳамёндаги эквиваленти.

WMR – рубль зонасида операцияларни амалга ошириш учун RURнинг R-ҳамёндаги эквиваленти, WMR операцияларининг кафили бўлиб WebMoney Transfer нинг Россия ҳудудидаги вакили “БМП” МЧЖ хизмат қилади.

WMZ – АҚШ долларида операцияларни амалга ошириш учун USD нинг Z-ҳамёндаги эквиваленти.

WME – ЕВРО да операцияларни амалга ошириш учун EURнинг E-ҳамёндаги эквиваленти, WMZ ва WME операцияларининг кафили бўлиб Amstar Holdings Limited, S.A. хизмат қилади.

WMU – Украина зонасида операцияларни амалга ошириш учун UANнинг U-ҳамёндаги эквиваленти, WMU операцияларининг кафили бўлиб “Украинское Гарантийное Агентство” МЧЖ хизмат қилади.

WMB – Беллорусия зонасида операцияларни амалга ошириш учун BYRнинг B-ҳамёндаги эквиваленти.

WMG – 1 грамм олтиннинг G-ҳамёндаги эквиваленти.

WBC ва WMD – WMZнинг C ва D-ҳамёндардаги кредит операциялари учун эквиваленти.



Интернет тўлов тизимлари, улар орқали тўловлар ва харидларни амалга ошириш.

Техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш электрон тўловдир.

Электрон тўлов тизимида товар/хизматлар тўлови хариддорнинг электрон ҳисобидан шахсий банк рақами ҳисобига пул маблағларини чиқариш имконига эга бўлган сотувчининг электрон ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Электрон тўлов тизимлари ёрдамида Интернет ва IP-телефонияга уланиш учун «ПИН» кодлар ва интернет дўконлардан товарларни харид қилиш, уяли алоқа хизмати, шаҳар телефонияси, коммунал хизматлар, домен ва хостинг, реклама, телевидение, чипталар, датацентрлар, веб ресурслар учун ҳақ тўлаш мумкин.



WEBSUM электрон тўлов тизими.

Интернет-банкинг. Тўлов тизимлари орасида алоҳида гуруҳ, бу Интернет банкинг функциясини бажарувчи тизим, яъни Интернет орқали банк операцияни амалга ошириш ҳисобланади.

Интернет-банкинг – банкдаги ҳисоб рақамни Интернет орқали бошқариш имкониятини берадиган хизмат. Интернет банкинг тизимида самарали ишлаш учун Интернетга уланган ва Интернет браузерга эга компьютер бўлиши етарли ҳисобланади.

Интернет-банкинг имкониятлари қуйидагиларни бажаришга имкон беради:

- банкка барча турдаги молиявий ҳужжатларни юбориш;
- исталган давр учун банкдаги ҳисоб рақамлардан кўчирмалар ва уларга тегишли бошқа ҳужжатларни олиш;
- ҳақиқий вақт тартибида тўлов ҳужжатлари банк ишловидан ўтишининг барча босқичларини кузатиш;
- хатолар тўғрисида хабарларни тезкор олиш;
- ким ва қим тўлов ҳужжатларини кўриш ва чоп этиш.

Интернет-банкинг ва банкдан ташқари электрон тўловлар тизимларининг янада ривожланиш жараёнида он-лайн сотувлар секторида жадал ўсишни кутиш лозим, бунда улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи барча компаниялар Интернет тармоғи орқали товарларини бемалол сотишлари мумкин бўлади.

Тўловларнинг банкдан ташқари секторини ривожлантиришнинг кейинги босқичи бу мобил тўловлар тизимлари бўлди.

Электрон кармон, уларни тўлдириш ва пул олиш. Электрон кармон - бу электрон пулларни сақлаш учун мўлжалланган восита.

Товарларни сотиш ва харид қилишга мўлжалланган веб технологиялар асосида яратилган ахборот тизими томонидан амалга ошириладиган вазифалар қуйидагилардан ташкил топади:

- миқдорга товар (хизмат) ҳақида маълумот бериш;
- миқдордан товар (хизмат)га буюртма қабул қилиш.

Баъзан онлайнли тўлов тизимларидан фойдаланилганда учинчи вазифа-тўлов ҳақини олиш, товарни сотишда эса яна тўртинчи вазифа - ҳақи тўланган товарни жўнатиш қўшилади.

Электрон кармонни тўлдириш ва улардан пул ечишни қуйидаги усуллар билан амалга ошириш мумкин:

1. Тижорат банкларида нақд пул билан;
2. Банк карталари (VISA, MasterCard, UzKart) ёрдамида;
3. Почта орқали;
4. Интернет-банкинг ёрдамида;
5. Пул ўтказмалар тизимлари ёрдамида;
6. Мобил алоқа ёрдамида.

Интернет VISA ва MasterCard тўлов карточкалари.

Visa Inc. – тўлов операцияларини амалга ошириш хизматларини таъминловчи америка компанияси. VISA International Service Association – жаҳоннинг етакчи тўлов тизими ҳисобланади.




VISA карталари бўйича йиллик савдо айланмеси 4,8 триллион АҚШ долларини ташкил қилади. VISA карталари дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида қабул қилинади. Дунёда тўлов карталарининг 57% VISA карталари ташкил қилади, асосий рақобатчилари MasterCard 26% ва American Express 13% ташкил қилади.

MasterCard Worldwide – дунёнинг 210 мамлакатларидаги 22 минг молиявий ташкилотларни бирлаштирган халқаро тўлов тизими ҳисобланади. Бош офиси АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган.

Ҳозирги кунда интернет тўлов тизимлари тўлиқлигича юқорида келтирилган VISA ва MasterCard билан ишлаш имкониятига эга, яъни интернет тўлов тизимларидаги ҳамёнларни тўлдириш ёки ҳамёнлардаги ишлатилмай қолган маблағларни қайта карточкага чиқариш мумкин.


Интернет дўконлар ва интернет биржа.

Бугунги кунда “Интернет дўкон” номи остида турли кўлам ва мақсаддаги ечимларнинг кенг спектри таклиф қилинмоқда. WEBSUM электрон тўлов тизимидан фойдаланадиган интернет дўконлар қуйида келтирилган:



UzEx интернет биржа – бу шахсий компьютер орқали UzEx савдо майдончаларида савдо қилиш имкониятини берувчи глобал миллий савдо майдончаси. Ушбу савдо тизими, iPAY тизими фойдаланувчиларига, максимал қулайликлар билан осонгина ўз товарларини сотиш ва керакли товарларни харид қилиш имконини

беради.



10. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ХИМОЯЛАШ УСУЛЛАРИ.

10.1. Ахборот хавфсизлиги

Режа

- 10.1.1. Ахборот хавфсизлиги
- 10.1.2. Хавфсизликнинг асосий йуналишлари
- 10.1.3. Ахборот тармоқларига таҳдидлар ва заифликлар

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

Умумжаҳон ахборот глобаллашуви жараёнлари ахборот-коммуникатсия технологияларини нафақат мамлакатлар иқтисодиёти ва бошқа соҳаларига жорий этиш, балки ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлашни ҳам тақозо этаётир. Ўзбекистон ахборот ва коммуникатсия технологиялари соҳасидаги халқаро хавфсизлик тизимида Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб қўшилди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоқа ахборотлаштириш ва телекоммуникатсия технологиялари давлат қўмитаси томонидан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

Маълумотлар узатиш, телекоммуникатсия тармоқлари, телерадиоэфир ҳамда ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини юритиш;

Ахборот хавфсизлигига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг яратилишини ташкил қилиш ва бунда иштирок этиш;

Ахборот тизимлари комплекслари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

давлат ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан мониторинг натижалари тўрисидаги статистик маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига белгиланган тартибда тақдим этиш;

телекоммуникациялар тармоқларининг операторлари ва провайдерлари билан ҳамкорлик қилиш, давлат органларининг компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича биргаликдаги ишларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Интернетнинг миллий фойдаланувчиларини Интернет тармои миллий сегментида ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек ахборотларни муҳофаза қилиш бўйича консултатсия хизматлари кўрсатиш;

қонун бузувчиларни таҳлил қилиш, идентификациялашда, ахборотлар маконидаги рухсатсиз ёхуд бузувчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган методлар ва воситаларни таҳлил қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

Интернет тармои миллий сегментида ахборот хавфсизлиги ҳодисаларининг олдини олиш бўйича ўзаро амалий ишларни ташкил этиш мақсадида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

- саклаб қолган ҳолда, уни элементларини калбакилаштиришга (ўзгартиришга) юл қўймаслик;

- Ахборотни тегишли ҳуқуқларга эга бўлмаган шахслар ёки жараёнлар орқали тармоқдан рухсат этилмаган ҳолда олишга юл қўймаслик;

- Егаси томонидан берилаётган (сотилаётган) ахборот ва ресурслар факат томонлар уртасида келишилган шартномалар асосида қўлланилишига ишониш қабили тушунилади.

- **Хавфсизликнинг асосий йўналишлари**

- **Ахборот хавфсизлиги.** Ахборот хавфсизлигининг долзарблашиб бориши, ахборотнинг стратегик ресурсга айланиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Замонавий давлат инфратузилмасини телекоммуникация ва ахборот тармоқлари ҳамда турли хилдаги ахборот тизимлари ташкил этиб, ахборот технологиялари ва техник воситалар жамиятнинг турли жабҳаларида кенг қўлланилмоқда.

- **Иқтисодий хавфсизлик.** Миллий иқтисодда ахборотларни яратиш, тарқатиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш жараёни ҳамда воситаларини қамраб олган Янги тармоқ вужудга келди. «Миллий ахборот ресурси» тушунчаси Янги иқтисодий категория бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатнинг ахборот ресурсларига келтирилаётган зарар ахборот хавфсизлигига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ахборотлашган жамиятни

шакллантириш ва унинг асосида жаҳон ягона ахборот майдонига кириб бориш натижасида миллий иқтисодимизга турли хилдаги зарарлар келтириш хавфи пайдо бўлмоқда.

- **Мудофаа хавфсизлиги.** Мудофаа соҳасида хавфсизликнинг асосий объектларидан бўлиб, мамлакатнинг мудофаа потентсиалининг ахборот таркиби ва ахборот ресурслари ҳисобланмоқда. Ҳозирги кунда барча замонавий қурооллар ва ҳарбий техникалар жуда ҳам компютерлаштирилиб юборилди. Шунинг учун ҳам уларга ахборот қуроолларини қўллаш эҳтимоли катта.

- **Ижтимоий хавфсизлик.** Замонавий ахборот – коммуникациялар технологияларининг миллий иқтисод барча тармоқларида кенг қўлланиши инсон психологияси ва жамоа онига «яширин» таъсир кўрсатиш воситаларининг самарадорлигини юксалтириб юборди.

- **Экологик хавфсизлик.** Экологик хавфсизлик – глобал масштабдаги муаммодир. «Экологик тоза», энергия ва ресурс тежайдиган, чиқиндисиз технологияларга ўтиш фақат миллий иқтисодни ахборотлаштириш ҳисобига қайта қуриш асосидагина йўлга қўйиш мумкин.

- **Ахборот хавфсизлиги** деб, маълумотларни йўқотиш ва ўзгартиришга йўналтирилган табиий ёки сунъий хоссали тасодифий ва қасддан таъсирлардан ҳар қандай ташувчиларда ахборотнинг ҳимояланганлигига айтилади.

- Илгариги хавф фақатгина конфиденциал (махфий) хабарлар ва ҳужжатларни ўйрлаш ёки нусха олишдан иборат бўлса, ҳозирги пайтдаги хавф эса компютер маълумотлари тўплами, электрон маълумотлар, электрон массивлардан уларнинг эгасидан рухсат сўрамасдан фойдаланишдир. Булардан ташқари, бу ҳаракатлардан моддий фойда олишга интилиш ҳам ривожланди.

- **Ахборотнинг ҳимояси** деб, бошқариш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминловчи ва ташкилот ахборот захираларининг яхлитлилиги, ишончлилиги, фойдаланиш осонлиги ва махфийлигини таъминловчи қатъий регламентланган динамик технологик жараёнга айтилади.

- Ахборотнинг эгасига, фойдаланувчисига ва бошқа шахсга зарар етказмокчи бўлган ноҳуқуқий муомаладан ҳар қандай **ҳужжатлаштирилган**, яъни идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган **ахборот** ҳимояланиши керак.

- Ахборот хавфсизлиги нуктаи назаридан ахборотни қуйидагича туркумлаш мумкин:

- **махфийлик** — аниқ бир ахборотга фақат тегишли шахслар доирасигина кириши мумкинлиги, яъни фойдаланилиши қонуний ҳужжатларга мувофиқ чеклаб қўйилиб, ҳужжатлаштирилганлиги кафолати. Бу банднинг бузилиши **ўғрилиқ** ёки **ахборотни ошкор қилиш**, дейилади;

- • **конфиденциаллик** — иншончилиги, тарқатилиши мумкин эмаслиги, махфийлиги кафолати;

- • **яхлитлик**— ахборот бошланич кўринишда эканлиги, яъни уни сақлаш ва узатишда рухсат этилмаган ўзгаришлар қилинмаганлиги кафолати; бу банднинг бузилиши **ахборотни сохталаштириш** дейилади;

- • **аутентификация** — ахборот захираси эгаси деб эълон қилинган шахс ҳақиқатан ҳам ахборотнинг эгаси эканлигига бериладиган кафолат; бу банднинг бузилиши **хабар муаллифини сохталаштириш** дейилади;

- • **апелляция қилишлик** — етарлича мураккаб категория, лекин электрон бизнесда кенг қўлланилади. Керак бўлганда хабарнинг муаллифи кимлигини исботлаш мумкинлиги кафолати.

- Юкоридагидек, ахборот тизимига нисбатан қуйдагича таснифни келтириш мумкин:

- • **ишончилилик** — тизим меърий ва айри табиий ҳолларда режалаштирилганидек ўзини тутишлик кафолати;

- • **аниқлилик** — ҳамма буйруқларни аниқ ва тўлиқ бажариш кафолати;



- • **тизимга киришни назорат қилиш** — турли шахс гуруҳлари ахборот манбаларига ҳар хил киришга эгалиги ва бундай киришга чеклашлар доим бажарилишлик кафолати;

- • **назорат қилиниши** — исталган пайтда дастур мажмуасининг хоҳлаган қисмини тулиқ текшириш мумкинлиги кафолати;

- • **идентификациялашни назорат қилиш**— ҳозир тизимга уланган мижоз аниқ ўзини ким деб атаган бўлса, аниқ ўша эканлигининг

кафолати;

- • **қасддан бузилишларга тўсқинлик** — олдиндан келишилган меъёрлар чегарасида қасддан хато киритилган маълумотларга нисбатан тизимнинг олдиндан келишилган ҳолда ўзинитутиши.

- **1 – расм Интернет ва тармоқ хужумлари**

Ахборот - коммуникатсион тизимлар ва тармоқларда таҳдидлар ва заифликлар


Тармоқ технологиялари ривожининг бошланич босқичида вируслар ва компьютер хужумларининг бошқа турлари таъсиридаги зарар кам эди, чунки у даврда дунё иқтисодининг ахборот технологияларига болиқлиги катта эмас эди. Ҳозирда, хужумлар сонининг доимо ўсиши ҳамда бизнеснинг

ахборотдан фойдаланиш ва алмашишнинг электрон воситаларига болиқлиги шароитида машина вақтининг йўқолишига олиб келувчи ҳатто озгина хужумдан келган зарар жуда катта рақамлар орқали ҳисобланади.

Мисол тариқасида келтириш мумкинки, фақат 2014 йилнинг биринчи чорагида дунё миқёсидаги йўқотишлар 2015 йилдаги барча йўқотишлар йииндисининг 50%ини ташкил этган, ёки бўлмаса 2006 йилнинг ўзида Россия Федератсиясида 14 мингдан ортиқ компютер жиноятчилиги ҳолатлари қайд этилган.

Корпоратив тармоқларда ишланадиган ахборот, айниқса, заиф бўлади. Ҳозирда рухсатсиз фойдаланишга ёки ахборотни модификатсиялашга, ёлон ахборотнинг муомалага кириши имконининг жиддий ошишига қуйидагилар сабаб бўлади:

- компютерда ишланадиган, узатиладиган ва сақланадиган ахборот ҳажмининг ошиши;
- маълумотлар базасида муҳимлик ва махфийлик даражаси турли бўлган ахборотларнинг тўпланиши;
- маълумотлар базасида сақланаётган ахборотдан ва ҳисоблаш тармоқ ресурсларидан фойдаланувчилар доирасининг кенгайиши;
- масофадаги ишчи жойлар сонининг ошиши;
- фойдаланувчиларни болаш учун Интернет глобал тармоини ва алоқанинг турли каналларини кенг ишлатиш;
- фойдалувчилар компютерлари ўртасида ахборот алмашинувининг автоматлаштирилиши.



- 2 – расм тармоқдан фойдаланувчилар

Ахборот хавфсизлигига таҳдид деганда ахборотнинг бузилиши ёки йўқотилиши хавфига олиб келувчи химояланувчи объектга қарши қилинган ҳаракатлар тушунилади. Олдиндан шуни айтиш мумкинки, сўз барча ахборот хусусида эмас, балки унинг фақат, мулк эгаси фикрича, коммертсия қийматига эга бўлган қисми хусусида кетяпти.

Замонавий корпоратив тармоқлар ва тизимлар дучор бўладиган кенг тарқалган таҳдидларни таҳлиллаймиз. Ҳисобга олиш лозимки, хавфсизликка таҳдид манбалари корпоратив ахборот тизимининг ичида (ички манба) ва унинг ташқарисида (ташқи манба) бўлиши мумкин. Бундай ажратиш тўри, чунки битта таҳдид учун (масалан, ўирлаш) ташқи ва ички манбаларга қарши ҳаракат усуллари турлича бўлади. Бўлиши мумкин бўлган таҳдидларни ҳамда корпоратив ахборот тизимининг заиф жойларини билиш хавфсизликни таъминловчи энг самарали воситаларни танлаш учун зарур ҳисобланади.

Тез-тез бўладиган ва хавфли (зарар ўлчами нуқтаи назаридан) таҳдидларга фойдаланувчиларнинг, операторларнинг, маъмурларнинг ва корпоратив ахборот тизимларига хизмат кўрсатувчи бошқа шахсларнинг атайин қилмаган хатоликлари киради. Баъзида бундай хатоликлар (нотўри киритилган маълумотлар, дастурдаги хатоликлар сабаб бўлган тизимнинг тўхташи ёки бўзилиши) тўридан тўри зарарга олиб келади. Баъзида улар нияти бузуқ одамлар фойдаланиши мумкин бўлган нозик жойларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Глобал ахборот тармоида ишлаш ушбу омилнинг етарлича долзарб қилади. Бунда зарар манбаи ташкилотнинг фойдаланувчиси ҳам, тармоқ фойдаланувчиси ҳам бўлиши мумкин, охириги айниқса хавфли.

Зарар ўлчами бўйича иккинчи ўринни ўирлашлар ва сохталаштиришлар эгаллайди. Текширилган ҳолатларнинг аксариятида ишлаш режимлари ва ҳимоялаш чоралари билан аъло даражада таниш бўлган ташкилот штатидаги ходимлар айбдор бўлиб чиқдилар. Глобал тармоқлар билан боланган қувватли ахборот каналининг мавжудлигида, унинг ишлаши устидан етарлича назорат йўқлиги бундай фаолиятга қўшимча имкон яратади.

Хафа бўлган ходимлар ташкилотдаги тартиб билан таниш ва жуда самара билан зиён етказишлари мумкин. Ходим ишдан бўшаганида унинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши назоратга олиниши шарт.

Ҳозирда ташқи коммуникация орқали рухсатсиз фойдаланишга атайин қилинган уринишлар бўлиши мумкин бўлган барча бузилишларнинг 10%ини ташкил этади. Бу катталик анчагина бўлиб туюлмаса ҳам, Интернетда ишлаш тажрибаси кўрсатадики, қарийб ҳар бир Интернет-сервер кунига бир неча марта суқилиб кириш уринишларига дучор бўлар экан. Хавф-хатарлар таҳлил қилинганида ташкилот корпоратив ёки локал тармои компютерларининг хужумларга қарши туриши ёки бўлмаганида ахборот хавфсизлиги бузилиши фактларини қайд этиш учун етарлича ҳимояланмаганлигини ҳисобга олиш зарур. Масалан, ахборот тизимларини ҳимоялаш Агентлигининг (АҚШ) тестлари кўрсатадики, 88% компютерлар ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан нозик жойларга эгаки, улар рухсатсиз фойдаланиш учун фаол ишлатишлари мумкин. Ташкилот ахборот тузилмасидан сасофадан фойдаланиш холлари алоҳида кўрилиши лозим.

Ҳимоя сиёсатини тузишдан аввал ташкилотда компютер муҳити дучор бўладиган хавф-хатар баҳоланиши ва зарур чоралар кўрилиши зарур. Равшанки, ҳимояга таҳдидни назоратлаш ва зарур чораларни кўриш учун ташкилотнинг сарф-ҳаражати ташкилотда активлар ва ресурсларни

ҳимоялаш бўйича ҳеч қандай чоралар кўрилмаганида кутиладиган йўқотишлардан ошиб кетмаслиги шарт.

Ахборот-коммуникатсион тизимларда суқилиб киришларни аниқлаш. Маълумотларни узатиш тармоида ахборотни ҳимоялаш.

Ҳимояланишни таҳлиллаш воситалари заифликларни топиб ва ўз вақтида йўқ қилиб хужумни амалга ошириш имкониятини бартараф қилади. Натижада, ҳимоялаш воситаларини ишлатилишига бўладиган барча сарф-ҳаражатлар камаяди.

Ҳимояланишни таҳлиллаш воситалари тармоқ сатҳида, оператсион тизим сатҳида ва иловалар сатҳида ишлаши мумкин. Улар текширишлар сонини бора-бора кўпайтириш, ахборот тизимида "ичкарилаб бориш" ва унинг барча сатҳларини тадқиқлаш орқали заифликларни қидириши мумкин.

Тармоқ протоколлари ва сервислари ҳимояланишини таҳлиллаш воситалари. Ҳар қандай тармоқда абонентларнинг ўзаро алоқаси иккита ва ундан кўп узеллар орасида ахборот алмашилиши муолажаларини белгиловчи тармоқ протоколлари ва сервисларидан фойдаланишга асосланган. Тармоқ протоколлари ва сервисларини ишлаб чиқишда уларга ишланувчи ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар (одатда шубҳасиз етарли бўлмаган) қўйилган. Шу сабабли, тармоқ протоколларида аниқланган заифликлар хусусида ахборотлар пайдо бўлмоқда. Натижада, корпоратив тармоқда фойдаланадиган барча протокол ва сервисларни доимо текшириш зарурияти туилади.

Ҳимояланишни таҳлиллаш тизими заифликларни аниқлаш бўйича тестлар сериясини бажаради. Бу тестлар нияти бузуқ одамларнинг корпоратив тармоқларга хужумларида қўлланиладиганига ўхшаш.

Заифликларни аниқлаш мақсадида сканерлаш текширувчи тизим хусусидаги дастлабки ахборотни, хусусан, рухсат этилган протоколлар ва очик портлар, оператсион тизимнинг ишлатилувчи версиялари ва ҳ. хусусидаги ахборотни олиш билан бошланади. Сканерлаш кенг тарқалган хужумлар, масалан, тўлиқ саралаш усули бўйича паролларни танлашдан фойдаланиб, суқилиб киришни имитатсиялашга уриниш билан тугайди.

Ҳимояланишни таҳлиллаш воситалари ёрдамида тармоқ сатҳида нафақат Интернетнинг корпоратив тармоқдан рухсатсиз фойдаланиши имкониятини тестлаш, балки ташкилот ички тармоида текширишни амалга ошириш мумкин. Тармоқ сатҳида ҳимояланишни таҳлиллаш тизими ташкилот хавфсизлик даражасини баҳолашга ҳамда тармоқ дастурий ва аппарат таъминотини сошлаш самарадорлигини назоратлашга хизмат қилади.

Ҳимояланишни таҳлиллаш. Атакаларни аниқлаш

Ҳимояланишни таҳлиллаш воситалари заифликларни топиб ва ўз вақтида йўқ қилиб хужумни амалга ошириш имкониятини бартараф қилади. Натижада, ҳимоялаш воситаларини ишлатилишига бўладиган барча сарф-ҳаражатлар камаяди.

Ҳимояланишни таҳлиллаш воситалари тармоқ сатҳида, операцион тизим сатҳида ва иловалар сатҳида ишлаши мумкин. Улар текширишлар сонини бора-бора кўпайтириш, ахборот тизимида "ичкарилаб бориш" ва унинг барча сатҳларини тадқиқлаш орқали заифликларни қидириши мумкин.

Тармоқ протоколлари ва сервислари ҳимояланишини таҳлиллаш воситалари. Ҳар қандай тармоқда абонентларнинг ўзаро алоқаси иккита ва ундан кўп узеллар орасида ахборот алмашилиш муолажаларини белгиловчи тармоқ протоколлари ва сервисларидан фойдаланишга асосланган. Тармоқ протоколлари ва сервисларини ишлаб чиқишда уларга ишланувчи ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар (одатда шубҳасиз етарли бўлмаган) қўйилган. Шу сабабли, тармоқ протоколларида аниқланган заифликлар хусусида ахборотлар пайдо бўлмоқда. Натижада, корпоратив тармоқда фойдаланадиган барча протокол ва сервисларни доимо текшириш зарурияти туғилади.

Ҳимояланишни таҳлиллаш тизими заифликларни аниқлаш бўйича тестлар сериясини бажаради. Бу тестлар нияти бузуқ одамларнинг корпоратив тармоқларга хужумларида қўлланиладиганига ўхшаш.

Заифликларни аниқлаш мақсадида сканерлаш текширувчи тизим хусусидаги дастлабки ахборотни, хусусан, рухсат этилган протоколлар ва очиқ портлар, операцион тизимнинг ишлатилувчи версиялари ва бошқалари хусусидаги ахборотни олиш билан бошланади. Сканерлаш кенг тарқалган хужумлар, масалан, тўлиқ саралаш усули бўйича паролларни танлашдан фойдаланиб, суқилиб киришни имитациялашга уриниш билан тугайди.

Ҳимояланишни таҳлиллаш воситалари ёрдамида тармоқ сатҳида нафақат Internetнинг корпоратив тармоқдан рухсатсиз фойдаланиши имкониятини тестлаш, балки ташкилот ички тармоғида текширишни амалга ошириш мумкин. Тармоқ сатҳида ҳимояланишни таҳлиллаш тизими ташкилот хавфсизлик даражасини баҳолашга ҳамда тармоқ дастурий ва аппарат таъминотини созлаш самарадорлигини назоратлашга хизмат қилади.

Хужумларни аниқлаш

Тармоқ ахборотини таҳлиллаш усуллари. Моҳияти бўйича, хужумларни аниқлаш жараёни корпоратив тармоқда бўлаётган шубҳали ҳаракатларни баҳолаш жараёнидир. Бошқача айтганда хужумларни аниқлаш-ҳисоблаш ёки тармоқ ресурсларига йўналтирилган шубҳали ҳаракатларни идентификатсиялаш ва уларга реаксия кўрсатиш жараёни. Ҳозирда хужумларни аниқлаш тизимида қуйидаги усуллар ишлатилади:

- статистик усул;
- эксперт тизимлари;
- нейрон тармоқлари.

Статистик усул. Статистик ёндашишнинг асосий афзаллиги аллақачон ишлаб чиқилган ва ўзини танитган математик статистика аппаратини ишлатиш ва субъект характериға мослаш.

Аввал таҳлилланувчи тизимнинг барча субъектлари учун профиллар аниқланади. Ишлатиладиган профилларнинг эталондан ҳар қандай четланиши рухсат этилмаган фойдаланиш ҳисобланади. Статистик усуллар универсал ҳисобланади, чунки мумкин бўлган хужумларни ва улар фойдаланадиган заифликларни билиш талаб этилмайди. Аммо бу усуллардан фойдаланишда бир қанча муаммолар пайдо бўлади:

1. Статистик тизимлар ходисалар келиши тартибига сезувчанмаслар; баъзи ҳолларда бир ходисанинг ўзи, келиши тартибига кўра аномал ёки нормал фаолиятни характерлаши мумкин.

2. Аномал фаолиятни адекват идентификатсиялаш мақсадида ҳужумларни аниқлаш тизими томонидан кузатиловчи характеристикалар учун чегаравий (бўсаавий) қийматларни бериш жуда қийин.

3. Статистик усуллар вақт ўтиши билан бузунчилар томонидан шундай "ўрнатилиши" мумкинки, ҳужум ҳаракатлари нормал каби қабул қилинади.

Эксперт тизимлари. Эксперт тизими одам-эксперт билимларини қамраб оловчи қоидалар тўпламидан ташкил топган. Эксперт тизимидан фойдаланиш ҳужумларни аниқлашнинг кенг тарқалган усули бўлиб, ҳужумлар хусусидаги ахборот қоидалар кўринишида ифодаланади. Бу қоидалар ҳаракатлар кетма-кетлиги ёки сигнатуралар кўринишида ёзилиши мумкин. Бу қоидаларнинг ҳар бирининг бажарилишида рухсатсиз фаолият мавжудлиги хусусида қарор қабул қилинади. Бундай ёндашишнинг муҳим афзаллиги - ёлон тревоганинг умуман бўлмаслиги.

Эксперт тизимининг маълумотлари базасида ҳозирда маълум бўлган аксарият ҳужумлар сценарияси бўлиши лозим. Эксперт тизимлари, долзарбликни сақлаш мақсадида, маълумотлар базасини муттасил янгилашни талаб этади. Гарчи эксперт тизимлари қайдлаш журналларидаги маълумотларни кўздан кечиришга яхши имкониятни тавсия қилсада, сўралган янгилашни эътиборсиз қолдирилиши ёки маъмур томонидан қўлда амалга оширилиши мумкин. Бу энг камида, эксперт тизими имкониятларининг бўшашига олиб келади.

Эксперт тизимларининг камчиликлари ичида энг асосийси - номаълум ҳужумларни акслантира олмаслиги. Бунда олдиндан маълум ҳужумнинг ҳатто озгина ўзгариши ҳужумларни аниқлаш тизимининг ишлашига жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Нейрон тармоқлари. Ҳужумларни аниқлаш усуллариининг аксарияти қоидалар ёки статистик ёндашиш асосида назоратланувчи муҳитни таҳлиллаш шаклларида фойдаланади. Назоратланувчи муҳит сифатида қайдлаш журналлари ёки тармоқ трафики кўрилиши мумкин. Бундай таҳлиллаш маъмур ёки ҳужумларни яниқлаш тизими томонидан яратилган, олдиндан аниқланган қоидалар тўпламига таянади.

Ҳужумни вақт бўйича ёки бир неча нияти бузуқ одамлар ўртасида ҳар қандай бўлиниши эксперт тизимлар ёрдамида аниқлашга қийинчилик тудиради. Ҳужумлар ва улар усуллариининг турли-туманлиги туфайли, эксперт тизимлари қоидаларининг маълумотлар базасининг ҳатто доимий янгилалиши ҳам ҳужумлар диапазонини аниқ идентификатсиялашни кафолатламайди.

Жиноий (криминал) бизнес

Гаразли мақсадларда атайин зарарли дастурлар яратувчи якка-хакер ёки хакерлар гуруҳлари вирус яратувчиларининг энг хавфли тойифаси ҳисобланади. Бунинг учун улар банк ҳисобларига кириш кодларини ўйрловчи вирусли ва Троян дастурларини яратадилар. Қандайдир маҳсулот

ёки хизматларни ёлон реклама қиладилар, зарарланган компютер ресурсларидан ноқонуний (яна пул учун спам-бизнесни йўлга қўйиш ёки товламачилик қилиш мақсадида тақсимланган тармоқ ҳужумини ташкил қилиш учун) фойдаланадилар. Шу тоифа фуқаролар фаолиятлари миқёси жуда кенг.

Виртуал ҳимояланган тармоқлар. Симсиз алоқа тизимларида ахборот ҳимояси.

Интернет нинг гуриллаб ривожланиши натижасида дунёда ахборотни тарқатиш ва фойдаланишда сифатий ўзгариш содир бўлди. Интернет фойдаланувчилари арзон ва қулай коммуникатсияга эга бўлдилар. Корхоналар Интернет каналларидан жиддий тижорат ва бошқарув ахборотларини узатиш имкониятларига қизиқиб қолдилар. Аммо Интернетнинг қурилиши принтсипи нияти бузук одамларга ахборотни ўирлаш ёки атайин бузиш имкониятини яратди. Одатда ТСП/ИП протоколлар ва стандарт Интернет-иловалар (е-маил, Веб, ФТП) асосида қурилган корпоратив ва идора тармоқлари суқилиб киришдан кафолатланмаганлар.

Интернетнинг ҳамма ерда тарқалишидан манфаат кўриш мақсадида тармоқ ҳужумларига самарали қаршилиқ кўрсатувчи ва бизнесда очик тармоқлардан фаол ва хавфсиз фойдаланишга имкон берувчи виртуал хусусий тармоқ ВПН яратиш устида ишлар олиб борилди. Натижада 1990 йилнинг бошида виртуал хусусий тармоқ ВПН контсептсияси яратилди. "Виртуал" ибораси ВПН атамасига иккита узел ўртасидаги уланишни вақтинча деб кўрилишини таъкидлаш мақсадида киритилган. Ҳақиқатан, бу уланиш доимий, қатъий бўлмай, фақат очик тармоқ бўйича трафик ўтганида мавжуд бўлади.

Виртуал тармоқ ВПНларни қуриш контсептсияси асосида етарлича оддий оя ётади: агал глобал тармоқда ахборот алмашинувчи иккита узел бўлса, бу узеллар орасида очик тармоқ орқали узатилаётган ахборотнинг confidentсиаллигини ва яхлитлигини таъминловчи виртуал ҳимояланган туннел қуриш зарур ва бу виртуал туннелдан барча мумкин бўлган ташқи фаол ва пассив кузатувчиларнинг фойдаланиши хаддан ташқари қийин бўлиши лозим.

Шундай қилиб, ВПН туннели очик тармоқ орқали ўтказилган уланиш бўлиб, у орқали виртуал тармоқнинг криптографик ҳимояланган ахборот пакетлари узатилади. Ахборотни ВПН туннели бўйича узатилиши жараёнидаги ҳимоялаш қуйидаги вазифаларни бажаришга асосланган:

- ўзаро алоқадаги тарафларни аутентификатсиялаш;
- узатилувчи маълумотларни криптографик беркитиш (шифрлаш);
- етказиладиган ахборотнинг ҳақиқийлигини ва яхлитлигини текшириш.

Бу вазифалар бир бирига болиқ бўлиб, уларни амалга оширишда ахборотни криптографик ҳимоялаш усулларида фойдаланилади. Бундай ҳимоялашнинг самарадорлиги симметрик ва асимметрик криптографик тизимларнинг биргаликда ишлатилиши эвазига таъминланади. ВПН

қурилмалари томонидан шакллантирилувчи ВПН туннели ҳимояланган ажратилган линия хусусиятларига эга бўлиб, бу ҳимояланган ажратилган линиялар умумфойдаланувчи тармоқ, масалан Интернет доирасида, сафланади. ВПН қурилмалари виртуал хусусий тармоқларда ВПН-мижоз, ВПН-сервер ёки ВПН хавфсизлиги шлюзи вазифасини ўташи мумкин.


ВПН-мижоз одатда шахсий компьютер асосидаги дастурий ёки дастурий-аппарат комплекси бўлиб, унинг тармоқ дастурий таъминоти у бошқа ВПН-мижоз, ВПН-сервер ёки ВПН хавфсизлиги шлюзлари билан алмашинадиган трафикни шифрлаш ва аутентификациялаш учун модификацияланади.

ВПН-сервер сервер вазифасини ўтовчи, компьютерга ўрнатилувчи дастурий ёки дастурий-аппарат комплексида иборат. ВПН-сервер ташқи тармоқларнинг рухсатсиз фойдаланишидан серверларни ҳимоялашни ҳамда алоҳида компьютерлар ва мос ВПН-маҳсулотлари орқали ҳимояланган локал тармоқ сегментларидаги компьютерлар билан ҳимояланган уланишларни ташкил этишни таъминлайди. ВПН-сервер ВПН-мижознинг сервер платформалари учун функционал аналог ҳисобланади. У аввало ВПН-мижозлар билан кўпгина уланишларни мададловчи кенгайтирилган ресурслари билан ажралиб туради. ВПН-сервер мобил фойдаланувчилар билан уланишларни ҳам мададлаши мумкин.

ВПН хавфсизлик шлюзи. (Сесурити гатевей) иккита тармоққа уланувчи тармоқ қурилмаси бўлиб, ўзидан кейин жойлашган кўп сонли хостлар учун шифрлаш ва аутентификациялаш вазифаларини бажаради. ВПН хавфсизлиги шлюзи шундай жойлаштириладики, ички корпоратив тармоққа аталган барча трафик у орқали ўтади. ВПН хавфсизлиги шлюзининг адреси қиравчи туннелланувчи пакетнинг ташқи адреси сифатида кўрсатилади, пакетнинг ички адреси эса шлюз орқасидаги муайян хост адреси

ҳисобланади. ВПН хавфсизлиги шлюзи алоҳида дастурий ечим, алоҳида аппарат қурилмаси, ҳамда ВПН вазифалари билан тўлдирилган маршрутизаторлар ёки тармоқлараро экран кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Ахборот узатишнинг очиқ ташқи муҳити маълумот узатишнинг тезкор каналларини (Интернет муҳити) ва алоқанинг секин ишлайдиган



умумфойдаланувчи каналларини (масалан, телефон тармои каналларини) ўз ичига олади. Виртуал хусусий тармоқ ВПНнинг самарадорлиги алоқанинг очиқ каналлари бўйича айланивчи ахборотнинг ҳимояланиш даражасига болиқ. Очиқ тармоқ орқали маълумотларни хавфсиз узатиш учун инкапсуляциялаш ва туннеллаш кенг ишлатилади. Туннеллаш усули бўйича маълумотлар пакети умумфойдаланувчи тармоқ орқали худди оддий икки нуқтали уланиш бўйича узатилганидек узатилади. Ҳар бир "жўнатувчи-

қабул қилувчи" жуфтлиги орасига бир протокол маълумотларини бошқасининг пакетига инкапсулятсиялашга имкон берувчи ўзига хос туннель-мантикий уланиш ўрнатилади.

Туннеллашга биноан, узатилувчи маълумотлар портсияси хизматчи хошиялар билан бирга янги "конверт"га "жойлаш" амалга оширилади. Бунда пастроқ сатҳ протоколи пакети юқорироқ ёки худ шундай сатҳ протоколи пакети маълумотлари майдонига жойлаштирилади. Таъкидлаш лозимки, туннеллашнинг ўзи маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ёки бузишдан ҳимояламайди, аммо туннеллаш туфайли инкапсулятсияланувчи дастлабки пакетларни тўла криптографик ҳимоялаш имконияти пайдо бўлади. Узатилувчи маълумотлар confidentсиаллигини таъминлаш мақсадида жўнатувчи дастлабки пакетларни шифрлайди, уларни, янги ИП- сарлавҳа билан ташқи пакетга жойлайди ва транзит тармоқ бўйича жўнатади.

Симсиз тармоқлар одамларга симли уланишсиз ўзаро боланишларига имкон беради. Бу силжиш эркинлигини ва уй, шаҳар қисмларидаги ёки дунёнинг олис бурчакларидаги иловалардан фойдаланиш имконини таъминлайди. Симсиз тармоқлар одамларга ўзларига қулай ва хоҳлаган жойларида электрон почтани олишларига ёки Веб-саҳифаларни кўздан кечиришларига имкон беради.

Симсиз тармоқларнинг турли хиллари мавжуд, аммо уларнинг энг муҳим хусусияти боланишнинг компьютер қурилмалари орасида амалга оширилишидир. Компютер қурилмаларига шахсий рақамли ёрдамчилар (Персонал дигитал ассистансе, ПДА), ноутбуклар, шахсий компьютерлар, серверлар ва принтерлар тааллуқли. Одатда уяли телефонларни компьютер қурилмалари қаторига киритишмайди, аммо энг янги телефонлар ва ҳатто наушниклар маълум ҳисоблаш имкониятларига ва тармоқ адаптерларига эга. Яқин орада электрон қурилмаларнинг аксарияти симсиз тармоқларга уланиш имкониятини таъминлайди.

Боланиш таъминланадиган физик худуд ўлчамларига болиқ ҳолда симсиз тармоқларнинг қуйидаги категориялари фарқланади:

- симсиз шахсий тармоқ (Wireless персонал-ареа network, ПАН);
- симсиз локал тармоқ (Wireless лосал-ареа network, ЛАН);
- симсиз регионал тармоқ (Wireless метрополитан-ареа network, МАН);
- симсиз глобал тармоқ (Wireless Wide-ареа network, WAN).

Симсиз шахсий тармоқлари узатишнинг катта бўлмаган масофаси билан (17 метргача) ажралиб туради ва катта бўлмаган бинода ишлатилади. Бундай тармоқларнинг характеристикалари ўртача бўлиб, узатиш тезлиги одатда 2Мб/с дан ошмайди.

Бундай тармоқ, масалан, фойдаланувчи ПДА сида ва унинг шахсий компютериди ёки ноутбукида маълумотларни симсиз синхронлашни таъминлаши мумкин. Худди шу тариқа принтер билан симсиз уланиш таъминланади. Компютерни ташқи қурилмалар билан уловчи симлар чигалликларининг йўқолиши етарлича жиддий афзаллик бўлиб, бунинг эвазига ташқи қурилмаларнинг бошланич ўрнатилиши ва кейинги, зарурият туилганда, жойининг ўзгартирилиши анчагина осонлашади.

Симсиз локал тармоқлар офисларнинг ичида ва ташқарисида, ишлаб чиқариш биноларида узатишларнинг юқори характеристикаларини таъминлайди. Бундай тармоқлардан фойдаланувчилар одатда ноутбукларни, шахсий компьютерларни ва катта ресурсларни талаб этувчи иловаларни бажаришга қодир протсессорли ва катта экранли ПДА ларни ишлатишади. Хизматчи тармоқ хизматларидан мажлислар залида ёки бионинг бошқа хоналарида бўла туриб фойдаланаши мумкин. Бу хизматчига ўз вазифаларини самарали бажаришга имкон беради. Симсиз локал тармоқлар узатишнинг 54Мбит/сгача тезлигида барча офис ёки маиший иловалар талабларини қондириш имконига эга. Характеристикалари, компонентлари, нархи ва бажарадиган амаллари бўйича бундай тармоқлар этҳернет хилидаги анъанавий симли локал тармоқларига ўхшаш.

Паролли химоя ва уларнинг замонавий турлари.

Пароллар асосида аутентификациялаш

Аутентификациянинг кенг тарқалган схемаларидан бири оддий аутентификациялаш бўлиб, у анъанавий кўп мартали паролларни ишлатишига асосланган. Тармоқдаги фойдаланувчини оддий аутентификациялаш муолажасини қуйидагича тасаввур этиш мумкин. Тармоқдан фойдаланишга уринган фойдаланувчи компьютер клавиатурасида ўзининг идентификатори ва паролни теради. Бу маълумотлар аутентификация серверига ишланиш учун тушади. Аутентификация серверида сақланаётган фойдаланувчи идентификатори бўйича маълумотлар базасидан мос ёзув топилади, ундан паролни топиб фойдаланувчи киритган парол билан таққосланади. Агар улар мос келса, аутентификация муваффақиятли ўтган ҳисобланади ва фойдаланувчи легал (қонуний) мақомини ва авторизатсия тизими орқали унинг мақоми учун аниқланган ҳуқуқларни ва тармоқ ресурсларидан фойдаланишга рухсатни олади.

Энг кенг тарқалган усул — фойдаланувчилар паролни тизимли файлларда, очиқ ҳолда сақлаш усулидир. Бунда файлларга ўқиш ва ёзишдан химоялаш атрибутлари ўрнатилади (масалан, оператсион тизимдан фойдаланишни назоратлаш руйхатидаги мос имтиёзларни тавсифлаш ёрдамида). Тизим фойдаланувчи киритган паролни пароллар файлида сақланаётган ёзув билан солиштиради. Бу усулда шифрлаш ёки бир томонлама функциялар каби криптографик механизмлар ишлатилмайди. Ушбу усулнинг камчилиги - нияти бузуқ одамнинг тизимда маъмур имтиёзларидан, шу билан бирга тизим файлларидан, жумладан парол файлларидан фойдаланиш имкониятидир.

Оддий аутентификацияни ташкил этиш схемалари нафақат паролларни узатиш, балки уларни сақлаш ва текшириш турлари билан ажралиб туради. Энг кенг тарқалган усул — фойдаланувчилар паролни тизимли файлларда, очиқ ҳолда сақлаш усулидир. Бунда файлларга ўқиш ва ёзишдан химоялаш атрибутлари ўрнатилади (масалан, оператсион тизимдан фойдаланишни назоратлаш руйхатидаги мос имтиёзларни тавсифлаш ёрдамида). Тизим фойдаланувчи киритган паролни пароллар файлида сақланаётган ёзув билан солиштиради. Бу усулда шифрлаш ёки бир томонлама функциялар каби

криптографик механизмлар ишлатилмайди. Ушбу усулнинг камчилиги - нияти бузуқ одамнинг тизимда маъмур имтиёзларидан, шу билан бирга тизим файлларидан, жумладан парол файлларидан фойдаланиш имкониятидир.

Хавфсизлик нуктаи назаридан паролларни бир томонлама функциялардан фойдаланиб узатиш ва сақлаш қулай ҳисобланади. Бу ҳолда фойдаланувчи паролнинг очик шакли урнига унинг бир томонлама функция х(.) дан фойдаланиб олинган тасвирини юбориши шарт. Бу ўзгартириш аним томонидан паролни унинг тасвири орқали ошкор қила олмаганлигини кафолатлайди, чунки аним ечилмайдиган сонли масалага дуч келади.



Кўп мартали паролларга асосланган оддий аутентификациялаш тизимининг бардошлиги паст, чунки уларда аутентификацияловчи ахборот маъноли сўзларнинг нисбатан катта бўлмаган тўпламидан жамланади. Кўп мартали паролларнинг таъсир муддати ташкилотнинг хавфсизлиги сиёсатида белгиланиши ва бундай паролларни мунтазам равишда алмаштириб туриш лозим.

Паролларни шундай танлаш лозимки, улар луатда бўлмасин ва уларни топиш қийин бўлсин.

Бир мартали паролларга асосланган аутентификациялашда фойдаланишга ҳар бир сўров учун турли пароллар ишлатилади. Бир мартали динамик парол фақат тизимдан бир марта фойдаланишга яроқли. Агар, ҳатто кимдир уни ушлаб қолса ҳам парол фойда бермайди. Одатда бир мартали паролларга асосланган аутентификациялаш тизими масофадаги фойдаланувчиларни текширишда қўлланилади.

Бир мартали паролларни генерациялаш аппарат ёки дастурий усул оқали амалга оширилиши мумкин. Бир мартали пароллар асосидаги фойдаланишнинг аппарат воситалари ташқаридан тўлов пластик карточкаларига ўхшаш микропротсессор ўрнатилган миниатюр қурилмалар кўринишда амалга оширади. Одатда калитлар деб аталувчи бундай карталар клавиатурага ва катта бўлмаган дисплей дарчасига эга.

Фойдаланувчиларни аутентификациялаш учун бир мартали паролларни қўллашнинг қуйидаги усуллари маълум:

1. Ягона вақт тизимига асосланган вақт белгилари механизмидан фойдаланиш.

2. Легал фойдаланувчи ва текширувчи учун умумий бўлган тасодифий пароллар руйхатидан ва уларнинг ишончли синхронлаш механизмидан фойдаланиш.

3. Фойдаланувчи ва текширувчи учун умумий бўлган бир хил дастлабки қийматли псевдотасодифий сонлар генераторидан фойдаланиш.

Биринчи усулни амалга ошириш мисоли сифатида СесуриД аутентикатсиялаш технологиясини кўрсатиш мумкин. Бу технология СесуриТ Динамисс компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, қатор компанияларнинг, хусусан Сиссо Системс компаниясининг серверларида амалга оширилган.

Вақт синхронизатсиясидан фойдаланиб аутентификатсиялаш схемаси тасодифий сонларни вақтнинг маълум оралиидан сўнг генератсиялаш алгоритмига асосланган. Аутентификатсия схемаси қуйидаги иккита параметрдан фойдаланади:

- ҳар бир фойдаланувчига аталган ва аутентификатсия серверида ҳамда фойдаланувчининг аппарат калитида сақланувчи ноёб 64-битли сондан иборат махфий калит; жорий вақт қиймати.

Аутентификациянинг бу схемаси билан яна бир муаммо болиқ. Аппарат калит генератсиялаган тасодифий сон катта бўлмаган вақт оралиии мобайнида ҳақиқий парол ҳисобланади. Шу сабабли, умуман, қисқа муддатли вазият содир бўлиши мумкинки, хакер ПИН-кодни ушлаб қолиши ва уни тармоқдан фойдаланишга ишлатиши мумкин. Бу вақт синхронизатсиясига асосланган аутентификатсия схемасининг энг заиф жойи ҳисобланади.

Бир мартали паролдан фойдаланувчи аутентификатсиялашни амалга оширувчи яна бир вариант - «сўров-жавоб» схемаси бўйича аутентификатсиялаш. Фойдаланувчи тармоқдан фойдаланишга уринганида сервер унга тасодифий сон кўринишидаги сўровни узатади. Фойдаланувчининг аппарат калити бу тасодифий сонни, масалан ДЕС алгоритми ва фойдаланувчининг аппарат калити хотирасида ва сервернинг маълумотлар базасида сақланувчи махфий калити ёрдамида расшифровка қилади. Тасодифий сон - сўров шифрланган кўринишда серверга қайтарилади. Сервер ҳам ўз навбатида ўша ДЕС алгоритми ва сервернинг маълумотлар базасидан олинган фойдаланувчининг махфий калити ёрдамида ўзи генератсиялаган тасодифий сонни шифрлайди. Сўнгра сервер шифрлаш натижасини аппарат калитидан келган сон билан таққослайди. Бу сонлар мос келганида фойдаланувчи тармоқдан фойдаланишга рухсат олади. Таъкидлаш лозимки, «сўров-жавоб» аутентификатсиялаш схемаси ишлатишда вақт синхронизатсиясидан фойдаланувчи аутентификация схемасига қараганда мураккаброқ.

Фойдаланувчини аутентификатсиялаш учун бир мартали паролдан фойдаланишнинг иккинчи усули фойдаланувчи ва текширувчи учун умумий бўлган тасодифий пароллар руйхатидан ва уларнинг ишончли синхронлаш механизмидан фойдаланишга асосланган. Бир мартали паролларнинг бўлинувчи рўйхати махфий пароллар кетма-кетлиги ёки тўплами бўлиб, ҳар бир парол фақат бир марта ишлатилади. Ушбу рўйхат аутентификацион алмашинув тарафлар ўртасида олдиндан тақсимланиши шарт. Ушбу

усулнинг бир вариантыга биноан сўров-жавоб жадвали ишлатилади. Бу жадвалда аутентификатсилаш учун тарафлар томонидан ишлатилувчи сўровлар ва жавоблар мавжуд бўлиб, ҳар бир жуфт фақат бир марта ишлатилиши шарт.

Фойдаланувчини аутентификатсиялаш учун бир мартали паролдан фойдаланишнинг учинчи усули фойдаланувчи ва текширувчи учун умумий бўлган бир хил дастлабки қийматли псевдотасодикий сонлар генераторидан фойдаланишга асосланган. Бу усулни амалга оширишнинг қуйидаги вариантлари мавжуд:

•**ўзгартирилувчи бир мартали пароллар кетма-кетлиги.** Навбатдаги аутентификатсиялаш сессиясида фойдаланувчи айнан шу сессия учун олдинги сессия паролдан олинган махфий калитда шифрланган паролни яратади ва узатади;

•**бир томонлама функсияга асосланган пароллар кетма-кетлиги.** Ушбу усулнинг моҳиятини бир томонлама функсиянинг кетма-кет ишлатилиши (Лампартнинг машҳур схемаси) ташкил этади. Хавфсизлик нуқтаи назаридан бу усул кетма-кет ўзгартирилувчи пароллар усулига нисбатан афзал ҳисобланади.

10.2. Компютер вируслари ва улардан ҳимояланиш усуллари.

Режа

10.2.1. Вирус тушунчаси

10.2.2. Вирусга қарши дастурлар

10.2.3. Вирус дастурлари ва унинг турлари

Вирус(Вирус) инглизча “юқумли бошланиш”, “ёмон бошланиш – бузувчи бошланиш”, “юқумли касал” деган маъноларни англатади.

Машҳур «доктор» лардан бири Д.Н.Лозинский вирусни котибага ўхшатади. Тартибли котибани фараз қилсак, у ишга келади ва столидаги бир кунда қилиши керак бўлган ишларни - қоозлар қатламини кўради. У бир варони кўпайтириб бир нусхасини ўзига иккинчисини кейинги қўшни столга кўяди. Кейинги столдаги котиба ҳам камида икки нусхада кўпайтириб, яна бир котибага ўтказади. Натижада конторадаги биринчи нусха бир неча нусхаларга айланади. Баъзи нусхалар яна кўпайиб бошқа столларга ҳам ўтиши мумкин.

Компютер вируслари тахминан шундай ишлайди, Фақат қоозлар ўрнида энди дастурлар, котиба бу - компютер. Биринчи буйруқ «кўчириш-нусха олиш» бўлса, компютер буни бажаради ва вирус бошқа дастурларга ўтиб олади. Агар компютер бирор зарарланган дастурни ишга туширса вирус бошқа дастурларга тарқалиб бориб бутун компютерни эгаллаши мумкин.

Агар бир дона вируснинг кўпайишига 30 секунд вақт кетса, бир соатдан кейин бу 1000000000 дан ортиб кетиши мумкин. Аниқрои компютер хотирасидаги бўш жойларни банд қилиши мумкин.

Худди шундай воқеа 1988 йили Америкада содир бўлган. Глобал тармоқ орқали узатилаётган маълумот орқали вирус бир компютердан бошқасига ўтиб юрган. Бу вирус Моррис вируси деб аталган.

Маълумотларни вирус қандай йўқ қилиши мумкин деган саволга шундай жавоб бериш мумкин:

Вирус нусхалари бошқа дастурларга тез кўпайиб ўтиб олади;

Календар бўйича 13-сана жума кунга тўғри келса ҳамма хужжатларни йўқ қилади.

Буни ҳаммага маълум «Жерусалем» («Тиме» вируси ҳам деб аталади) вируси жуда «яхши» амалга оширади. Кўп ҳолларда билиб бўлмайди, вирус қаердан пайдо бўлди.

Вирусни аниқланиши шундаки, у компютер системасида жойлашиб ва кўпайиб боришига болик. Мисол учун, назарий жиҳатдан оператсион системада вирус даволаб бўлмайди. Бажарувчи коднинг соҳасини тузиш ва ўзгартириш тақиқланган система мисол бўлиши мумкин.

Вирус ҳосил бўлиши учун бажарилувчи кодлар кетма-кетлиги маълум бир шароитда шаклланиши керак. Компютер вирусининг хоссаларидан бири ўз нусхаларини компютер тармоқлари орқали бажарилувчи объектларга кўчиради. Бу нусхалар ҳам ўз-ўзидан кўпайиш имкониятига эга.

Компютер вируслари қандай ҳосил бўлади?

Биологик вируслардан фарқли ўлароқ, компютер вирусларини инсон томонидан тузилади. Вируслар компютер фойдаланувчиларига катта зарар етказди. Улар компютер ишини тўхтатади ёки қаттиқ дискдаги маълумотларни ўчиради. Вирус системага бир неча йўллар билан тушиши мумкин: маълумот ташувчи қурилмалар, дастурий таъминот юкланган СД-РОМ, тармоқ интерфейси ёки модемли боланиш, глобал Интернет; тармоидаги электрон почта.

Маълумот ташувчи қурилма вирусдан зарарланиши осон. Зарарланган компютерга маълумот ташувчи қурилмани солиб ўқитилганда дискнинг бош секторига вирус тушади.

Интернет маълумотлар алмашилишига катта имконият яратади. Лекин, компютер вируслари ва зарарли дастурлар тарқалиши учун яхши муҳит яратади. Албатта Интернетдан олинган барча маълумотларда вирус бор деб бўлмайди. Компютерда ишловчи кўпчилик мутахассислар ва операторлар қабул қилинадиган маълумотларни вируслардан текширишни доимо бажаради. Интернет да ишлаётган ҳар бир киши учун яхши антивирус ҳимоя зарур. «Касперский лабораторияси» техник таъминот хизмати статистикасига кўра, вируслардан зарарланган ҳолатларнинг 85% и электрон почта орқали содир бўлган. 1999 йилга нисбатан ҳозирги кунда бу кўрсаткич 70 % ташкил этади. «Касперский лабораторияси» электрон почталарга яхши антивирус ҳимояси кераклигини таъкидлайди.

Вирус тузувчиларга электрон почта жуда қулай. Амалиёт шуни кўрсатадики, оммабоп дастурлар, оператсион системалар, маълумотларни узатиш технологиялари учун вируслар кўплаб тузилмоқда. Ҳозирда электрон почта бизнес ва бошқа соҳаларда мулоқот учун асосий восита бўлиб

қолмоқда. Шунинг учун вирус тузувчилари электрон почтага диққатини қаратмоқда.

Компютер вирусининг кўп таърифлари мавжуд. Биринчи таърифни 1984 йили Фред Коен берган: "Компютер вируси - бошқа дастурларни, уларга ўзини ёки ўзгартирилган нусхасини киритиш орқали, уларни модификациялаш билан заҳарловчи дастур. Бунда киритилган дастур кейинги кўпайиш қобилиятини сақлайди". Вируснинг ўз-ўзидан кўпайиши ва ҳисоблаш жараёнини модификациялаш қобилияти бу таърифдаги таянч тушунчалар ҳисобланади. Компютер вирусининг ушбу хусусиятлари тирик табиат организмларида биологик вирусларнинг паразитланишига ўхшаш.

Ҳозирда компютер вируси деганда қуйидаги хусусиятларга эга бўлган дастурий код тушунилади:

- аслига мос келиши шарт бўлмаган, аммо аслининг хусусиятларига (ўз-ўзини тиклаш) эга бўлган нусхаларни яратиш қобилияти;
- ҳисоблаш тизимининг бажарилувчи объектларига яратилувчи нусхаларнинг киритилишини таъминловчи механизмларнинг мавжудлиги.

Таъкидлаш лозимки, бу хусусиятлар зарурий, аммо етарли эмас. Кўрсатилган хусусиятларни ҳисоблаш муҳитидаги зарар келтирувчи дастур таъсирининг деструктивлик ва сир бой бермаслик хусусиятлари билан тўлдириш лозим.

Вирусларни қуйидаги асосий аломатлари бўйича туркумлаш мумкин:

- яшаш макони;
- операцион тизим;
- ишлаш алгоритми хусусияти;
- деструктив имкониятлари.

Компютер вирусларини яшаш макони, бошқача айтганда вируслар киритилувчи компютер тизими объектларининг хили бўйича туркумлаш асосий ва кенг тарқалган туркумлаш ҳисобланади.

Файл вируслари бажарилувчи файлларга турли усуллар билан киритилади (енг кўп тарқалган вируслар хили), ёки файл-йўлдошларни (компанон вируслар) яратади ёки файлли тизимларни (линк-вируслар) ташкил этиш хусусиятидан фойдаланади.

Юклама вируслар ўзини дискнинг юклама секторига (боот - секторига) ёки винчестернинг тизимли юкловчиси (Мастер Боот Ресорд) бўлган секторга ёзади. Юклама вируслар тизим юкланишида бошқаришни оловчи дастур коди вазифасини бажаради.

Макровируслар ахборотни ишловчи замонавий тизимларнинг макродастурларини ва файлларини, хусусан МисроСофт Ворд, МисроСофт эхсел ва ҳ. каби оммавий муҳаррирларнинг файл-хужжатларини ва электрон жадвалларини заҳарлайди.

Тармоқ вируслари ўзини тарқатишда компютер тармоқлари ва электрон почта протоколлари ва командаларидан фойдаланади. Баъзида тармоқ вирусларини "қурт" хилидаги дастурлар деб юритишади. Тармоқ вируслари

Интернет-қуртларга (Интернет бўйича тарқалади), ИРС-қуртларга (чатлар, Интернет Релей Чат) бўлинади.

Компютер вирусларининг бажарилиш даври, одатда, бешта босқични ўз ичига олади:

1. Вирусни хотирага юклаш.
2. Қурбонни қидириш.
3. Топилган қурбонни заҳарлаш.
4. Деструктив функцияларни бажариш.
5. Бошқаришни вирус дастур-елтувчисига ўтказиш.

Вирусни хотирага юклаш. Вирусни хотирага юклаш операцион тизим ёрдамида вирус киритилган бажарилувчи объект билан бир вақтда амалга оширилади.

Қурбонни қидириш. Қурбонни қидириш усули бўйича вируслар иккита синфга бўлинади. Биринчи синфга операцион тизим функцияларидан фойдаланиб фаол қидиришни амалга оширувчи вируслар киради. Иккинчи синфга қидиришнинг пасив механизмларини амалга оширувчи, яъни дастурий файлларга тузоқ қўювчи вируслар тааллуқли.

Топилган қурбонни заҳарлаш. Оддий ҳолда заҳарлаш деганда қурбон сифатида танланган объектда вирус коднинг ўз-ўзини нусхалаши тушунилади.

Деструктив функцияларни бажариш. Деструктив имкониятлари бўйича беэён, хавфсиз, хавфли ва жуда хавфли вируслар фарқланади.

Беэён вируслар - ўз-ўзидан тарқалиш механизми амалга оширилувчи вируслар. Улар тизимга зарар келтирмайди, фақат дискдаги бўш хотирани сарфлайди холос.

Хавфсиз вируслар - тизимда мавжудлиги турли таассурот (овоз, видео) билан болиқ вируслар, бўш хотирани камайтирсада, дастур ва маълумотларга эён етказмайди.

Хавфли вируслар - компютер ишлашида жиддий нуқсонларга сабаб бўлувчи вируслар. Натижада дастур ва маълумотлар бузилиши мумкин.


Жуда хавфли вируслар - дастур ва маълумотларни бузилишига ҳамда компютер ишлашига зарур ахборотни ўчирилишига бевосита олиб келувчи, муолажалари олдиндан ишлаш алгоритмларига жойланган вируслар.



Бошқарувчи вирус дастури — елтувчисига ўтказиш. Таъкидлаш лозимки, вируслар бузувчилар ва бузмайдиганларга бўлинади. Бузувчи вируслар дастурлар заҳарланганида уларнинг ишга лаёқатлигини сақлаш хусусида

қаюрмайдилар, шу сабабли уларга ушбу босқичнинг маъноси йўқ.

Бузмайдиган вируслар учун ушбу босқич хотирада дастурни коррект ишланиши шарт бўлган кўринишда тиклаш ва бошқаришни вирус дастур-елтувчисига ўтказиш билан болиқ.



Вирус пайдо бўлиш белгилари.

Зарарланган компютерда энг муҳими вирусни аниқлаш. Бунинг учун вирусни асосий белгиларини билиш керак:

- 1.Функционал дастурларни ишини тўхтатиш ёки нотўри ишлаши;
- 2.Компютерни секин ишлаши;
- 3.ОС ни юкланмаслиги;
- 4.Файл ва каталогларни йўқолиши ёки улардаги ма`лумотларни бузилиши;
- 5.Файллар модификатсиясининг сана ва вақтининг ўзгариши;
- 6.Файл ҳажмининг ўзгариши;
- 7.Дискдаги файллар миқдорининг кескин кўпайиши;
- 8.Бўш оператив хотира ҳажмининг кескин камайиши;
- 9.Кутилмаган маълумотлар ва тасвирларнинг экранга чиқиши;
- 10.Кутилмаган товушларнинг пайдо бўлиши;

11.Компютернинг тез-тез осилиб колиши.



Электрон почта хабари оркали вирус тарқатиш

Вирусга қарши дастурлар

Компютер вирусларини аниқлаш ва улардан ҳимояланиш учун махсус дастурларнинг бир неча хиллари ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастурлар компютер вирусларини аниқлаш ва йўқотишга имкон беради. Бундай дастурлар вирусга қарши дастурлар деб юритилади. Умуман, барча вирусга қарши дастурлар захарланган дастурларнинг ва юклама секторларнинг автоматик тарзда тикланишини таъминлайди.

Вирусларга қарши дастурлар фойдаланадиган вирусларни аниқлашнинг асосий усуллари қуйидагилар:

- эталон билан таққослаш усули;
- эвристик таҳлил;
- вирусга қарши мониторинг;
- ўзгаришларни аниқловчи усул;
- компютернинг киритиш, чиқариш базавий тизимида (БИОСга) вирусга қарши воситаларни ўрнатиш ва бошқалар.

Эталон билан таққослаш усули энг оддий усул бўлиб, маълум вирусларни қидиришда ниқоблардан фойдаланади. Вируснинг ниқоби-мана шу муайян вирусга хос коднинг қандайдир ўзгармас кетма-кетлигидир. Вирусга қарши дастур маълум вирус ниқобларини қидиришда текширилувчи файлларни кетма-кет кўриб чиқади (сканерлайди).

Эвристик таҳлил. Компютер вируси кўпайиши учун хотирада нусхаланиш, секторга ёзилиш каби қандайдир муайян ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Вирусга қарши мониторинг. Ушбу усулнинг моҳияти шундан иборатки, компютер хотирасида бошқа дастурлар томонидан бажарилувчи шубҳали ҳаракатларни мониторингловчи вирусга қарши дастур доимо бўлади. Вирусга қарши мониторинг барча ишга туширилувчи дастурларни, яратилувчи, очилувчи ва сақланувчи ҳужжатларни интернет орқали олинган ёки дискетдан ёки ҳар қандай компакт-дискдан нушаланган дастур ва ҳужжатларнинг файлларини текширишга имкон беради. Агар қандайдир дастур хавфли ҳаракатни қилишга уринмоқчи бўлса, вирусга қарши монитор фойдаланувчига хабар беради.

Ўзгаришларни аниқловчи усул. Дискни тафтиш қилувчи деб аталувчи ушбу усулни амалга оширишда вирусга қарши дастур дискнинг ҳужумга дучор бўлиши мумкин бўлган барча соҳаларини олдиндан хотирлайди, сўнгра уларни вақти-вақти билан текширади. Вирус компютерларни захарлаганида қаттиқ диск таркибини ўзгартиради: масалан, дастур ёки ҳужжат файлига ўзининг кодини қўшиб қўяди, Аутоехес.бат файлига дастур-вирусни чақиришни қўшади, юклама секторни ўзгартиради, файльўлдош яратади. Диск соҳалари характеристикаларининг қийматлари солиштирилганида вирусга қарши дастур маълум ва нўмалум вируслар томонидан қилинган ўзгаришларни аниқлаши мумкин.

Компютерларнинг киритиш, чиқариш базавий тизими (БИОСга) вирусга қарши воситаларни ўрнатиш. Компютерларнинг тизимли платасига вируслардан ҳимоялашнинг оддий воситалари ўрнатилади. Бу воситалар қаттиқ дискларнинг бош юклама ёзувига ҳамда дисклар ва дискетларнинг юклама секторларига барча мурожаатларни назоратлашга имкон беради. Агар қандайдир дастур юклама секторлар таркибини ўзгартиришга уринса, ҳимоя ишга тушади ва фойдаланувчи огоҳлантирилади. Аммо бу ҳимоя жуда ҳам ишончли эмас.

Вирусга қарши дастурларнинг хиллари. Вирусга қарши дастурларнинг куйидаги хиллари фарқланади:

- дастур-фаглар (вирусга қарши сканерлар);
- дастур-тафтишчилар (СРС-сканерлар);
- дастур-блокировка қилувчилар;
- дастур-иммунизаторлар.

Web — Россиянинг вирусга қарши оммавий дастури, Windows 9x/NT/2003/XP/7/8 учун мўлжалланган бўлиб, файлли, юклама, ва файл-юклама вирусларни қидиради ва зарарсизлантиради.

AVP (Антивирус Касперского Персонал) — Россиянинг вирусга қарши пакети.

Есет Nod32 Антивирус

Сймантес Антивирус — Сймантес компаниясининг корпоратив фойдаланувчиларга таклиф этган вирусга қарши маҳсулоти тўплами.

Вирус дастурлари ва унинг турлари

Троян дастурлари фойдаланувчига зарар келтирувчи бўлиб, улар буйруқлар (модуллар) кетма – кетлигидан ташкил топган, омма орасида жуда кенг таркалган дастурлар (тахрирловчилар, ўйинлар, трансляторлар) ичига ўрнатилган бўлиб, бир қанча ҳодисалар бажарилиши билан ишга тушадиган «мантикий бомба» деб аталадиган дастурдир. Ўз навбатида, «мантикий бомба»нинг турли кўринишларидан бири «соат механизмли бомба» ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, троян дастурлари ўз-ўзидан кўпаймасдан, комп'ютер тизими бўйича дастурловчилар томонидан тарқатилади.

Троян дастурлардан вирусларнинг фарқи шундаки, вируслар комп'ютер тизимлари бўйлаб тарқатилганда, улар мустақил равишда ҳосил бўлиб, ўз иш фаолиятида дастурларга ўз матнларини ёзган ҳолда уларга зарар кўрсатади.

Чувалчанг вируслар (Worms) – Чувалчанг вируслар ўз номига мос равишда жуда тез ўз-ўзидан кўпаядиган вируслардир. Одатда бу вируслар интернет ёки интранет тармоқлари орасида тарқалади. Тарқалиш усули сифатида электрон хатлар ёки бошқа тез тарқалувчи механизмлардан фойдаланади. Улар ҳақиқатан ҳам компютерингиздаги маълумотлар ва компютер хавфсизлигига катта зиён етказади. Чувалчанг вируслар оператсион тизимнинг нозик жойларидан фойдаланиш ёки зарарланган электрон хатларни очиш йўли билан компютерингизга ўрнаши бўлиши мумкин.

Боот сектор вируслари (Боотсестор вирусес) – Бу вируслар компютернинг ишлай бошлаши (загрузка) учун фойдаланиладиган қаттиқ дискнинг махсус қисмини ишдан чиқаради. Бу вирус компютерингизни зарарлаганидан кейин компютер ишламай қолиши мумкин. Одатда флоппӣ дисклар орқали тарқалади.

Макро вируслар (Макро вирусес) – Макро вируслар бу – ўзларининг тарқалиши учун бошқа бир программанинг макро дастурлаш тилидан фойдаланадиган вируслардир. Улар одатда Мисрософт Ворд ёки эксел ҳужжатларини зарарлайди.

Оператив хотирада яшовчи вируслар (Меморӣ Ресидент Вирусес) – Бу вируслар компютерингизнинг оператив хотирасида (РАМ) яшайди ва зарарли ҳаракатини амалга оширади. Одатда уларни ишга тушириш учун бошқа вирусдан фойдаланилади. Улар ўзларининг ишга тушишга ёрдам берган вирус ёпилган бўлса ҳам компютер хотирасида қолади, шунинг учун ҳам уларга юқоридаги ном берилган.

Рооткит вируслари (Рооткит вирусес) – Рооткитлар вируслар орасида ўзларининг энг хавфлилиги ва яширинишга усталиги билан алоҳида ажралиб туради. Рооткитлар компютерингизни ёвуз ҳакерлар томонидан қўлга олиниши учун фойдаланилади. Баъзи рооткитларни антивирус программалари ҳам аниқлай олмайди, чунки улар ўзларини оператив тизим файллари сифатида кўрсатишади. Рооткитлар одатда троянлар томонидан компютерингизга ўрнатилади.

Ўзгарувчан вируслар (Полйморпҳис вирусес) – Бу вируслар нафақат ўз-ўзидан кўпаяди, балки кўпайган пайтда ўзларининг кодларини ҳам

ўзгартириб туришади. Ўзгарувчан вирусларни аниқлаш ҳам баъзи антивируслар учун қийин кечиши мумкин.

(Меморй Ресидент Вирусес) - Бу вируслар компютерингизнинг оператив хотирасида (РАМ) яшайди ва зарарли ҳаракатини амалга оширади. Одатда уларни ишга тушириш учун бошқа вирусдан фойдаланилади. Улар ўзларининг ишга тушишга ёрдам берган вирус ёпилган бўлса ҳам компютер хотирасида қолади, шунинг учун ҳам уларга юқоридаги ном берилган.

Полиморпхис вирусес – Бу вируслар нафақат ўз- ўзидан кўпаяди, балки кўпайган пайтда ўзларининг кодларини ҳам ўзгартириб туришади. Ўзгарувчан вирусларни аниқлаш ҳам баъзи антивируслар учун қийин кечиши мумкин.

Вақт бомбаси вируслари (Тиме ор Логис Бомбс) – Бу вируслар муайян сана ёхуд пайт келганида ёки фойдаланувчи томонидан муайян ҳаракат амалга оширилганида ишга тушадиган вируслардир. Мисол учун кулги кунида (1 апрел) ёки Янги йилда компютерингиздаги маълумотларни ўчириб ташлаб сизга "совга" тақдим этиши мумкин

Антивирус дастурлари

Касперский, аслида, антивирус дастур яратувчиси, «Касперский лабораторияси» компанияси асосчиси, россиялик мутахассиснинг фамилияси бўлиб, бугунги кунда зарарли дастурларга, вирусларга қарши курашишнинг рамзий номи бўлиб қолган. Бу антивирус дастур Россия ва МДХ давлатларида кенг тарқалган. Лабораторияда нафақат антивируснинг янги версиялари ишлаб чиқилади, балки фойдаланувчилар орасида сўровнома ўтказиб, антивирсни такомиллаштириш устида ишлар олиб борилади. Касперский антивирсуни содда ва қулай интерфейсга эга бўлиб, барча керакли утилиталарни битта ойнада жойлаган. Дастурни ўрнатиш устаси (мастер установки) ёрдами билан ҳаттоки бошланич фойдаланувчи ҳам ушбу антивирсуни ўз компютерига осон ўрнатиб олиши мумкин. Бошқа тарафдан эса, фойдаланиладиган алгоритмларнинг кучлилиги ҳаттоки профессионаллари ҳам қониқтиради. Антивирусларнинг салоҳиятини текшириш учун махсус тест ўтказилганда, Касперский ҳам қатнашди. Бунда синов компютерининг 512 Мб ҳажмли хотира қисмига 7 та зарарли дастур–вирус юктирилди ва Касперский антивирсуни ёрдамида ўша вируслар қидирилди. 15 дақиқа ичида антивирус 6 та вирусни аниқлади, бирорта ёлон чақирув бўлмади.

Др.Веб

Бу – Россияда ишлаб чиқилган яна бир антивирус дастур бўлиб, у машҳурликда Касперскийдан қолишмайди, унга рақобатчилик қилади. Унинг демо версиясидан фойдаланиш учун албатта Интернет орқали рўйхатдан ўтиш керак. Бу бир тарафдан яхши. Сабаби, рўйхатдан кейин фойдаланувчи вируслар ҳақидаги энг сўнгги базага эга бўлади. Ёмон тарафи шундаки, Др.Вебни ўрнатиш учун Интернетга уланган бўлиш лозим бўлади. Бошланич фойдаланувчилар Др.Веб дан фойдаланмоқчи бўласалар, яхшиси дастурни ўрнатишни компютернинг ўзига қўйиб берганлари яхши. Акс

холда, ўрнатиш давомида фойдаланувчи адашиб кетиш эҳтимоли катта. Др. Web антивирусининг аҳамиятли томони шундаки, у компютерни сканерлаётганида (текшираётганида) компютерни блоклаб қўяди, фойдаланувчи кутиб туришига тўри келади. Юқорида келтирилган антивирус дастурлар ўртасидаги тестда Др. Web компютерга юктирилган 7 та вируснинг ҳаммасини топди, қўшимчасига компютерда кечаётган зарарли жараён ҳақида огоҳлантириш ҳам берди.

ПандаАнтивирус-Фиреуолл

Бу дастур нафақат антивирус, балки брандмауер ҳамдир. Яъни, Панда нафақат компютернинг ичини сканерлайди, балки, агар компютер онлайн режимда Интернетга уланган бўлса, брандмауер тармоқ орқали бўлаётган ахборот алмашинувлари пакетларини ҳам назоратдан ўтказиб туради. Дастурнинг асосий мулоқот ойнаси чиройли фонда, кўриниши ёқимли бўлгани билан, меню орқали дастурнинг бирор қисмига ўтиш ноқулай тарзда ишланган. Оддий фойдаланувчи меню бўлимлари ичида бемалол «адашиб қолиши» мумкин. Панданинг асосий хусусиятларидан бири у компютердаги бўш, зарарланиш эҳтимоли кучли бўлган дастур ёки қурилмани аниқлаб, фойдаланувчига дастурни ёки қурилма драйверини янгилаш кўрсатмасини беради. Лекин шундай бўлса ҳам, антивируслар ичида ўтказилган синовда Панда Касперский ва Др. Web га тенг кела олмади. У киритилган 7 та вирусдан 6 тасини аниқлади, шулардан 3 тасини йўқ қилди, қолганини эса номини ўзгартириб қўя олди, холос.

НортонАнтивирус

Нортон Антивирус дастури «Сймантес» компаниясининг машҳур ишланмаларидан бири бўлиб, унинг иш фаолияти жуда юқори қувватли ҳисоблаш тизимларига асосланган. Нортон Антивирус дастури фойдаланувчининг хатти-ҳаракатларига жуда секин жавоб беради. Бундан ташқари, компютерга ўрнатилаётганида у оператсион тизим ва Интернет эҳплорер Интернет браузерининг қайси версияда эканлигига қаттиқ талаблар қўяди. Агар мос тушмаса, ўрнатилмай қолади. Нортон антивирус дастури ўрнатилаётганида вирус базаларини янгилаш шарт эмас, лекин агар база эскириб қолган бўлса, у иш жараёнининг ҳамма қисмида фойдаланувчига эслатиб турилади (баъзан жонга ҳам тегиб кетади). Бу дастурнинг «шошмаслиги» унинг компютерни текшириш тезлигига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Компютерга юктирилган 7 та вируснинг ҳаммаси бу дастур ёрдамида 15 дақиқадан камроқ вақт ичида топилди, ёлгон чақирувлар бўлмади.

NOD32

Чет элда, хусусан арб давлатларида ўтказиладиган «Вирус Буллетин 100%» халқаро тестда етакчи антивирус ҳисобланади. Лекин у МДХ да унчалик оммалашмаган. Ишлаб чиқарувчиларнинг айтишича, фақат мана шу НОД32 антивирус дастуригина бирорта ҳам зарарли файлларни «қўйиб юбормаган». Биз ўтказган тест натижаларига кўра эса, юктирилган 7 та вирусдан 6 тасини 5 дақиқа ичида аниқлади. Охирги еттинчи вирусга эса, «шубҳали» деб ташхис қўйди.

аваст! Про Антивируси.

аваст! Про Антивирус Чехиянинг Алвил Софтware компанияси томонидан ишлаб чиқарилган пуллик антивирус маҳсулоти бўлиб, ўз хавфсизлиги назорат остида бўлишини истайдиган фойдаланувчилар учун мўлжалланган. Замонавий антивирус маҳсулоти эга бўлиши керак бўлган ҳамма хусусиятларни ўзида жам қилган. Текин **аваст!** **Фрее Антивирусдан** қўшимча бир неча модуллари мавжудлиги ва фойдаланувчига ўз хавфсизлигини тўлиқ назорат қилиш имконияти борлиги билан фарқланади. Лекин **аваст! Интернет Сесуритй** маҳсулотида мавжуд бўлган **Фиреуолл** ва **Антиспам** модулларига эга эмас.**аваст!** **Антивирус** қуйидаги хусусиятларга эга:

Вирус ва Спйвареларга қарши давомий ҳимояни таъминлайди. Юборилган ва қабул қилинаётган электрон хатларнинг вируслардан ҳоли бўлишини таъминлайди. Чат суҳбати давомида вируслардан ҳимоя қилади. Зарарланган сайтлардан ҳимоя қилади. Шубҳали сайтларни бемалол кўриб чиқишни ва номаълум программаларни ишлатишда керакли ҳимояни таъминлайди. Ўйин ўйнаш давомида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлайди. Windows XP, Windows Vista, Windows 7 операцион тизимларида ишлай олади. Янги фойдаланиш интерфейси мавжуд.

Вирусларга қарши чора-тадбирлар

Компьютерни вируслар билан зарарланишидан сақлаш ва ахборотларни ишончли сақлаш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

- компьютерни замонавий антивирус дастурлар билан таъминлаш;
- дискеталарни ишлатишдан олдин ҳар доим вирусга қарши текшириш;
- қимматли ахборотларнинг нусхасини ҳар доим архив файл кўринишида сақлаш.

Компьютер вирусларига қарши курашнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- вируслар компьютерга кириб бузган файлларни ўз ҳолига қайтарувчи дастурларнинг мавжудлиги;
- компьютерга пароль билан кириш, диск юритувчиларнинг ёпиқ туриши;
 - дискларни ёзишдан ҳимоялаш;
- лицензион дастурий таъминотлардан фойдаланиш ва ўғирланган дастурларни қўлламаслик;
- компьютерга кириталаётган дастурларнинг вирусларнинг мавжудлигини текшириш;
 - антивирус дастурларидан кенг фойдаланиш;
- даврий равишда компьютерларни антивирус дастурлари ёрдамида вирусларга қарши текшириш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

2.1. Компьютернинг техник ва дастурий таъминоти

1-машғулот

1-Мавзу: Компьютерни ишга тушириш ва клавиатуранинг сонли ва алфавитли тугмалари вазифалари.

Ишнинг мақсади:

Талабаларда компьютерни ишга тушириш тартиби ва клавиатура тугмачалари вазифаларни билиш ҳақида билим ва ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш.

Масаланинг қўйилиши:


Клавиатура қурилмаси ҳақида маълумот.

Клавиатурани сонли ва алфавитли тугмалари вазифаларини ўрганиш.

Қисқача назарий маълумотлар:



- Клавиатура – маълумотларни компьютерга киритиш қурилмасидир. Клавиатурада бир қанча тугмачалар жойлашган бўлиб, улар бажарадиган функциясига қараб тўрт гуруҳга ажратилади:
- Асосий тугмачалар;
- Бошқарув тугмалари;
- Таҳрир қилиш тугмалари;
- Функционал тугмачалар.



- Бошқарув тугмалари
- таҳрирлаш тугмалари
- Функционал тугмалар
- сонли тугмалар
- Киритиш тугмалари
- индикаторлар

Асосий тугмачаларга - ҳарфлар, рақамлар жойлашган тугмачалар киради. Бу тугмачалар ёрдамида керакли маълумотлар компьютерга киритилади.

Бошқарув тугмаларига - , Esc, Ctrl, Alt, CapsLock, NumLock, Shift, Tab ва каби тугмачалар киради. Уларда турли бошқарув ишларини амалга ошириш мумкин.

Таҳрир қилиш тугмаларига - Delete, Insert, Home, End, PageUp, PageDown каби тугмачалар киради. Улар ёрдамида киритилган матнлар устида таҳрирлаш ишлари олиб борилади.

Клавиатура - ахборот ва маълумотларни компьютер хотирасига киритишга ва компьютер ишини бошқаришга мўлжалланган қурилма ҳисобланади. Клавиатуралар ўзининг тузилиши яъни тугмачалар сони ва жойлашишига қараб ҳар хил компьютерларда ҳар хил бўлиши мумкин, лекин уларнинг вазифаси ўзгармайди.

Ҳозирги вақтдақўлланилаётган компьютерларда икки хил клавиатура ишлатилади:

1.Стандарт ҳолдаги кичик клавиатура (тугмачалар сони 84 та)

2. Кенгайтирилган ҳолдаги катта клавиатура (тугмачалар сони 101, 103 ва 105 та бўлиши мумкин).

Бундан ташқари клавиатуралар лотин ҳарфларининг жойлашувига кўра ҳам фарқланади:

1. Америка ва Англия стандарти -- QWERTY

2. Француз стандарти - AZERTY.

Клавиатурадан фойдаланиш тартиби қуйидагича:

Клавиатурадан кичик ҳарфларни киритиш учун ҳарф жойлашган тугмача ўзи босилади, катта ҳарфларни киритиш учун киритилиши керак бўлган ҳарф Шифт тугмачаси билан биргаликда босилади. (Бунда биринчи Шифт босилиб, қўйиб юбормасдан керакли ҳарф босилади).

1. Юқори регистрда жойлашган белгиларни киритиш учун **Shift** тугмачасидан фойдаланилади.

2. Бош ҳарфларини киритишда ҳам **Shift** тугмачаси ишлатилади. Масалан, «**d**» ҳарфини киритиш учун **D** белгили тугмача босилади, «**D**» ҳарфини киритиш учун эса, аввал **Shift** тугмачасини босиб, уни қўйиб юбормасдан **D** белгили тугмачабосилади.

3. **Caps Lock** тугмачаси бош ҳарфларни киритиш ва уни бекор қилиш тартибига ўтказиш учун ишлатилади. **Caps Lock** тугмачаси қўйилган ҳолда, клавиатуранинг юқори ўнг томонида **Caps Lock** индикатори ёниб туради. Бу ҳолда фақат бош ҳарфлардан иборат бўлган матнларни теришда қулайликлар ҳосил бўлади. **Caps Lock** тугмачаси яна бир бор босилса, бош ҳарфларни киритиш тартиби бекор қилинади, яъни, юқори ўнг томондаги **Caps Lock** индикаториўйчади.

4. Ҳарфли, белгили ва рақамли тугмачалардан ташқари клавиатурада махсус тугмачалармавжуд:

- **Enter**тугмачаси сатрнинг охирини киритиш учунишлатилади;

- **Del (Delete- ўчириш)** тугмачаси курсопдан ўнг томонда турган

белгиларни ўъчириш учунишлатиди;

- **Ins (Insert-ўърнатиш)** тугмачаси белгилар орасига белгилар киритиш ёки олдин киритилган белгиларни алмаштириш учунишлатилади;

- **Backspace (Enter тугмачаси юқоридаги ўънг томон йўънAltтирувчистрелка**

←) тугмачаси курсорнинг чап томонида турган белгини ўъчиради;

- **Home, End, PgUp, PgDn** курсорни бошқариш тугмачалари *** тугмачаларнинг босилиши курсорни мос йўъналишгажойлаштиради;

- **Num Lock – (рақамлар блокировкаси)** тугмачаси ёрдамида клавиатурага ўътиш ва уни бекор қилиш учунишлатилади;

- **Esc (Escape -қочиш)** тугмачаси берилган кўърсатмаларни бекор қилиш учун ишлатилади;

- **F1...F12** тугмачалар махсус амалларни бажариш учунишлатилади;

- **Ctrl ва Alt** махсус тугмачалар. Улар ҳам **Shift** тугмачаси каби бошқа тугмачалар вазифасини ўъзгартириши мумкин. **Ctrl ва Alt** тугмачалари бошқа тугмачалар билан биргаликдаўълланилади.

8. Клавиатурада муҳим амалларни бажариш учун тугмачалар мажмуасишлари:

- **Shift+PrtS** – экрандаги маълумотларни принтерда чопқилиш;

- **Ctrl+Alt+Del** - операцион системани қайтаюклаш;

- **Shift+Alt ёки Shift+Ctrl** – русча ёки лотинча шрифтга ўътишни амалга оширади.

Назорат учун саволлар

1) Компютер таркибига қайси қурилмаларкиради?

2) Хотира қурилмаси ва унингтурлари.

3) Клавиатура ва унинг таркибий элементлари.

4) Компютерда қандай дискларишлатилади?

5) Қаттиқ дискнинг ҳажмиқанда?

6) Тезкор хотира ҳажмиқандай?

7) Компьютер ишга туширилаётганда, унинг қурилмаларини тестлаш қандайтартибда ўтказилади?

Мустақилтопшириклар

а) 1 дан 50 гача бўлган рақамларнитеринг;

б) Лотин алифбоси кичик ҳарфларинитеринг;

в) Лотин алифбоси бош ҳарфларини теринг;

г) Рус алифбоси бош ва кичик ҳарфларини теринг;

д) Математика, Информатика, Факултет, Университет, талаба сўзларини теринг; е) $3025+4525=7550$, $x+y=0$, $4:2=2$ ифодаларини теринг;

з) 2\$, сен!, ким? сўзларини теринг.

2.2. WINDOWS операцион тизими билан ишлаш

2-амалий машғулоти

Ишнинг мақсади:


Талабаларда WINDOWS операцион тизими ҳақида билим ва ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш.

Масаланинг қўйилиши:

1. WINDOWS операцион тизими ҳақида маълумот.
2. WINDOWS операцион тизими билан ишлаш

Қисқача назарий маълумотлар :

Windows операцион тизими (ОТа) ишга тушгандан сўнг экраннинг чап қуйи қисмида «Пуск» тугмачаси, юқори қисмида ишчи столи (desktop), экраннинг қуйи қаторида битта сатр - масалалар панели жадвали пайдо бўлади.



Ишчи столи Windows ОТ нинг фундаментал тушунчаси ҳисобланади. Ишчи столда тизим ва амалий дастурларга мос келувчи ёрликларнинг турли кўринишлари ҳосил бўлади. Ишчи столда камида 6 та ёрликлар мавжуд бўлиб, улар “Мой компьютер” (Менинг компьютерим), “Мои документы” (Менинг ҳужжатларим), “Корзина”, “Портфель”, “Сетевое окружение” (Тармок), “Соединение с интернетом” (Интернет билан боғланиш) ва ҳақозолардан иборат.

Ишчи столининг чап юқори бурчагида «**Мой компьютер**» ёрлиғи жойлашган. Мой компьютер - дисклар билан ишлаш, дискларни танлаш, уларнинг мундарижасини кўриш, оператив хотира ҳақида маълумот олиш, файл ва каталоглар билан ишлаш, компьютер ва ташқи қўрилмаларни созлаш каби вазифаларни бажаришда қўлланилади.

Иш столининг стандарт папкалари

Мой компьютер папкаси



Мой компьютер папкаси – бу компьютернинг қаттиқ диск ва диск юритувчиларининг, шунингдек ташқи қўрилмаларга уланувчилар (сканерлар, рақамли фотоаппаратлар ва видеокамералар) таркиби ифодаланадиган жойидир. Қоидага кўра бу папкада: **Диск 3,5 (A)** – диск юритувчиси ва қаттиқ диск (**Жесткий диск (C)**) лар жойлаштирилган бўлади. Қаттиқ диск бу компьютернинг тизимли винчестеридир. Бу папкада компьютернинг таркиби умумий ҳолда қуйидагича ҳам бўлиши мумкин: “**Диск 3,5 (A:)**”, “**Система (C:)**”, “**Работа (D:)**”, “**Музыка (E:)**”, **DVD/CD-RW (F:)** дисководи” ва (G) вертуал диски.

Дискдаги ахборотларни аниқлаш

Дискдаги ахборотлар дейилганда диск (винчестер)нинг ахборот сифими, ва ундаги банд ва бўш жойлар бўйича ма’лумотларни аниқлаш тушунилади. Бу иш қуйидагича амалга оширилади:

1. **Мой компьютер** папкаси очилади.
2. Бу папкадан керакли диск фаоллаштирилади. Масалан, **Локальный диск (C:)** ни "сичқонча" кўрсаткичи билан фаоллаштириб, чап клавишини босиб контекст меню чиқарилади.
3. Контекст менюдан **Свойства** буйруғи берилади. Натижада экранга **Свойства:Локальный диск (C:)** диалог ойнаси чиқарилади. Бу ойнанинг **Занято** (банд жой) ва **Свободно** (бўш жой) ёзувли майдонларида керакли ма’лумотлар келтирилади.
1. Иш столида янги папка яратиш учун: **Контекст меню- Создать-Папка**
2. Иш столида янги ёрлик яратиш учун: **Контекст меню- Создать-Ярлык**
3. Иш столида янги файл яратиш учун: **Контекст меню- Создать-Файл**

Топшириқлар:

1. Мой компьютер папкасида ишчи дискни очинг. **Файл – Создать - Папка** менюси орқали Хужжатлар папкасини яратинг.
2. Контекст меню орқали унда Матнлар ва Тасвир папкаларини яратинг.
3. Матнлар папкаси иккита папка яратинг: Буйруқлар ва Шартномалар.
4. Шартномалар папкасида Шартнома 1 номли матнли файл яратинг: **Файл – Создать –Текстовой документ.**
5. Хужжат белгисига икки марта босиб Блокнот иловасида ушбу хужжатни очинг ва сана, фамилия ва гуруҳ номерини киритинг.
6. Файлни сақланг (**Файл-Сохранить**), Блокнот дастурини ёпинг (**Файл-Выход**).
7. Ускуналар панели ёрдамида битта папкадан иккинчисига ўтинг:
8. Вверх  тугмаси ёрдамида Матнлар папкасига ўтинг. Папка ойнаси кўринишини Вид тугмаси ёрдамида жадвал кўринишига ўзгартиринг.
9. Шартномалар папкасига қайтинг.
1. Сичқонча курсорини “Мои документы” папкаси устига олиб келиб чап тугмасини икки мартабосинг.
2. Агар ойна экранга тўлиқ бўлиб очилса, уни сарлавҳа қаторининг ўнг томонида жойлашган  тугмасини босиб ойнани кичрайтиринг.
3. “Мой компьютер”, “Корзина”, “Сетевое окружение” папкаларини ҳам шу тарзда очинг.
4. Ойналарнинг ўлчамларини янада кичрайтириш учун сичқонча курсорини ойнанинг чегарасига олиб боринг. Сичқонча курсорининг кўриниши ↔ икки томонлама стрелка ҳолатига келганда сичқончанинг чап тугмасини босиб

турган ҳолда чап ёки ўнг томонга ҳаракатлантиринг. Керакли ўлчамни олганингиздан кейин сичқонча тугмасини қўйибюборинг.

5. Барча ойналарнинг ўлчамини худди шу тарзда тўғрилаборинг.

6. Ойналарни жойдан-жойга қўчириш учун сичқонча курсорини ойнанинг сарлавҳа қаторига олиб бориб чап тугмасини босиб турган ҳолда керакли жойга олиб келинг ва сичқонча тугмасини қўйибюборинг.

7. Барча ойналарни худди шу тарзда экранинг тўрт бурчагига жойлаштиринг.

8. “Мои документы” ойнасидан ташқари барча ойналарни ёпинг.

9. Сичқонча курсорини “Мои документы” папкасининг менюсида “Файл” сўзи устига олиб келинг ва чап тугмасини босинг.

10. Очилган менюдан “Создат” бандига сичқонча курсорини олиб бориб чап тугмасини босинг.

11. Кейинги менюдан “Папку” бандини танланг ва чап тугмасини босинг.

12. Экранга “Новая папка” номли янги папка чиқади. Новая папка ёзуви кўк ранга бўялган бўлади. Демак сичқонча курсори шу сўз устида турибди дегани.

13. Клавиатура ёрдамида ўз исмингизни теринг ва энтер тугмасини босинг.

14. Сичқонча курсорини керакли файл устига олиб келиб чап тугмасини бир марта босинг. Файл белгиланади.

15. Клавиатурадан Shift (⇧) тугмасини босиб турган ҳолда сичқонча тугмасини белгиланган файлдан кейинги бешинчи файл устида бир марта босинг. Бешта файл белгиланади.

16. Менюнинг Правка бандида сичқончанинг чап тугмасини бир марта босинг.

17. Очилган менюдан Копироват бандида сичқончанинг чап тугмасини босинг. (Кейинчалик “сичқонча чап тугмасини босинг” сўзлари ўрнига “танланг” деб юритамиз)

18. Ўзингиз яратган янги папкани очинг.

2-топширик

1. C:\ **Фан** папкасини, унинг ичида **Информатика** ва **Алгоритм** папкаларини яратинг;

2. **Информатика** ва **Алгоритм** папкаларини **Мои документы** га нусхаланг;

3. **Информатика** ва **Алгоритм** папкаларини ажратинг ва уларни **Корзина**га жўнатынг. Ўчирилган папкаларни тикланг;

4. **Мой компьютер** дастури менюсини аниқланг;

5. **Проводник** дастурини очинг ва менюсини аниқланг;

3-топширик.

1. C:\ дискда **Тил** папкасини яратинг. **Мои документы** ичида **Ўзбек** папкасини ва унинг ичида **Китоб** папкасини яратинг. Силжитиш орқали еса **Ўзбек** папкасини **Тил** папкасига қўчинг;

2. **Тил** папкасини **Корзина**га жўнатынг ва яна тикланг. Сўнг, яна **Корзина**га жўнатынг;

3. **Проводник** дастури орқали 1- топшириқни бажаринг.

4-топширик

1. Ойнаўлчовларини ўзгартириш,
Ишчистолда объектлар гуруҳини ажратиш жараёнини ёзинг.
2. **Талаба** номи билан папка яратинг, унинг ичида **Тасвир** ва **Мулоқот** папкаларини яратинг.
3. **(А:)** ёки **(Д:)** дискда **Амалиёт** папкасини яратинг ва унга **Тасвир** ва **Мулоқот** папкаларини қўчиринг. Ажратишнинг усуллари дан фойдаланиб, қўчирилган папкаларни ажратинг. Алмашиш буферини қўллаб, **Тасвир** ва **Мулоқот** папкаларини **Мои документы** папкасига жойлаштиринг ва тескарисини ҳам амалга оширинг. Алмашиш буфери билан ишлаш учун контекст менюсидан ва клавишлар мажмуасидан фойдаланинг.
4. **Тасвир** ва **Мулоқот** папкаларини ажратинг ва уларни **Корзина** га жўнатинг. Ўчирилган папкаларни тикланг. Тикланган папкаларни **Корзина** га жойлаштирмасдан туриб, яна ўчиринг.
5. **Проводник**нинг ўнг панелида белгилар қўринишини ўзгартиринг: **Крупные, Мелкие, Жадвал, Список**. Белгиларни номи, ўлчови, тури, яратилиш куни ва вақти бўйича сараланг.

5-топширик

1. **(D:)** дискда **Амалиёт** папкасини яратинг. **Мои документы** папкасида **Хисоб** папкасини ва унинг ичида **Жадвал** папкасини яратинг, силжитиш орқали еса **Хисоб** папкасини **Амалиёт** папкасига қўчиринг.
2. **Амалиёт** папкасини **Корзина** га жўнатинг. **Проводник** дастурининг иккинчи ойнасини очинг ва иккала ойнанинг ҳам фақат ўнг панелидан фойдаланиб биринчи, иккинчи топшириқларни бажаринг.
3. **Windows** нинг излаш системасидан фойдаланиб, **vs.yexe** ва **for.yexe** файлларини топинг. Топилган файлларга йўлини ҳисоботга ёзинг. Ҳажми 20 кб дан кўп, кейинги кунларда очиб қўрилган **(D:)** дискдаги барча файлларни топинг. Ҳисоботга ҳар бир категорияга тегишли бўлган биринчи 5 та файлни ёзинг.
4. **(D:)** дискда вақтинча папка яратинг ва унга расм, матн ва бажариш учун файллардан иборат бўлган файлларни нусхаланг.

2.3. WINDOWS операцион тизимида файллар ва папкалар билан ишлаш

Амалий машғулоти мавзуси: WINDOWS операцион тизимида файллар ва папкалар билан ишлаш


Амалий машғулоти дан қўтилаётган натижалар: Тингловчилар Windowsда папка очиш ва файллардан нусха қўчириш, ўчириш, қирқиб олиш амалларини бажаришни ўрганиб оладилар.



Папка ва файллар устида бажариладиган асосий амаллар қуйидагилар: копировать, вставить, вырезать, удалить. Ҳар бирини алоҳида қўриб чиқамиз.

Топшириқни бажариш


“Компьютер” пакасини “Пуск” тугмачаси ёрдамида очинг.



Иштиёрй дискни очинг (сичқончанинг чап томонини 2 марта чертинг). Дискда матнли файл ва папка яратамиз. Бунинг учун “D” дискдан фойлаланамиз.


Папка яратамиз. Бунинг учун “ПК для всех” деб номлаймиз. льнейшие уроки в ней. Как создавать и переименовывать папки мы учились в уроке Как создать папку.

Дискингизда “ПК для всех” папкаси ҳосил бўлади.




Дискни очгандай папкани ҳам очинг.


“ПК для всех” пакасининг ичида 2 та янги папка яратамиз. Уни “1” ва “2” деб номлаймиз.



Бу папкаларнинг бирида оддий матнли файл яратинг. Бунинг учун папканинг бўш жойида сичқончанинг ўнг томонини босиб, ҳосил бўлган менюдан “Создать” буйруғини сўнгра “Текстовый документ” буйруғини босинг.



Матнли файл билан биргаликда папка яратинг. Демак хулоса қиламиз. Сизнинг дискларингиз бирида [“ПК для всех”](#) папкаси ҳосил бўлиши керак. Бу папкаларнинг бирида матнли ҳужжат ва папка мавжуд.



Бу файллар устида бажариладиган амалларни ўрганиш учун етарли. Бу амални папка ёки файлда сичқончанинг ўнг тугмасини босиш амали орқали ёки клавиатура тугмачалари орқали бажариш мумкин.


Файл ёки папкадан нусха олиш ([копировать](#))

Нусха олиш ([Копирование](#)) – бу папка ёки файлдан бир хил ўша ном ёки айнан бир хил маълумотлар билан нусха кўчириш жараёнидир. Нусха олиш маълумотларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш амалидир, бунда маълумотлар ҳар икки жойда сақланади. Сиз маълумотларни компьютердан

флейшкага олиб, бошқа компьютерга олиб ўтишингиз мумкин, бунда маълумотлар сизнинг компютерингиздан йўқолиб кетмайди.

Файлдан нусха олиш жараёнини кўриб чиқамиз.

Матнли ҳужжат ва папка жойлашган папкани очинг. Матнли маълумот устида сичқончанинг ўнг тугмасини босинг ва очилган менюлар қаторидан “Копировать” буйруғини босинг. Бу буйруқлар қаторида «вырезать», «вставить», «удалить» буйруқлари борлигига эътибор беринг.




Нусхалашдан кейин меню йўқолади, матнли файл алмашиш буфер(буфер обмен)ига кўчирилади. Алмашиш буфери (буфер обмена) копировать, вставить, вырезать буйруқлари бажарилган вақтда барча маълумотлар кўчириладиган жой. Энди файл алмашиш буферидан папкага жойлаштириш керак.

Папка ёки файл қандай жойлаштирилади. (вставить)

Жойлаштириш(Вставка) — Файлни папка, диск,директорияга алмашиш буферидан кўчириш жараёни

Сиз файлдан нусха олган пайтда унинг нусхаси алмашиш буферига кўчирилади. Кейин уни буфердан папкага жойлаштириш керак. Бу амални вставка бажаради. Бошқа папкани очинг(биз 2 та папка яратганмиз, бири бўш, бири файл ва папка жойлаштирилган.). Бўш жойда сичқончанинг ўнг томонини босиб, менюлар қаторидан “Вставить” буйруғини босинг.



Сиз кўчирган файл ушбу папкада жойлашади.

Папкалардан нусха олиш файллардан нусха олиш амали билан бир хил. Энди папкадан нусха олиб кўринг.

Маълумотлар қандай ўчирилади.

Файл ёки папка устида сичқончанинг ўнг томонини босиб менюдан “Удалить” буйруғини босинг.

Файл ёки папка қандай қирқиб олинади.

(Қирқиб олиш) Вырезать – файл ёки папкани бир жойдан иккинчи жойга кўчириш. Нусхалашдан фарқли равишда қирқиб олинган файл ёки папка биринчи жойдан тўлиқ ўчирилиб бошқа жойга қўйилади.

Энди маълумотларни қирқиб (вырезать (переместить))оламиз. Маълумотлар жойлашган папкани очамиз. Матнли файл устида сичқончанинг ўнг томонини босиб, Вырезать” буйруғини босамиз. Файл нусхаси алмашиш буферига олинади.

Иккинчи бўш папкага ўтиб сичқончанинг ўнг томонини босиб, менюлар қаторидан “Вставить” буйруғини босамиз.

Бу амалларнинг клавиатура орқали бажарилиши қуйидагича бўлади.

Ctrl + X, ёки Shift +Delete - Танлаб олинган матн қисми нусхасини хотирага кучириб (қирқиб) олиш.

Ctrl + C, ёки Ctrl + Insert, ёки Ctrl + Num0 - Танлаб олинган матн қисми нусхасини хотирага олиш

Ctrl + V, ёки Shift + Insert, ёки Shift+Num0 - Хотирада жойлашган матн қисмини чиқариб курсор турган жойига қуйиш

1-топширик.

- 1) **Блокнот** муҳарририда ўз таржимаи ҳолингизни теринг. Ҳужжатни сақланг;
- 2) Ўз оила аъзоларингизни исми ва фамилиясини теринг. Ҳужжатни сақланг;
- 3) Гуруҳингиздаги талабаларнинг исми, фамилияси, туғилган вақти ва жойини теринг. Ҳужжатни сақланг.
- 3) Ҳамкасбларингизни манзили ва телефон рақамларини теринг ва Манзил номи билан сақланг.

2-топширик.

1. Уй расмларини чизинг ва уни турли рангларга бўянг;
2. Чизган расмингизга «*Бу менинг уйим*» сўзини ёзинг;
3. Расмни **расм1** номи билан сақланг;
4. Экранни тозаланг ва компютер расминичизинг;
5. Компютер экранига «*салом, талаба*» сўзини ёзинг ва уни **расм2** номи билан сақланг;
6. Компютер расмини «*ўқирғич*» билан ўқиринг

3-топширик.

- 1) **Word Pad** матн муҳарририда ўз таржимаи ҳолингизни теринг;
- 2) Исм, фамилия ва отангизнинг исмини, туғилган кунингиз ва йилини қалин шрифтга ўзгартиринг.
- 3) Манзилингиз ёзилган сатр шрифти ўлчамини ўзгартиринг.
- 4) Терилган матнни **мен.txt** номи билан сақланг.

2.4. Windows муҳитида компьютер ва дискларга профилактик хизмат кўрсатиш.

Ишнинг мақсади:

Талабаларда WINDOWS да компьютер ва дискларга профилактик хизмат кўрсатиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Масаланинг қўйилиши:

1. WINDOWS операцион тизимида тизимли утилиталар билан ишлаш.
2. WINDOWS операцион тизими билан ишлаш

Тизимли утилиталар. Тизимли утилиталар компьютернинг аппарат воситаларига, айниқса ташувчиларига, операцион тизимлар ва бошқа иловаларга хизмат қилишга мўлжалланган.

Тестлаш ва диагностика дастурлари. Бу дастурлар компьютер ва ҳар бир узелларининг ишлаш имкониятларини текшириш, мавжуд, юзага келган ёки потенциал носозликларни аниқлаш учун хизмат қилади.

Йиғувчиларга хизмат қилувчи дастурлар. Дискли йиғувчилар ва уларда сақланадиган ахборотларга хизмат қилишга мўлжалланган дастурлар синфи.

Диагностика дастурлари диск йиғувчиларида жойлаштирилган ахборотларнинг мантиқий таркибидаги носозликларни аниқлайди ва бартараф қилади.

Дефрагментатор дастурлари дискларда ахборотларни жойлаштиришни шундай тартиблайки, натижада уларга мурожаат қилиш ёки киришнинг максимал тезлигини оширади.

Дискларини дефрегментациялаш

Қаттиқ дискда дефрегментациялаш –бу қаттиқ дискда маълумотларнинг тартибланган ва структураланган ҳолда сақланиши. Файллар дискда аниқ кетма-кетлик бўйича аниқроғи секторларга бўлинган майдонни тўлдириш, фараз қилинг қаттиқ диск бу архив, секторлар эса ҳужжатлар (ҳар хил маълумотлар) сақланадиган қутилардир.



Аниқ бир ўлчамга эга бўлган файл сектордан маълум бир жойни эгалайди. Шунда система уни бўлақларга ажратади ва бу бўлақларни яна маълум бир миқдордаги бўш жойлари бўлган турли секторларга жойлаштиради.

Бу файлдан фойдаланиш жараёнида система шу файлни барча секторлардан кидиради. Масалан битта бўлакни бир сектордан топиб кейин яна қайтадан бутун секторлар бўйича иккинчи ва учинчи бўлақларни кидириб бошлайди ва ҳ.к. Вақт ўтиши билан бу бўлақлар сони ошиб бораверади, бу жараён жуда кўп вақтни олади.

Компютерда бажариладиган амалларга қараб дискларни дефрегментациялаш лозим. Масалан, турли хилдаги ҳужжатларни ўқиш ва таҳрирлаш ишлари учун дискни бир ойда бир марта агар компютерда филмлар, видео кўрсангиз, ўйин ўйнасангиз дефрегментациялаш жараёнини қисқа фурсатда бажаришга тўғри келади. Дефрегментациялаш жараёни дискдаги бўш жойларнинг ўлчамига қараб бир неча минутдан бир неча соатгача вақтни олади. Агар дискинги 90% гача тўлган бўлса бу жараён узоқ вақт давом этади, шунинг учун кераксиз файлларни ўчириш ёки уларни ташқи хотирага ёзиб туриш талаб қилинади.








Figure 8-32 A fragmented disk has many files stored in noncontiguous sectors. Defragmenting reorganizes the files so that they are located in contiguous sectors, which speeds access time.



“Очистка диска” дастури қаттиқ дискни тозалаш учун фойдаланувчи томонидан танланган файлларни ўчириш учун хизмат қилади. Агар компютерингизда бир қанча дисклар ёки бўлимлар мавжуд бўлса экранда дискни танлаш ойнаси очилади:



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОИД АХБОРОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

3.1. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Word дастурида фермер хўжалигининг БИЗНЕС РЕЖАСИ ни бланкаси тайёрлаш

Талабалар Word дастуридан фойдаланиб, тумандаги Фермер хўжалигининг Бизнес режа бланкасини тайёрлайдилар ва ўзларини фамилияси, исми ва бошқа маълумотлари билан тўлдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХУЖАЛИГИ

ВАЗИРЛИГИ

-----вилоят-----туман

-----» номли фермер хўжалигининг 20__ йилги

Бизнес режаси

Тошкент-_____

1. Фермер хужалиги номи _____
2. Йўналиши _____
(пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик ва х.к.)
3. Фермер хўжалигираҳбарининг исмишарифи _____
4. Фермер хўжалигираҳбарининг маълумоти ва мутахассислиги _____
5. Фермер хужалиги манзили (почта индекси, қишлоғи) _____
6. Телефон рақами _____
7. Фермер хужалиги ташкил этилган санаси _____
8. Банк реквизитлари:
Банк номи _____
Манзили _____
Х/р. _____
МФО _____

	Майдони, га	Хосилдорлик,ц/га	Ялпи маҳсулот, ц	Харажатлар жами, сўм	Шу жумладан												
					Иш ҳақи қўшимчаси билан	уруғлик		ўғит		Ё.М.М		Амортизация,сўм	Ишлар ва хизматлар,сўм	Суғурта тўлови, сўм	Умумишлаб чиқариш харажат,	Бошқа харажат, сўм	Таннархи 1ц.сўм
						Т.	М.с	Т.	М.с	Т.	М.с						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
1. кузги дон																	
2. шоли																	
3. пахта																	
4. картошка																	
5. сабзавот очик ҳолда																	
Жами ўсимликчилик бўйича																	

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Word дастурида фермер хўжалигининг намунавий шартнома бланкасини тайёрлаш

Талабалар Word дастуридан фойдаланиб, тумандаги Фермер хўжалигининг ходимлар ёллаш бўйича Намунавий шартнома бланкасини тайёрлайдилар ва ўзларини фамилияси, исми ва бошқа маълумотлари билан тўлдирадилар.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИ ЁЛЛАШ ТЎҒРИСИДА НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

_____ тумани _____-сон 20 _____ йил фермер хўжалиги _____
Устав асосида фаолият кўрсатувчи, кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб
юритиладиган _____

(Ф.И.О.)

орқали бир томондан ва кейинги ўринларда «Ходим» деб юритиладиган
фуқаро _____ иккинчи томондан

(Ф.И.О.)

ушбу шартномани қуйдагилар тўғрисида тузишди:

1.Ходим _____ мутахасислиги бўйича _____
(разряд кўрсатилади)

лавозмига қабул қилинади.

2.Шартнома _____
(асосий ишбўйича, ўриндошлик бўйича)

3.Шартнома муддати _____
(муайян муддатга, белгиланмаган муддатга)

4.Шартнома бўйича ишнинг бошланиши _____
(йил, кун,ой)

5.Ходимнинг мажбуриятлари:

а) Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва хўжалик Устави талабларига,
меҳнат интизомига риоя қилиш, меҳнат мажбуриятларини бажариш;

б) меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш
санитарияси мажбуриятлари;

6. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) меҳнатни ташкил этиш ва Ходимининг меҳнатини муҳофаза қилиш, уни
техника хавфсизлиги қоидалари, меҳнати мажбуриятлари, жамоа шартномаси (у
қабул қилинган бўлса) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари
билан таништириш;

б) иш ҳақини белгиланган муддатларда тўлаш;

в) Ходимни меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ зарур
инвентарлар ва бошқа муҳофаза воситалари билан таъминлаш;

г) Ходимнинг меҳнат дафтарчасини белгиланган тартибда юритиш;

д) қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш.

7. Иш тартиби:

Иш вақти тартибини фермер хўжалиги бошлиғ қонун ҳужжатларга мувофиқ белгалайди.

Бунда бир йилдаги иш вақти жами ҳисобланган иш вақтидан, ҳар кунги ишнинг давом этиши эса 12 соатдан ошиши мумкин эмас.

8. Меҳнат ҳақ тўлаш:

а) томонлар белгиланган иш ҳажми бажарилган тақдирда Ходимга ҳар 3 ой учун _____ миқдорида меҳнат ҳақи белгиланади; (аниқ сумма кўрсатилади)

б) ишлаб чиқариш зарурияти ва бекор туриб қолишлар сабабли Ходим унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш бажарилган ишлар бўйича, лекин Ходимнинг илгари иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади;

в) иш берувчи ҳуқуқлари ва молиявий имкониятлари доирасида қуйидаги қўшимча тўловларни (устамалар, мукофотлар, рағбатлантирувчи ва бошқа тўловларни) белгилайди:

_____ қўшимча тўловлар, устамалар, мукофотлар, рағбатлантирувчи ва бошқа тўловларни ном ива миқдори)

г) Ходим билан келишувга кўра меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам пул, ҳам натура тарзида амалга оширилиши мумкин.

9. Ходимга ҳар йилги асосий меҳнат таътили _____ иш куни (камида 15 иш кун миқдорида) ва _____ иш куни миқдорида қўшимча меҳнат таътили белгиланади.

10. Ходимга нисбатан давлат ижтимоий суғуртаси қўлланади.

11. Иш берувчи меҳнат интизоми ва ушбу Шартнома шартлари бузилганлиги учун Ходимга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181- моддасида кўрсатилган интизомий танбех чораларини

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181- моддаси талабларини бажарган қолда қўллаш ҳуқуқига эгадир.

Томонларнинг манзиллари ва имзолари:

Ходим

Иш берувчи

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Excel дастурида фермер хўжаликларини турли кўрсаткичлари бўйича ҳисоб-китоб ишларини бажариш.

Талаба Excel дастурида вилоятдаги фермер хўжаликларини турли кўрсаткичлари бўйича ҳисоб-китоб ишларини бажарадилар. Бунинг учун аввало, фермер хўжаликларининг барча керакли маълумотлари киритилади ва зарурий фоизлар формулалар асосида автоматик ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари ҳақида маълумот										
№	Шаҳар ва туманлар номи	2015 йилда Фермер хўжаликлари сони, бирлик	2014 йил нисбатан % ҳисобида	Уларга бириктирилган ер майдони, минг га	2014 йил нисбатан % ҳисобида	Уларда ишлайдиган ходимлар сони, минг киши	2014 йил нисбатан % ҳисобида	01.01.16 й.га фаолиятини тугатган хўжалиklar сони, бирлик	2014 йил нисбатан % ҳисобида	Вилоятда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан фермер хўжаликлари улуши, %
1	Вилоят бўйича	6780	109,7	246972	100,5	81807,0	102,6	0	0,0	39,3
2	Гулистон шаҳри	3	75,0	60	100,0	12758	101,4	0	0	0,2
3	Ширин шаҳри	1	100,0	26	100,0	9260	103,4	0	0	0,3
4	Янгиер шаҳри	11	100,0	112	100,0	8766	101,6	0	0	8
5	Боевут тумани	857	104,5	36295	100,0	8491	102,8	0	0	36
6	Гулистон тумани	716	89,5	22203	100,0	9410	102,7	0	0	39,1
7	Мирзаобод тумани	811	100,1	26098	100,0	9621	103,5	0	0	42,4
8	Оқолтин тумани	900	138,0	36813	100,0	13359	103,1	0	0	53,2
9	Сардоба тумани	1041	130,5	33872	103,8	10115	102,3	0	0	36,4
10	Сайхунобод тумани	754	115,1	29092	100,0	3	100,0	0	0	38,2
11	Сирдарё тумани	972	105,7	30240	100,0	4	100,0	0	0	33,9
12	Ховос тумани	714	100,3	32161	100,0	20	100,0	0	0	46,5

3.2. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Excel дастурида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш сотиш ишларини автоматик ҳисоблаш.

Талабалар Excel дастурида вилоятдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш сотиш бўйича турли кўрсаткичлар асосида ҳисоб-китоб ишларини бажарадилар. Бунинг учун аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳақида барча керакли маълумотлари киритилади ва зарурий фоизлар формулалар асосида автоматик ҳисобланади.

1-жараён.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш													
Шаҳар ва туманлар номи	Жами хайдаладиган ерлар, га	шундан:		Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот		Донли экинлар			шу жумладан:			Давлат хариди учун	
		Сугориладиган ерлар	Лалмикор ерлар	2015 йил ҳақиқатда млн.сум	2014 йил нисбатан % ҳисобида	Майдони, га	Ялпи ҳосил минг тн	Ҳосилдорлик, ц/га	Майдони, га	Ялпи ҳосил минг тн	Ҳосилдорлик, ц/га	топширик	бажарилиши
Вилоят бўйича	232783	232783	0	1659295,4	105,6	103773	588822	53,1	95783	504003	52,6	0	169949
Гулистон шаҳри													
Ширин шаҳри													
Янгийер шаҳри													
Боёвут тумани													
Гулистон тумани													
Мирзаобод тумани													
Оқолтин тумани													
Сардоба тумани													
Сайхунобод тумани													
Сирдарё тумани													
Ховос тумани													

2-жараён.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш												
Пахта				Қартошка			Сабзавот			Мева		
Майдони, га	Ялпи ҳосил топширик	Ҳосилдорлик, ц/га	етиштириш	Майдони, га	Ялпи ҳосил минг тн	Ҳосилдорлик, ц/га	Майдони, га	Ялпи ҳосил минг тн	Ҳосилдорлик, ц/га	Майдони, га	Ялпи ҳосил минг тн	Ҳосилдорлик, ц/га
106827	243000	226697	21,2	2003	47521	140,1	4445	286005	271,0	6118	36672	68,4

3.3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Power Point дастурида фермер хўжалиги фаолияти бўйича махсус тақдимот тайёлаш.

Талабалар Power Point дастурида вилоятдаги фермер хўжалиги фаолияти бўйича махсус тақдимот тайёлайдилар ва ушбу тайёрланган тақдимотни ўзлари худди реклама шакли каби намоиш қиладилар.



«РИВОЖ-GARDEN»

ИНТЕНСИВ БОҒИ

БОҒДОРЧИЛИК – ДАРОМАД МАНБАИ


- Кейинги йилларда интенсив боғлар катор афзалликлари билан ўзининг ижобий самараларини бермокда. Мазкур усулда меҳнат сарфи 50-60 фоизга камайгани ҳолда ҳосилдорлик 15-20 фоиз ортгани аҳамиятлидир.



3.4. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Corel DRAW дастурида ишлаш асослари. Corel DRAW дастурининг афзалликлари. Вектор тасвирларни шакллантириш. Векторли объект структураси.

CorelDRAW 10 вектор графикаси муҳаррирининг ишчи ойнасидаги асосий элементлари билан танишиб чиқамиз. Windows




муҳитида ишловчи бошқа дастурлар каби ойнанинг юқори қисмида ойна сарлавҳаси ва менюси жойлашган. CorelDRAW 10 дастурида ўз интерфейсини ўзгартириш имкониятлари кенгайтирилган. Дастур ойнасининг марказида варақ расми жойлашган, у ишчи соҳа деб юритилади. Ишчи соҳада ва ундан ташқарида тасвир чизиш имконияти мавжуд, бироқ чоп қилинаётганда фақат ишчи соҳада чизилган тасвир чиқарилади. Рангларни бошқариш учун ойнанинг ўнг қисмида жойлашган ранглар мажмуасидан фойдаланилади. Ҳолат сатрида эса муҳаррир билан ишлашни енгиллаштирувчи турли хилдаги маълумотлар ҳосил бўлади. Тасвир чизишда қўлланиладиган асосий воситалар ускуналар панелида жойлашган. Унда жойлашган тугмалар амалларнинг тез бажарилишини таъминлайди. Хусусан, Property Bar (Хусусиятлар панели) алоҳида ажралиб туради. Ундаги тугмалар бажараётган амалларингизга боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ёки кўринмайди. Хоҳлаган пайтда жорий ҳолатга мос бўлган тугманинг хусусиятларини ускуналар панелида то-пиш ва ишчи ойнанинг хоҳлаган томонида жойлаштириш мумкин. Шу билан бирга меню сатрининг ҳам ўрнини ўзгартириш имконияти мавжуд. Ускуналар панелининг бўш қисмида сичқончанинг ўнг тугмасини босинг, натижада ёрдамчи меню (контекст) пайдо бўлади. Ёрдамчи ойнадаги ўрнатилган байроқча орқали ускуналар панелида қайси бўлимлар жойлаштирилганлигини кўрсатади.

(Хусусият панели)га эътибор беринг, уларнинг кўриниши ҳар бир ускунага мос равишда ўзгаради. Шу билан бирга ҳолат сатридаги маълумотлар кўриниши ҳам ўзгаради. Муҳаррир созлангандан сўнг тасвир билан ишлашингиз ва турли хилдаги вектор объектлар яратишингиз мумкин.

АНИМАЦИЯЛИ ТУГМАЛАР ЯРАТИШ

Ўз кўринишини ўзгартирадиган тугма яратиш тартибини кўриб ўтамиз. Дастлаб тугма босилган ва босилмаган ҳолатларини кўрсатувчи кўринишларни яратиш лозим бўлади. Атрофлари ёйсимон тўртбурчак яратамиз ва уни қора рангга бўяймиз. Ушбу тўртбурчак нусхасини ундан сал

юқори ва чапроқда жойлаштирамиз, сўнгра уни оқ ранг билан бўйямиз. Унинг ичига ёзув ёзамиз, ёзув атрофини қора ранг, унинг ичини эса оқ ранг билан бўйямиз. Босилмаган ҳолатдаги тугма кўриниши тайёр бўлди. Энди улардан фойдаланиб ўзгарувчи объектлар яратиш мумкин.



Тугма расмини танланг ва менюдан *Effects Rollover Create Rollover* (Босилган тугма ҳаракатлари ёрдамида янги босиладиган тугма ҳаракатларини яратиш) бўлимига кириш. Тугманинг ташқи кўриниши ўзгартирилмайди, балки бир нечта объектлар ўрнига битта оддий ҳолатда босиладиган тугма мавжуд бўлади, буни ҳолат сатридаги Ролловер [НОРМАЛ] (Босиладиган тугма [ОДДИЙ]) ёзуви билдиради.

Тугманинг фаолиятини бошқа режимларга мослаштириш учун дастлаб тугмани танланг ва сичқончанинг ўнг тугмасини босинг. Натижада ёрдамчи ойна пайдо бўлади ундан *edit Rollover* (Босиладиган тугмани ўзгартириш) буйрағига кириш. Натижада ўзгартириладиган тугмадан ташқари барча тасвирлар кўринмас ҳолга ва экранда қўшимча Интернет ускуналар панели пайдо бўлади. Кўпинча Интернет учун тасвир ярататишда ушбу панелни дастур ойнасида ўрнатиб қўйиш лозим. Агар Интернет ускуналар панели ҳамма вақт кўринарли ҳолда бўлса, тугмани яратишда меню буйруғини бериш шарт эмас, балки панелдаги «Create Rollovers» тугмасини босишнинг ўзи кифоя. Ўзгартиришрежимиғаўтишамали «Edit Rollover» тугмасинибосишорқалиамалгаоширилади.

Ўзгартиришрежимиғаўтилгандансўнгтугманингқолганиккиҳолиучунтасви
р яратишлозимбўлади. Интернет (Интернет)
панелинингчапқисмидагирўйхатдан, OVER (юқоридан)
вариантсатринибелгилаб, сичқончакўрсаткичийўналтирилгантиугма

ҳолатиниўрнатишрежимиғаўтилади. БунданолдинНОРМАЛ (Оддий)
варианттанланганбўлиб, тугманингоддийкўринишиникўрсатганэди.
Матнчизигиниўчириб, қорарангдатўлдирилади.
Тугманингсичқончакўрсаткичийўналтирилгандахуддишукўринишдабўлади.

ТасвирвариантларирўйхатиданDown (Босиш)
қисминитанлабтугмакўринишичизилади.

Биринчитузилгантиугмакўринишиданфойдаланамиз. Матнниқораранггабўйяб,
контурниўчирилади. Матнниваоқтўртбурчакнипастўнгроққасуриб,
коратўртбурчакниэсақарама-қаршитомонгасурилади.
Босилгантиугмакўринишиҳосилбўлади.

Тугмаяратишамалинитугатишвадастурнингбошланғичишрежимиғаўтишуч
ун «Finish Editing Rollover» тугмасинибосилади.
Эндиэсаяратилганобъекткўринишиникўришмумкин. «Edit Rollover»


тугмасини Интернет панелидан босилади. Тугма анимациясини кўриш мумкин. Сичқонча кўрсаткичини яратилган тугмага ўрнатилганда унинг расми ўзгаради.

Ҳаракатланувчи тугма ажратилганда сўнг Интернет панелидан «Extract Rollover Object» тугмаси босилганда барча қисмлар бири-бирига жойлашган алоҳида объектлар кўринишда ажратилади.

Уларни сичқонча орқали бошқа қисмга кўчириб бунга амин бўлиш мумкин. Тайёр расмни Интернетдаги кўринишини кўриш учун Интернет панелида «Интернет» тугмасини босилади. Натижада экранда мулоқот ойнаси ҳосил бўлиб, унда Интернет - ҳужжат формати ўзгартирилади. Хотирада сақланганда эса фақатгина расмлар яратилмасдан, балки WWW - саҳифаларда объектлар кўринишларини ўзгартириш мумкин бўлган кодлар ҳам ҳосил қилинади.

ОБЪЕКТ СОЯЛАРИНИ ЯРАТИШ

Объект соясини унга ҳажм ўрнатиш орқали ҳам ҳосил қилиш мумкин бўлсада, махсус ускуна ёрдамида унга соя ўрнатиш қулайроқдир. Бунда ярим шаффоф бўлган, турли томонлар бўйича тушиб турган сояларни ҳосил



қиламиз. Ёрдамчи панелдаги интерактив ускуналардан «InteractiveDropShadowTool» ни танлаб, сичқонча кўрсаткичини тузилган объект марказига ўрнатиш, сўнгра тугмасини босиб туриб сичқончани четга кўчириш лозим. Экранда соя контурлари ва созлаш вектори ҳосил бўлади. Сичқонча тугмасини қўйиб юборганда объект сояси чизилган бўлади.

Соя тушиш йўналишини ўзгартириш учун вектор охирини кўчириб, созлаш вектори марказида жойлашган контурли тўртбурчакни вектор охирига яқин қисмга кўчирилади, бунда соя янада тўқ тусланади. *Property*

Bar (Хусусиятлар) панелининг «InteractiveTransparensyTool» сатрига 50 қийматни киритиб, ярим шаффоф соя ҳосил қилинади. *Property Bar* (Хусусиятлар) панели сатрига 60 қийматни киритиб, соянинг оқимли чегарасини ўрнатиш мумкин. Сатрдаги оқимлилиқ кўрсаткичини 20 гача камайтириб сичқонча орқали белгини соя созлаш векторининг бошига, матннинг қуйи қисмига кўчирилади, бунда соя умуман бошқа кўринишга ўзгаради. Худди шу усулда вектор бошини юқори ёки чекка қисмга кўчириш мумкин, бунда соя мос равишда йўналишини ўзгартиради.

Сояни ўчириш учун *PropertyBar* (Хусусиятлар) панелида «Clear» тугмасини босиш лозим.



Уч ўлчовли ўзгартиришлар

Растрли графиклар билан ишлаганда ҳажмий кўринишларни берувчи имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун менюдан



Bitmaps/3DEffects(Растрли тасвирларда уч ўлчовли ўзгартиришлар) буйруғи танланади. Ўрнатилган менюда бир неча кўринишдаги ўзгартириш амаллари мавжуд бўлиб, улар тасвирлар устида уч ўлчовли ўзгартириш амалларини бажаради. Мисол сифатида куш уяси расмидан фойдаланамизва унга турли хилдаги ҳаракатлар қўлаймиз. Барча кейинги кўриладиган мисоллар фақат шу суратдан фойдаланиб курилади.

Уч ўлчовли айланма ҳаракат менюдаги *3DRotate*(уч ўлчовли ҳаракат) буйруғи орқали амалга оширилади. Буйруқ берилгандан сўнг экранда




ҳаракатни бошқариш мулоқот ойнаси ҳосил бўлади. Ҳаракатларни ўрнатиш мулоқот ойнас ишлаш тамойили юқорида кўриб ўтилган рангни ўрнатиш ойнаси билан бир хил бўлиб, унга ортиқча изоҳ


шарт эмас. Тасвирни ўзгартириш амали сичқонча кўрсаткичи ёрдамида ёки мулоқот ойнаси сатрига қийматларни киритиш орқали бажарилиши мумкин. Махсус белги ёрдамида ўрнатилаётган цилиндр диаметри, яъни расм эгрилиги белгиланади. Манфий қийматлар ботик цилиндрни, мусбат қийматлар эса - қавариқ цилиндрни аниқлайди. Ўзгартиришлар натижасида расм маркази жуда сиқилган ёки ёйилган бўлиб чекка қисмлари ўзгармай қолади.

Бир хил рангда қопланган тасвирлар *Emboss*(Қоплама) орқали яратилади. Ҳаракатни ўрнатиш мулоқот ойнасида чизиклар қалинлигини *Depth*(Қалинлик), қавариқлик даражасини эса *Level*(Даража) ёрдамида белгилаш мумкин. Ҳажмий кўринишни ҳосил қилувчи ёруғликнинг тушиш бурчаги қуйида берилган. Мулоқот ойнасининг ўнг қисмида қоплаш рангини танлаш мумкин.

Қоғоз варағининг букилишни ҳосил қилиш амали менюдаги *PageCurl*(Варақ букилиши) буйрағи орқали бажарилади. Ҳосил бўлган мулоқот ойнасида букилиши лозим бўлган варақ бурчаги танланади, шимга мос равишда мулоқот ойнасининг чап қисмидан фойдаланилади. *Direction*(Йўналиш) тугмаси эса горизонтал ёки вертикал букилиш йўналишини белгилайди.




Paper(Қоғоз) тугмасини эса *Transparent* (Шаффоф) ҳолатда ўрнатилганда ярим шаффоф букилишни ҳосил қилиш мумкин. *Opaque*(Шаффофмас) тугмаси ҳолати эса шаффоф бўлмаган букилишни ҳосил қилади. Кўпинча варақнинг шаффоф букилиши чиройли кўринишда бўлади. Букилиш ранги ва тагранг



мулоқот ойнасининг ўнг қисмида ўматилади. Қийматлар ёрдамида эса горизонтал ва вертикал йўналишлар бўйича букилиш даражаси белгиланади.

Менюдаги *Perspective*(Перспектива) буйруғи орқали узоқ кўринишли (перспектива) расм ўрнатиш мумкин.

Ҳосил бўлган мулоқот ойнасида перспектива кўри-нишни ҳосил қилиш учун тасвир бурчакларидан тортилади. Қарама-қраши томонлар эса бир-бири



билан боғланган ҳолда бўлади. Бунда бир тасвирнинг бир томонини ўзгартирганда, иккинчи томон мос равишда ўзгаради. Перспектива кўринишни горизонтал ёки вертикал йўналиш бўйича ҳосил қилиш мумкин. Агар *Shear*(Суриш) ўрнатилган бўлса, у ҳолда намунада кўрсатилган тасвир томонларини параллел равишда айлантириш мумкин.

Ушбу амал вектор объектнинг ўзгартирилишига жуда ўхшашдир.

COREL DRAW ДАСТУРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЖАРАЁНЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ

Мақсад: Талабаларга қишлоқ хўжалиги жараёнлари объектлари устида ҳар хил амалларни бажаришни ўргатиш.

Натижа:

Талабалар қуйидагиларни ўзлаштирадilar:

1. «Объект» тушунчасини.
2. Қишлоқ хўжалиги жараёнлари объектлари биланишлашни.
3. Қишлоқ хўжалиги жараёнлари объектларига ранг беришнинг ҳар хил усулларини.
4. Қишлоқ хўжалиги жараёнлари объектларининг кўринишларини, экранда жойлаштириш режимиларини.

Corel Draw дастурининг асосий технологик принципи - бу объектлар билан ишлаш. Объект деб-устида ҳар хил амалларни бажариш имконини берувчи тушунчага айтилади.

Талабалар қишлоқ хўжалиги жараёнлари объектлари билан ишлаш жараёнида улар устида ҳар амалларни бажаришга тўғри келади.

Объектлар билан қуйидаги амалларни бажариш мумкин:

1. Белгилаш
2. Ўчириш
3. Нусха олиш ва нусхани қўйиш.
4. Бир нечта объектларни белгилаш.
5. Катталаштириш ва кичрайтириш.
6. Объектни силжитиш.
7. Белгилашни олиб ташлаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган амалларни бажаришнинг бир нечта усуллари мавжуд. Талабалар ушбу усулларида фойдаланиб ўзларига берилган индивидуал топшириқларни бажарадилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ-1. C++ ТИЛИДА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мақсади: Талаба бевосита ҳар бир мавзу бўйича адабиётлар билан ишлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини ёрита олиши ва ҳар бир бажарган ишни мустақил равишда ўзлаштиришни ургатиш.

Мустақил бажарган ишларини расмийлаштириш тартиби:

Талаба мустақил бажарган ишларини дафтарга ёзади ва у ўқитувчи томонидан текширилиб баҳоланиб борилади.

Мустақил ишни бажариш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Аввало талаба услубий кўрсатмадаги келтирилган топшириқлар ва уларни ечиш тартибини урганиб чиқади. Ҳар бир мавзудаги топшириқни кўрсатмадаги каби мустақил дафтарига ёзиб боради.


Кўрсатма:

1-топшириқ. Borland C++ Builder 6 дастурлаш муҳитининг **Console Wizard** ойнасини очиш ва унда ишлашни урганинг.

Borland C++Builder 6 дастурлаш муҳитини ишалтиш учун аввал **Windows** ОТ да қуйидаги амални бажарамиз:


Пуск ⇒ Все программы ⇒ **Borland C++Builder 6** ⇒ **C++Builder 6**.


Бу амални бажаргандан сунг экранда мулоқот ойнаси пайдо бўлади. Бу 1 – расмда **BorlandC++Builder 6**муҳитининг асосий менюлари, шакллари ва лойиҳасининг кўриниши келтирилган.



1 - расм. Borland C++Builder 6 муҳитининг умумий кўриниши.


Бу расмда ифода этилган ойна **Borland C++Builder 6** муҳитидаги шакллар визуал дастурлаш имкониятини яратади. Албатта биз визуал дастурлашдан олдин **C++** дастурлаш тилининг базавий **Console** шаклидаги дастурлашни ўрганишимиз зарур.

3 - расмда **Borland C++Builder 6** муҳитининг **Console Wizard** ойнасида дастурлаш усуллари кўрсатилган. Бу ойнани юклаш учун  ёрлиғини “сичқонча” кўрсаткичи ёрдамида босамиз ва қуйидаги 2-расмдаги шаклни оламиз:




2-расм. Ҳар хил шаклларни танлаш ойнаси.

2 – расмда кўрсатилган **Console Wizard** ёрлиғини танлаймиз ва 3-расмда кўрсатилган ойнани ҳосил қиламиз.



3 – расм. **Console Wizard** бошланғич ойнасининг кўриниши.

Шундан сунг ОК тугмачасини босиб қуйидаги 4-расмни оламиз:



4-расм. **Console Wizard** ойнасининг кўриниши.


Бу ойнадаги автоматик равишда ҳосил бўлган дастур кодларидаги

```

int main(int argc, char* argv[])
{
    return 0;
}


```

main функциясининг параметрлари ва у функциянинг ҳисобланган қиймати бутун сон эканлигини кўрсатаёпти.



5-расм. **Console Wizard** ойнасидаги кодлар ёзилиши.

Бизнинг дастуримиз учун бу кодларни ишлатиш шарт эмас, шунинг ушбу кодларни ўзимизнинг дастур учун мослаб олишимиз зарур. Демак, кодларни 5-расмда кўрсатилганидек ўзгартирамиз ва бунга бизга берилган масала учун тузилиши керак бўлган дастур кодларини киритсак бўлади.

Бу ойнага дастур кодларини киртиб бўлгач уни ишга тушириш учун  ёрлиғи, Run менюсидаги Run бўйруғи ёки F9 тугмачаси орқали амалга ошириш мумкин.

Мавзу бўйича қўлланилувчи дидактив ва техник воситалар: компьютер, дискета ёки компакт-диск.

Тавсия этилган адабиётлар: [1-8] ва интернет манбалари.

МАВЗУ-2.C++ ТИЛИДА ЧИЗИҚЛИ ЖАРАЁНЛАР БИЛАН ИШЛАШ


Мақсади: Талабаларга C++ дастурлаш тилининг чизикли жараёнлари билан мустақил равишда ишлашни ўргатиш.

Кўрсатма:

1 – топшириқ. Қуйидаги функцияни ҳисоблаш дастурини тузинг: $z = \frac{e^x - \cos(y)}{|x^3 + ax^2 + b|}$

Ечилиши:

I. Дастурнинг блок схемаси:



6 – расм. Масаланинг блок схемаси.

II. Топшириқнинг дастури:

```
1. #include <vcl.h>
2. #pragma hdrstop
3. #include <iostream.h>
4. #include <math.h>
5. #pragma argsused
6. void main( )
7. {
8.     float x,y,z,a,b,s;
9.     cout<<"Қийматларни киритинг";
10.    cin>>x>>y>>a>>b;
11.    z=(exp(x)-cos(y))/abs(x*x*x+a*x*x+b);
12.    cout<<z;
```

```
13.     cin>>s;
14.     }
```

III. Дастур тавсифи. Бу ерда 1 – 5 қаторларда препроцессор директивалари ёзилиб улар дастури ишлашини таъминлайди. Булар кутубхона файллари бўлиб қандай вазифани бажаришини унинг номлари орқали аниқлаб олишимиз мумкин. **iostream.h** файлида киртиш ва чиқариш восталари жойлашган бўлиб, **i-input** - киритиш: **o-output** – чиқариш: **stream** – оқим: **h (head)** – сарлавҳани аниқлайди (Стандарт оқим клавиатурадан маълумотларни ўқиш учун хизмат қилади). **math.h** файли эса компиляторга математик функцияларни тушиниш имкониятини яратиб беради.

6 – қатор **main** номли функциянинг исми. (C++ дастурлаш тилида тузилган ихтиёрий дастурда битта ва фақат битта шу номли функцияни ишлата оламиз). C++ да дастурнинг бошланиши худди ана шу функцияни бажарилиши билан бошланади. **main** ни олдида хизматчи сўз **void** жойлашган. Бу махсус турни аниқлайди ва дастурда **main** функцияси ҳеч қандай ечимни ҳал этмайди, яъни буш функция ҳисобланади. **main** функция номидан сунгги (...) – қавслар ичида функциянинг параметрлари рўйхати жойлаштирамиз.

7 – дастурлаш тилида ҳар қандай функциянинг танаси { } қавслар орасида жойлашган ёзувлар, аниқловчилар ва операторлар кетма-кетлигидан иборат бўлади. Ҳар қандай ёзувлар, аниқловчилар ва операторлар “ ; ” (нуқта вергул) билан тугалланиши шарт. Шунини айтиб утиш лозимки, C++ дастурлаш тилида ҳар қандай оператор, у неча қатор бўлишидан қатий назар “ ; ” дан “ ; ” гача битта оператор каби ҳисобланади. **main()** функциясини танасида аниқ ёзувлар ва аниқловчилар йўқ.


8 – қаторда ўзгарувчиларнинг ҳақиқий тури кўрсатилган.

9 – 10 – 12 – 13 қаторларда **cout** ва **cin** – оператори кўрсатилган бўлиб унга мос бўйруқлар **iostream.h** файлида жойлашган, бу оператор маълумотларни дисплей экранга чиқариш ва компьютер хотирасига киритиш учун хизмат қилади. Ахборотлар **cout** ва **cin** объектига мос равишда “<<” ва “>>” (жойлаштириш) амали орқали жўнатилади. “<<” ва “>>” амали фақат уни чап томонида мос равишда **cout** ёки **cin** объекти бўлгандагина кучга эга.

2 – топшириқ. $\varphi = 1.625 \sin^2(\alpha + 0.61)$. Функция қийматини ҳисоблаш дастурини тузинг.

Ечилиши:

I. Дастурнинг блок схемаси:



7 – расм. Масаланинг блок схемаси.

II. Дастур матни

```

1. #include <iostream.h>
2. #include <math.h>
3. void main ( )
4. { float alfa, fi;
5.   cin>>alfa;
6.   fi=1.625*sin(alfa+0.61)*sin(alfa+0.61);
7.   cout <<fi;
8. }
  
```

III. Дастур тавсифи: 1-2 қаторга олдинги мисолдаги каби препроцессор директиваларини ёзиб оламиз. 3-қаторга main () функциясини ёзиб олинади. 4 – қаторда эса ўзгарувчиларнинг ҳақиқий тури курсатилади. 5 – қаторда ўзгарувчиларни клавиатура орқали компьютер хотирасига киритиш учун операторни ёзамиз. 6 – қаторда функциянинг қиймати ҳисобланади. 7 – қаторда ҳисобланган функциянинг қиймати экранга чиқарилади. 8 – қатор бош функциянинг тугалланишини билдиради.

Мустақил бажариш учун топшириқлар

- $y = \frac{\operatorname{tg} x - \operatorname{ctg}(x - \ln x)}{|x^2 + ax + b|}$
- $y = 2^{\sin x} + \frac{|ax + by|}{\sqrt{x^2 + y^2}}$
- $y = \arctg\left(\frac{x - y^2}{\ln(x^2 + y^2)} + \sqrt[3]{xy}\right)$
- $y = \log_{\sin x} \cos x + \frac{1}{\sqrt[3]{1 - x^2}}$
- $y = \sqrt{\frac{\cos \frac{\pi}{4}}{1 - \pi x^2}} + \log_{\sin x}(1 - \sin x^2)$
- $y = e^{\operatorname{tg}^2 x} \cos(|ax^2 + b| - 1)$
- $y = (\sin 0.7x)^{\cos 5.1x} + \frac{e^{2x}}{2x}$
- $y = 4.03 \cos \frac{e^{ix} - 1}{x} + (\ln \pi x)^{2x}$
- $y = 6.4 \operatorname{tg}^3(\ln 4x) + \frac{\arctg x}{\sqrt[3]{1 - 4x}}$

$$10. y = \arccos \frac{1}{\sqrt[3]{2x}} + 3^{2x}$$

$$11. y = (x^2 + y^2)^{\sin 2x} + \ln \left| \frac{\operatorname{tg} x - \operatorname{ctg} 2x}{x^2 - y^2 - 1} \right|$$

$$12. y = 0.98 \frac{|\sin x - \sin y|}{\ln(x^2 + y^2)} + 0.61xy$$

$$13. y = \operatorname{arctg} \left(\log \frac{3}{2} \sqrt{x-1} \right) + \frac{1}{|x^2 + y|}$$

$$14. y = (8.1)^{\operatorname{tg} 1.5x} - \log_{x^2} (2x + 3)$$

$$15. y = e^{\operatorname{tg} 2x} - \arccos \frac{1}{\sqrt{1+2x}}$$

$$16. y = \sqrt{\frac{\operatorname{arccotg} 4.7x}{x^2 - \sin x}} - x^{\cos^2 x}$$

$$17. y = \ln \ln \frac{\sqrt{x^2 + 2x}}{0.625x} + \frac{|\cos x|}{\sqrt[3]{x+1}}$$

$$18. y = (\operatorname{tg} 3x)^{\sin x} - \frac{x^2 + 2x + 1}{|x-1|}$$

$$19. y = \sin^2(xy + e^x)^2 + e^3 \sqrt{1-x^2}$$

$$20. y = \sqrt{\frac{\sin(\cos 4.89x)}{\sin(x^2 + y^2 + 1)}} + 0.8^x$$

21. Учбурчакнинг учта А, В, С томонлари берилган. Унинг бурчаги, юзи, медианаси, баландлигини ҳисоблаш дастури тузилсин.

22). Икки томони a , b ва бурчаги аниқ бўлган учбурчакнинг томони, юзаси, бурчаги, медианаси ва баландлигини аниқланг.

23. $y = mx + n$ тўғри чизик $y = ax^2 + bx + c$ параболани икки нуқтада кесиб ўтишини аниқланг.

24. А, В ва С бутун сонлар орасидан ҳеч бўлмаганда биттасини жуфтлигини аниқланг.

МАВЗУ-3. C++ ТИЛИДА ТАРМОҚЛАНУВЧИ ЖАРАЁНЛАР БИЛАН ИШЛАШ


Мақсади: Талабаларга C++ дастурлаш тилининг тармоқланувчи жараёнлари билан ишлашни мустақил равишда ўргатиш.

Кўрсатма:

1 - топшириқ. x нуқта $[a, b]$ оралиқда ётишини аниқловчи дастурни тузинг.

Ечилиши:

I. Дастурнинг блок схемаси:



II. Топшириқнинг дастури:

```

1. # include<iostream.h>
2. void main ( )
3. { float x,a,b;
4.   cin>>x>>a>>b;
5.   if(a<=x&& x<=b)cout<<"\n Ўтади";
6.   else
7.     cout<<"\n Ўтмайди";
8. }
  
```


III. Дастуртавсифи. 1–қаторда киритиш чиқариш оқимларининг файлини кўрсатамиз. 2–қаторда бош функцияни ёзамиз. 3– қаторда эса ўзгарувчиларнинг турини кўрсатамиз. 4–қаторда ўзгарувчиларни киритамиз. 5–қаторда тармоқланувчи шартли операторни киритамиз. Бу қатордаги && белгиси “ва” маъносидаги мантикий амал бўлиб, шартда x ни $[a,b]$ ораликда ётишини текширади. Агар x $[a,b]$ ораликда ётса, у ҳолда экранга “Ўтади” сўзи чиқади, акс ҳолда эса “Ўтмайди” сўзи чиқади. 8 – қаторда функциянинг тугалланиши ифодаланади.

2 - топшириқ. Функциянинг қийматини ҳисоблаш дастурини тузинг.

$$f(x) = \begin{cases} \sqrt{4x^2 + 1}, & x < 2, \\ \sqrt[3]{21.4 + 4x^2}, & 2 \leq x \leq 3, \\ \sin 4x^2, & x > 3. \end{cases}$$

Ечилиши:

I. Дастурнинг блок схемаси:



II. Дастур матни

```

1. # include <iostream.h>
2. # include <math.h>
Биз ID.UZ ягона идентификация тизими ёрдамида рўйхатдан ўтишни тавсия қиламиз. Бу тизимнинг афзалликларини олдинги амалий машғулотида кўриб ўтганмиз. Демак ягона идентификация тизимидаги логин ва паролимиз орқали ягона портал хизматларидан фойдаланамиз. Бунинг учун  тугмачаси босамиз. Ҳосил бўлган саҳифадан **ID.UZ orqali** бўлимини танлаймиз.

Порталга кириш учун ID.UZ тизимида рўйхатдан ўтган логинингизни киритинг. Сиз рўйхатдан ўтган паролингизни киритишингиз лозим бўлган, ID.UZ тизимидаги авторизация саҳифасига кирасиз.

sabur1088

ID.UZ orqali kirish

Autenticatsiya ID.UZ

Логин / пароль

sabur1088.id.uz

Parol

☐ Eslab qolish

[Parolni qayta tiklash](#)

Кириш

Агар сиз паролни унутган бўлсангиз, паролни тиклаш шаклидан фойдаланишингиз мумкин. Бу ҳолатда парол сизга (ID.UZ тизимида рўйхатдан ўтиш чоғида сиз томонингиздан танланган усулдан келиб чиққан ҳолда) СМС ёки электрон почта орқали юборилади.

Эслатма! Агар сиз эслаб қолишни белгилаб қўйсангиз логин ва паролнингиз браузер хотирасида сақланиб қолади. Бу ҳолатни белгилаш ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фақатгина ўзингизнинг шахсий компютерингиздан фойдаланаётгандагина тавсия қилинади.


Паролни киритиб, киришни босганимиздан кейин ягона портал юкланади, ва биз куйидаги имкониятларга эга бўламиз:

- давлат органлари ва хизматлари ҳақидаги маълумотларни олиш;
- давлат хизматларини олиш учун лозим бўлган мурожаат ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда тўлдириш;
- давлат хизматини кўрсатиш учун мурожаат йўллаш;
- давлат хизматини кўрсатиш учун йўлланган мурожаатни кўриб чиқиш жараёни ҳақидаги маълумотларни олиш;
- давлат хизматлари натижаларини олиш;
- тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш
- норматив ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси ва ҳ.к.


Эслатма! Ҳурматли фойдаланувчи! Ягона портал Сизга давлат ташкилотига таъриф буюришдан ёки қоғоз тарзда хат юборишдан қулайроқ бўлган давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш имкониятини

тақдим этади. шу билан бирга, сизнинг юбораётган мурожаатингиз расмий мақомга эга эканлигини ҳам эслатиб қўймоқчимиз.

Энди давлат ташкилотига мурожаат жўнатиш бўлимини танлаймиз. Давлат ташкилотига мурожаат жўнатиш 5та қадамда амалга оширилади.



Эслатмани ўқиб чиқишни тавсия қиламиз ва розилик билдирилгандан кейин кейинги иккинчи қадамга ўтилади.




Ariza kim tomonidan to'ldirilmoqda *

- ☐ Jismoniy shaxs
- ☐ Yuridik shaxs

◀ Avvalgi qadam

Keyingi qadam ▶

Қайси мақомга эга эканлигимизни танлаймиз ва кейинги учинчи қадамга ўтамиз. Жисмоний шахсни танласак қуйидаги форма ҳосил бўлади:



Ariza kim tomonidan to'ldirilmoqda *

- ☒ Jismoniy shaxs
- ☐ Yuridik shaxs

F.I.Sh. *

Aminov Sabur Muxtarovich

Elektron pochta *

sabur1088@umail.uz

Telefon raqami *

998935202286

Uy telefoni *

5202286

Jins *

Erkak

Tug'ilgan sana *

3-қадамда керакли ташкилотни танлаш усуллари таклиф қилинади. Ва мурожаат мазмунидан келиб чиқиб ташкилот танланади.

Murojaatlarni ko'rib chiqish

3-qadam. Tashkilotni tanlash

✓ 1-qadam

✓ 2-qadam

3-qadam

4-qadam

5-qadam

Kerakli tashkilotni tanlash usullari

- ☒ Tashkilotni tanlash
- ☐ Sohani tanlash
- ☐ Kalit so'zini kiritish yo'li bilan

➔ Agentliklar

➔ Fondlar

↓ Vazirliklar

- ☒ O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi
- ☒ O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi
- ☒ O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiyalar va savdo vazirligi
- ➔ ☐ O'zbekiston Respublikasi Mehnat vazirligi
- ☐ O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi
- ☐ O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi
- ☐ O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi
- ➔ ☐ O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi
- ➔ ☐ O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi
- ☐ O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirligi

4-qaдамда берилган қуйидаги формани тўлдириш талаб қилинади:

1. Мурожаат соҳаси;
2. Мурожаат тури;
3. Жавоб олиш йўли;
4. Мурожаатнинг қўриниши;
5. Мурожаат мавзуси
6. Тадбиркормисиз(ха/йўқ)
7. Мурожаат мавзуси
8. Файлни илова қилиш

Murojaatlarni ko'rib chiqish

4-qadam. Formani to'ldirish

Xizmat pasporti

- 1-qadam
- 2-qadam
- 3-qadam
- 4-qadam**
- 5-qadam

Murojaat sohasi *

Ish, ish haqi va imtiyozlar

Murojaat turi *

Shikoyat

Javob olish yo'li *

Elektron pochta orqali

Murojaatning ko'rinishi *

Shaxsiy

Murojaat mavzusi *

murojaat mavzusi keltiriladi

☐ Tadbirkorlik subyekti sifatida taqdim etilmoqda

Agar siz, haqiqatdan ham tadbirkorlik subyekti sifatida murojaat yuborayotgan bo'lsangiz, iltimos ushbu katakchani belgilang. Unutmang sizning fikringiz biz uchun muhim

Murojaat matni *

Ariza shikoyat yoki taklif mazmuni kiritiladi

Faylni ilova qilish

Faylni tanlang

Мурожаат жўнатилгандан кейин давлат хизматини кўрсатиш учун йўлланган мурожаатни кўриб чиқиш жараёни ҳақидаги маълумотларни олиш 5-кун ичида мурожаат жавобини олишингиз мумкин.

Ҳар бир жўнатилган мурожаат ҳақида фойдаланувчи кабинетидан маълумот олишимиз мумкин.

Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali

Izlash...

Xizmatlar bo'yicha Tashkilotlar bo'yicha

Davlat tashkilotiga murojaat yuborish

Davlat organi rahbariyati qabuliga yozilish

Call-center: 1060 yoki (0800) 200-18-18

TJKX masalalari bo'yicha murojaat (Call-center 1095)

Texnik guruhga murojaat

Saralash

Murojaat raqami Sana (dan) Sana (gacha) Status

Xizmat turi Tashkilot nomi

Filtni tozalash Izlash

Arizalar ro'yxati

Xizmat	Tashkilot	Taqdim etilgan vaqt	Maqomi
130391 Murojaatlarni ko'rib chiqish	O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi	2015-02-01 12:24:43	Ko'rib chiqilgan

ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ

<http://click.uz/>. Компания фаолиятининг асосий йўналиши – тижорат банклари, ташкилотлар, жисмоний шахслар учун дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш, уларни жорий этиш, турли аппарат-дастурий комплексларга мослаштириш ва келгуси такомиллаштиришдир. Click тизими ҳозирда биз кўрсатмоқчи бўлган амаллар пластик карталар учун алоқадор. Click хизматини ўз телефонингизга созлаш учунсиз аваламбор ўз пластик карточкангизга SMS хизматини ёқтирган бўлишингиз керак.


SMS хизматини сиз ўзингизга яқин бўлган БАНКОМАТдан ёки ўзингизни банкингиздан ёқтиришингиз мумкин.

Пластик картангизга UZCARD-CLICK хизматини улаш учун аввалам бор истаган банк ёки инфокиоск (банкомат) орқали “SMS-Хабарнома” хизматни ёқтиришингиз керак. Яқин атрофдаги инфокиоск/банкоматларнинг рўйхатини www.click.uz дан топишингиз мумкин.


“SMS-Хабарнома” хизматини onlineпластик карталар учун

уяли телефонингизга инфокиоск/банкоматда ёқтириш йўриқномаси

1. Картангизни ускунанинг карта қабул қилиш жойига солинг. Экрanga тил танлаш менюси чиқади:




2. Тилни танлаганингиздан сўнг картанинг ПИН-кодини киритиш учун форма пайдо бўлади:



3. Карта ПИН-кодини киритинг. Экранга асосий меню чиқади:



4. «SMS-Хабарнома хизмати» пунктини танланг. Шундан сўнг хизматни бошқариш менюси чиқади:



5. «ХИЗМАТНИ УЛАШ» пунктини танланг. Шундан сўнг уяли телефон рақамини киритиш формаси пайдо бўлади:



6. Картангизга боғламоқчи бўлган уяли телефон рақамини **“ТЕЛЕФОН РАҚАМИ”** деган жойга халқаро форматда 998XXYYYYYYY (бошидаги “+” белгисиз) киритинг, рақам тўғри терилганини текшириб, **“KEYINGI”** тугмасини танланг. Шундан сўнг хизмат муваффақиятли улатилганлиги ёки улатилмаганлиги кўрсатилади.

Агар хизмат улатилмаган бўлса:

1. **“SMS-Хабарнома”** хизматини ўчириб, қайтадан улатинг.
2. Карта балансини чекни нашр қилдириш

билан чиқариб кўринг. Агар содир бўлмаса, демак, чек принтерида муаммо бор. Банк ходимига мурожаат қилинг.

3. Агар инфокиоск/банкомат картани солганингиздан сўнг яшил экран чиқариб, картангизни қайтарса, ушбу инфокиоск алоқасиз қолганидан далолат беради. Алоқани созлаши учун банк ходимларига мурожаат қилинг.

SMS хизматини ёқтирганингиздан сўнг сизнинг телефонингизга пластик карточкангиз орқали амалга оширилган ҳар бир тўловлар ва бошқа оператсиялар ҳақида SMS ма’лумотлари келиб туради. Ушбу ҳар бир қирувчи SMSлар нархи 0.0005 USD ҳисобланади.

Click хизматини телефонингизга созлаш учун пластик карточкангизнинг SMS хизмати уланган телефон рақамидан*880*карта номери*амал қилиш муддати# ни териб чақирив тугмасини босинг.

Карта номери- бу пластик карточкада кўрсатилган 16 та рақамдан иборат сонлардир. Бу сизнинг пластик карточкангиз номери ҳисобланади. ушбу рақамни сиз бўш жой қолдирмаган ҳолда теришингиз керак.

Амал қилиш муддати-бу пластик картосканинг амал қилиш муддатидир. Бу пластик карточкангизга кўрсатилган бўлиб 4 та рақамдан иборат. Ушбу рақам чизикча билан ажратилган бўлади, лекин уни теришда чизикча ёзилмайди.

Ушбу рақамларни телефонингиздан терганингиздан сўнг 15 дақиқа ичида сўровингиз қабул қилингани ҳақида хабар келади. Ва сиз ўз телефонингиздан *880# сўровни териб СЛИК ПИН ни ўрнатасиз.

СЛИК ПИН-бу телефонингиздан слик оператсияларини амалга ошириш учун керак бўладиган пин код ҳисобланади.

Агар Сизда DUET Offline, VISA (УзПСБ) карта бўлса, ёки картангиз умуман бўлмаса, CLICK тизимига уланиш учун банк-ҳамкорларимизнинг бирига* учрашиб, рўйхатдан ўтишингиз лозим бўлади. Илтимос, ўзингиз билан бирга паспорт олишни унутманг.

Банкда CLICK тизимига уланиш бўйича формани тўлдириб ва муваффақиятли рўйхатдан ўтганингиздан сўнг Сизга авторизациянгиз билан боғлиқ бўлган реквизитларингизни беришади – логин, парол ва CLICK-PIN кўрсатилган информатсион варақа. Хавфсизлигингиз учун тизимга илк кирганингизда ушбу CLICK-PIN кодини алмаштиришингиз керак бўлади.

"CLICK" тизимининг асосий имкониятлари:

- - Тўловларни мобил телефон ёки Интернет орқали бевосита жисмоний шахсларнинг банк ҳисобларидан нақд пул маблағларидан фойдаланмасдан амалга ошириш;
- - USSD/SMS/WEB – портал ёрдамида тақдим қилинган ҳисобларни бошқариш;
- - CLICK тизимининг бошқа фойдаланувчиларига пул маблағларини ўтказиш;
- - Ҳисобдан ҳисобга пул маблағларини ўтказиш;
- - Балансни доимий равишда ишчи ҳолатда ушлаб турувчи, «Автотўлов» хизматини активлаштириш имконияти;
- - Тўловлар тарихини кўриш;
- - Банк ҳисобларини онлайн тартибда текшириш;
- - Ҳисоб реквизитларини олиш;
- - Банк ҳисоблари бўйича SMS-хабарномалар;
- - CLICK – ҳисобдан кредитни тўлаш ва кўпгина бошқа имкониятлар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУСИ: ТАРМОҚДА КАЛИТЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ МАСАЛАСИНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳар қандай криптографик тизим криптографик калитлардан фойдаланишга асосланган. Калит ахбороти деганда ахборот тармоқлари ва тизимларида ишлатилувчи барча калитлар мажмуи тушунилади. Агар калит ахборотларининг етарлича ишончли бошқарилиши таъминланмаса, нияти бузуқ одам унга эга бўлиб олиб тармоқ ва тизимдаги барча ахборотдан ҳоҳлаганича фойдаланиши мумкин. Калитларни бошқариш калитларни генерациялаш, сақлаш ва тақсимлаш каби вазифаларни бажаради. Калитларни тақсимлаш калитларни бошқариш жараёнидаги энг маъсулиятли жараён ҳисобланади.

Симметрик криптотизимдан фойдаланилганда ахборот алмашинувида иштирок этувчи иккала томон аввал махфий сессия калити, яъни алмашинув

жараёнида узатиладиган барча хабарларни шифрлаш калити бўйича келишишлари лозим. Бу калитни бошқа барча билмаслиги ва уни вақти-вақти билан жўнатувчи ва қабул қилувчида бир вақтда алмаштириб туриш лозим. Сессия калити бўйича келишиш жараёнини калитларни алмаштириш ёки тақсимлаш деб ҳам юритилади.

Асимметрик криптоотизимда иккита калит - очик ва ёпик (махфий) калит ишлатилади. Очик калитни ошкор этиш мумкин, ёпик калитни яшириш лозим. Хабар алмашинувида фақат очик калитни унинг ҳақиқийлигини таъминлаган ҳолда жўнатиш лозим.

Калитларни тақсимлашга қуйидаги талаблар қўйилади:

- тақсимлашнинг оперативлиги ва аниқлиги;
- тақсимланувчи калитларнинг конфиденциаллиги ва яхлитлиги.

Компьютер тармоқларидан фойдаланувчилар ўртасида калитларни тақсимлашнинг қуйидаги асосий усулларидан фойдаланилади.

1. Калитларни тақсимловчи битта ёки бир нечта марказлардан фойдаланиш.

2. Тармоқ фойдаланувчилари ўртасида калитларни тўғридан-тўғри алмашиш.

Биринчи усулнинг муаммоси шундаки, калитларни тақсимлаш марказига кимга, қайси калитлар тақсимланганлиги маълум. Бу эса тармоқ бўйича узатилаётган барча хабарларни ўқишга имкон беради. Бўлиши мумкин бўлган суиистеъмоллар тармоқ хавфсизлигининг жиддий бузилишига олиб келиши мумкин.

Иккинчи усулдаги муаммо – тармоқ субъектларининг ҳақиқий эканлигига ишонч ҳосил қилишдир.

Калитларни тақсимлаш масаласи қуйидагиларни таъминловчи калитларни тақсимлаш протоколини қуришга келтирилади:

- сеанс қатнашчиларининг ҳақиқийлигига иккала томоннинг тасдиғи;
- сеанс ҳақиқийлигининг тасдиғи;
- калитлар алмашинувида хабарларнинг минимал сонидан фойдаланиш.

Биринчи усулга мисол тариқасида Kerberos деб аталувчи калитларни аутентификациялаш ва тақсимлаш тизимини кўрсатиш мумкин.

Иккинчи усулга-тармоқ фойдаланувчилари ўртасида калитларни тўғридан-тўғри алмашишга батафсил тўхталамиз.

Симметрик калитли криптоотизимдан фойдаланилганда криптографик ҳимояланган ахборот алмашинувини истаган иккала фойдаланувчи умумий махфий калитга эга бўлишлари лозим. Бу фойдаланувчилар умумий калитни алоқа канали бўйича хавфсиз алмашишлари лозим. Агар фойдаланувчилар калитни тез-тез ўзгартириб турсалар калитни етказиш жиддий муаммога айланади.

Бу муаммони ечиш учун қуйидаги иккита асосий усул қўлланилади:

1. Симметрик криптоотизимнинг махфий калитини ҳимоялаш учун очик калитли асимметрик криптоотизимдан фойдаланиш

2. Диффи-Хеллманнинг калитларни очик тақсимлаш тизимидан фойдаланиш.

Биринчи усул симметрик ва асимметрик калитли комбинацияланган криптоотизим доирасида амалга оширилади. Бундай ёндашишда симметрик криптоотизим дастлабки очик матнни шифрлаш ва узатишда ишлатилса, очик


калитли асимметрик криптизизм фақат симметрик криптизизмнинг махфий калитини шифрлаш, узатиш ва кейинги расшифровка қилишда ишлатилади. Шифрлашнинг бундай комбинацияланган (гибрид) усули очик калитли асимметрик криптизизмнинг юқори махфийлиги билан махфий калитли симметрик криптизизмнинг юқори тезкорлигининг уйғунлашишга олиб келади. Бундай ёндашиш баъзида электрон рақамли конверт схемаси деб юритилади.

Фараз қилайлик, фойдаланувчи А хабар М ни фойдаланувчи В га ҳимояланган узатиш учун шифрлашнинг комбинацияланган усулидан фойдаланмоқчи. Унда фойдаланувчиларнинг ҳаракатлари қуйидагича бўлади.

Фойдаланувчи А нинг ҳаракатлари:

1. Симметрик сеанс махфий калит K_S ни яратади (масалан, тасодикий тарзда генерациялайди).
2. Хабар М ни симметрик сеанс махфий калит K_S да шифрлайди.
3. Махфий сеанс калит K_S ни фойдаланувчи (хабар қабул қилувчи) Внинг очик калити K_B да шифрлайди.
4. Фойдаланувчи В адресига алоқанинг очик канали бўйича шифрланган хабар М ни шифрланган сеанс калити K_S билан биргаликда узатади.

Фойдаланувчи А нинг ҳаракатларини 5.17-расмда келтирилган хабарларни комбинацияланган усул бўйича шифрлаш схемаси орқали тушуниш мумкин.




1.–расм. Комбинацияланган усул бўйича хабарни шифрлаш схемаси

Фойдаланувчи В нинг ҳаракатлари (электрон рақамли конвертнинг шифрланган хабар М ни ва шифрланган сеанс калити K_S ни олганидан сўнгги) қуйидагича:

1. Ўзининг махфий калити k_B бўйича сеанс калити K_S ни расшифровка қилади.
2. Олинган сеанс калити K_S бўйича олинган хабар М ни расшифровка қилади.

Фойдланувчи В нинг харакатларини 5.18-расмда келтирилган хабарларни комбинацияланган усул бўйича расшифровка қилиш схемаси орқали тушуниш мумкин.

Олинган электрон рақамли конвертни фақат қонуний қабул қилувчи-фойдаланувчи В очиши мумкин. Фақат шахсий махфий калит K_B эгаси бўлган фойдаланувчи В махфий сеанс калити K_S ни тўғри расшифровка қилиш ва сўнгра бу калит ёрдамида олинган хабар М ни расшифровка қилиши ва ўқиши мумкин.



2.–расм. Комбинацияланган усул бўйича хабарни дешифрлаш

Камчиликлари қуйидагича компенсацияланади.

- симметрик криптоалгоритм калитларини тарқатиш муаммоси бартараф қилинади, чунки хабарни шифрловчи сеанс калити K_S очик канал бўйича шифрланган кўринишда узатилади, калит K_S ни расшифровка қилиш учун асимметрик криптоалгоритмдан фойдаланилади;
- бу ҳолда асимметрик шифрлаш тезкорлигининг секинлиги муаммоси пайдо бўлмайди, чунки асимметрик алгоритм бўйича фақат қисқа калит K_S шифрланади, барча маълумотлар эса тезкор симметрик криптоалгоритм бўйича шифрланади.

Натижада тезкор шифрлаш билан биргаликда калитларнинг қулай тақсимланиши амалга оширилади.

Шифрлашнинг комбинацияланган усулида симметрик ҳам асимметрик криптотизимларнинг криптографик калитларидан фойдаланилади. Равшанки, криптотизимнинг ҳар бир тури учун калитлар узунлигини шундай танлаш лозимки, нияти бузуқ одамга комбинацияланган криптотизим ҳимоясининг ҳар қандай механизмига хужум қилиш бир хил қийинчилик туғдирсин.

7.1-жадвалда кўп учрайдиган симметрик ва асимметрик криптолизимлар калитларининг узунлиги келтирилган.

7.1-жадвал

Симметрик криптолизим калитлари узунлиги, битлар	Асимметрик криптолизим калитлари узунлиги, битлар
56	384
64	512
80	768
112	1792
128	2304


У. Диффи ва М.Хеллман томонидан кашф этилган калитларни очик тақсимлаш усули фойдаланувчиларга калитларни ҳимояланмаган алоқа каналлари орқали алмашишга имкон беради. Унинг хавфсизлиги чегараланган соҳада дискрет логарифмларни ҳисоблашнинг мушкуллигига асосланади.

Диффи-Хеллман усулининг моҳияти қуйидагича (5.19-расм).

Ахборот алмашинувида иштирок этувчи фойдаланувчилар А ва В мустақил равишда ўзларининг махфий калитларини k_A ва k_B ни генерациялайдилар (k_A ва k_B калитлар фойдаланувчилар А ва В лар сир сақловчи тасодифий катта бутун сонлар).

Сўнгра фойдаланувчи А ўзининг махфий калити k_A асосида очик калитни ҳисоблайди:

$$K_A = g^{k_A} \pmod{N}.$$



3.-расм. Диффи-Хеллманнинг калитларни очик тақсимлаш
схемаси

Бирвақтнинг ўзида фойдаланувчи В ўзининг махфий калити k_B ва сисда очик калитни ҳисоблайди:

$$K_B = g^{k_B} \pmod{N}.$$

Бу ерда N ва g – катта бутун оддий сонлар. Арифметик амаллар N нинг модулига келтириш орқали бажарилади. N ва g сонларни сир сақлаш шарт эмас, чунки одатда, бу қийматлар тармоқ ва тизимдан фойдаланувчиларнинг барчаси учун умумий ҳисобланади.

Сўнгра фойдаланувчилар A ва B ўзларининг очик калитларини ҳимояланмаган канал орқали алмаштирадилар ва умумий сессия махфий калити K ни (бўлинувчи сирни) ҳисоблашда ишлатадилар:

$$\text{фойдаланувчи } A: K = (K_B)^{k_A} \pmod{N} = (g^{k_B})^{k_A} \pmod{N},$$

фойдаланувчи B :

$$K' = (K_A)^{k_B} \pmod{N} = (g^{k_A})^{k_B} \pmod{N},$$

бунда $K = K'$, чунки $(g^{k_B})^{k_A} = (g^{k_A})^{k_B} \pmod{N}$.

Шундай қилиб, ушбу амаллар натижасида иккала махфий калит k_A ва k_B ларнинг функцияси бўлган умумий сессия махфий калити ҳосил қилинади.

Очик калитлар k_A ва k_B қийматларини ушлаб қолган нияти бузуқ одам сессия махфий калити K ни ҳисоблай олмайди, чунки у махфий калитлар k_A ва k_B қийматларини билмайди. Бир томонлама функциянинг ишлатилиши сабабли очик калитни ҳисоблаш амали қайтарилмайдиган амал, яъни абонентнинг очик калити қиймати бўйича унинг махфий калитини ҳисоблаш мумкин эмас.

Диффи-Хеллман усулининг ноёблиги шундан иборатки, абонентлар жуфти тармоқ орқали очик калитларни узатганларида фақат ўзларига маълум махфий сонни олиш имкониятига эга. Сўнгра абонентлар узатилаётган ахборотни маълум текширилган усулни – олинган умумий сессия махфий калитидан фойдаланган ҳолда симметрик шифрлашни ишлатиб ҳимоялашга киришишлари мумкин.

Диффи-Хеллман схемаси маълумотларни ҳар бир сеансда янги калитларда шифрлаш имконини беради. Бу сирларни дискетларда ёки бошқа элтувчиларда сақламасликка имкон беради, чунки бундай сақлаш уларни рақиблар ёки нияти бузуқ одамлар қулига тушиб қолиш эҳтимоллигини оширади.

Диффи-Хеллман схемаси узатилаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини ва аутентлигини (аслига тўғрилигини) комплекс ҳимоялаш усулини ҳам амалга ошириш имконини беради. Алгоритм фойдаланувчига рақамли имзони ва симметрик шифрлашни бажаришда бир хил калитларни шакллантириш ва ишлатиш имконини беради.

Маълумотлар яхлитлигини ва конфиденциаллигини бир вақтда ҳимоялаш учун шифрлаш ва электрон рақамли имзодан комплекс фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Диффи-Хеллман схемаси ишлашининг оралиқ натижаларидан узатилаётган маълумотларнинг яхлитлигини ва конфиденциаллигини комплекс ҳимоялаш усулини амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Ҳақиқатан, ушбу алгоритмга биноан фойдаланувчилар A ва B аввал ўзларининг махфий калитлари k_A ва k_B ни генерациялайдилар ва очик калитлари

K_A ва K_B ни ҳисоблайдилар. Сўнгра абонентлар А ва В бу оралиқ натижалардан маълумотларни симметрик шифрлашда фойдаланилиши мумкин бўлган умумий бўлинувчи махфий калити K ни бир вақтда ҳисоблаш учун ишлатади.

Узатилаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини ва аутентилигини комплекс ҳимоялаш усули қуйидаги схема бўйича ишлайди:

- абонент А рақамли имзонинг стандарт алгоритмидан фойдаланиб, ўзининг махфий калити K_A ёрдамида хабар М га имзо чекади;

- абонент А ўзининг махфий калити K_A ва абонент В нинг очик калити K_B дан Диффи-Хеллман алгоритми бўйича умумий бўлинувчи махфий калити K ни ҳисоблайди.

- абонент А олинган ўзаро бўлинувчи махфий калитда алмашинув бўйича шериғи билан келишилган симметрик шифрлаш алгоритмидан фойдаланган ҳолда хабар М ни шифрлайди;

- абонент В шифрланган хабар М ни олиши билан ўзининг махфий калити K_B ва абонент А нинг очик калити K_A дан Диффи-Хеллман алгоритми бўйича ўзаро бўлинувчи махфий калит K ни ҳисоблайди;

- абонент В олинган хабар М ни калити K да расшифровка қилади;

- абонент В абонент А нинг очик калит K_A ёрдамида расшифровка қилинган хабар М имзосини текширади.

Диффи-Хеллман схемаси асосида тармоқ сатҳида ҳимояланган виртуал тармоқлар VPN қурилишида қўлланилувчи криптокалитларни бошқариш протоколлари SKIP (SimpleKeyManagementforInternetProtocols) ва IKE (InternetKeyExchange) ишлайди.

Амалий қисм. ESET NOD 32 Smart Security 6 ни ОТ ҳимоясини таъминлаш ўрнатиш

Компютер вируси - интернет орқали сузиб юрадиган, компютер программаларинийўққилиб, ишламай қолишига сабаб бўладиган программа.

Ҳозирги кунда бу вирусларга қарши **Антивируслар** ишлаб чиқарилган. Вируслар ҳақида дастлаб ким маълумотлар америкалик Т. Ж. Райннинг 1977-йилги фантастика сарида учрайди. Бу асарда 7000 компютер вирусдан зарарланганлиги ҳақида сўз боради.

Вирус ҳам тузилишига кўра дастур, лекин зарарли!
Ҳозирда вируслар жуда кенг классификацияга.

Улар кенг қамровда фаолият олиб бормоқда. Масалан: Касперский антивируси 1,5 миллион вирусни аниқлай олади. Дунёдаги биринчи вирус дастури 1988-йили Карнелл Университети аспиранти Роберт Морис (кичик) томонидан Интернет тармоғига жойлаштирилган. Бу вирус ўз фаолиятини Уних операцион тизими хато-камчиликларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш билан амалга оширган. Роберт Морис тузган вирус жуда катта кўламли зарар келтирди. Роберт Морис эса узоқ муддатли қамоқ жазосига маҳкум этилди, лекин унинг номи бир умрга тарихда қолди.



Компьютер вируси - ЭХМ нинг хавфли "дастури". Компьютер эгасини огохлантирмай ва унинг истагига қарши унинг дастурига "жойлаштирилади" ва зарядланган файлни навбатдаги қо'йишда қо'паяди. К. в. компьютернинг рисоладаги иш ме'ёрини бузади, ма'лумотларни о'чириб юборади, дисплей (монитор) экранидаги тасвирни бузади, ҳисоблаш жараёнини секинлаштиради. К. в. дастурини ишлаб чиқувчилар 20-а. 80-й.лари бошида АКШда пайдо бо'лди, кейин дунёнинг барча мамлакатларига тарқалди. К.в.га қарши курашиш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилади.

Вирус нималигини билиб олдик. Энди уларга қарши курашнинг энг асосий усули ҳақида сўз юритамиз. Ҳар дарднинг давоси бўлганидек, вируслар учун ҳам «антибиотик»лар – антивирус дастурлар мавжуд. Сизларни улар билан яқиндан танишишга таклиф этамиз.

Антивирус дастурларини ўзаро солиштириш, таққослашдан аввал уларнинг қандай ишлаши ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамиз. Қайси антивирус дастурини олмайлик, ҳаммасининг асосий



қиладиган иши, бажарадиган функцияси деярли бир хил: компьютернинг тезкор ва доимий хотирасини сканерлаш ва назорат қилиш. Лекин мана шу икки иш турли антивирус дастурларда бир-иридан бироз фарқланиши мумкин.

Зарарли дастурлар, яъни вирусларнинг ёзилиш кодларининг кетма-кетлиги мавжуд бўлиб, антивирус дастури мана шу кетма-кетликка қараб вирусни таниб олади.

Баъзи антивируслар эса, шубҳали объектнинг ўзини ажратиб олиб, уни диққат билан текшириб чиқади, комплекс усулда

таҳлил қилади. Бундай усулнинг яхши тарафи – ўзининг шаклини осон ўзгартириб оладиган ёки унча танилмаган вирусларни ҳам аниқлаш имкони борлигидир, ёмон тарафи – антивирус дастур тез-тез ёлғон чақирувларни амалга оширади. Чунки, айтганимиздек, антивирус аниқ бирор бир вирусни эмас, балки шубҳали кўринган ҳар қандай файлни текшираверади. Вирусни аниқлашнинг яна бир усули – хотирадаги ўзгаришларни доимий равишда таҳлил қилиш, мониторинг қилишдир. Бунда файлларнинг ахборот ҳажмлари, ҳосил қилинган санаси текшириб турилади. Агар файл параметрларидан бирортаси ўзгариб қолса, антивирус дарров мана шу ўзгаришни ўрганишга тушади. Чунки, одатда вируслар файлларнинг параметрларини ўзгартириб қўяди. Антивирус дастурнинг энг муҳим сифати зарарли кодни аниқлаш ҳисобланади. Бундан ташқари, уларнинг ишлаш тезлиги, хотирада эгаллайдиган жойининг ҳажми, компьютер ресурсларининг қанча қисмидан фаол фойдаланиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки баъзи антивирус дастурлар ишлаётганида компьютер деярли «қотиб» қолади.

Чет элда, хусусан Ғарб давлатларида ўтказиладиган «Вирус Буллетин 100%» халқаро тестда етакчи антивирус ҳисобланади. Лекин у МДХ да унчалик оммалашмаган. Ишлаб чиқарувчиларнинг айтишича, фақат мана шу НОД32 антивирус дастуригина бирорта ҳам зарарли файлларни «қўйиб юбормаган». Биз ўтказган тест натижаларига кўра эса, юктирилган 7 та вирусдан 6 тасини 5 дақиқа ичида аниқлади. Охириги еттинчи вирусга эса, «шубҳали» деб ташхис қўйди. Тестимизда, умумий натижаларга кўра, Др.Веб етакчилиқни ўз қўлига олди. Юқорида санаб ўтилган антивируслар нисбатан машҳурлари, холос. Улардан ташқари Авира, Аваст, БитДефендер, Кериш Антивирус лардан ҳам фойдаланилади. Антивирус дастурларнинг базилари пуллик, баъзилари эса бепул тарқатилади. Билингки, пуллик антивируслар рўйхатдан ўтган бўлади ва компютерингизни ишончлироқ ҳимоя қилади, бошқачароқ айтсак, пуллик антивирус масъулиятни ҳис қилади. Бепул антивируслар ҳам компютерни ҳимоялай олади. Лекин жиддий хавф-хатар вақтида пуллик антивирусларнинг литсензияланган версиясигина ёрдам бера олади. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда машҳур бўлган антивирус дастурлари баъзи ҳолатларда самарали ишлай олмай қолади. Чунки уларнинг ишлаш алгоритмлари узоқ вақт ўзгармай туради, вирус тузувчи «чаққонлар» эса бу алгоритмларни яхшигина ўзлаштириб оладилар ва антивирусга кўринмасликнинг иложини топадилар. Янги чиқаётган антивируслар шу жиҳатдан аввалгиларга қараганда фойдалироқ бўлиди. Чунки уларнинг ишлаш алгоритмлари ҳам янгиланган, замонавий вирусларни топишлари осонроқ. Компютер фойдаланувчиларига маслаҳатимиз қуйидагича. Сиз қайси антивирус дастуридан фойдаланманг, дейлик, 2-3 ойда бир марта умуман бошқача антивирус ўрнатиб, компютерингизни, оператсион тизимни қайтадан текшириб кўринг. Чунки компютерда узоқ вақт ишлаган эски антивирус вақт ўтиши билан янги вирусларни топа олмаган боълиши мумкин.




Амалий қисм.

ЕСЕТ НОД 32 Смарт Сесурити ни ўрнатиш.


Бунинг учун дастурни ўрнатувчи файлга 2 марта босилади:

CharTranslator	exe	73 728
DirectX	exe	27 466 864
English test	exe	1 429 276
Eset(4in1)[TAS-IX.NET]6.0.316.3	exe	64 139 472
FormatFactory	exe	40 651 157
Internet.Download.Manager.v6.18.7_-_www.Onlayn.uz	exe	5 038 688

Дастур тури танланади:




Дастур ўрнатиляпти:




Дастунинг ўрнатилиши якунланди:



Дастуга киришда “Старт” тугмасидан эСЕТ папкаси танланади:







Дастурнинг бир қанча бўлимлар мавжуд:

- Шахсий Компютернини текшириш
- Янгиланиш
- Созланмалар
- Хизмат дастурлари
- Сўров ва ёрдам
- Ҳимоя ҳолати.


1. Компютерни текширишда ундаги мавжуд файлларни кўздан кечирази ва зарарли бўлганларини аниқлаб, уларни зарарсизлантирази:



Бу ерда - тезкор текширув;




Танловли текширув; Бу ерда компьютернинг исталган қисмини текшириш




мумкин.


Қўшимча хотира қурилмаларни текшириш;




Сўнгги текширувни амалга ошириш.




Шунингдек, текширув журнали ва компьютерни текширишнинг созланмаси:



Янгилашида антивирус дастурини базаси дастур активлигини йўқотиб қўймаслиги учун янгилашиб турилади:




Созланмалар бўлимида дастур иш фаолиятини созлаш имконияти мавжуд:




Хизматчи дастурларда эса антивирус дастурига оид бир қанча қўшимча дастурлар мавжуд:





Сўров ва йрдам бўлимида миждоз учун ёрдамлар ва сўзовлар жойлашган. Бндан ташқари дастурнинг литсензиясини ўзгартириш ҳам мавжуд.



Ҳимоя ҳолати бўлимида эса дастур компютернинг ҳимоя ҳолати ҳақида ахборот беради:





Бундан ташқари ойнанинг ўнг-юқори бурчагидаги тугмада бир қанча хизматлар жойлашган:



Дастурнинг созланмаларни очиш учун Ф5 тугмаси босилади:

Буларни бирма-бир кўриб чиқамиз:



Вируслар ва жосус дастурлардан ҳимоя, ва яна Анти-Стеалтх номли оператсион тизимдаги хавфли дастурларни беркитадиган дастур.



Қўшимча хотира қурилмалари: бунда уларни текшириш ва қулфлаш имконияти мавжуд:

Тармоқ бўлими.


Шахсий фаервол: бунда филтрлаш тартиби ва фаервол фойдаланувчилари профиле жойлашган бўлади.




Уланишларни кўрсатиш:

Интернет ва электрон почта: бу бўлимда қуйидаги параметрлар созланади:


- Веб-мижоз ҳимояси ва манзилни бошқариш;
- Почта мижоз ҳимояси ва спамдан ҳимоялаш;
- Интернет ва электрон почтадан фойдаланиш;
- Тармоқ протоколларидан ҳимоялаш версияси.




Ота-она назорати бўлимида




фойдаланувчиларга чеклов қўйиш мумкин.



Ёши тапланади ва ОК тугмаси босилади.




Чекловнатижаси:




Янгилашибўлими:


Буердаантивирусбазасиниянгилашучунсозланмаларкелтириган: профил, базаниянгилашучунҳавола, ўзгартариштугмасиданҳаволаниўзгартаришмумкин.



Хизматчи дастурлар: бу бўлим журнал файлларини ишлашига рухсат беради, эсет Ливе Грид ва бошқа хизматчи дастурларни ишлашига рухсат беради.



Интерфейс бўлими дастур фойдаланувчиларига график интерфейс элементлари иш ҳолатини назорат қилиб туради, изохлар чиқариш, аниматсия, огоҳлантиришлар ва билдиришлар. Дастур параметрларига рухсатни чегаралаб қўйиши, парол ёрдамида қулфлаб қўйиши мумкин.



Ҳозирги замон ахборот технологиялар соҳасида ахборот хавфсизлиги биринчи ўринда туради. Чунки ахборотни бутунлиги, ишончлилиги ва хатарлардан холилиги унинг қийматини белгилайди.

Аборот хавфсизлигини таъминлашнинг усуллари кўп: химоя дастурлари, антивируслар, Анти-Трожан дастури, Анти-Спам ва бошқалардир.

Мен бу мустақил ишимни бажаришда эсет NOD 32 Смарт Сесуритй 6 антивирус дастуридан фойдаландим. Бу дастур орқали компьютерда хавфсизликни таъминлашда унинг қўшимча хизмат дастурлари, компьютернинг иш ҳолатини назорат қилишни, унда назорат ўрнатиши ва шунга ўхшаш кенг имкониятлари ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлдим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Тошкент давлат аграр
университети ректори, академик

Б.Сулаймонов

2018 йил « 8 » 07

«КЕЛИШИЛДИ»

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2018 йил « 25 » 08

Рўйхатга олинди: № БД-5410100-1.08

2018 йил « 18 » 08

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	400000	–	Қишлоқ ва сув хўжалиги
Таълим соҳаси:	410000	–	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
Таълим			
йўналишлари:	5410100	-	Агрокимё ва агротупроқшунослик
	5410200	–	Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
	5410200	–	Агрономия (анорчилик)
	5410200	–	Агрономия (сабзаотчилик ва полизчилик)
	5410200	–	Агрономия (пахтачилик)
	5410200	–	Агрономия (дончилик)
	5410200	–	Агрономия (мойли экинлар)
	5410200	–	Агрономия (ем хашак экинлари)
	5410200	–	Агрономия (шоличилик)
	5410200	–	Агрономия (соя экини агротехникаси)
	5410300	–	Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)
	5410400	–	Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги (экин турлари бўйича)
	5410500	–	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
	5410600	–	Балиқчилик
	5410800	–	Ўрмончилик
	5410900	–	Ипакчилик ва тутчилик
	5411000	–	Мевачилик ва узумчилик
	5411100	–	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
	5411500	–	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
	5411200	–	Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш
	5411800	–	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш
	5411700	–	Иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш
	5411900	–	Агробиотехнология
	5411600	–	Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик
	5411300	–	Ўсимликшунослик (яйлов чўл ўсимликшунослиги)
	5630300	–	Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 201 8 йил “18” 08 даги “4” – сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201 8 йил “25” 08 даги “744”-сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Тошкент давлат аграр университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Норалиев Н.Х. – “Ахборот технологиялари ва математика”
кафедраси мудири, ф-м.ф.н, доцент
Хайитбоев К. – “Ахборот технологиялари ва математика”
кафедраси доценти, т.ф.н.

Такризчилар:

- Мирзаев С. – Тошкент ирригация ва мелиорация институти
“Ахборот технологиялари” кафедраси доцент
Тошпўлатов Д. – ТошДАУнинг Андижон филиали “Ахборот
технологиялари ва математика” кафедраси
мудири, доцент

Фан дастури Тошкент давлат аграр университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тасвир қилинган (201 8 йил 2 07 даги «14» -сонли баённома)

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан дунёнинг ривожланган мамлакатлари каби ахборот-коммуникацион технологияларини ривожлантиришга Ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий технологияларнинг ривожланиш ҳолати биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, яъни кенг фикрлайдиган, кучли рақобат шароитида самарали хўжалик юрита оладиган малакали ва чуқур билимга эга мутахассисларга боғлиқ бўлмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва бошқаришида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам миллий ахборот тизимини шакллантиришда, қишлоқ хўжалигига замонавий ахборот технологияларини, компьютер ва телекоммуникация воситаларини жорий этишда ҳамда улардан самарали фойдаланишда, жакон ахборот ресурсларидан бахраманд бўлишда юкори салоҳиятга эга бўлган рақобатбардош кадрларни тайёрлашда “Ахборот коммуникацион технологиялар” фанини ўқитиш муҳим аҳамиятга эгадир.

“Ахборот коммуникацион технологиялар” фани талабаларни ахборот коммуникацион технологиялар соҳасида эришилаётган сўнги ютуқлар ва юкори технологиялар ҳамда замонавий дастурий ва техник воситалар ҳақидаги билимлар билан қуроллантиради. Шунингдек, бу фан талабани мустақил ишлашга йўналтириш, дунёқарашини кенгайтириш, ахборотларни таҳлил қилиш асосида қарорлар қабул қилиш борасидаги салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатади.

“Ахборот коммуникацион технологиялар” фани “Математик ва табиий-илмий фанлар” блокига тааллуқли фан бўлиб, талабалар уни 1 курснинг I ва II семестрларда ўрганишади.

“Ахборот коммуникацион технологиялар” фани турли хил номларда барча таълим муассасаларида ўқитилади. Мазкур фан бошқа табиий-илмий фанлар йўналишидаги “Иқтисодий математика”, “Иқтисодий математик усуллар ва моделлар”, “Ахборот тизимлари”, “Компьютер графикаси” каби фанларни ўрганишга асос бўлиб, умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўрганишга замонавий технологик восита бўлиб ҳизмат қилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга Ахборот коммуникацион технологияларнинг назарий, услубий ва технологик асосларини, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича аниқ масалаларни ечишда ахборот технологияларни қўллашнинг амалий ютуқлари ва услублари билан чуқур ва ҳар томонлама таништириш ҳамда компьютер ва дастурий воситалар билан ишлашнинг умумий тартибларини ўргатиш ҳамда уларни амалда тадбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, ахборот технологиялари билан боғлиқ жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий-техникавий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- қишлоқ хўжалигида ахборот технологиясининг ўрни ва аҳамияти;
- ахборотнинг хоссалари ва уларнинг компьютерда тасвирланиш жараёнлари;
- ахборот жараёнларининг техник ва дастурий таъминоти;
- ахборот-коммуникация технологиялари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши**;
- ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни;
- қишлоқ хўжалигида ахборот технологияларининг назарий, услубий ва технологик асосларини;
- объект ва жараёнлар ҳолати ҳақида янги сифатдаги ахборотларга эга бўлиш мақсадида ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш усул ва воситалар мажмуаси сифатида ахборот технологияларининг ривожланиш йўналишларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- замонавий компьютер ва унинг техник воситалари, операцион тизим ва компьютерга хизмат кўрсатувчи дастурлар асосида файллар тизими билан ишлаш;
- ахборотларга ишлов берувчи дастурий воситалардан, интернет тармоғи ва миллий тармоқ ресурсларидан, интернет хизматларидан, маълумотлар базаларидан, ягона, гуруҳли ва корпоратив ахборот тизимларидан, интерактив хизматлардан фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши**.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-модул. Ахборот жараёнлари ва уларнинг дастурий ва техник таъминоти

1-мавзу. “Ахборот коммуникацион технологиялари” асослари, АКТ соҳасидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, Ахборотларнинг назарий асослари.

“Ахборот коммуникацион технологиялар” фанининг мақсади, вазифалари ва предмети. Ахборот технологияларининг вужудга келиши тарихи, ҳозирги замондаги ўрни ва унинг ривожланиш истиқболлари. Ахборот технологияларининг қишлоқ хўжалигидаги ўрни, Фанга таълуқли бўлган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Ахборот ва маълумотларнинг таснифи ва хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигига оид ахборотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш босқичлари. Маълумотларни кодлаштириш. Классификаторлар. Компьютернинг арифметик ва мантиқий асослари. Санок тизимлари.

2-мавзу. Ахборот жараёнларининг аппарат ва дастурий таъминоти.

Техник воситаларининг умумий таърифи. Шахсий компьютернинг архитектураси. Компьютер турлари. Компьютерларнинг ички ва ташқи қурилмалари. Ахборотларни киритиш-чиқариш қурилмалари. Ахборотларни узатиш ва сақлаш воситалари. Телекоммуникация воситалари. Мобил алоқа операторлари ва мобил алоқа воситалари. Дастурий таъминот тушунчаси. Дастурий таъминотнинг тузилиши. Тизимли дастурий таъминот ва унинг вазифалари. Операцион тизимлар ва уларнинг турлари, вазифалари, Компьютерларга хизмат кўрсатувчи дастурлар. Амалий дастурлар пакети. Ускунавий дастурий таъминот. Қишлоқ хўжалиги масалаларини ечишда қўлланиладиган дастурий воситалар.

3-мавзу. Операцион тизимлар ва уларнинг турлари. Windows операцион тизимида файллар билан ишлаш.

Операцион тизимларнинг омиллар бўйича тавсифланиши: разрядли, буйрукли ва объектга йўналтирилган, бир ва кўп масалали, тармоқ операцион тизимлар. Windows оиласига мансуб операцион тизимлар. Windows операцион тизимларининг функционал имкониятлари. Windows операцион тизимининг фойдаланувчи интерфейси. Mac OS, UNIX, LINUX-операцион тизимлари. Командалар процессори. Папка ва файллар. Файллар устида ишлаш. Сервис дастурлар. Ахборотларни архивга олиш. Дастурларни, қурилмаларни ўрнатиш ва созлаш. Қаттиқ дискларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш. Компьютерга профилактик хизмат кўрсатиш.

2-модул. Қишлоқ хўжалиги масалаларини ечишда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш

4-мавзу. Матн муҳаррирларида соҳага оид ҳужжатларни тайёрлаш ва қайта ишлаш.

Матн муҳаррирлари. Ms Word муҳаррири ойнасининг тузилиши ва интерфейси. Ms Word муҳаррирининг менюлари. Автоматлаштирилган воситалар ва шаблонлар. Мундарижалар, колонтитуллар, кўчирмалар ва гипербоғланишларни шакллантириш. Матнга жадвалларни ўрнатиш ва тахрирлаш. Матнга расмларни ва объектларни жойлаштириш. Соҳа ва идоравий ахборотларни яратиш ва ишлов беришда оптимал услублардан фойдаланиш. Ҳужжатларни тахрирлаш ва чоп этишга тайёрлаш.

5-мавзу. Microsoft Excel электрон жадвалида соҳага оид сонли маълумотлар билан ишлаш.

Жадвал процессорлари ва уларнинг вазифалари. Ms Excel ойнасининг тузилиши ва интерфейси. Менюлар. Командалар. Формулалар яратиш.

Ms Excel дастурида соҳага оид ҳисоб ишларини бажариш. Мураккаб жадвалар билан ишлаш. Жадвалларни бир бирига боғлаш. Ms Excelда ҳисоблашлар. Формулалар ва функциялар. Microsoft Excel дастурида стандарт функциялар. Математик, статистик, молиявий функциялар билан ишлаш.

Ms Excel дастурида масала ечимларини излаш. Ms Excelнинг Поиск решения пунктини созлаш. Поиск решения орқали масалаларнинг оптимал ечимларини топиш. Корреляция-регрессия масалаларини ечиш. Дисперсион таҳлил усуллари. Қишлоқ хўжалиги маълумотлари асосида график ва диаграммалар тузиш ва уларни шакллантириш, жихозлаш. Умумий жадвал ва диаграммалар ҳисоботи.

6-мавзу. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш.

АРМА агрономнинг автоматлаштирилган иш ўрни. АРМА дастурий таъминот конфигурацияси. АРМА дастури вазифаларининг қисқача тавсифи. АРМAnинг ишчи ойнаси, менюлар рўйхати. АРМА дастури орқали минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, агротехник тадбирлар, ҳосил ҳақида маълумотларни сақлаш ва юритишни ташкил этиш. Ўғитлар қўллашни рўйхатга олиш; экин навлари, кимёвий моддалар, минерал ўғитлардан фойдаланиш ҳисоб китобларини шакллантириш ва чоп этиш, керакли ҳосилдорликка эришиш учун талаб қилинадиган ўғит миқдори ҳисоблаш; хариталаш далаларнинг хариталарини ҳосил қилиб бериш; хўжалик харитасини тасвирлаш; АРМА дастури орқали экин майдонлари тарихи китобини яратиш. Дала журналин юргизиш.

7 мавзу. Маълумотлар базалари ва уларни бошқариш тизимлари

Маълумотлар базаси ҳақида тушунча ва унга қўйиладиган талаблар. Маълумотлар базаси ва унинг турлари. Маълумотлар базаси лойиҳалаштириш. Маълумотларни структуралаш. Маълумотлар базасининг асосий объектлари. Реляцион, иерархик ва объектга йўналтирилган моделлари. Маълумотлар базасини ташкил этиш усуллари. Марказлашган ва тақсимланган маълумотлар базалари. МББТ функционал имкониятлари ва буйруқлари тўплами. Microsoft Accessда маълумотлар базасини яратиш, таҳрирлаш, ишлов бериш. Маълумотлар устида амаллар бажариш. Microsoft Accessда сўровларни шакллантириш. Шакллар билан ишлаш. Microsoft Accessда ҳисоботлар тузиш.

3-модул. Алгоритмлаш ва дастурлаш асослари

8-мавзу. Дастурлаш асослари.

Алгоритмларни тасвирлаш усуллари. Чизикли, такрорланувчи, тармоқланувчи ҳисоблаш жараёнларининг алгоритмларини тузиш. Дастурлаш тиллари. Дастурлаш тили. Дастурлаш тили даражалари. Транслятор, интерпретатор ва компилятор. Дастурлаш тилларининг асосий элементлари. Визуал дастурлаш технологиялари. Визуал дастурлаш ва визуал фойдаланувчи интерфейсининг асосий афзалликлари ва принциплари..

9-мавзу. С++ дастурлаш тили операторлари

Бошланғич маълумотлар. Ўзгармаслар ва ўзгарувчилар. Маълумотларнинг стандарт турлари. Фодаланувчининг турлари. С++ тилининг асосий элементлари. Таркибий қисмларнинг характеристикаси: белгиларни, ўзгармасларни, маълумотларни, ўзгарувчиларни, функция ва процедураларни, операторларни ва изоҳларни ифодалаш бўлими. Фойдаланувчининг кутубхона модуллари. Арифметик ифодалар ва амаллар. Маълумотларни киритиш-чиқариш операторлари. Содда операторлар. Муносабат амаллари ва ифодалари. Мантикий ифодалар ва амаллар.

Маълумотларнинг стандарт турлари. Фодаланувчининг турлари. Фойдаланувчининг кутубхона модуллари. Арифметик ва мантикий ифодалар ва амаллар. Маълумотларни киритиш-чиқариш операторлари. Содда операторлар. Муносабат амаллари ва ифодалари. Мантикий ифодалар ва амаллар. МТЎ оптимал фойдаланиш. Транспорт масаласи, Озуқа рационини тузиш, экин майдонларини оптималлаштириш, минерал ўғитлардан оптимал фойдаланиш, экинларнинг ўнувчанлик даражасини аниқлаш, хосилдорликни аниқлаш масалаларига дастурлар тузиш.

4-модул. Ахборот тизимлари, уларнинг қишлоқ хўжалиги жараёнларини бошқаришдаги ўрни.

10-мавзу. Ахборот тизимлари ва уларнинг бошқаришдаги аҳамияти.

Тизим ҳақида тушунча. Ахборот тизими. Ахборот тизимларининг асосий вазифаси. Ахборот тизимларини тавсифи ва яратилиш жараёнлари. Ахборот тизимларининг асосий жараёнлари. Иқтисодий объектларни бошқариш. Бошқарув қарорлари. Бошқарув тизимининг тузилиши ва ишлаш тамойиллари. Ахборот тизимларини таъминловчи таркибий қисмлари: техник таъминот, математик таъминот, дастурий таъминот, ахборот таъминот, ташкилий таъминот ва ҳуқуқий таъминот. Бошқарув тизими даражалари

11-мавзу. Ахборот тизимларининг тузилиши ва синфланиши.

Ахборот тизимларининг синфланиши, техник тузилиш, ахборот тавсифи, масаланинг тузилиши, автоматлаштириш даражаси, қўлланилиш соҳаси, бошқарув тизимининг даражаси бўйича синфланиш. Ягона ахборот тизимлари. Гуруҳли ахборот тизимлари. Корпоратив ахборот тизимлари. Файл-сервер, мижоз-сервер архитектураси. Кўп босқичли архитектура. Интернет/интранет технология. Ахборот тизимларининг турлари. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг тавсифи ва яратилиш жараёнлари. Қарор қабул қилиш жараёнининг ахборот тизими.

12-мавзу. Ахборот тизимларини лойихалаш ва уни қуриш усуллари.

Ахборот тизимларига қўйиладиган талаблар стандарти. Ахборот тизимларини лойихалаш босқичлари. Ахборот тизимларини шакллантириш талаблари. Техник топшириқларни яратиш. Лойихани ишга тушириш. Ахборот тизимини жорий этишга оид ҳужжатларни яратиш. Ахборот тизими эксплуатацион жараёнини кузатиб бориш. Ахборот тизимларининг ҳаёт цикли

моделлари. Ахборот тизимларининг фойдаланиш даврининг асосий жараёнлари. Каскад модел, спирал модел, реляцион модел.

5-модул. Маълумотлар билан ишлашда тармоқ технологиялари.

13-мавзу. Компьютер тармоқлари ва тармоқ технологиялари. Компьютер тармоғининг аппарат ва дастурий тармоғи.

Компьютер тармоқлари ва тармоқ технологиялари. Локал, минтақавий ва глобал тармоқлар. Сервер ва мижоз. Тармоқ ресурслари, компьютер тармоғи архитектураси. Симли ва симсиз тармоқ. Компьютер тармоғи баённомалари. Компьютер тармоғида манзил тушунчаси. Маълумотларни узатиш ва қабул қилиш. Компьютер тармоғининг аппарат ва дастурий таъминоти. Тармоқ ресурслари ва улардан умумий фойдаланиш.

14-мавзу. Интернет технологияси, Интернет хизматлари.

Интернет тушунчаси. Интернетга уланиш. Интернетда манзил тушунчаси ва уни турлари. Домен номлар ва IP – адреслар хизматлари. веб – браузерлар билан ишлаш асослари. Web саҳифа, Web сайт ва Web портал тушунчаси. Интернет хизматлари. Миллий интерактив хизматлар. Интернет ахборот ресурслари. Гиперболанишлар. Миллий ахборот ресурслари. Давлат ахборот ресурслари. Интернетда веб ресурслар ташкил қилиш. Телеконференциялар. Видеомулоқот. Форум, Чат, Блоглар

Мавзули Internet каталоглар. Internet кидирув тизимлари. Миллий кидирув тизимлари. Қишлоқ хўжалигига оид маълумотларининг Internetдаги муҳим манбалари. Таълимга оид веб ресурслар. Интернет ресурсларидан самарали фойдаланиш. Қишлоқ хўжалигига оид дастурий воситалар. Сунъий йўлдош орқали далани бошқариш. Cropio дастурий тизими. Дастур ёрдамида қишлоқ хўжалиги фойдаланувчиларини қишлоқ хўжалик ишларини мониторингини ва самарали режалаштиришни ташкил этиш.

15-мавзу. Электрон ҳукумат бошқарув тизими.

Замонавий ахборот технологиялари ва турлари. Электрон ахборот оқимлари. Электрон ҳужжат. Электрон рақамли имзо. Алоқанинг ишлаш тамойили, тизимининг тузилиши ва асосий афзалликлари. Телеанжуман ва видеотасвирли тизим. Ахборот алмашув тизимлари.

Электрон ҳукумат тизимига ўтиш, Электрон ҳукумат тизимининг шаклланиш босқичлари, Электрон ҳукумат концепцияси, Электрон бошқарув имкониятлари ва ютуқлари, Электрон ҳукуматнинг давлат бошқарувидаги аҳамияти, Электрон ҳукуматнинг асосий элементлари, Асосий давлат интерактив хизматлари, Давлат интерактив хизматлари.

6 - модул. Web ресурслар яратиш технологиялари, Ахборот хавфсизлиги чора-тадбирлари.

16-мавзу. Компьютер графикаси ва унинг турлари.

Компьютер графикаси турлари. Мультимедиа ва график дастурий таъминотлар. Турли соҳалар бўйича график дастурий воситалар. Компьютер графикаси билан ишловчи дастур синфлари. Икки ўлчамли анимация дастурлари; уч ўлчамли анимация дастурлари; икки ўлчамли ва уч ўлчамли анимация дастурлари; Ранг моделлари. Лойиҳалаштиришни автоматлаштириш. Видео ва аудио таҳрирлаш дастурий таъминоти. COREL DRAW дастури ҳақида маълумот. COREL DRAW муҳаррирининг ишчи ойнаси. Corel Draw дастурининг воситалари билан ишлаш. Файлларни импорт ва экспорт қилиш. COREL DRAWда шакллар устида амаллар бажариш. Объектни инструментлар панели ёрдамида ажратиш. COREL DRAW дастурида экин майдонларини технологик хариталарини тузишда объектлар формасини таҳрирлаш инструментлари. COREL DRAW дастурида экин майдонларини технологик хариталарини тузиш ва қайта ишлаш.

17-мавзу. Web саҳифа яратиш дастурлари.

5	MS Excel дастури ёрдамида қишлоқ хўжалиги оид масалалар бўйича топшириқлар бажариш	Ms Excel электрон жадвали. Ms Excel дастурини юклаш ва ундан чиқиш. Ms Excel ойнасининг тўзилиши ва интерфейси. График ва диаграммалар тузиш ва уларни шакллантириш, жихозлаш. Ms Excel дастурида бухгалтерия ва иқтисод соҳаларига оид ҳисоб ишларини бажариш. Мураккаб жадваллар билан ишлаш. Жадвалларни бир бирига боғлаш. Microsoft Excelда ҳисоблашлар. Формулалар ва функциялар. Microsoft Excel дастурида стандарт функциялар.	2
6	MS Accessда соҳага оид маълумотлар базасини яратиш бўйича топшириқларни бажариш	Microsoft Accessда маълумотлар базасида соҳага оид маълумотлар базасини яратиш. Microsoft Accessда маълумотлар базасини яратиш. Соҳа бўйича маълумотларни шакллантириш. Жадвал, майдон ва ёзувлар. Майдон номлари ва ёзувлар турини ўрнатиш	2
Жами			12
2-семестр			
7	MS Accessда маълумотлар базасида соҳага оид шакл ва ҳисоботлар яратиш бўйича топшириқларни бажариш	Шаклларларни яратиш ва уларни маълумотлар билан тўлдириш. Жадвалларни бир-бири билан боғлаш. Microsoft Accessда соҳага оид яратилган маълумотлар базасида шакл ва ҳисоботлар яратиш. Маълумотлар базасида маълумотларни қидириш. Microsoft Accessда сўровларни шакллантириш. Сўровлар тури, Сўровларни шакллантириш. Microsoft Accessда шакллар яратиш. Шакллар билан ишлаш. Ҳисобот туралри, Microsoft Accessда ҳисоботлар тузиш.	2
8	Қишлоқ хўжалиги соҳасига оид берилган масалалар	Алгоритм ёзилиш усуллари билан танишиш. Чизиқли ҳисоблаш жараёнларининг алгоритмларини ишлаб чиқиш ва блок - схемаларини тузиш; Тармоқланган ва такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларига алгоритмлар тузиш. Тармоқланган ҳисоблаш жараёнларининг алгоритмларини ишлаб	2

	бўйича алгоритмлар ва блок-схемалар тузиш.	чиқиш ва блок-схемаларини тузиш; Қайта такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларининг алгоритмларини ишлаб чиқиш ва блок - схемаларини тузиш.	
9	C++ дастурлаш тилида ҳисоблаш жараёнлари (чизиқли, тармоқланувчи, такрорланувчи) бўйича берилган масалаларга дастурлар тузиш.	Бошланғич маълумотлар. Ўзгармаслар ва ўзгарувчилар. Маълумотларнинг стандарт турлари. Фодаланувчининг турлари. C++ тилининг асосий элементлари. Фойдаланувчининг кутубхона модуллари. Арифметик ифодалар ва амаллар. Маълумотларни киритиш - чиқариш операторлари.	2
10	C++ дастурлаш тилида қишлоқ хўжалиги масалаларига оид дастурлар тузиш	Содда операторлар. Муносабат амаллари ва ифодалари. Мантиқий ифодалар ва амаллар. Иқтисодий масалаларга C++ алгоритмик тилида дастурлар тузиш. Қишлоқ хўжалиги масалаларига дастурлар тузиш.	2
11	Соҳа бўйича ахборот тизимларини лойиҳалаш ишларини бажариш.	Қишлоқ хўжалиги тармоғи ахборот тизимлари билан ишлаш. Давлат органларининг ахборот тизимлари, уларнинг вазифалари. Ахборот тизимларини лойиҳалаш босқичлари. Ахборот тизимларини шакллантириш талаблари. Техник топшириқларни яратиш. Лойиҳани ишга тушириш. Ахборот тизимини жорий этишга оид ҳужжатларни яратиш. Ахборот тизими эксплуатацион жараёнини кузатиб бориш.	2
12	Интернет тармоғи хизматлари. Берилган топшириқларни қидирувчи тизимлар ёрдамида амалга ошириш	Интернет ва миллий тармоқ хизматлари билан танишиш ва унда ишлаш. Интернет тармоғида ишлаш. Интернетнинг хизматлари билан танишиш. Халқаро ва миллий қидирувчи тизимлар билан танишиш. Таълим йўналиши бўйича ўқув ахборотларини қидириб топиш. Манзиллар ва каталоглар бўйича ахборот қидириш.. Интернет ва миллий тармоқ ресурслари билан ишлаш. Интернетда таълимга оид тематик сайтлар, Халқаро электрон кутубхоналар ресурсларидан фойдаланиш. Электрон таълим ресурслари билан ишлаш. Миллий ахборот ресурслари билан ишлаш. Давлат ахборот	2

		ресурслари билан танишиш. Миллий таълим ресурслари билан ишлаш.Электрон почта хизмати. Электрон почта турлари ва вазифаси. Миллий тармоқда электрон почта очиш. Почтадан турли форматдаги маълумотларни жўнатиш. Чат, Форум, Хабарлар билан ишлаш, видеосўзлашув алоқаларини ўрганиш.	
13	Электрон ҳукуматнинг элементлари ва амалдаги лойиҳалари бўйича топшириқлар бажариш	Электрон ҳукумат тизимига ўтиш, Электрон ҳукуматнинг имкониятлари, Электрон ҳукумат бошқарув хизматлари, Электрон ҳукуматнинг асосий элементлари, асосий давлат хизматлари, Очиқ маълумотлар формати, Ягона интерактив Давлат хизматлари билан танишиш ва ишлаш.	2
14	График муҳаррирлар ёрдамида тасвир ва объектлар билан ишлаш бўйича топшириқларни бажариш	Компьютер графикаси ва унинг турлари.Компьютер графикаси турлари. Мультимедиа ва график дастурий таъминотлар.Турли соҳалар бўйича график дастурий воситалар. Компьютер графикаси билан ишловчи дастур синфлари, полиграфия ишлари учун мўлжалланган компьютер графикаси дастурлари; икки ўлчамли ранг тасвир компьютер графикаси; такдимот ишлари учун мўлжалланган дастурлар; икки ўлчамли анимация дастурлари; уч ўлчамли анимация дастурлари; икки ўлчамли анимация дастурлари; икки ўлчамли ва уч ўлчамли анимация дастурлари; видеотасвирларни қайта ишловчи комплекслар. Ранг моделлари. Лойиҳалаштиришни автоматлаштириш. Видео ва аудио таҳрирлаш дастурий таъминоти. Мутахассис учун мультимедиа дастурий таъминоти.	2
15	График муҳаррирлар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, экин майдонлари схемаларини қайта ишлаш	Талабаларга Corel DRAW дастурида ишлашни ўрганиш. Corel DRAW дастури имкониятларидан фойдаланишни ўрганиш. Бу дастурда қишлоқ хўжалигида фойдаланишни ташкил этишдан иборат. График маълумотлар билан ишлаш технологияси. График маълумотлар ва уларнинг турлари. График муҳаррирлар. Растрли ва векторли графиклар билан ишлаш технологиялари. Пахта экишга ерни тайёрлаш схемасини тузиш, Бугдой экишга ерни тайёрлаш схемасини чизиш. Ғўза экин майдонини суғориш тизимини лойиҳалаш.	2

	бўйича топшириқларни бажариш		
16	Adobe Dreamweaver дастурида Web саҳифалар яратиш ва саҳифаларни ўзаро боғлаш	Adobe Dreamweaver стиллардан фойдаланиш. Қишлоқ хўжалик соҳасида яратилга веб саҳифага стилларни қўллаш. Яратилган Web сайтни безатиш. Стиллар билан ишлаш. Матн стиллари, жадвал ва тасвир стиллари, CSS даги стиллар жадваллари билан ишлаш. Веб саҳифани объект ва хусусиятларини аниқлаб олиш. График тасвирларда ҳариталардан фойдаланиш.	2
17	Adobe Flash дастури ёрдамида қишлоқ хўжалиги жараёнларига оид анимацион моделлар яратиш	Adobe Flash дастури билан ишлаш асослари. Micromedia Flashнинг ускуналар панели. Flashнинг иш майдони. Flashнинг вақт диаграммаси. Хусусиятлар инспектори. Фойдаланувчининг ишини ташкил этиш воситалари.	2
18	Ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари бўйича топшириқларни бажариш	Ахборотларни химоялаш воситалари. Компьютер ва тармоқларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Тармоқлараро экран. Ахборот хавфсизлигининг ташкилий, техник, дастурий чоралари, Ахборотларни химоялашнинг криптографик усуллари. Компьютер вируслари ва улардан химояланиш. Компьютер вируслари ва вируслардан химояланиш воситалари. Антивирус турлари. Антивирус дастурлар ва уларни компьютерга ўрнатиш. Антивирус дастурлар базасини янгилаш, ташхис қўйувчи дастурлар. Детектор дастурлар.	2
Жами			24
Умумий			36

2.4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

№	Мустақил таълим ва мустақил мавзулари	Дарс соатлар и ҳажми
	1-семестр	
1	Замонавий ахборот узатиш ва сақлаш воситалари	2
2	АКТ соҳасидаги ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар,	2

	Ўзбекистонда АКТнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари.	
3	Қишлоқ хўжалик соҳаларида ишлатиладиган дастурлар ва ахборот тизимлари.	2
4	MS Windows 7,8,10 операцион тизимлари ва улардаги янги имкониятлари ва қулайликлари	2
5	MS Excel-2010 дастурининг статистик таҳлиллар қилиш ва ечимлар қидириш функциялари билан ишлаш	2
6	Такдимот дастури орқали соҳа бўйича анимацион такдимнома тайёрлаш	2
7	C++ дастурлаш тилида қишлоқ хўжалиги масалаларини ечиш.	2
8	C++ дастурлаш тилида математик масалаларни ечиш.	2
9	Корпоратив ахборот тизимлари	2
10	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ахборот тизимлари ва уларнинг имкониятлари.	2
11	Маълумотлар базасини бошқариш тизимларида соҳа бўйича маълумотлар базасини яратиш	2
12	MS Access муҳитида турли сўровлар яратиш ва SQL сўровлар тили	2
13	Булутли технологиялардан фойдаланиш	2
Жами:		26
2-семестр		
14	Қишлоқ хўжалик экин турлари бўйича маълумотлар базасини тузиш	2
15	Қишлоқ хўжалик экинлари касалликлари турлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш	2
16	Тармоқ технологиялари. Интернет баённомалари	2
17	Миллий электрон почта хизматлари	2
18	Интернетда хабар алмашиш ва сўзлашув хизматлари	2
19	Интернетда қишлоқ хўжалигига оид веб манзиллар ва улардан ахборотларни кўчириш	2
20	Интернет хизматлари ва улардан фаолиятда фойдаланиш	2
21	Миллий ахборот ресурслари билан ишлаш	2
22	Ягона идентификация тизимида рўйхатдан ўтиш ва Миллий тармоқ ресурсларидан фойдаланиш	2
23	Ziyonet ахборот таълим тармоғи ва унинг лойиҳалари	2
24	Векторли ва растрли графикада ишловчи дастурлар ва уларни қўлланиш соҳалари.	2

25	WEB-саҳифаларни яратиш дастурлари	2
26	WEB-сайт яратишда Adobe Dreamweaver дастурини қулайликлари	
27	Динамик сайтлар яратиш технологияси ва воситалари	2
28	Мультимедиа маҳсулотларини яратиш дастурлари	2
29	Қишлоқ хўжалигига оид жараёнларни Adobe Flashda анимацион иловаларини яратиш.	2
30	Электрон ҳужжат ва электрон ҳужжат алмашинуви	2
31	Электрон ҳукумат тизими ва унинг аҳамияти	2
32	Электрон таълим тизими ва унинг аҳамияти	2
33	Электрон тижорат тизимларидан фойдаланиш.	2
34	Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш.	2
35	Компьютер ва тармоқда ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш усуллари	2
36	Ахборот ҳавфсизлигига таҳдидлар	2
37	Ахборотларни криптографик ҳимоялаш.	2
38	Симзиз алоқа тармоқларида ахборотни ҳимоялаш	2
Жами		50
Умумий		76

Талаба мустақил таълимнинг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлигида ва назорати остида талабада муайян ўқув материалларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир.

Талабаларга мустақил таълим тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия етилади.

- мустақил равишда дарслик, ўқув қўлланмалар ва методик қўлланмаларда белгилаб берилган мавзуларни ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича аудиторияда ўрганилган маъруза қисмларини ўзлаштириш;
- ахборот технологияларидан фойдаланиб, назорат тизимлари билан ишлаш;
- махсус адабиётлар ва илмий тадқиқот ишлари билан ишлаш;
- замонавий технологияларни ўрганиш ва уларни таълим жараёнига тадбиқ қилиш усуллари ўрганиш;
- мустақил таълимни ташкил этишда интернет ва ахборот манбаларидан доимий фойдаланиш.

Мустақил таълим ҳар бир маъруза мавзуси асосида ташкил етилади. Мустақил таълим натижаси сифатида талабалар бажарган ижодий ишларини (электрон ва

қоғоз кўринишида) ўқитувчига топширадилар, баъзи мавзулар бўйича рефератлар тайёрлашадилар.

2.5. Курс иши (лойиҳаси) таркиби, уларга қўйиладиган талаблар
Ўқув режасида мазкур фандан курс иши ёзиш режалаштирилмаган.

3.1 Фанни ўқитиш жараёнини ташкил етиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ахборот коммуникацион технологиялар” фанини ўрганиш давомида машғулотлар пайтида ахборот (тақдимот, мультимедиа технологиялари) ва таълимнинг замонавий технологиялари (ривожлантирувчи таълим технологиялари, фанни тўлиқ ўзлаштиришга йўналтирилган технологиялар, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, Веб технологиялар) ҳамда интерфаол методлар (“Ақлий ҳужум”, “БББ”, “Венн диаграммаси”, “Т-чизма”, “Инсерт”, “Бир-биридан сўраш”) қўлланилади. Бундан ташқари дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маълумотномалар, педагогик энциклопедиялар ва луғатлар, маъруза матнлари, тарқатма материалларидан фойдаланилади.

3.2. Дидактик воситалар

1. **Жихозлар ва ускуналар, мосламалар:** ЛСД-монитор, электрон кўрсаткич (указка).
2. **Видео – аудио ускуналар:** видео ва аудиоманитофон, микрофон, колонкалар.
3. **Компютер ва мультимедиа воситалар:** компьютер, проектор, DVD-диск, Веб-камера, видео-кўз (глазок).

3.3. « Ахборот коммуникацион технологиялар » фанидан оралиқ ва якуний назорат саволлари

1. Ахборот, унинг кўринишлари ва хусусиятлари. Ахборотларни кодлаш – декодлаш. Ахборотнинг ўлчов бирликлари.
2. ШКнинг базавий конфигурацияси. Микропроцессор, система блоки ва тизимли плата(она плата).
3. Шиналар, портлар (параллел ва кетма – кет портлар, Fire Wire – порти, инфрақизил порт, (bluetooth))
4. Ахборотли жараён нима? Ахборотни кодлаш ва декодлаш дейилганда нима тушунилади?
5. Санок система деб нимага айтилади? Позицион санок система билан позицион бўлмаган санок системанинг фарқи нимада?
6. ЭХМ архитектураси дейилганда нима тушунилади?
7. Компютерда хотира турлари. Клавиатура, унинг вазифаси нима? Компютернинг қўшимча қурилмалари.
8. Дастурий таъминот дейилганда нима тушунилади?

9. Қандай дастурларга амалий дастурлар дейилади? Қандай дастурларга системали дастурлар дейилади? Қандай дастурларга операцион система дейилади?
10. Файл деб нимага айтилади? Файллар қандай белгиланади? Каталог (папка) деб нимага айтилади?
11. Алгоритм, унинг хоссалари ва турлари. Паскал дастурлаш тили, алифбоси, микдорлар.
12. Ўзлаштириш, киритиш ва чоп этиш операторлари.
13. Шартли ва шартсиз ўтиш операторлари
14. Тармоқланувчи операторлар. Такрорланувчи операторлар.
15. Windows операцион тизими, Иш столи, унинг таркиби.
16. Windows да қўлланилувчи қандай ойна турларини биласиз?
17. Янги папкани қандай ҳосил қилиш мумкин? Объектни нусхалаш, кўчириш.
18. Контекстли меню, унинг турлари. Иш столининг фонини бошқариш ва заставка ўрнатиш.
19. Windows ОТ да вақт тизимини бошқариш. Windows ОТ да Сават (Корзина).
20. Ms. Word матн муҳарририда ҳужжат яратишда бажарилувчи амаллар турлари.
21. Ms. Word матн муҳарририни юклаш усуллари. Ms. Word матн муҳаррири интерфейси. Ms. Word матн муҳаррири ойнасини шакллантириш.
22. Ms. Word матн муҳарририда матнни форматлаш.
23. Ms. Word матн муҳарририда ускуналар панели, уни шакллантириш. Ускуналар панелига маълум буйруқ тугмачасини ўрнатиш
24. Ms. Word матн муҳарририда ҳужжатни сақлаш усуллари. Ms. Word матн муҳарририда мавжуд файлни юклаш.
25. Ҳужжат яратишда матн қисмининг нушасидан фойдаланиш. Автоматдан фойдаланиш.
26. Ms. Word матн муҳарририда саҳифа параметрлари. Word Art объектларидан фойдаланиш.
27. Матн таркибига расм ўрнатиш, унинг форматини бошқариш.
28. Ms. Word матн муҳарририда саҳифага ром ўрнатиш. Янги символни тугмачалар мажмуига ўрнатиш. Сатрлараро ва белгилараро интервални ўзгартириш.
29. Матндаги бир ҳил белгиларни иккинчисига алмаштиришни автоматлаштириш.
30. Матн таркибига жадвал ўрнатиш ва ундан фойдаланиш.
31. Катакчаларни бирлаштириш ва жадвал катакчасини бўлаклаш.
32. Жадвал таркибига сатр (устун) қўшиш.
33. Катакча таркибидаги матн йўналишини ўзгартириш.
34. Ms. Word матн муҳарририда ҳавова (сноска) ўрнатиш. Ms. Word матн муҳарририда колонтитул, уни ўрнатиш. Ҳужжат саҳифаларини тартиблаш. Ҳужжатни чоп этиш усуллари.
35. MS. Excel электрон жадвал ҳақида умумий маълумот. MS. Excel электрон жадвалда маълумот типлари. Катакча, диапазон, уларнинг номлари.
36. Янги ишчи вароқ ўрнатиш, қайта номлаш.
37. Сонларни автотўлдириш. Матнларни автотўлдириш. Хотирада янги рўйхат ҳосил қилиш. Ҳисоблаш жараёнини автотўлдириш.

38. MS. Excel да жадваллар билан ишалаш. Катакча таркибидаги маълумот йўналишини ўзгартириш.
39. MS. Excel да ишчи китобни сақлаш усуллари. MS. Excel да хотирадаги ишчи китобни юклаш.
40. Диаграмма ва унинг элементларини форматлаш. MS. Excel да абсолют манзиллар.
41. Мултимедия, мултимедияли компьютер.
42. Аудио ва видео ахборотлар, аудио ва видео ахборотлар билан ишловчи дастурлар ҳақида маълумот беринг.
43. Тақдимот яратиш усуллари, тақдимотни жиҳозлаш, чоп етиш, сақлаш, намоиш етишга ўргатиш
44. Power Point дастури ҳақида умумий маълумот.
45. Слайд, тақдимот, Power Point дастури интерфейси
46. Power Point дастури режимлар.
47. Янги кўргазма ва янги слайд ҳосил қилиш усуллари. Слайд фонини бошқариш
48. Анимацион эффектлар, анимацион эффект ўрнатиш усуллари
49. Гипермуружатдан фойдаланиш.
50. Компютер графикаси, унинг турлари.
51. Corel Draw график муҳаррири, интерфейси. Corel Draw график муҳарририда ускуналар панели.
52. Corel Draw график муҳарририда хоссалар панели.
53. Компютер тармоқлари ҳақида маълумотлар. Компютер тармоқлари топологияси. Компютер тармоқлари турлари.
54. Интернет асослари. Интернетда манзиллар. Электрон почтадан фойдаланиш. Интернетда қидирув тизимлари.
55. HTML тили ҳақида умумий маълумотлар.
56. HTML тилида теглар ва атрибутлар. HTML тилида сарлавҳалар ташкил етиш.
57. HTML тилида матн форматини бошқариш.
58. HTML тилида сатрни бўлаклаш ва абзас ташкил етиш, тўғри чизик ҳосил қилиш.
59. HTML тилида даража ва индексни ташкил етиш. HTML тилида матн стилларини бошқариш.
60. HTML тилида тартибланган рўйхатлар ташкил этиш. HTML тилида маркерланган рўйхатлар ташкил этиш.
61. HTML тилида матн таркибига расм ўрнатиш усуллари.
62. HTML тилида гиперматнли муружаат ташкил етиш. HTML тилида сузувчи матнлар.
63. MyTestX дастури ва унинг имкониятлари. MyTestX дастури интерфейси
64. MyTestX дастурида тест саволлари банкини ҳосил қилиш. MyTestX дастурида тест турларини танлаш
65. МО, МО турлари. МОБТ, Access дастури ҳақида умумий маълумот.
66. Access дастурида объектлар. Access дастурида маълумот типлари.
67. Access дастурида жадвал яратиш ва ундан фойдаланиш.
68. Access дастурида шакл (форма) яратиш ва ундан фойдаланиш.
69. Access дастурида маълумотларни филтрлаш.

70. Масофавий таълим ҳақида маълумот. Видеоконференциялар.
71. Тизим тушунчаси. Ахборот тизимлари.
72. Автоматлаштирилган иш жойлари. Ахборотларни ҳимоялашнинг техник ва дастурий воситалари
73. Идентификация ва аутентификация тамойиллари.
74. Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш
75. Электрон тижорат тизимлари ва уларнинг аҳамияти

4. Рейтинг баҳолаш тизими:

Талабанинг “Ахборот коммуникацион технологиялар” фани бўйича билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда қуйидаги мезонларга асосланилади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

информатика, ахборотларни йиғиш жараёни, узатиш, қайта ишлаш ва тўплаш ҳақида умумий тавсифнома, ахборотларни тарқатиш жараёнида техник ва дастурлаш воситалари, технология тушунчаси, ахборот технологиялари, уларнинг кўринишлари ва классификацияси, янги ахборот технологиялари, янги ахборот технологиялари воситалари, шахснинг ўқишида, тарбияланишида ва ривожланишида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш, операцион тизимлар, Windows операцион тизими, педагогик дастурий воситалар, матн ва график ахборотларни тайёрлаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш технологияси, мултимедиа технологияси, тармоқ технологиялари, Интернет технологияси, масофадан ўқитиш, фанларни ўқитишда замонавий ахборот технологиялари, автоматлаштирилган иш жойлари, ахборотларни ҳимоялашнинг техник ва дастурий воситалари ҳақидаги назарий билимларга ега бўлиши, ушбу назарий билимларни амалда қўллай олиши, касбий соҳаларида фаннинг амалий имкониятларидан фойдалана олиши, дастурларни мутақил равишда ишлата олиш кўникма ва малакаларига ега бўлиши;

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

информатика, ахборотларни йиғиш жараёни, узатиш, қайта ишлаш ва тўплаш ҳақида умумий тавсифнома, ахборотларни тарқатиш жараёнида техник ва дастурлаш воситалари, технология тушунчаси, ахборот технологиялари, уларнинг кўринишлари ва классификацияси, операцион тизимлар, Windows операцион тизими, педагогик дастурий воситалар, матн ва график ахборотларни тайёрлаш, мултимедиа технологияси, Интернет технологияси., масофадан ўқитиш, фанларни ўқитишда замонавий ахборот технологиялари, автоматлаштирилган иш жойлари, ахборотларни ҳимоялашнинг техник ва дастурий воситалари ҳақидаги назарий билимларга ега бўлиши, ушбу назарий билимларни амалда қўллай олиши, касбий соҳаларида фаннинг амалий имкониятларидан фойдалана олиши;

с) 55-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

информатика, ахборотларни йиғиш жараёни, узатиш, қайта ишлаш ва тўплаш ҳақида умумий тавсифнома, ахборотларни тарқатиш жараёнида техник ва

дастурлаш воситалари, ахборот технологиялари, уларнинг кўринишлари ва классификацияси, операцион тизимлар, Windows операцион тизими, педагогик дастурий воситалар, матн ва график ахборотларни тайёрлаш, мультимедиа технологияси фанларни ўқитишда замонавий ахборот технологиялари, автоматлаштирилган иш жойлари ҳақидаги қисман тасавурга ега бўлиши, амалиётда айрим дастурларни қўллаш олиши;

г) фаннинг назарий қисмини тушунмайдиган, амалий қўллаш имкониятлари жуда паст, дастурларни мутақил равишда ишлата олмайдиган талабаларга **0-54 балл** ва ундан паст балл қўйилади.

“АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” кафедраси “АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ” фанидан

“Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси” таълим йўналишлари 1 курс талабалари билимини баҳолашнинг

РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ (КУЗГИ СЕМЕСТР)

№			Сентябр					Октябр					Ноябр				Декабр				Январ					ам	и.								
			5-8	10-	17-	24-	29	1-6	8-	15-	22-	29-	5-	12-	19-	26-	3-	10-	17-	24-	31-	05	07-	12	14-	19	21-	26							
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26							
1	Н	Амалиёт			1	1	1	1	1	1	1		1		1	1	1		Т	Т	1	Я	Я	10											
		Лаборатория			1	1	1		1	1	1	1	1	1	1	1	1				1	Я	Я	15											
		Мустақил таълим			1	1	1	1	1	1	1	2		2		2	1	2	Т	Т	2	Я	Я	15											
2	30	Ўзмаиш																Т	Т	30	Я	Я	18												
		Мустақил таълим		1		1	1		1		1		1	1	1	1	1	1	Т	Т	1	Я	Я	12											
3	ЯН – 30%																			Т		30	30												
	Жами		20														20										100								
	Жами ГП бўйича		70																															100	
			30																																

Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	< 55
Фанни ўзлаштириш	157-183	130-156	101-129	<101

кўрсаткичлари				
---------------	--	--	--	--

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” кафедраси “АХБОРОТ
КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ” фанидан “**

**Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси” таълим
йўналишлари 1 курс талабалари билимини баҳолашнинг**

РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ (БАҲОРГИ СЕМЕСТР)

№			Феврал			Март			Апрел				Май				Июн				Жами:		
			4 - 09	11-16	18-23	25-02	4 - 09	11 - 16	18 - 23	25 - 30	1 - 6	8 - 13	15 - 20	22 - 27	29 - 4	6 - 11	13 - 18	20 - 25	27 - 1	3 - 8		10 - 15	17 - 22
			2	2	2	2	2	2	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	4	4		4	4
1	ЖН 40%	Амалиёт			1		1	1		1		1	1	1		1	1	1			Я	Я	10
		Лаборатория				1		2	2		2		2		2		2		2		Я	Я	15
		Мустақил таълим			2		2			2		2		2		2	1	2			Я	Я	15
2	ОН 30%	Ёзмаиш								9								19			Я	Я	19
		Мустақил таълим						2			2		2		2		2		1		Я	Я	11
3	ЯН – 30%																				30	30	
	Жами		12						29						29						30	100	
	Жами ГП бўйича		70																		30	100	

Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	< 55
Фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари	157-183	130-156	101-129	<101

ЖН ни баҳолаш мезонлари

“Ахборот коммуникацион технологиялар” фани бўйича жорий назорат (ЖН) талабанинг амалий, лаборатория, мустақил иш ва оғзаки сўров топшириқларининг ўзлаштирилишини аниқлаш учун қўлланилади. ЖН амалий ва

лаборатория машғулотларда сўров ўтказиш, савол ва жавоб, мустақил иш топшириқларини бажариш ва ҳимоя қилиш каби шаклларда амалга оширилади. Талабага ЖН да бутун сонли миқдорда баллар қўйилади.

Талабанинг амалий машғулотларни ўзлаштириш даражаси қуйидаги мезон асосида аниқланади

Баҳолаш мезонлари	Рейтинг бали	Баҳолаш кўрсаткичи
Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни мустақил ечган. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беради. Масаланинг моҳиятига тўлиқ тушунади. Аудиторияда фаол. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади. Топшириқларни намунали расмийлаштирган.	5	Аъло, 86-100%
Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни ечган. Берилган саволларга етарли жавоб беради. Масаланинг моҳиятини тушунади. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади.	4	Яхши, 71-85%
Топшириқларни ечишга ҳаракат қилади. Берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Масаланинг моҳиятини чала тушунган. Ўқув тартиб интизомига риоя қилади.	3	Қониқарли, 55-70%
Талаба амалий машғулот дарси мавзусига назарий тайёрланиб келмаса, мавзу бўйича масала, мисол ва саволларига жавоб бера олмаса, дарсга сушт қатнашса билим даражаси қониқарсиз баҳоланади	2	Қониқарсиз 0-54%

ОН ни баҳолаш

Оралиқ назорат (ОН) “Ахборот коммуникацион технологиялар” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. Ўқув йилининг **1-семестрида** 1 та ёзма иш ва 11 та мустақил иш режалаштирилган бўлиб, ёзма ишга 19 балл, мустақил ишга 11 балл ажратилган. **2-семестрида** 1 та ёзма иш ва 6 та мустақил иш режалаштирилган бўлиб, ёзма ишга 19 балл, мустақил ишга 11 балл ажратилган. ОН назорат ишлари ёзма иш шаклда ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш саволлари ишчи ўқув дастур асосида тайёрланади. ОН га ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади. ОН ни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади.

ЯН ни баҳолаш

Якуний назорат (ЯН) “Ахборот коммуникацион технологиялар” фанининг барча мавзуларини қамраб олган бўлиб, назарий ва амалий машғулотлар ўтиб

бўлингандан сўнг тест ёки ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, яъни билим даражаси ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ЯН назорат ишлари тест усулида ҳам ўтказилиши назарда тутилган, тест соволлари ишчи ўқув дастури асосида тайёрланади. ОН ва ЖН ларга ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади ва ЯН га киритилмайди. ЯН ни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ЯН бўйича олинadиган тест ёки ёзма иш вариантлари кафедра мудири раҳбарлигида тузилади ва деканатларга топширилади.

Тест усулида ЯН ни баҳолаш мезонлари:

ЯН тест шаклида ўтказилса талабаларга вариантлар асосида 30 та савол берилади. Ҳар бир тўғри жавоб 1 балдан баҳоланади. Тўғри жавоблар сонига қараб талабанинг ЯН да тўплаган баллари аниқланади.

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

5. Misty E Vermaat, Susan L Sebok, Steven M Freund. Discovering Computers (C)2016 (2016 edition). Textbook.USA, 2016
6. Brian P. Hogan. HTML5 and CSS3 Level Up with Today's Web Technologies country. Tutorial. USA, 2013
7. М.Арипов., Б.Бегалов., У.Бегимкулов., М.Мамаражабов. Ахборот технологиялар, Ўқув қўлланма, Т.: “Ношир”, 2009
8. Федотова Е.Л. Информационные технологии и системы: Учебное пособия – Форум ИНФРА- М, 2013 г. -426 стр.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 103 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
16. Информатика: Ўқув қўлланма. / Б.Б.Мўминов. – Тошкент Тафаккур бўстони 2014 й. 344 бет
17. Дастурлаш технологиялари.Дарслик/ Ш.Назирова, Г.Иванова, С.Гайназаров - Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Тошкент – 2014, 280-бет.

18. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма. /З.Абдуллаев, С.Мирзаев, Г.Шодмонова, Н.Шамсиддинов- Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент-2012, 444-бет
19. Безручко В.Т. Компьютерный практикум по курсу «Информатика»: Учебное пособие. 3-е изд., перераб. И доп. –М.: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2008.-368 с.
20. Н.Х.Норалиев, Н.Қиличев Информатика. Ўқув қўлланма. – Т.: ТошДАУ нашр тахририяти, 2003. – 147 б.
21. Информатика: Практикум по технологии работы на компьютере. / Под ред. В. Макаровой. – 3-е изд., перераб. – М.: ФиС, 2004. – 256 с.
22. Программирование: принципы и практика использования С++, испр. изд. : Пер. с англ. — М. : ООО “И.Д. Вильямс”, 2011. — 1248 с. : ил. — Парал. тит. англ.
23. Информатика. Базовый курс: Учебник. / Под ред. С.В. Симоновича. СПб.: Питер, 2003. 622 с
24. Т.Х. Холматов. Информатика: ОЎЮ талабалари учун дарслик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003. – 256 б.
25. С.С. Гуломов ва бошқалар. Информатика ва ахборот технологиялари: ОЎЮлари учун дарслик. – Тошкент.: 2010.

Интернет сайтлари

6. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
7. <http://www.ziynet.uz> – Ўзбекистон ахборот-таълим тармоғи портали
8. <http://www.ict.gov.uz> – компьютерлаштиришни ривожлантириш бўйича Вазирлар маҳкамасининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши сайти
9. <http://www.agro.uz> – қишлоқ хўжалиги вазирлиги сайти
10. <http://www.agroculture.com> – қишлоқ хўжалиги бўйича ахборот ресурси

ГЛОССАРИЙ

Автоматлаштирилган тизим – инсон фаолияти жараёнини автоматлаштиришга қаратилган дастурий ва аппаратли воситалар тизими. Автоматлаштирилган тизим ҳар доим инсон иштирокида фаолият кўрсатади ва инсон унинг асосий бўғинидир.

Автоматлаштирилган тизимда ахборотга ишлов бериш – автоматлаштирилган тизим воситаларидан фойдаланиб ахборот устида бажариладиган амаллар (йиғиш, жамғариш, сақлаш, ўзгартириш, инъикос этиш, чиқариш ва шу кабилар) мажмуасидир.

Аппарат таъминоти– ҳисоблаш тизими таркибига кирувчи, унинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган жами аппарат воситалари. Аппарат таъминотига компьютер, ташқи қурилмалар, алоқа тармоқлари ва бошқалар киради. Улар техник нуқтаи– назардан тизимнинг самарали ишини, унинг фойдаланувчига маълум хизмат турларини кўрсатишни таъминлайди. Ушбу атама ҳисоблаш тизимининг дастурий таъминот бўлмаган қисмини билдиради.

Анимация — динамик ва овозли жараёнларни ифодалашга имконият берадиган график ахборотларни ташкил этиш усули.

Алгоритм – қатъий аниқ қоидалар асосида бажарилувчи ҳаракатлар тўплами.

Алгоритмизация – қўйилган масалани ечиш учун алгоритм тузиш.

Ахборот – 1) манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъий назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир. 2) инсоннинг сезги органлари орқали қабул қилинадиган барча маълумотлар мажмуи

Ахборот турлари – техник ахборотлар; агробиологик ахборотлар; сиёсий ахборотлар; ҳуқуқий ахборотлар; иқтисодий ахборотлар.

Ахборот ресурслари – олоҳида ҳужжатлар, ҳужжатларнинг алоҳида тўпламлари, ахборот тизимидаги(кутубхоналар, архивлардаги, жамгарма– лардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидаги ва бошқалар) ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг бутун бир мажмуидир.

Ахборот ресурсларининг эгаси – қонун билан ёки ахборот ресурсларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс(қонун).

Ахборот соҳаси– субъектларнинг ахборот яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳаси.

Ахборот таъминоти – ташкилотда айланиб юрувчи ахборотларни ташкил этиш шакли, жойлаштирилиш ҳажми бўйича лойиҳа қарорларининг, шунингдек, маълумотлар базаси тузилиш услубининг мажмуидир.

Ахборот тизимлари– 1) ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари; 2) бошқариш функциясини амалга ошириш учун ходимларни турли хил ахборот билан таъминловчи объект ҳақидаги ахборотни йиғиш, узатиш ва қайта ишлаш бўйича маълумотлар ва коммуникатсиявий тизимни ўзида намоён этади; 3) қўйилган мақсадга эришиш учун ахборотни сақлаш, унга ишлов бериш ва

уни узатиш мақсадида фойдаланиладиган, қўлланиладиган воситалар, усуллар ва ходимларнинг ўзаро боғланган мажмуаси тушунилади.

Ахборот фаолияти— бу миллий иқтисод соҳаси бўлиб, ахборот маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаб истеъмолчиларнинг бу борадаги талабини қондириш билан шугулланаётган тадбиркорликнинг бир шаклидир.

Ахборот хусусиятлари — узлуксиз ҳосил бўлиш; харф рақамларда ифодаланиш; дискрет характердалиги; йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва бошқа амалларни бажариш мумкинлиги.

Ахборот эгаси— 1) ахборот узатишни ва тарқатишни, яратилган ахборотни истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган алоҳида ҳуқуқларни қўлга киритган шахс ёки шахслар; 2) қонун ва/ёки ахборот эгаси томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эга бўлган ва ундан фойдаланаётган ҳамда фойдаланиш ваколатларини амалга ошираётган субъект.

Ахборотлаштириш— 1) юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий— иқтисодий ва илмий— техникавий жараёни(қонун); 2) АКТдан фойдаланишга асосланган ишлаб чиқариш, билим ва ахборотни тарқатишнинг жадаллаштириш жараёни;

Ахборотнинг ҳимояси— бошқариш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминловчи ва ташкилот ахборот захираларининг яхлитлилиги, ишончлилиги, фойдаланиш осонлиги ва маҳфийлигини таъминловчи қатъий регламентланган динамик технологик жараёнидир.

Алгоритм - маълум бир туркумдаги ҳамма масалаларни ечиш учун маълум тартиб билан бажарилиши керак бўлган чекли сондаги буйруқлар кетма-кетлигидир.

Алгоритмик тил - белгилар тўплами ва бу белгилардан алгоритмларни ёзиш учун мўлжалланган тил конструкцияларини тўзиш ва ифодалаш қоидалари системасидир, қисқа қилиб айтганда дастурлаштириш тилидир.

Дастурлаштириш - дастурларни тўзиш усуллари ва йўлларини ўргатувчи фандир.

Дастурлаштириш ижодий ишдир, чунки, катта, аниқ ифодаланган мақсадга эришиш усуллари кидириш умумий ҳолда янги илмни яратиш ёки жалб қилишни талаб қилади

Билимлар омбори— бирор предмет соҳасига оид бўлиб, ўзида объектларнинг ҳоссалари, жараён ва ҳодисаларнинг қонуниятлари ҳақида маълумотларга ва сўралган вазиятларда ушбу маълумотларни қарорлар қабул қилиш учун фойдаланиш қоидаларига эга бўлган ҳолда ташкил этилган билимлар йиғиндиси.

Бошқарув — бу: 1) инсоннинг турли объектларга ва атроф муҳитда кечаётган жараёнларга онгли равишда таъсир этишидир; 2) англаб этилган жараён, яъни бошқарувчи шахс ўзи фойдаланадиган бош- қарувчи таъсирнинг турларини олдиндан ўйлаб олган, мўлжаллаган ва тушуниб етган; 3) бошқарув қандай таъсир

этиш эмас, балки объектга кучсиз энергетик, кўпгина ахборот орқали таъсир қилишдир.

Бошқарув тизими – бошқарув вазифасини амалга оширувчи тизим. Бу тизим томонидан амалга ошириладиган энг муҳим вазифалар башоратлаш, режалаштириш, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, назорат этиш ва тартибга солишдан иборат.

Бошқариш – деб объектнинг асосий хоссаларини сақлаб қолиш ёки маълум бир мақсадга эришиш учун уни ривожлантирувчи тизимнинг функциясига айтилади.

Бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими – ташкилотнинг мақсадидан келиб чиқадиган талабларга мувофиқ ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тақсимлаш, тақдим этиш учун мўлжалланган стандарт процедуралар, ходимлар, дастурий воситалар, асбоб-ускуналар, маълумотларнинг ўзаро боғланган мажмуидир.

Браузер (Browser) – кўриш воситаси. Интернет тармоғида ахборотларни кўришнинг дастурий воситаси.

Видеоанжуман –узоқлаштирилган фойдаланувчигурухлари орасида (рақамли видеоёзув ёки оқимли видео кўринишида маълумотларни алмашиниш) йиғилиш ва мунозаралар ўтказишжараёни.

Виртуал лаборатория – ўрганилаётган ҳақиқий объектларда бўлаётган жараёнларни имитация қиладиган масофали (узоқлаштирилган) киришга эга бўлган аппарат-дастурий мажмуа.

Виртуал аудитория - ўқув жараёнининг ўқитувчиси ва бошқарувчисининг маслаҳатини олиш учун тармоқ технологияси ёрдамида турли географик жойларда яшаётган талабаларни бирлаштириш.

Виртуал ҳақиқийлик - ўрганишга мўлжалланган мураккаб жараёнларда бўладиган ходисаларни аудио видео тизими орқали ўқувчи тассавуридаги мавҳум кўриниши.

Виртуал синф – ўқитиш тизимидан фойдаланиб, турли хонаёки бинолардаги ўқувчилар гуруҳи билан ўтказиладиган дарс (машғулот).

Виртуал университет (ВУ) – одатда анъанавий ўқув юртининг атрибутлари (бинолари, синфлари, лабораториялари, ётоқхоналари ва ҳ.зо) га эга бўлмаган таълим тузилмаси бўлиб, унда турли бўғинлар (деканат, кафедра ва ҳ.зо) географик нуқтаи назардан ажратилган, лекин Интернет глобал тармоғи ёки бошқа компьютер тармоғи орқали фаол ва унумли алоқада бўладилар. Бундай ўқув юртининг тузилиши, одатда, марказий ваколатхона, минтақавий ва худудий ваколатхоналардан ташкил топади.

Гиперматн –ассоциатив боғланган блоклар кўринишида тақдим этилган (бошқа матнли ҳужжатларга йўл кўрсатувчи) матн.

Гипермедиа - матндан ташқари мультимедиа имкониятларини ҳам ўзида мужассамлаштирган маълумотларга йўл кўрсатувчи ҳужжатлар.

Гипермуружаат - тагига чизилган ёки қандайдир бошқа усулда ажратиб кўрсатилган сўз ёки жумла бўлиб, гиперматнли тизимнинг бошқа блок, ҳужжат, гипермуҳит саҳифаси, гиперматнини кўрсатиш имкониятини беради.

Гипермуҳит - бир-бири билан ассоциатив боғланган нисбатан катта бўлмаган блоклар кўринишидаги ахборотнинг ихтиёрий кўринишини тақдим этган технология.

Глобал тармоқ - минтақавий (қитъалардаги) компьютерларни ўзида бирлаштириш имконига эга бўлган тармоқ.

График муҳаррир - тасвирларни таҳрир қилишни таъминлайдиган амалий дастур.

Дастурий таъминот— бу ахборот тизимининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун дастурлар мажмуи, шунингдек техник воситалар комплексининг меъёрида ишлаб туриши демакдир ёки қисқача компьютерда ўрнатилган дастурларнинг мажмуисидир.

Дастурий таъминот таркибига— умумий тизимли, амалий, дастурий воситалар киради.

Дастурий интерфейс — бу ҳисоблаш тизими доирасида қурилма ва дастурлар ўзаро таъсирини таъминловчи воситалар йиғиндисидир.

Дидактик воситалар - ўқув фанини ўзлаштириш самарадорлигини оширувчи педагогик воситалар.

Дидактик материал - фойдаланилганда ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштириш, ўқув вақтини иқтисод қилишни таъминлайдиган ўқув машғулоти учун мўлжалланган қўлланмаларнинг махсус кўриниши.

Дидактик тамойиллар - натижавийликни таъминлайдиган таълим жараёнига қўйилган энг умумий талаблар тизими.

Дизайн - ўқув материални ифодалаш (тавсифлаш, намоёниш) усули. Дифференциаллашган таълим - ўқувчиларнинг мойиллиги, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув фаолиятни ташкил этиш шакли.

Домен (domain) — Интернетдаги ресурснинг қайси давлат ёки соҳага тегишлилигини билдирувчи белги

Жараён— олдида қўйилган мақсадга эришишга ё`налтирилган ҳаракатларнинг муайян йиғиндиси, жамланмасидир.

Истеъмолчи учун бизнес— 1) ахборот маконида иқтисодий фаолият соҳаси. Бу соҳа якуний фойдаланувчи талабларини қондиришга ва узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий муносабатларни шакллантиришга ё`налтирилган; 2) бизнес олиб боришнинг электрон модели. Унда якуний маҳсулот истеъмолчиси билан ишлаб чиқарувчи орасида келишувлар электрон кўринишда бажарилади. B2 секторига, Интернет орқали бевосита истеъмолчилар ва бошқалар билан савдо қилувчи электрон дўконлар, ташкилотлар киради.

Ишчи гуруҳи— Умумий ресурсларга эга бўлиб, улардан фойдаланувчилар тўплами. Маҳаллий тармоқларда ишчи гуруҳи, фойдаланувчиларнинг функционал мажбуриятлари белгилаган вазифалар мажмуини бажариш учун тузилади. Масалан, лойиҳа ишлаб чиқиш, электрон маркетинг ўтказиш. Тармоқда бу гуруҳга махсус ресурслар: ахборот тизимлари, амалий дастурлар, қурилмалар ажратилади. Шунга мос тарзда, ишчи гуруҳининг ресурслари қолган тармоқ фойдаланувчиларидан мантиқий яқкалаб қўйилади. Гуруҳ ихтиёридаги ахборотдан эркин фойдаланиш ҳуқуқи фақат гуруҳ аъзоларигагина тегишли. Ишчи гуруҳининг

фаолиятида электрон почта ва видеоконференсиялар муҳим роль эгаллайди. Ишчи гуруҳи ғояси тараққиёти виртуал тармоқлар яратилишига олиб келди.

Иқтисодий ахборот бу— 1) ишлаб чиқариш жараёнларини моддий ресурслар, бозорлар, банк ва молия муассасалари фаолияти билан тўғридан- тўғри боғлайдиган ахборотлардир; 2) халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий ва молиявий фаолиятларини ифодаловчи маълумотлар тўпламига айтилади.

Интеллектуал тизим — билимлар интеллектуал тизимнинг хотирасида сақланиб, аниқ фан соҳасига тегишли ижодий масалаларни еча оладиган техник ва дастурли тизим.

Интранет (Intranet) – Интернетнинг кўпгина функционал имкониятларига эга бўлган ташкилот ёки корпорациянинг ички тармоғи. Интранет Интернетга уланган бўлиши ҳам мумкин.

Интернет — минглаб маҳаллий ва минтақавий компьютер тармоқларини бир бутун қилиб бирлаштирувчи бутун дунё компьютер тармоғи.

Индивидуал (яккама-якка тартибда) масофавий ўқитиш - телекоммуникация ва таълимни таъминлаш учун зарур дастурий воситаларига эга бўлган масофавий ўқитиш.

Интерактив ўзаро алоқа - электрон почта, эълонлар электрон досқаси, онлайн мавзули муҳокамалар, чат, аудиоанжуман, видеоанжуман, маълумотлар ва файллар билан алмашилиш, умумий тармоқ иловаси ва бошқаларни ўз ичига олган компьютер билан ўзаро алоқа қилиш, «инсон-машина» мулоқоти.

Интерактив ўқув курслари - ўзаро мулоқот асосига қурилган воситалардан фойдаланиб тузилган курслар.

Интернетга уланиш - интернет каналлари орқали ахборот ресурсларидан фойдаланиш (очиш, кўриб чиқиш, нусхалаш, узатиш ва бошқалар) имкониятига эга бўлган компьютернинг ишлаш тартиби.

Интранет - интернетнинг кўпгина функционал имкониятларига эга бўлган ташкилот ёки таълим муассасасининг ички тармоғи. Интранет интернетга уланган бўлиши ҳам мумкин.

Маълумотлар базаси (МБ) — 1) компьютерлар ёрдамида қидириб топилиши ва қайта ишланиши мумкин бўлган тарзда тартибга солинган маълумотлар тўплами

Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари деб: — маълумотлар базасини яратиш, ишлатиш ва кўпчилик фойдаланувчилар томонидан биргаликда фойдаланишни таъминловчи тил ҳамда дастурлар таъминотлари тўпламига айтилади.

Модем ва факс-модемлар. Модем-телефон тармоғи орқали компьютер билан алоқа қилиш имконини берувчи қурилмадир.

Мультимедиа — ахборотни (матн, расм, анимация, аудио, видео) тасвирлашнинг кўп каналлик усули.

Мультимедиа восита — бир вақтнинг ўзида ҳаракатланмайдиган тасвир, видеофильм, график қиёфадаги анимациялар, матн, овоз уйғунлигида тасвирлашнинг интерактив воситалари

Мультимедияли дарсликлар — мультимедиа муҳит ёрдамидатасвирий материалларни юқори тартибли динамикаси билан CD дисклардаги дарсликлар.

Мазмуни, одатда, табиий маърузалар, тасвирланган айтиб беришлар, малакали диктор томонидан касбий овоз берилганва кинематографик йиғиш қонуниятларини сақлаган ҳолда бирлаштирилган бўлади.

Модель - (лотинча сўз бўлиб, model -ўлчов, намуна, меъёр маъносини билдиради) -кенг маънода бирор объект ёки объектлар системасининг образи ёки намунаси ёки қисқача моделлаштиришдир.

Логин (*Логин, Login*)-тармоққа, Компютерга кириш учун рухсат берилган фойдаланувчининг исми ёки тахаллуси.

Тизим— юнонча сўз бўлиб, ташкил этувчилардан иборат бир бутунлик деган маънони англатади.

Тизимнинг асосий хусусиятлари: – мураккаблик, бўлинишлик, яхлитлик, элементларнинг кўп турлилиги ва улар табиатининг хилма– хиллиги, таркиблаштирилганлиги.

Тизимли дастурий таъминотга – MS DOS, Нортон Коммандер, Windowsлар киради.

Тизим маъмури— ташкилот ёки муассаса тизим дастурий таъминотининг аҳволи, ривожланиши ва фойдаланилиши учун жавобгар инсон ёки шахслар гуруҳи. Тизим маъмури фойдаланувчиларнинг қайд ёзувларини олиб боради, қайд ёзувлари сиёсатини белгилайди, оператсион тизимларнинг фаодияти ва маълумотлар муҳорфазасининг керакли поғонасини таъминлайди. У ушбу ташкилотнинг тизим мухандислари, тизимли дастурлаштирувчилар ва фойдаланувчилари билан ўзаро алоқада ишлайди.

Хавфсизлик— 1) тизим ёки тармоқ ахбороти муҳофазасини, сақланиши, ишончлилигини ва пухталигини таъминлаш қобилияти; 2) объектнинг тасодифий ва атайлаб қилинган таҳдидларга қарши тура олиш қобилиятидир.

Ҳужжат— 1) матн, товуш ёки тасвир шаклида ахборот ёзилган, замон ва маконда узатиш ҳамда сақлаш ва жамоат томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий объект; 2) маълум бир фактни ёки бирор нарсага ҳуқуқни тасдиқловчи иш қоғози; 3) кўрсатувчи шахсини аниқловчи гувоҳнома, расмий қоғоз; 4) маълум тарихий воқеалар, фактлар ҳақидаги ёзма гувоҳнома.

Хост(*Хост, Host*)- махсус Компютер ёки уларнинг гуруҳи бўлиб, Интернетга тўғридан-тўғри уланади. Тармоқдаги бошқа Компютерларга ўз ресурсларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Хостинг(*Хостинг, Hosting*)- мижозларнинг Веб-сайтларини Веб-серверларда жойлаштириш ва доимий равишда фаолият юритишини таъминлаш хизмати.

Эгилувчан дисклар (дискеталар) маълумотларни ёзиш ва улардан маълумотларни ўқиш учун диск юритувчи (дисковод) қурилмаси ишлатилади. Диск юритувчининг икки тури мавжуд: 3,5 дюмли дискетага мўлжалланган модел ва 5,25 дюмли дискетага мўлжалланган эскирган модел.

Қаттиқ дисклардаги жамлагичлар (винчестерлар)компьютер билан ишлаганда фойдаланиладиган ахборотни доимий сақлашга мўлжалланган. Масалан, операцион тизим дастурлари, кўп ишлатиладиган дастурлар пакетлари, ҳужжатлар тахрирлагичлари, дастурлаш тиллари учун трансляторлар ва бошқалар.

Компакт дисклар. Оптик диск (CD-ROM) учун диск юритувчининг иш принципи эгилувчан дисклар учун диск юритувчиларнинг иш принципига ўхшашдир. CD-ROMнинг юзаси лазер каллакга нисбатан ўзгармас чизиqli тезлик билан ҳаракатланади, бурчак тезлик эса каллакнинг радиал жойлашишига қараб ўзгаради.

Трекбол. Трекбол – «ағдарилган» сичқончани эслатувчи қурилмадир. Трекболда унинг корпуси эмас, балки шарча ҳаракатга келтирилади. Бу эса курсорни бошқариш аниқлигини сезиларли равишда оширишга имкон беради

Сканерлар. Сканер – компьютерга матн, расм, слайд, фотосурат кўринишида ифодаланган тасвирлар ва бошқа график ахборотларни компьютерга автоматик равишда киритишга мўлжалланган қурилмадир.

Стратегик ахборот тизими– ташкилот ривожланишининг стратегик истиқболли мақсадларини амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилишни қўллаб– қувватлашни таъминловчи компьютерли ахборот тизимидир.

Сайт - графика ва мултимедия элементлари жойлаштирилган гипермедия ҳужжатлари кўринишидаги мантиқан бутун ахборот.

Сервер (server)- маълумотларни ўзида сақловчи, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатувчи, тармоқдаги принтер, ташқи хотира, маълумотлар омбори каби ресурслардан фойдаланишни бошқарувчи компьютер.

Плоттерлар – бу, компьютердан чиқарилаётган маълумотларни қоғозда расм ёки график кўринишда тасвирлаш имконини берувчи қурилмадир. Одатда уни график ясовчи (графопостроител) деб ҳам аташади.

Провайдер (provider) - компьютерларнинг тармоққа уланиш ва ахборот алмашишини ташкил қиладиган ташкилот.

Форум (ингл. www-conference) — сайтда мулоқат қилиш асбоблари. Форумдаги ахборотлар қайсидир томонидан почтага ухшайди-уларнинг ҳар бири муаллиф, мавзу ва ўзининг мазмунига эгалар. Лекин форумга маълумот жўнатиш учун ҳеч қандай қушимча дастур зарур эмас-фақат сайтда мос шаклни тўлатиш керак.

Факс-модем - бу, факсимил хабарларни қабул қилиш ва жўнатиш имконини берувчи модемдир.

Фойдаланувчи интерфейси - фойдаланувчини тизим ёки тармоқ билан ўзаро таъсирини аниқлайдиган шакл.

Фойдаланувчиларни қайд этиш-ахборот-таълим ресурсларига кириш ҳуқуқини олиш учун фойдаланувчи ҳақидаги маълумотларни киритиш жараёни.

Веб - ҳужжат(*веб- документ, web-dokument*)-1.Одатда, махсус мурожаат ХТМЛ (Ҳипертекст Маркуп Лангуаге) тилидаги ҳужжат. Веб - ҳужжат Умумжаҳон тармоғи асосини ташкил қилади. Улар гиперматндан иборат бўлиб, фойдаланувчига ажратиб кўрсатилган сўз ёки жумлага қаратиб, маълумотларни ўқиш, ҳужжатнинг бошқа қисмига ёки айна ҳужжат билан гипермурожаат ёрдамида боғланган бошқа веб - ҳужжатга ўтиш имконини беради. Веб -ҳужжат, шунингдек, матн, тасвир, товушларни мужассамловчи гипермуҳит маълумотни ҳам ўз ичига олиши мумкин. веб -ҳужжатни очиш, уларни ўқиш ёки акс эттириш Интернет браузерлари ёрдамида амалга оширилади. Веб - ҳужжат тушунчаси « веб-саҳифалар» ва« веб-сайтлар» тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ.

